

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК: 821.512.133.09-1

ИСМОИЛОВ ИЛЁС АБДУКАЮМОВИЧ

АЛИШЕР НАВОЙЙНИНГ «САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДОСТОНИ  
ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий маслаҳатчи:** Сирожиддинов Шухрат Самариддинович,  
филология фанлари доктори, профессор

Тошкент – 2022

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>I БОБ. ИСКАНДАР ҲАҚИДА АСАР ЁЗИШ АНЪАНАСИНING ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИ</b>	
1.1. Искандар мавзусининг Ғарбдаги диний асослари.....	18
1.2. Александр ҳақидаги грек-юнон романлари.....	34
1.3. Псевдо-Каллисфен анъанаси.....	54
Боб бўйича хулосалар.....	68
<b>II БОБ. ИСКАНДАР МАВЗУСИНING ШАРҚДАГИ АСОСЛАРИ ВА РЕЦЕПЦИЯСИ</b>	
2.1. Искандар мавзусининг Шарқдаги диний асослари.....	71
2.1.1. Зулқарнайн масаласи.....	71
2.1.2. Тафсирларда анъаналар диффузияси.....	87
2.2. Искандар қиссаси шарқ тарихчилари талкинида.....	99
Боб бўйича хулосалар.....	117
<b>III БОБ. ИСКАНДАР ҚИССАСИНING ХАМСАНАВИСЛИК АНЪАНАСИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ</b>	
3.1. Искандар қиссасининг Навоийгача адабий қайта ишланиш жараёни....	119
3.2. «Садди Искандарий» достонида сюжет ва образлар такмили.....	138
Боб бўйича хулосалар.....	180
<b>IV БОБ. НАВОЙНИING ТАСВИР МАҲОРАТИ</b>	
4.1. Сарлавҳалар поэтикаси.....	184
4.2. Навоий ижодий индивидуаллигининг ҳикоятларда акс этиши.....	204
4.3. Достоннинг айрим услубий хусусиятлари.....	228
Боб бўйича хулосалар.....	256
ХУЛОСА.....	259
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	264
ИЛОВАЛАР.....	284

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқларининг яратувчилик даҳоси билан юзага келган ва ўзида маънавий-маърифий, илмий меросни акс эттирган адабиётни тадқиқ этиш, инсон руҳияти, адабий-эстетик тафаккур тарзига хос қонуниятларни аниқлаш бугун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, халқаро миқёсда филология соҳасида гуманистик глобализация ва интеграция жараёнлари билан бир қаторда миллий адабий меросни чуқур ўрганиш орқали уни тарғиб этиш ва ўзига хос жиҳатлари борасида мукамал тасаввурларни шакллантириш тенденциясининг кучайиб бораётгани ҳақиқат. Бунда исталган миллатнинг адабий мероси, поэтик тафаккури маҳсулининг инсоният маънавий оламини юксалтиришдаги ўрнини илмий асослаш долзарблик касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ҳозирда интертекстуал, гипертекстуал, генетик ва компаративистик ёндашув тенденциялари муҳим аҳамиятга молик бўлиб улгурди, чунки адабиёт ижодий ҳодиса ва жараён сифатида асл моҳиятни мазкур аспектларда кўпроқ намоён этади. Шунингдек, замонавий дунёнинг интеллектуал салоҳияти ва медиа-рақамли потенциали адабиётшуносликнинг мазкур жабҳалари ривожланишига кенг шароит яратди. Аслида ҳар қандай адабий ҳодиса ёки адибнинг ижодий-илмий мероси, фаолияти борасида фикр билдирилганда, баркамол адабий-эстетик қарашлар ва концепциялар таҳлилида масаланинг генезисидан келиб чиқиш ва шу асосда поэтикага оид хулосалар чиқарилиши зарур. Ушбу принцип нафақат дунё адабиётшунослиги, балки миллий адабиётшуносликлар ривожини тушунишда ҳам муҳим аҳамият касб этади ва у жиддий эътибор қаратилиши керак бўлган илмий муаммолардандир.

Ўзбек адабиётининг қадимий илдизлари, кўхна ўтмиш ва бой меросга эга эканлиги уни филологиядаги хилма-хил ёндашувлар асосида тадқиқ этишга имкон беради. Жумладан, буюк шоир ва мутафаккир, миллий маънавиятимиз асосчиларидан бўлган Алишер Навоий асарлари бу борада

катта адабий манба вазифасини бажара олади. Бугун «Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш»<sup>1</sup> муҳим аҳамият касб этмоқда. Аслида, Алишер Навоий ижоди барҳаётлигининг бош сабаби ҳам унинг чуқур илдизларга эгаллиги ҳамда теран асосларга таянишидир. Аммо навоийшуносликка оид мавжуд тадқиқотларнинг аксарида масаланинг мазкур жиҳати эътибордан четда қолди, натижада Навоий асарларининг генезиси тадқиқ этилган ва шу асосда шоирнинг поэтик кашфиётлари кўрсатиб берилган илмий ишлар кам ёзилди. Сюжет миграцияси каби муҳим илмий масалалар Навоий ижоди мисолида етарли ўрганилмади. Ҳолбуки, генетик ёндашув Навоий ижодининг нақадар мустаҳкам асосларга таянгани ва оригиналлигини кўрсатса, поэтик ёндашув адибнинг бадиий маҳорати ва ижодий индивидуаллигини тушунишга муносиб ёрдам беради. Шунга кўра, Алишер Навоий ижодини илмий-назарий асосда ўрганишда генетик ва поэтик аспектларга мутаносиб эътибор қаратиш ҳозирги ўзбек навоийшунослиги учун долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-

---

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida”gi qarori // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 20.10.2020, 07/20/4865/1395-son.

4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Адабий ҳодиса ва асар генезиси, муштарак бадиий мотивлар, адабий алоқалар ва поэтика масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари, жумладан, University of Strasbourg (France, 1890), Akademie der Wissenschaften in Wien (Austria, 1889), British Museum, (UK, 1889 – 1890), University of London (UK, 1929), University of California (USA, 1995, 2005, 2008, 2017), New York University (USA, 1967, 1970), Columbia University (USA, 1997, 2008, 2011), Indiana University (USA, 1971), International Comparative Literature Association (UK, 1970 – 2021), University of Wisconsin (USA, 1968), University of North Carolina (USA, 1972), Yale University (USA, 1974), University of Chicago (USA, 2007), Санкт-Петербургский гуманитарный университет (Санкт-Петербург, 2009),

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.proquest.com/>, <https://en.unistra.fr>, <https://www.oeaw.ac.at>, <https://www.britishmuseum.org/>, <https://www.london.ac.uk/>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <https://www.nyu.edu/>, <https://www.columbia.edu/>, <https://www.indiana.edu/>, <https://www.aile-icla.org/>, <https://www.wisc.edu/>, <https://www.unc.edu/>, <https://www.yale.edu/>, <https://www.uchicago.edu/>, <https://www.gup.ru/>, <https://vu.nl/nl>, <https://ut.ac.ir/fa>, <https://science.gov.az/az>, <https://archive.org/>, <https://www.dissercat.com/>, <http://diss.natlib.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

University of Missouri (USA, 2009, 2014), Vrije Universiteit (Netherlands, 2011), University of Tehran (Iran, 1364(h.)), Azərbaycanın Milli Elmlər Akademiyası (Azərbaycan, 1947, 1999, 2002) da tadқиқотлар олиб борилмоқда.

Искандар мавзуси, унинг манбалари, сюжети ва образлари, Алишер Навоий ижодиётининг адабий қиммати масалалари дунёнинг етакчи tadқиқот ва таълим марказларида ўрганилиб бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Александр романларнинг турли версиялари генезиси ўрганилиб, мавзунинг адабиёт билан муносабати, Шарққа трансформацияси тўғрисида муайян қарашлар баён қилинган (University of Strasbourg, France; Akademie der Wissenschaften in Wien)<sup>3</sup>, Псевдо-Каллисфен аънаси, унинг сурёний версия бўйича tadқиқотлар амалга оширилган, асар инглизчага таржима қилиниб, мавзунинг Ғарб ва Шарқдаги эволюцияси тушунтирилган (British Museum, UK)<sup>4</sup>, Александр тарихининг кейинги даврлардаги рецепцияси, Александр ҳақида асар ёзиш аънасининг форсий аспекти масалалари ўрганилган (Routledge, University of Exeter, Great Britain)<sup>5</sup>, Шарқ ва Ғарбнинг илмий-маданий алоқалари, шарқ маданияти ва фанига ғарбона тушунча ва қарашларнинг таъсири, ҳикмат адабиёти ва юнон фалсафасининг ўзаро боғлиқлиги масалалари tadқиқ этилган (Yale University, USA)<sup>6</sup>, антик давр, Александр фаолияти, эллинизм, форс – юнон урушлари тарихи ўрганилди (University of Texas, University of Iowa, USA)<sup>7</sup>, Александр ҳақидаги араб қиссалари, уларнинг тарихий такомилли, Гог-Магог ҳақидаги тасаввурлар

---

<sup>3</sup> Nöldeke T. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F. Tempsky, 1890. – 56 b.

<sup>4</sup> The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – 680 p.

<sup>5</sup> Stoneman Richard. Alexander the Great: A Life in Legend. – New Haven / London: Yale University Press, 2008; The Alexander Romance in Persia and the East. Edited by Richard Stoneman, Kyle Erickson, Ian Netton. – Groningen: Barkhuis Publishing – Groningen University Library, 2012. – 420 p.

<sup>6</sup> Gutas Dimitri. Greek Philosophers in the Arabic Tradition (Variorum Collected Studies Series: CS698). – New York: Routledge, 2016. – 335 p.; Greek Thought, Arabic Culture. The Graeco-Arabic Translation Movement in Baghdad and Early 'Abbasid Society. (2nd-4th / 8th-10th centuries). – London and New York, 1998. – 248 p.; Gutas D. The Greek and Persian background of Early Arabic Encyclopedism. Сайид Маҳдий таржимаси. URL: <http://www.ettelaathekmatvamarefat.com/new/index> (12.04.2018)

<sup>7</sup> Green Peter. Alexander of Macedon, 356-323 B.C.; A Historical Biography. – Berkeley – Los Angeles – London: University of California Press, 2013. – 668 p.; Alexander The Great and the Hellenistic Age. – London: The Orion Publishing Group, Ltd., 2007. – 269 p; The Greco-Persian Wars. – Berkeley – Los Angeles – London: University of California Press, 1998. – 384 p.

тарихи ёритилган (Vrije Universiteit, Netherlands)<sup>8</sup>, туркий манбаларда қайд этилган Искандар ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган (Chicago University, USA; Utrecht University, Netherlands)<sup>9</sup>, Навоийнинг Марказий Осиё адабий муҳитига олиб кирган янгиликлари, кейинги давр адабиётига таъсири очиб берилган (Indiana University, USA)<sup>10</sup>, Навоий поэтикасидаги билингвизм ходисасини тадқиқ этилган (The University of Michigan, USA)<sup>11</sup>, Искандар қиссасидаги тарихий ўзгаришлар, Искандар образи тасвирланган форсий манбалар ҳамда уларнинг Навоий ижодига таъсири масалалари кўрсатилган (Ленинградский государственный университет, Россия)<sup>12</sup>, Искандар образининг фольклор ва ёзма адабиёт анъаналари билан алоқасига эътибор қаратилган (Казахский педагогический институт имени Абая, Казахстан)<sup>13</sup>, Искандар образининг форс адабиётидаги талқинлари, форсий искандарномалар муқоясаси амалга оширилган (Tehron), мавзу тарихи ва адабий хусусиятларига оид хулосалар баён қилинган (University of Tehran, Iran)<sup>14</sup>, «Садди Искандарий» достони матни ва лексикаси тадқиқ этилган (Istanbul Universitesi, Türkiye)<sup>15</sup>, Аҳмадийнинг туркий тилдаги «Искандарнома»си ўрганилган (Ankara Universitesi, Türkiye; Казанский Федеральный университет, Татарстан)<sup>16</sup>, Искандар ва Зулқарнайн масаласи (Türkiye)<sup>17</sup>, искандарномаларнинг туркий тармоғи, уларнинг фольклор билан муносабати, хусусан, Аҳмад Ризвонийнинг «Искандарнома»си текширилган

<sup>8</sup> Dufikar-Aerts Faustina. Alexander Magnus Arabicus. – Paris – Leuven – Walpole: Peeters, 2010. – 440 p.; Seyed-Gohrab, F. Doufikar-Aerts, S. McGlinn. Embodiments of Evil: Gog and Magog. – Leiden: Leiden University Press, 2011. – 165 p.

<sup>9</sup> Boeschoten H. Alexander Stories in Ajam Turkic. Wiesbaden, 2009.; Dankoff R. The Alexander romance in the Diwan Lughat at-Turk. In: Humaniora Islamica 1 (1973), pp. 233 – 244.

<sup>10</sup> Walmsley Nicholas Gerard. O Navā'ī: imitation, innovation, and the invention of a Central asian literary icon, 1500–1900. Ph.D. dissertation. – Indiana: 2016. – 342 p.

<sup>11</sup> Fearey Margaret Sharon. Nava'i's turkic and persian quatrains: discourse typology and the bilingual poet. Ph.D. dissertation. – Michigan: 1977. – 188 p.

<sup>12</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 498 с.

<sup>13</sup> Костюхин. Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – Москва: Наука, 1972. – 190 с.

<sup>14</sup> صفوی سید حسن. اسکندر و ادبیات ایران. – تهران: امیر کبیر، ۱۳۶۴. ۴۰۷ ص.  
صفا ذبیح الله. حماسه سرایی در ایران. – تهران: پیروز، ۱۳۳۳. ۶۷۷ ص.

<sup>15</sup> Tören H. Alî Şîr Nevâyî Sedd-i İskenderî (İnceleme-Metin-Dizin). Doktora Tezi. – İstanbul: 1990.

<sup>16</sup> Ünver I. Türk Edebiyatında Manzum İskendernameler. Doktora tezi. – Ankara: Ankara Üniversitesi, 1975; Миннегулов Х. Татарская литература и Восточная классика. – Казань: Казанского университета, 1993.

<sup>17</sup> Pala I. Iskender mi Zulkarneyn mi? // Journal of Turkish Studies, 1990. – Vol.14. – P. 387 – 403.

(Balıkesir University, Türkiye)<sup>18</sup>, хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган Низомий исқандарномаси тадқиқ этилган (Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası, Azərbaycan)<sup>19</sup>, Александр романларининг халқ китобларига рецeпцияси, Искандар ҳақидаги халқ китобларининг қиёсий тадқиқи каби масалаларга эътибор қаратилган (Таджикский государственный институт языков, Таджикистан)<sup>20</sup>.

Жаҳон адабиётшунослигида Искандар мавзуси ва навоийшуносликка оид илмий-назарий муаммоларни ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Александр тарихи ва романларининг илк сарчашмаларини аниқлаш; Александр романларининг адабий ва фольклорга хос рецeпцияси, турли халқлар томонидан яратилган версияларига хос жиҳатлар; Александрга оид адабиётнинг Фарбдан Шарққа трансформацияси масалалари; Псевдо-Каллисфен анъанаси ва унинг етакчи версиялари яратилган давр, унинг муаллифи; шарқ адабиётидаги исқандарномаларни қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик аспектларда тадқиқ этиш; Искандар мавзусининг образлар тизими, мотивлари ва эпизодларининг тарихи ва бадиий талқинларини ўрганиш; исқандарномаларни Шарқу Фарбнинг маданий алоқалари контекстида ўрганиш; поэтик тасвир ва талқинлар трансформациясини ёритиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоий ижодининг поэтик аспекти яхши ўрганилганига қарамай, генезиси, ғоявий манбалари етарлича тадқиқ этилган эмас. Навоий ижодининг манбаларига оид мулоҳазалар А.Ҳайитметов<sup>21</sup>, М.Собиров<sup>22</sup>, И.Султон<sup>23</sup>, В.Зоҳидов<sup>24</sup>,

<sup>18</sup> Avcı İ. Türk Edebiyatında İskendernâmeler ve Ahmed-i Rıdvân'ın İskendernâme'si. Doktora Tezi. – Balıkesir, 2013; ўша муаллиф: Alexander the Great in Azerbaijani Turkish Literature // Remarks on Turkish Studies. – Warsaw: 2015; ўша муаллиф: Divan Şiirinde İskender-i Zülkarneyn // The Journal of International Social Research, 29, Vol. VII, Issue: 29; ўша муаллиф: Evliya Çelebi'nin Seyahatnâme'sinde İskender-i Zülkarneyn // Türuk Dil, Edebiyat ve Halkbilimi Araştırmaları Dergisi. – 2013, – № 2; ўша муаллиф: İskendernâmelerde ölümsüzlüğe yolculuk: İskender-i Zülkarneyn ve Hızır // Türkoloji sempozyumu bildirileri. – Adana, 2012.

<sup>19</sup> Abbasov Ə. Nizami Gəncəvinin "İsgəndərnâmə" poeması. – Bakı: Azərb. SSR EA Yaxın və orta şərq xalqları institutu nəşriyyatı, 1966. – 197 s.

<sup>20</sup> Восиева Р.К. Роман об Александре и его рецeпция в народных романах «Искандарнаме». Дис. ... докт. филол. наук. – Душанбе: 2016. – 379 с.

<sup>21</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 1. – Б. 5–12; Алишер Навоий ижоди жаҳон адабиёти контекстида // Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 5–7.



Н.Маллаев<sup>25</sup>, Ҳ.Ҳомидов<sup>26</sup>, Э.Шодиев<sup>27</sup>, А.Абдуқодиров<sup>28</sup>, Ш.Шарипов<sup>29</sup>, Ш.Сирожиддинов<sup>30</sup> тадқиқотларида, «Хамса» муқоясасига бағишланган ишларда<sup>31</sup> ва айрим мақолаларда<sup>32</sup> таҳлил этилган. Қолаверса, Навоий ижодининг бадиий хусусиятларига оид кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, «Садди Искандарий» достони поэтикаси яхлит ҳолда, анъана ва генетик асосда текширилмаган.

«Садди Искандарий» достони шу кунга қадар, асосан, уч йўсинда ўрганилган. Дастлабки гуруҳ тадқиқотларда дoston махсус таҳлил этилган. Булар Е.Э.Бертельс, А.Қаюмов, Х.Тўран, М.Ҳамидова, Ю.Азимов, Н.Комилов ва И.Исмоилов томонидан бажарилган ишлардир<sup>33</sup>. Е.Э.Бертельс Искандар образининг генетик асосларига эътибор қаратиб, искандарномаларни сиёсий донишмандлик мажмуи, давр мафқурасини акс эттирувчи асарлар сифатида текширган бўлса, А.Қаюмов дostonнинг ғоявий-фалсафий мазмуни, бадиияти ва образлари характеристикасига оид

---

<sup>22</sup> Собиров М. Халқ ҳикоятлари Навоий ижодида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1968.

<sup>23</sup> Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2010.

<sup>24</sup> Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970.

<sup>25</sup> Маллаев Н. Навоий ижодининг халқчил негизи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

<sup>26</sup> Ҳомидов Ҳ. Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985.

<sup>27</sup> Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989.

<sup>28</sup> Абдуқодиров А. Навоий ва накшбандийлик. – Хўжанд, 1994; Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1996; Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. – Хўжанд: Нури маърифат, 2014.

<sup>29</sup> Шарипов Ш. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982.

<sup>30</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.

<sup>31</sup> Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепсияси. Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1995; Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. – Тошкент: Фан, 1970; Нарзуллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Тошкент: Фан, 1988; Ҳасанов Б. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашрёт-матбаа бирлашмаси, 1991; Муртазоев Б. «Алишер Навоий «Сабаи сайёр» ва Хусрав Дехлавий «Ҳашт беҳишт» дostonларининг қиёсий таҳлили». Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1991.

<sup>32</sup> Навоий ва адабий таъсир масалалари. Мақолалар тўплами / нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, А.Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1968.

<sup>33</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 283-368.; Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975; Ҳамидова М. «Садди Искандарий» дostonининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1994; Азимов Ю. Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандарий» дostonининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1996; Tören N. Alî Şîr Nevâyî Sedd-i İskenderî (İnceleme-Metin-Dizin). Doktora Tezi. – İstanbul: 1990; Комилов Н. Хизир чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Исмоилов И. Алишер Навоий «Садди Искандарий» дostonининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. бўйича PhD. ...дисс. – Тошкент, 2019; Ismoilov I. Navoiy ijodida Iskandar obrazi talqinlari. – Toshkent: BAYOZ, 2020.

кузатишларини баён қилган. Х.Тўран ва М.Ҳамидова «Садди Искандарий» достони матнини тадқиқ этиб, танқидий матнлар тузишган. Ю.Азимов «Хирадномаи Искандарий» ва «Садди Искандарий» дostonларини қиёслашга бағишланган номзодлик диссертациясида кўпроқ Жомий дostonини таҳлил этган. Н.Комилов «Садди Искандарий»нинг илова фаслларидаги сўфиёна талқинларни тадқиқ этган. И.Исмоилов эса дoston бадиияти: Навоийнинг дебоча яратиш, композиция тузиш, сюжетни шакллантириш ва образ яратиш маҳоратини Низомий Ганжавий «Искандарнома»си билан қиёсий аспектда тадқиқ этган.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотларда Навоийнинг муайян масаладаги маҳорати ушбу дoston асосида кўрсатилган ёки бирор масала муносабати билан унга мурожаат этилган<sup>34</sup>. Ф.Бойназаров Искандар Зулқарнайн образининг Ғарб ва Шарқ адабиётларидаги эволюцияси ҳақида умумий фикрларини баён қилса, Ф.Сулаймонова дostonни қадимий ва ўрта аср маданий алоқалари контекстида таҳлил қилган. А.Эркинов дoston асосида Навоийнинг пейзаж яратиш маҳоратини, шунингдек, Навоий «Хамса»си талқинларининг манбаларини ўрганган бўлса, «Садди Искандарий» дostonи мисолида И.Салимов образ яратиш, Д.Юсупова мазмун ва ритмни уйғунлаштириш маҳоратига эътибор қаратган. А.Ҳайитов Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш масаласини ўрганиш мобайнида, О.Абдуллаев Хусрав ва Навоий «Хамса»ларининг қиёси доирасида, И.Авжий искандарномаларнинг туркий тармоғи тадқиқи ва манбаларига оид кузатишлари асносида «Садди Искандарий»ни ўрганган<sup>35</sup>.

---

<sup>34</sup> Бойназаров Ф. Искандар Зулқарнайн. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1990; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 98-161; Эркинов А. Навоий – пейзаж устаси. – Тошкент: Фан, 1988; Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2008; Салимов И. Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати («Садди Искандарий» мисолида). Филол. фан. номз... дисс. – Самарқанд, 1994; Ҳайитов А. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000; Абдуллаев О. Амир Хусрав Деҳлавий ва Амир Алишер Навоий (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Хужанд, 2011; Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011.

<sup>35</sup> Avcı İ. Türk Edebiyatında İskendernâmeler ve Ahmed-i Rıdvân'ın İskendernâme'si. Doktora Tezi. – Balıkesir, 2013; ўша муаллиф: Alexander the Great in Azerbaijani Turkish Literature // Remarks on Turkish Studies. – Warsaw: 2015; ўша муаллиф: Divan Şiirinde İskender-i Zülkarneyn // The Journal of International Social Research, 29, Vol. VII, Issue: 29; ўша муаллиф: Evliya Çelebi'nin Seyahatnâme'sinde İskender-i Zülkarneyn // Türok Dil,

Навоий ижодининг умумий талқинига бағишланган учинчи гуруҳ тадқиқотларда эса «Садди Искандарий» достонига айрим масалалар доирасида мурожаат этилган<sup>36</sup>.

Бироқ мавжуд тадқиқотларнинг ҳеч бирида Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси биргаликда олиниб, бири иккинчисидан келиб чиқувчи поэтик ҳодиса сифатида махсус тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, «ўтган асрнинг сўнги ўн йиллиги, жорий юз йиллик ибтидосида шаклланиб келаётган янги эстетик тафаккур Навоий ижодини жаҳон, шунингдек, ислом Шарқи бадий воқелиги доирасида ўрганиш заруратини сезяпти»<sup>37</sup>. Шу боис Искандар мавзусининг Шарқдаги адабий ривожига Навоий қўшган ҳиссани, генетик ва поэтик аспектларда амалга оширган янгиликларини илмий-назарий асосда тадқиқ этиш долзарб илмий муаммо бўлиб турибди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикасини ўзаро алоқадорликда ўрганиш орқали шоир ижодининг

---

Edebiyat ve Halkbilimi Araştırmaları Dergisi. – 2013, – № 2; ўша муаллиф: İskendernâmelerde ölümsüzlüğe yolculuk: İskender-i Zülkarneyn ve Hızır // Türkoloji sempozyumu bildirileri. – Adana, 2012.

<sup>36</sup> Шарафуддинов О. Алишер Навоий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1968; Жалолов Т. «Хамса» талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968; Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Яна ўша: Навоий ижодиётининг халқчил негизи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1995; Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари. Филол. фан. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2008; Қуронбеков А. Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonларида рамз ва тимсоллар. – Тошкент: Фан ва технология, 2015; Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Тошкент, 2015; Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижоди жаҳон адабиёти контекстида // Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 5–7; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Tamaddun, 2016; Жўракулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2017.

<sup>37</sup> Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 133.

кадимий илдизлари, манбаларини белгилаш, ғоя ва талқинлар трансформациясини аниқлаш ҳамда Навоийнинг мавзу ва анъана адабий тақомилига қўшган ҳиссасини очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Искандар мавзусининг илк манбалари ва уларнинг мазмун-мундарижаси, етакчи хусусиятларини аниқлаш;

Александр тарихи ва Псевдо-Каллисфен анъанасининг Шарқ манбаларига трансформацияси ва рецепцияси жараёнларини ишончли диний, тарихий манбалар асосида ўрганиш;

хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларнинг Александрнинг ҳақиқий тарихи, Псевдо-Каллисфен версиялари ва Зулқарнайн қиссасига муносабатини таҳлил этиб, асосий тенденцияларни белгилаш ва «Садди Искандарий» достонига таъсирини ёритиш;

«Садди Искандарий» сюжети ва образлари генезисини илк манбалардан бошлаб кўрсатиб бериш, ғоявий-бадий талқинлар трансформацияси ва тараққиётига хос муҳим жиҳатларни текшириш;

«Садди Искандарий» достонининг Искандар ҳақида асар ёзиш анъанасидаги муносиб ўрнини, Навоий киритган янгилик ва ўзгартиришлар мавжуд анъанани ривожлантиргани, Навоий янги версияга асос солганини назарий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоий «Хамса»сининг 1958 йил П.Шамсиев тайёрлаган нашридан ўрин олган «Садди Искандарий» достони олинди. Шунингдек, Мавжуда Ҳамидова ва Ваҳоб Раҳмоновлар томонидан илмий-танқидий матн асосида тайёрланиб, 2006 йили нашр этилган достон нусхаси ҳам тадқиқотга жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни «Садди Искандарий» достони генезисини мавзу, анъана, образ, сюжет, эпизод, мотив ва талқинлар кесимида аниқлаш, мавзу, тасвир ва талқин тақомилида Навоийнинг ўрни ва ижодий ташаббусларини исботлаш ҳамда достон бадииятини тадқиқ этиш масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, маданий-тарихий, тарихий-функционал, системали ёндашув, тавсифлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Искандар мавзусининг қадимий илдизлари ва асослари, уларнинг Шарқдаги рецепцияси, диний-тарихий манбаларда қайта ишланиш жараёни очиб берилиб, манбаларда Александр ва Зулқарнайн анъаналари, талқинлари янглиш тарзда қўшиб юборилгани асосланган;

Искандар қиссасининг ҳамсанавислик анъанасига трансформацияси, ҳар бир муаллифнинг мавжуд анъанага қўшган янгилиги Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий искандарномаларига оид ишончли фактлар билан далилланган;

«Садди Искандарий» достони генезиси образ, сюжет, композиция, эпизод, мотив, талқинлар кесимида Ғарбу Шарқдаги энг ишончли ва илк манбалар асосида текширилиб, Навоий тасвирларининг асл манзаралари ва шоирнинг улардан қай тарзда, қандай адабий-эстетик мақсадларда фойдалангани ва мавжуд ҳолатни такомиллаштиргани кўрсатиб берилган;

«Садди Искандарий» поэтикаси масаласи мавзу тарихидаги диний, тарихий ва адабий талқинларнинг Навоий ижодига трансформацияси ва қайта бадиий талқин этилишини очиб бериш, дoston сарлавҳалари поэтикаси, ҳикоятларда адиб ижодий индивидуаллигининг намоён бўлиши, анъанавий адабий материални қайта ишлаш маҳорати, тасвир услубига ҳос айрим етакчи хусусиятлар асосида аниқланган;

мавзу тарихида «Садди Искандарий» достонининг муносиб ўрни, Навоийнинг ижодий ташаббуслари ва оригиналлиги, искандарнома ёзиш анъанасини такомиллаштиргани ва янги версияга асос солгани исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари Искандар мавзусининг генезиси ва тарихий эволюцияси билан комплекс таништиради, жумладан, мавзунинг Ғарбдаги диний, тарихий ва фольклор асослари Библия, Талмуд, Александр ҳақидаги

грек-юнон романлари ҳамда Псевдо-Каллисфен каби манбалар ва уларнинг таҳлиллари орқали кўрсатиб берилган;

Искандар мавзусининг Шарқдаги асослари ва рецепция жараёни Зулқарнайн масаласи, тафсирлардаги талқинлар ва шарқ муаррихларининг муносабатлари тадқиқи асосида аниқланган ҳамда Александр ва Зулқарнайн, Гог-Магог ва Яъжуж-Маъжуж, оби ҳаёт ва Мусо қиссаси каби чалкаш масалалар, уларнинг турли талқинларига муносабат билдирилган;

Низомий «Искандарнома»сига хос етакчи хусусиятлар, Низомийнинг мазкур адабий анъана такомилга қўшган ҳиссаси, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий искандарномаларининг типологик ва фарқли жиҳатлари, Алишер Навоий достонининг мавзу тарихида тутган ўрнини белгилаш орқали Искандар қиссасининг ҳамсанавислик анъанасига трансформациясига хос асосий хусусиятлар аниқланган;

Ўзбек адабиётшунослигида биринчи бор «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси Ғарб ва Шарқдаги илк манбалар, диний, тарихий ва адабий асосларга таяниб ўзаро алоқадорликда ёритилган;

«Садди Искандарий» достони бадиияти, услубий хусусиятлари Навоий тасвирларининг қадимий илдизлари билан бақамти очиб берилган ҳамда Навоийнинг «Садди Искандарий» достони мавзу ва анъана тарихида янги адабий ҳодиса бўлгани далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, илмий-назарий конференцияларда ўқилган маърузалар, нашр этилган тезис ва монографиялар, тадқиқот объекти ва предметиға тизимли илмий ёндашув ва истифода этилган методологиянинг тадқиқот мақсадиға мувофиқлиги, далил, таҳлил ва хулосаларнинг дастлабки ва ишончли манбаларға таянгани, назарий қараш, ечим ва хулосаларнинг амалиётға татбиқ этилгани, натижаларнинг тегишли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алишер Навоий «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикасини чуқур ва тўғри талқин этиш, бадиий трансформация ва рецепция ҳодисаларига хос қонуниятларни аниқлиш, Искандар ҳақида асар ёзиш анъанасининг тарихини ёритиш ва бунда Навоийнинг хизматларини белгилаш, адибнинг ижодий индивидуаллигини исботлашда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Алишер Навоий «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси масалаларини ўзаро алоқадорликда ва чуқур англаш, Навоийнинг ижодий индивидуаллиги ва адабий-эстетик оламини кенгроқ ёритиш, шунингдек, адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига оид тадқиқот, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга ёрдам бериши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотда ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

«Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикасига оид янги маълумотлар, Навоий ижодий лабораториясига хос хусусиятлар борасидаги қарашлар, анъанавий мавзунинг Навоий томонидан қайта ишланишига доир янги талқинлар ва Искандар ҳақида асар ёзиш анъанаси тарихида «Садди Искандарий» достонининг ўрни ва Навоий киритган янгиликлар билан алоқадор илмий-назарий хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган «ОТ-Ф1-030 рақамли «Ўзбек адабиёти тарихи» кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 13 сентябрдаги 04/1-2550-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа «Садди Искандарий» достони генезиси ва поэтикаси, анъана ва новаторлик ҳодисаларига доир янги илмий қарашлар, назарий маълумотлар ва янги манбалар билан бойитилган;

Искандар мавзусининг Алишер Навоий лирикасида намоён бўлишига хос қонуниятлар, шоир ғазалиётида учровчи Искандар, Хизр, Яъжуж-

Маъжуж образлари, зулмат, оби ҳаёт ва Искандар оинаси мотивларига оид тасвирлар моҳияти, мазкур талмехларнинг хилма-хил адабий-ирфоний талқинларига оид илмий-назарий хулосалардан Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган «ПЗ-20170930393 рақамли «Алишер Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларида илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 13 сентябрдаги 04/1-2551-сонли маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг ғазалнавислик маҳорати, анъанавий мавзу ва детал-образлардан янгича бадиий кашфиётлар яратишда фойдаланиши, улуғ шоир поэтик тафаккурининг ижодий оригиналлик ходисаси билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашга доир илмий-назарий хулосалар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонини ёзишда таянган туркий манбалар, искандарномаларнинг туркий тармоғи, Искандар мавзусининг асослари акс этган ва Навоий даврига қадар яратилган туркий ёзма манбалар, жумладан, «Девону луғатит турк», «Қутадғу билиг», «Қисаси Рабғузий», Лутфий, Атойи девонларига оид илмий-назарий таҳлиллар, маълумотлардан, Навоийнинг адабий-эстетик талқин бобида туркий тафаккур маҳсулига жиддий эътибор қаратгани тўғрисидаги хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ПЗ-20170927147 рақамли «Қадимги даврлардан XIV асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 24 сентябрдаги 04/1-2665-сонли маълумотномаси). Натижада қадимги туркий манбаларда Искандар мавзусининг акс этиши, туркий манбаларга тарихий ходисалар ва бошқа тилдаги манбаларнинг таъсири, искандарномаларнинг туркий тармоғи, туркий ёзма манбаларнинг туркий тафаккурни, хусусан, Навоий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни масалаларини кенгрок ёритишга ҳамда бу борада муҳим хулосалар баён қилишга эришилган.



Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонини ёзишда суянган манбалар, Искандар ҳақида дoston яратиш ва хамсанавислик анъаналарига Навоий олиб кирган ўн саккиз ҳикоят, бош қаҳрамон тарихи ва поэтика масалалари – композиция, образ, сюжет яратиш маҳорати, муаллиф кўзлаган фалсафий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мақсадлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston tarixi» телеканалда эфирга узатилган «Жавоҳир» туркум кўрсатуви сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 4 мартдаги 06-31-540-сонли маълумотномаси). Натижада тақдим этилган янги илмий хулосалар, хамсанавислик анъанаси тарихи ҳамда «Садди Искандарий» дostonи генезиси ва поэтикасига доир назарий мулоҳазалар, аввало, телекўрсатув сифатининг ортишига, томошабинларнинг Алишер Навоий ижодини янада теран идрок этишига, ёш авлодда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ҳамда уларни адабий меросни ўрганиш учун руҳлантиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалда эфирга узатиладиган «Биргаликда ўқиймиз» телелойиҳасида диссертацияда акс этган Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonи манбалари, асарнинг хамсанавислик доирасида яратилган искандарномаларга нисбатан оригиналлиги, Искандар образига оид мавжуд талқинларни янгилаш зарурати ва асослари, Навоийнинг бадиий маҳорати, Навоийнинг хамсанавислик анъанасига кўшган ҳиссаси ҳақидаги хулосалар ва таҳлилий материаллардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 16 мартдаги 01-02-03/59-сонли маълумотномаси). Натижада янги далил, фикр-мулоҳаза ва назарий хулосалар телекўрсатувларнинг сифати ортишига, томошабинларнинг Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқиши кучайишига, хамсанавислик анъанаси тарихи ҳамда «Садди Искандарий» дostonи бадииятини чуқурроқ идрок этишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 27 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 13 таси республика, 2 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган, ҳажми 260 саҳифадан иборат.

# I БОБ. ИСКАНДАР ҲАҚИДА АСАР ЁЗИШ АНЪАНАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ ВА МАНБАЛАРИ

## 1.1. Искандар мавзусининг Ғарбдаги диний асослари

Адабиёт тарихи жаҳон халқлари тарихи билан бевосита алоқадор, унинг тақдири инсоният камолоти ва таназзули билан параллел кечади. Шу боис адабиётнинг мавзулар галереяси хилма-хил, улар орасида абадий мавзулар ҳам мавжуд. Шулардан бири жангнома ёки шохнома мавзуси бўлиб, мавзунинг мояси машҳур саркарда ва подшоҳлар ҳаётидир. Тарихда жаҳон адабиётига кучли таъсир кўрсатиб, адабий анъана юзага келишига сабаб бўлган бундай қахрамонлар кўп эмас. Дунё миқёсида машҳур ва адабий шон-шараф қозонган ана шундай санокли сиймолардан бири Искандар (Шарқда Искандар ёки Искандар Зулқарнайн, Ғарбда эса Alexander The Great деб аталувчи шахс) бўлиб, Шарқ ва Ғарб адабиётига бирдек таъсир кўрсатган бундай шахсни қайта учратиш мушкул. Жаҳон бўйлаб «Александр романларининг 24 тилдаги 80 дан ортиқ версиялари»<sup>38</sup> мавжудлигининг ўзиёқ бу шахснинг доврўғи ва мавзу нақадар кенг ёйилганидан дарак беради.

Искандар мавзуси синкретик табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари турли характердаги сарчашмаларга бориб туташади: Искандарнинг жаҳонгирлиги тарихий манбаларга, пайғамбар ёки валийлиги диний манбаларга, донишмандлиги фалсафа ёхуд ҳикмат адабиётига ҳамда мавзунинг айрим мотивлари фольклорга алоқадор. Мавзуни тадқиқ этишдаги мураккабликлардан бири эса Алишер Навоийга қадар яратилган Искандар ҳақидаги асарлар ва «Садди Искандарий»да мазкур характердаги маълумотларнинг қоришиқ ҳолда келишидир. Уларни фарқлаш, тўғри тушуниш ва талқин этиш учун ҳар бирининг генезисини билиш, тарихий эволюциясини кузатиш зарур. Бу жараёнда мавзуга алоқадор фактларни

---

<sup>38</sup> The Book of the gests of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A mediaeval hebrew version of the Alexander romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The mediaeval academy of America, 1962. – P.1.

билишнинг ўзи камлик қилади, тарихий, диний, фалсафий ва фольклор сюжетлари, мотивларининг бадиий адабиётга ўтиши ҳамда адабий ривожини кузатиш, анъанавий ва янги жиҳатларни тадқиқ этиш керак. Мазкур мақсад тақозоси билан Искандар мавзусига асос бўлган манбаларни хронологик принцип асосида тадқиқ этиш кўзланган мақсадга олиб боради, чунки муайян мавзу ва ундаги образ, сюжет, мотивлар генезиси ва эволюциясини кузатиш, уларнинг адабиётга ўтиши ва адабиётдаги бадиий трансформацияси, бадиий талқин этилиш жараёнини таҳлил этиш учун хронология жуда муҳим.

Искандар мавзусига дахлдор маълумотлар учровчи илк диний манба Библиядир<sup>39</sup>. Тавротдаги «Даниил» китобининг 6 – 8-бўлим(сура)ларида келган хабарлар масалага алоқадор бўлиб, олтинчи бўлимда Даниил ва Доронинг муносабатлари баёни келган, лекин Александр ҳақида қайдлар учрамайди. Еттинчи бўлим Искандар мавзусида алоҳида аҳамият касб этган «шоҳ» (мугуз) мотивининг қадимий илдизларини тушунишга ёрдам бериши билан аҳамиятли, чунки бу ўринда *ҳукмдорлик*, *подшоҳ* ва *шоҳ* мотивлари ўзаро боғлиқ ҳолда тасаввур қилинган<sup>40</sup>. Масалан, турли шоҳли махлуқлар дунёда ҳукмдорлик қилувчи шоҳликлар билан боғлиқ ҳолда тасвирланган, шоҳ тимсоли ва шоҳлик масаласи алоқадорлик касб этган. Эътиборлиси, саккизинчи бўлимда Доро ва Александр тўғрисида мажозий хабар қилинар экан, улар шоҳли ҳайвонлар – икки шоҳли кўчқор (Доро) ва бир шоҳли така (Александр) тимсолида тасвирланади<sup>41</sup>.

«Даниил» китобига хос асосий хусусият шуки, воқеалар келажак ҳақида мажозий ҳикоя қилинади, баёнда аллегорик характер ва рамзийлик бўртиб туради. Мазкур жиҳатлар Александр ҳақидаги хабарларни тушунишда ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, «тўрт бошли барс», «ўн шоҳли махлуқ», «бир шоҳли така» ва «тўрт шоҳли така» аллегорик тарзда Александр ва унинг империясига ишора қилади. Ушбу хабарлардаги асосий

<sup>39</sup> The Holy Bible. New international version. – Lutterworth: Gideon, 2000. – P. 942 – 946.

<sup>40</sup> The Holy Bible, – P. 942 – 944. (Таржимаси: URL: <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.7.1.1&g=0>) (02.06.2022); <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-7/>) (02.06.2022)

<sup>41</sup> The Holy Bible, – P. 945 – 946. (Таржимаси: URL: <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-8/>; <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.8.1.1&g=0>) (03.06.2022)

тезис ҳукмдорлик, бироқ у барча ўринларда шох (муғуз, роғ) тимсоли воситасида тасвирланади. Ёки хабарларнинг Даниилга берилган шарҳида кўчқорнинг икки шохи Мидия ва Форс шоҳлиги, яъни Доро салтанатининг ифодаси экани, таканинг якка шохи (единорог) Юнон салтанати, яъни Александр ҳокимиятининг тимсоли экани очиқ айтилади. Эчкининг пешонасидан ўсиб чиққан улкан якка шохнинг куч-қудрат чўққисида, тезда синиб, ўрнидан дунёнинг тўрт томонига қараган тўрт шохнинг ўсиб чиқиши – Александр салтанатининг шиддат билан кучайиши, лекин узоққа чўзилмаслиги, унинг салтанати ўзидан сўнг тўртга бўлиниб кетишини англатиши таъкидланади. Тарихан Александрнинг империяси ўзидан сўнг саркардалари Птолемей, Кассандр, Лисимах ва Селевклар томонидан бўлиб олингани бунинг исботи сифатида кўрилади. Шунингдек, «тарихий далилларга кўра, Форс шоҳи ўз кўшинини бошқара туриб, ўз бошини кўчқорнинг боши (кўринишидаги дубулға – бош кийим) билан безатган, шундан келиб чиқилса, кўчқор тасвири форсий символизм билан боғлиқ бўлиши керак»<sup>42</sup>. Мана шундай тасвир ва талқинлар асосида кейинчалик Искандарнинг шоҳи бор, баъзан эса Искандарнинг иккита шоҳи бор деган тасаввурлар пайдо бўлган. Айни шох мотиви кейинчалик Искандар мавзусининг муҳим таркибий қисми сифатида шарқ халқлари фольклори ва ёзма адабиётига кучли таъсир кўрсатган.

«Даниил» китобида ҳукмдорлар, жумладан, Доро ва Александрнинг тахт талашиши воқеаси билан боғлиқ ҳолда дунё ҳукмдорларининг барчаси оламлар подшоси Аллоҳ томонидан тайинланиши ва подшоҳлар Унга бўйсунуши зарурлиги, йўқса, У ҳокимиятни хоҳлаганидан олиб, хоҳлаганига бериши қайта-қайта таъкидланади<sup>43</sup>. Шу тариқа, Тавротдаги «Даниил» китобининг мавзуга алоқадор муҳим жиҳатлари сифатида *хабарларнинг ҳукмдорлик билан боғлиқ экани, шох мотиви, аллегорик-рамзий тасвир,*

<sup>42</sup> Толкование Далласской семинарии. URL: <https://bible.by/dallas/27/8/> (14.04.2021)

<sup>43</sup> The Holy Bible, – P. 936. (Таржимаси: URL: <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-2/>; <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.2.1.1&g=0>; <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-5/>; <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.5.1.1&g=0>) (05.06.2022)

ҳукмдорларнинг Аллоҳ томонидан тайинланишини таъкидлаш кабиларни кўрсатиш мумкин. Тавротда келган башоратлардаги муҳим тўрт нуқта алоҳида эътиборга молик: 1. Александрнинг Дорони енгиши. 2. Доронинг ҳеч қандай ҳийласиз, хиёнатсиз Александр томонидан таслим этилиши. 3. Александрнинг Дорони енгиши Аллоҳ амри ва хоҳиши экани. 4. Александрнинг қисқа вақт ҳукмдорлик қилиши. Мазкур ўзак мотивлар Шарқда яратилган Искандар ҳақидаги асосий дostonларда сақланиб қолган, фақат иккинчи мотив рецепция жараёнида катта ўзгаришга учраган.

Эски Аҳднинг ноқаноник китоблари ҳам мавжуд бўлиб, улар қаноник китобларга нисбатан кечроқ, эраиздан аввалги IV – I асрларда иброний тилида ёзилган деб қаралади, лекин бизга қадар юнон тилида етиб келган. Ноқаноник китоблар илоҳий ваҳийлар сирасига киритилмайди. Библиядаги ноқаноник китобларнинг дастлабкиси бўлган «Мақкабийларнинг биринчи китоби» (I бўлимнинг 1-9-қисмлари ва VI бўлимнинг 1-2-қисмлари) ҳам ўрганилаётган мавзуга бевосита алоқадор<sup>44</sup>. Унда қайд этилган Александр ҳақидаги маълумотлар тарихий характерга эга бўлиб, Искандар мавзусининг негизини кўрсатувчи нуқталар мавжуд. Хусусан, Александр Филиппнинг ҳақиқий ўғли эканлиги, Александрнинг Мидия-Форс қироли Дорони ҳийласиз енггани, Александрнинг Ернинг чеккаларига қадар бориб, у ерларда яшовчи халқлардан ўлпонлар олиши, Александрнинг ҳасталик туфайли (шаробга берилгани учун безгакка чалиниб) вафот этгани ва у ўлимини олдиндан сезгани боис салтанатини саркардаларига бўлиб бергани, 12 йил ҳукмронлик қилганлиги ҳақидаги фактлар шулар жумласидан. Библияга ёзилган шарҳлар, жумладан, «Даллас семинарининг шарҳи»да ҳам Александрнинг ўлими ичкиликка берилиш натижасида келиб чиққан безгак туфайли деб изоҳланган<sup>45</sup>. Александр ҳукмронлигининг кўп давом этмаслиги ва унинг империяси тўртга бўлиниб кетиши «Даниил» китобидаги така пешонасидаги яқка шохнинг тезда синиб, ўрнидан тўрт шохнинг ўсиб

<sup>44</sup> Первая книга Маккавейская, глава 6. URL: <http://bibliya-online.ru/pervaya-kniga-makkaveyskaya-glava-6/> (25.04.2021)

<sup>45</sup> Толкование Далласской семинарии. URL: <https://bible.by/dallas/27/8/> (14.04.2021)

чиқиши ҳақидаги хабарлар билан боғланади<sup>46</sup>. «Александрнинг ҳасталик чоғида давлатини ўз саркардаларига бўлиб бериши» мотиви эса айрим ўзгаришлар билан Шарқдаги исқандарномаларда ҳам сақланиб қолган<sup>47</sup>. Маккабийлар билан боғлиқ воқеалар хронологик жиҳатдан Александр яшаган даврдан кейин, милoddан аввалги II асрда содир бўлган. Табиийки, китобга Александр тарихига оид бирламчи манбалардаги маълумотлар кўчиб ўтган. Александрнинг ҳақиқий тарихига оид мавжуд манбаларнинг милoddан аввалги I аср ва милодий I – II асрларга алоқадор экани инобатга олинса, «Маккабийларнинг биринчи китоби»даги маълумотлар тарих нуқтаи назаридан қимматли экани маълум бўлади. Мавзунинг Александр билан боғлиқ Библиядаги асослари, асосан, мана шулардан иборат. Бу борадаги дастлабки хулоса шуки, мавзунинг илк диний асослари Александрнинг ҳақиқий тарихи билан мувофиқ келади.

Мавзунинг Библиядаги иккинчи асосини Гог ва Магогга оид хабарлар ташкил этади. Гог ва Магог ҳақидаги асосий маълумотлар Библиянинг уч ўрни: Эски Аҳднинг «Ибтидо», «Ҳизқил» китобларида ва Янги Аҳднинг «Авлиё Юҳанно ваҳийси» китобида учрайди. «Ибтидо»да Нухдан тарқалган дунё халқлари тўғрисида сўз борар экан, Ёфасдан келиб чиққан халқлар орасида «Магог» номи ҳам тилга олинади<sup>48</sup>. *Магог* сўзи Библияда илк бор мана шу ўринда учрайди ва Ёфаснинг ўғли, бир элатнинг номи сифатида тилга олинади. «Ибтидо» шарҳига бағишланган ишлар, чунончи, «Янги Женева Библияси»да Магог ерлари Кавказ чегараларига қадар ёйилган скифлар экани айтилса<sup>49</sup>, А.П.Лопухина шарҳларида Магогнинг Кавказ чегарасида яшаган скифлар ёки арманлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади<sup>50</sup>. Макдоналд шарҳларида шарқ халқлари ҳам Ёфас наслидан экани таъкидланиб, «Ёфас – ундан келиб чиққан халқлар:

<sup>46</sup> Толкование Далласской семинарии. URL: <https://bible.by/dallas/27/8/> (14.04.2021)

<sup>47</sup> Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2006. – B. 372.

<sup>48</sup> The Holy Bible, – P. 65. (Таржимаси: URL: <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Gen.10&g=0>) (03.03.2022)

<sup>49</sup> Новой Женевской Библии. Бытие 10 глава. URL: <https://bible.by/geneva-bible/1/10/> (03.05.2021)

<sup>50</sup> Толкование на десятую главу книги Бытия профессора А.П.Лопухина. URL: <http://bibliya-online.ru/tolkovanie-na-desyatuyu-glavu-knigi-byt/> (03.05.2021)

мидиёнлар, юнонлар, кипрликлар ва бошқалар. Европа ва Шимолий Осиё халқлари ҳам бўлиши мумкин. Кўпчилик олимлар фикрича, шарқ халқлари ҳам Ёфасдан келиб чиққан»<sup>51</sup> дейилади. Айни шу типдаги қарашлар шарқ тарихнавислигида ҳам мавжуд бўлган<sup>52</sup>. Тавротдаги дунё халқлари насабномасида Магогнинг Ёфас ўғли сифатида қайд этилиши ва шарқ тарихнавислигида Ёфаснинг «Абул-турк» тарзида эътироф этилиши ўзаро боғлиқ ҳодисалар сифатида кейинчалик «Гог-Магог (ёки Яъжуж-Маъжуж)лар, аслида, турк (ёки мўғул-татар)лар» типдаги фаразлар оммалашшига олиб келган.

Фақат Тавротда элат номи сифатида кўрсатилган Магог исмининг ёнига «Гог» сўзининг келиб қўшилиши масаласи чигал бўлиб, бу ҳолатни Эски Аҳддаги Ҳизқил қиссаси билан боғлабгина тушунтириш мумкин. Гог ҳақидаги маълумотлар Ҳизқил пайғамбар китобининг 38 – 39-бўлимларида учрайди<sup>53</sup>. Бу қиссада Гог – ҳукмдорнинг, Магог эса муайян ҳудуд-юртнинг номи. У юртда Мешех ва Тувал номли халқлар яшаган<sup>54</sup>. «Ҳизқил китоби»да Магог атамаси элат-халқ номидан юрт номига ўзгарган ва биринчи бор «Гог» сўзи билан алоқадор ҳолда тилга олинган. «Даллас семинари шарҳлари»да айтилишича, «Қадимги Аҳднинг бирор ўрнида Гог сўзи элатнинг номи сифатида тилга олинган эмас. Гогни конкрет бир халқ билан боғлашга бўлган асрлар давомидаги уринишлар эса самарасиз ва бефойда бўлиб чиққан»<sup>55</sup>. Ҳизқил қиссасида Магог юртининг ҳукмдори сифатида кўрсатилган Гог тасаввуримиздаги подшоҳ қиёфасида тасвирланади, бунда мистик элементлар кўзга ташланмайди, у инсониятга нотаниш мавжудот эмас, балки оддий бир подшо. Магог юрти эса Шимолда жойлашган деб қаралади. «Ҳизқил ваҳийларининг тарихий манбасини аниқлашга қаратилган ишларда Гогнинг прототипи тарихда Лидия шоҳи бўлган Гиг (тах. мил. ав. 687 – 652-

<sup>51</sup> Комментарий МакДональда. Бытие 10 глава. URL: <https://bible.by/mcdonald/1/10/> (03.05.2021)

<sup>52</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 106.

<sup>53</sup> The Holy Bible, – P. 921 – 923. (Таржимаси: URL: <https://ibt.org.ru/ru/text?m=UZVL&l=Ezek.38.1.1&g=0>; <https://ibt.org.ru/ru/text?m=UZVL&l=Ezek.39.1.1&g=0>) (04.05.2021)

<sup>54</sup> Айрим тарихчи ва географлар Мешех ва Тувални Туркия ва унинг марказий ҳудудлари билан боғлайдилар. URL: <https://bible.by/mcdonald/26/38/>; <https://bible.by/dallas/26/38/> (04.05.2021)

<sup>55</sup> Толкование Далласской семинарии. Иезекииль 38 глава. URL: <https://bible.by/dallas/26/38/> (10.05.2021)



йилларда) экани ҳам кўрсатилади»<sup>56</sup>. Таъкидлаш керакки, «Ибтидо» ва «Ҳизқил китоби»даги Гог ва Магог билан боғлиқ қайдлар Яъжуж-Маъжужлар билан алоқадор тафсилотларга деярли ўхшамайди. Гог киссасидаги *қонхўрлик, гўштхўрлик, шафқатсизлик* ва *бузғунчилик* мотивлари улар орасидаги уйғунликларга ишора қилади, холос.

Бироқ Инжилга келиб Гог ва Магог тўғрисидаги хабарлар ўзгаришга учраган. «Юҳанно ваҳийси»<sup>57</sup> Тавротда учровчи Гог ва Магог ҳақидаги тафсилотларни бойитишдан ташқари, зид қарашларни ифодалаши ва Яъжуж-Маъжужларга оид айрим хабарлар билан ҳамоҳанглик касб этгани билан диққатга сазовор. Бунда биринчи муҳим нуқта шуки, «Ҳизқил китоби»даги «Магогдан келган Гог» хабари Инжилда «Гог-Магог», яъни икки халқ сифатида кўрсатилади ва илк бор «Гог-Магог» тарзида ёнма-ён қайд этилади. Шунингдек, Инжилда Гог-Магог ва қиёмат ўзаро мустаҳкам алоқадорлик касб этган. Хуллас, Гог ва Магог Библияда Исо келишидан олдинроқ дунёни ларзага соладиган, Исроил юртига бостириб келадиган золим шоҳ ва унинг кўшини ёки икки халқ сифатида тушунилади.

Мавзунинг Библиядаги асослари мана шулардан иборат. Александр ва Гог-Магогларга оид хабарларга таяниб айтиш мумкинки, Библиянинг бирор ўрнида Александрнинг Гог ва Магоглар билан алоқаси, уларнинг бир замонда ўтгани борасида қайдлар йўқ, ҳатто, *Гог* ва *Магог* исмларининг юзага келиши, ўзаро алоқаси, қандай маъноларни билдириши борасида чалкашликлар бор. Гог-Магогнинг чиқиш вақтига келсак, бу ҳақда Инжилда Гог ва Магог урушлари Исо Масихнинг биринчи келишидан минг йил ўтгач содир бўлиши башорат қилинган (Юҳанно, 20:7). Агар Эски Аҳд ҳамда Янги Аҳддаги Гог ва Магогларга доир тафсилотлар ягона ҳодиса (объект) ҳақида деб қаралса, ўз-ўзидан, яҳудийлик ва христианликда Александр ва Гог-Магогларнинг бир-бирига мутлақо алоқаси йўқ деб қаралиши маълум

---

<sup>56</sup> Гог и Магог. Электронная еврейская энциклопедия. URL: <https://eleven.co.il/bible/heroes-and-characters/11219/> (11.05.2021)

<sup>57</sup> The Holy Bible, – P. 1300 – 1301. (Таржимаси: URL: <https://ibt.org.ru/ru/text?m=UZIBTL&l=Rev.20.1.1&g=0>) (14.05.2021)

бўлади. Шу боис Гог ва Магогнинг Александр билан алоқадорлиги тўғрисидаги тасаввурлар Инжилдан кейинги даврлар маҳсули, дейиш мумкин.

Искандар мавзусининг Ғарбдаги диний асосларини ўзида мужассам қилган иккинчи муҳим манба Талмуддир. Яҳудийлик қонун-қоидалари кодекси бўлган бу манбада диний амр ва қонун-қоидаларни шарҳлаш жараёнида тарихий афсона, ахлоқий-таълимий ҳикоялардан фойдаланилган. Талмудда мавзуга алоқадор қуйидаги сюжет ва эпизодлар мавжуд:

1. Александрнинг Қуддусга ташрифи<sup>58</sup>.
2. Александрнинг халқлар ўртасида ҳакамлик қилиши<sup>59</sup>.
3. Александрнинг Негев оқсоқолларидан ўнта савол сўраши<sup>60</sup>.
4. Александрнинг зулматга сафари<sup>61</sup>.
5. Александр ва Амазонлар; олтин нон воқеаси<sup>62</sup>.
6. Александрнинг оби ҳаёт топиб, жаннат эшигига бориши; кўз соққаси<sup>63</sup>.
7. Александрнинг кўкка кўтарилиши<sup>64</sup>.
8. Александрнинг денгиз тубига тушиши<sup>65</sup>.

---

<sup>58</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Yoma (69a). – Jerusalem: Koren, 2013. – P. 338 – 339.

<sup>59</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Sanhedrin, Part 2 (91a). – Jerusalem: Koren, 2017. – P. 279; Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Sanhedrin, Part 2 (91a). – Jerusalem: Koren, 2017. – P. 280.

<sup>60</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 453.

<sup>61</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 454.

<sup>62</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32b). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 455; Midrash Tanchuma Buber, Emor 9:1. URL: [https://www.sefaria.org/Midrash\\_Tanchuma\\_Buber%2C\\_Emor.9.1?lang=bi&with=all&lang2=bi](https://www.sefaria.org/Midrash_Tanchuma_Buber%2C_Emor.9.1?lang=bi&with=all&lang2=bi) (10.04.2021)

<sup>63</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32b). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 455.

<sup>64</sup> Tosafot on Avodah Zarah 41b:6. URL: [https://www.sefaria.org/Tosafot\\_on\\_Avodah\\_Zarah.41b.6?lang=bi](https://www.sefaria.org/Tosafot_on_Avodah_Zarah.41b.6?lang=bi) (10.05.2021); The Book of Legends: Legends from the Talmud and Midrash. The first complete translation of Sefer ha-aggadah / [compiled by] Hayim Nahman Bialik and Yehoshua Hana Ravnitzky. Translated by William G. Braude. – New York: Schocken books, 1992. – P. 759; Pirke de Rabbi Eliezer (Chapters of Rabbi Eliezer). Translated and annotated with introduction and indices by Gerald Friedlander. – New York: The Bloch publishing company, 1916. – P. 82 – 83.

(Yana qarang: URL: [https://www.sefaria.org/Pirkei\\_DeRabbi\\_Eliezer.11.19?lang=bi&with=all&lang2=en](https://www.sefaria.org/Pirkei_DeRabbi_Eliezer.11.19?lang=bi&with=all&lang2=en))

<sup>65</sup> The Midrash on Psalms. Volume II. Translated from the hebrew and aramaic by William G. Braude. – New Haven: Yale university press, 1959. – P. 127 – 128; Pirke de Rabbi Eliezer (Chapters of Rabbi Eliezer). Translated and annotated with introduction and indices by Gerald Friedlander. – New York: The Bloch publishing company, 1916. – P. 82 – 83.

## 9. Қирол Казия ва Александр<sup>66</sup>.

Александр билан боғлиқ асосий сюжет линиялари мана шулардан иборат, бошқа эпизодлар эса уларнинг қайта ишланган вариантларидир.

Талмуддаги эпизодлар билан танишиш, мавзунинг айрим қирраларини кашф этиш, Шарқда кенг ёйилган айрим сюжетлар генезисини тушунишга ёрдам беради. Жумладан, Александрнинг Қуддусга ташрифи воқеаси Александрнинг яхудийлар билан яхши муносабатда бўлганини англатади. Иосиф Флавий (мил. 37 – 100-й.) ҳам «Яхудийлар қадимияти»да воқеани батафсил баён этган, лекин у Александр ишларига илоҳий тус беришга жиддий эътибор қаратган<sup>67</sup>. Аммо ушбу воқелик Шарқда оммалашган эмас. Халқлар ўртасида ҳакамлик қилиш билан боғлиқ эпизодлар эса Александр Талмуддаёқ буюк ғолиб, одил ҳукмдор сифатида гавдалантирилганини кўрсатади. Ёки Александрнинг зулматга сафари, ҳаёт булоғи ва Адан боғини излаб боргани воқеалари кейинчалик Шарқда бирлашиб, Искандарнинг оби ҳаёт қидириши ҳақидаги машҳур сюжетни юзага келтирган. Валлач фикрича, Талмуддаги Александр афсоналари, яъни жануб оқсоқоллари билан суҳбат, зулмат минтақасига саёҳат, Адан боғи дарвозасига бориш ва Амазонлар билан учрашув яхудий ижодкорлар томонидан эллинистик манбалар асосида қайта ишланган ҳамда яхудий халқининг қадимийлигини юнонлар ва мисрликларга исботлаш учун тарғибот сифатида фойдаланилган эллинист-яхудийлар аполагик адабиётининг қолдиқларидир<sup>68</sup>. Тўққиз эпизоднинг деярли барчасида яхудийларнинг Александрни ижобий қиёфада тасаввур қилгани ва улар билан яхши муносабатда бўлганини кузатиш мумкин. Бироқ буларнинг аксари раввинистик тўқималардан иборат бўлиб, яхудийлик ғоялари тарғиби учун хизмат қилдирилган.

---

<sup>66</sup> Midrash Rabbah. Genesis (in two volumes) I. Translated into english with notes, glossary and indices under the editorship of rabbi dr. H. Freedman, B.A., Ph.D. – London: Soncino press, 1961. – P. 257 – 259; The Jerusalem Talmud. Fourth order: Neziqin. Tractates Bava Qamma, Bava Mesi'a, and Bava Batra. Edition, translation, and commentary by Heinrich W. Guggenheimer. – Berlin · New York: Walter de Gruyter, 2008. – P. 313-314.

<sup>67</sup> Флавий Иосиф. Иудейские древности. В 2 т. Т. I. Кн. 1-12. – Москва: «Ладомир», 2002. – С. 637 – 641.

<sup>68</sup> The Book of the gests of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A mediaeval hebrew version of the Alexander romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 18.

Талмуд адабиётида Гог-Магоглар билан боғлиқ турли афсонаю ривоятлар, тасаввурлар ҳам акс этган. Гог-Магог атамаси баъзан «халқ», «икки қабила» маъносида қўлланса<sup>69</sup>, баъзан улар билан боғлиқ ҳолда «гогларнинг келиш куни» ва «Гог-Магог уруши» мотивлари қайд этилади<sup>70</sup>. Беракхот трактатида (7b:11) ҳам Раввин Юҳанон тилидан «Гог-Магог уруши»нинг сўнгги уруш экани, Масих замони изтиробларининг чўққиси экани, урушда ердаги ҳукмдорлар бирлашиб, Худо ва унинг пайғамбарига қарши туриши ҳақидаги тасаввурлар қайд этилган<sup>71</sup>. Бу трактатда Библиядаги қарашлар деярли ўзгаришга учрамаган, фақат «Гог-Магог уруши»нинг сўнгги жанг экани ва Масих замони изтиробларининг чўққиси экани ҳақидаги маълумотлар қарашларни нисбатан конкретлаштирган. Санҳедрин трактати (17a:11 / 94a:4 / )да<sup>72</sup> қайд этилган Гог-Магогларга оид хабарларда эътиборли икки нуқта мавжуд: биринчиси, яҳудлар ўз юртига келадиган улкан балоларни келажакда содир бўлишига ишониладиган гогларнинг даҳшатли босқини орқали тасвирлаб беришади, яъни руҳонийлар ҳам энг кучли кўрқувни гоглар босқинига ўхшатиш орқали гоглар босқинидан туядиган кўрқувлари нақадар кучли эканини кўрсатишади, иккинчиси, айти шу ўринда раввин Гогни ҳукмдор ва Магогни бир мамлакат сифатида тушунтиради, худди, Библияда бўлгани каби. Санҳедриннинг бошқа ўрнида (95b:5)<sup>73</sup> Гог-Магогларнинг миқдори масаласига бир қадар ойдинлик киритилади. Библияда Гог-Магогларнинг миқдори бир неча халқлар билан кўрсатилган бўлса, Талмудда улар бир неча юз минг атрофида бўлиши тахмин қилинади ёки Гог-Магогларнинг миқдори «жуда кўп»

---

<sup>69</sup> Mishnah Eduyot 2. URL:

[https://www.sefaria.org/Mishnah\\_Eduyot.2.10?ven=Mishnah\\_Yomit\\_by\\_Dr.\\_Joshua\\_Kulp&lang=bi&with=all&lang2=en](https://www.sefaria.org/Mishnah_Eduyot.2.10?ven=Mishnah_Yomit_by_Dr._Joshua_Kulp&lang=bi&with=all&lang2=en) (20.05.2021)

<sup>70</sup> Mishnah Megillah 3. URL:

[https://www.sefaria.org/Mishnah\\_Megillah.3.5?ven=The\\_Mishna\\_with\\_Obadiah\\_Bartenura\\_by\\_Rabbi\\_Shraga\\_Silverstein&lang=bi](https://www.sefaria.org/Mishnah_Megillah.3.5?ven=The_Mishna_with_Obadiah_Bartenura_by_Rabbi_Shraga_Silverstein&lang=bi) (20.05.2021)

<sup>71</sup> Berakhot 7b. URL: [https://www.sefaria.org/Berakhot.7b.11?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Berakhot.7b.11?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (20.05.2021)

<sup>72</sup> Sanhedrin 17a. URL: [https://www.sefaria.org/Sanhedrin.17a.11?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sanhedrin.17a.11?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (24.05.2021); URL: [https://www.sefaria.org/Sanhedrin.94a.4?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sanhedrin.94a.4?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (25.05.2021)

<sup>73</sup> Sanhedrin 95b. URL: [https://www.sefaria.org/Sanhedrin.95b.5?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sanhedrin.95b.5?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (25.05.2021)

эканига ишора берилади. Гог-Магоглар бу ерда ҳам қандайдир сирли ёки ваҳший махлуқлар сифатида эмас, балки тасаввуримиздаги лашкар қиёфасида гавдаланади, кийимлари ҳам оддий аскарларники каби. Трактатнинг бошқа ўрнида Гог-Магог уруши қиёматга яқин содир бўлади деган Библиядаги қараш сақланиб қолган бўлса<sup>74</sup>, баъзан бу қараш янада аниқлаштирилган<sup>75</sup>. Талмуднинг бошқа ўрнидаги қайдлардан Гог-Магог уруши яҳудийликда «азоб куни», «жазо»<sup>76</sup> сифатида тушунилганини илғаш мумкин. Песачим трактати (118а:16)да Гог-Магоглар уруши яҳудий халқининг бошига тушадиган фалокатлардан бири сифатида тушунилганини<sup>77</sup>, Чуллин трактати (139б:20)да эса Гог-Магоглар келган вақтда барчада, жумладан, учар қушларда ҳам саросима ва таҳлика пайдо бўлиши, аммо улар ўзига келишга чақирилиши айтилганини учратамиз<sup>78</sup>. Мегиллаҳ трактати (11а:11)да Худо ўзининг мутлақ Эга эканини исботлаш вақти ҳақида сўз юритилар экан, бу Гог-Магоглар чиқадиган пайт экани айтилади.

Мидрашлардаги Гог ва Магог билан боғлиқ қайдларда уларнинг кудратли экани<sup>79</sup>, Худонинг Гог-Магоглар даврида зухур этиши<sup>80</sup>, сони етмиш (миллат)га тенг экани кўрсатилган<sup>81</sup>. «Танчума, Тазриа» (8:1) шарҳида

<sup>74</sup> Sanhedrin 97a. URL: [https://www.sefaria.org/Sanhedrin.97a.2?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sanhedrin.97a.2?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (26.05.2021)

<sup>75</sup> Sanhedrin 97b. URL: [https://www.sefaria.org/Sanhedrin.97b.3?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sanhedrin.97b.3?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (26.05.2021)

<sup>76</sup> Shabbat 118a. URL: [https://www.sefaria.org/Shabbat.118a.2?ven=Rodkinson\\_Talmud&lang=bi&with=all&lang2=bi](https://www.sefaria.org/Shabbat.118a.2?ven=Rodkinson_Talmud&lang=bi&with=all&lang2=bi) (04.06.2021); Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 3: Tractate Shabbat 2. – Jerusalem: Koren, 2012. – P. 199.

<sup>77</sup> Pesachim 118a. URL: [https://www.sefaria.org/Pesachim.118a.16?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Pesachim.118a.16?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (04.06.2021)

<sup>78</sup> Chullin 139b. URL: [https://www.sefaria.org/Chullin.139b.20?ven=William\\_Davidson\\_Edition\\_-\\_English&lang=bi](https://www.sefaria.org/Chullin.139b.20?ven=William_Davidson_Edition_-_English&lang=bi) (05.06.2021)

<sup>79</sup> Sifra, Bechukotai, Chapter 8. URL: [https://www.sefaria.org/Sifra%2C\\_Bechukotai%2C\\_Chapter\\_8.10?ven=Sifra\\_by\\_Rabbi\\_Shraga\\_Silverstein&lang=bi&with=all&lang2=en](https://www.sefaria.org/Sifra%2C_Bechukotai%2C_Chapter_8.10?ven=Sifra_by_Rabbi_Shraga_Silverstein&lang=bi&with=all&lang2=en) (06.06.2021)

<sup>80</sup> Sifrei Devarim 343. URL: [https://www.sefaria.org/Sifrei\\_Devarim.343.10?ven=Sifrei\\_by\\_Rabbi\\_Shraga\\_Silverstein&lang=bi](https://www.sefaria.org/Sifrei_Devarim.343.10?ven=Sifrei_by_Rabbi_Shraga_Silverstein&lang=bi) (04.06.2021)

<sup>81</sup> Midrash Tanchuma, Korach 12:1. URL: [https://www.sefaria.org/Midrash\\_Tanchuma%2C\\_Korach.12.1?ven=Sefaria\\_Community\\_Translation&lang=bi](https://www.sefaria.org/Midrash_Tanchuma%2C_Korach.12.1?ven=Sefaria_Community_Translation&lang=bi) (06.06.2021)

Масих Гог-Магоглардан интиқом олувчи сифатида қайд этилса<sup>82</sup>, «Эин Яков (Глиск Эдитион), Беракхот» (1:37)да Гог-Магог уруши яхудийликда, умуман, ёмонликнинг символикага айланиб кетганини кўриш мумкин. Масалан, оилада бузуқ боланинг бўлиши, зотнинг бузилиши Гог-Магоглар урушидан ҳам ёмонроқ ҳолат экани айтилади<sup>83</sup>. Бошқа бир ўринда Худо Мусога ер юзидаги воқеалар ва охират тафсилотларини кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилинар экан, Мусо «Ериҳо текислиги»даги Гог-Магоглардан қолган харобаларни (вайронгарчиликларни) кўргани қайд этилади<sup>84</sup>. Ериҳо (арабча «Ариҳо») Фаластиндаги шаҳар номи бўлиб, у Иордан водийсида – Шарқда Иордан дарёси ва Ғарбда Қуддус билан чегарадош жойлашган. Яъни Талмудда Гог-Магогларнинг Худога қарши исённинг қаерда содир бўлиши ҳам аниқ кўрсатилган.

Хуллас, яхудийликда Гог-Магоглар билан боғлиқ воқеалар келажакда, Масихнинг қайта келиши даврида, қиёматга яқин содир бўлади деб ишонилади. Қуръонда зикри келган Яъжужлар воқеаси эса келажак ҳақидаги ваҳий эмас, балки ўтмишдаги воқелик сифатида эсланади ва Зулқарнайн уларга қарши бир неча бор жанг қилиб, сад қуришга қарор қилгани, уларнинг йўлини тўсгани айтилади. Шунга мувофиқ ислом таълимотида Яъжужларнинг келажакда у тўсиқдан ўтиши, бу қиёмат аломати эканлиги ҳам хабар қилинган. Ҳар икки манбани қиёматга алоқадорлик бирлаштириб турса-да, ҳодисалар макон ва замон нуқтаи назаридан бир-бирига зид, тафсилотлар ҳам бутунлай фарқли. Талмудда бизни қизиқтирган масала йўл-йўлакай тилга олинган ва улар Библияда мавжуд бўлган тасаввурларнинг деярли такрори, фақат айрим ўринлар янада конкретлаштирилган, тафсилотлар билан бойитилган ёки улар ҳақидаги тасаввурлардан мажозий

---

<sup>82</sup> Midrash Tanchuma, Tazria 8:1. URL:

[https://www.sefaria.org/Midrash\\_Tanchuma%2C\\_Tazria.8.1?ven=Townsend\\_1989\\_translation\\_of\\_Midrash\\_Tanhu ma,\\_S.\\_Buber\\_Recension,\\_edited\\_and\\_supplemented\\_by\\_R.\\_Francis\\_Nataf&lang=bi](https://www.sefaria.org/Midrash_Tanchuma%2C_Tazria.8.1?ven=Townsend_1989_translation_of_Midrash_Tanhu ma,_S._Buber_Recension,_edited_and_supplemented_by_R._Francis_Nataf&lang=bi) (10.06.2021)

<sup>83</sup> Ein Yaakov (Glick Edition), Berakhot 1. URL:

[https://www.sefaria.org/Ein\\_Yaakov\\_\(Glick\\_Edition\)%2C\\_Berakhot.1.37?ven=En\\_Jacob,\\_translated\\_by\\_SH\\_Glick,\\_1916&lang=bi](https://www.sefaria.org/Ein_Yaakov_(Glick_Edition)%2C_Berakhot.1.37?ven=En_Jacob,_translated_by_SH_Glick,_1916&lang=bi) (10.06.2021)

<sup>84</sup> Legends of the Jews, 3:7:7. URL:

[https://www.sefaria.org/Legends\\_of\\_the\\_Jews.3.7.7?ven=The\\_Legends\\_of\\_the\\_Jews\\_by\\_Louis\\_Ginzberg\\_\[1909\]&lang=bi&with=all&lang2=en](https://www.sefaria.org/Legends_of_the_Jews.3.7.7?ven=The_Legends_of_the_Jews_by_Louis_Ginzberg_[1909]&lang=bi&with=all&lang2=en) (11.06.2021)

йўсинда фойдаланилган. Талмуддаги Гог ва Магоглар билан алоқадор бу каби ўринларни ўрганиш, улар ҳақида билиш Искандар мавзусининг тарихий эволюцияси ва кўлами ҳақидага тасаввурларни кенгайтириши билан аҳамиятли.

Гог ва Магог ҳақидаги қадимий тасаввурлар милоддан аввалги II аср ва милодий V асрлар оралиғида яратилган, яҳудийлик ва христианликда катта эътиборга эга «Сибйллине Ораклес» (Сивиллин башоратлари)нинг икки ўрнида ҳам учрайди<sup>85</sup>. Ундаги эътиборга молик асосий жиҳатлар сифатида Гог ва Магогнинг жуфт сўз, қавм номи сифатида тилга олиниши, уларнинг юрти Эфиопия дарёлари орасида жойлашгани, қонхўр қавм экани ва кейинчалик у қавмнинг ерлари қора қонга ботишини (319-сатр) ҳамда Гогнинг алоҳида шахс ва Магогнинг юрт маъносида қайд этилганини (512-сатр) кўрсатиш мумкин<sup>86</sup>. Бу башоратлар, асосан, Гог ва Магог ҳақидаги Библия хабарлари мазмунининг қайта ифодасидир.

Иосиф Флавийнинг Гог-Магоглар ҳақидаги қайдлари ҳам мавзу тарихида аҳамиятли ҳисобланади. У Ёфас ўғилларидан Магог ҳақида шундай ёзади: «Магог ҳам шундай (магог) номни олган халққа асос солган ва юнонлар томонидан скифлар деб номланган»<sup>87</sup>. Флавийнинг масалага оид муҳим қайдларидан яна бири Гог ва Магог ҳақидаги тасаввурларни Александр анъаналари билан боғлаб юборишидир: «Аланлар – Скифларнинг қабила(уруғ)ларидан, юқорида таъкидлаганимиздек, Танаис дарёси ва Маеотис кўли қирғоқларида яшаган – бу даврда Мидия ва унинг атрофида қароқчилик босқинини режалаштириб, шоҳ Александр темир дарвозалар билан тўсган довоннинг хўжайини бўлган Ҳиркания қироли билан музокараларга киришдилар. Рухсат олганларидан кейин уларнинг кўпчилиги

---

<sup>85</sup> Buitenwerf Rieuwerd. Book III of the Sibylline Oracles and Its Social Setting: With an Introduction, Translation, and Commentary. – Leiden – Boston: Brill, 2003. – P. 210; 239.

<sup>86</sup> Тадқиқотда “Сивиллин башоратлари”нинг инглизча таржимасидан фойдаландик. Бошқа таржималар, масалан, русча таржимада ҳам умумий мантиқ биз фойдаланган манбага мос бўлса ҳам, айрим фарқлар мавжуд. Жумладан, “Сивиллин башоратлари”нинг 512-сатрида ҳам Гог-Магоглар жуфт қавм сифатида қайд этилган. (Қаранг: Книги Свилл. Перевод с древнегреческого Марии Витковской и Вадима Витковского. – Москва: Энигма, 1966. – С. 57; 63. – 288 с.)

<sup>87</sup> Флавий Иосиф. Иудейские древности. В 2 т. Т. I. Кн. 1-12. – Москва: «Ладомир», 2002. – С. 46.

иккиланмай Мидия аҳолисига ҳужум қилишди ҳамда турли чорва молларига тўла, қарши чиқишга журъат этмаган, аҳоли зич яшовчи юртни талон-тарож этишди (таржима бизники – И.И.)<sup>88</sup>. Иосиф қайд этган «темир дарвозалар» қаерда жойлашгани ҳозиргача номаълум, бу ҳақда турли тахминлар мавжуд. «Эҳтимол, у қадимги Мидия, Парфия ва Гиркания учрашган бугунги Дарбанд яқинидаги Каспий дарвозалари ҳақида фикр билдирган. Балки Кавказдаги кавказ дарвозалари, яъни тор Дариал довони ёки Форс Торос тизмасидаги доволарни, яъни Рагининг жануби-шарқини назарда тутгандир. Ушбу доволарнинг номлари кўпинча қадимги муаллифлар чалкашишига сабаб бўлган»<sup>89</sup>. Нима бўлганда ҳам, «Иосиф қадимги анъана ҳақида биринчи бўлиб гувоҳлик берди, иккита ўзига хос анъанадан келиб чиққан иккита мотив бирлашувининг дастлабки босқичини қайд этди: Муқаддас Китобдаги Гог (Магог)нинг шимолий ва душман халқ сифатидаги мотиви ва яҳудий эллинистик анъаналардаги Александрнинг Шимолда дарвозалар ўрнатиши мотиви. Ушбу қарашларнинг якуний бирлашиши қандай содир бўлганлигини изоҳлаш иложсиз бўлса ҳам, милонинг биринчи асрига келиб Гог-Магог ва Александрнинг аввалроқ ушбу мотив ривожланган манбадан адабий сахнага кириб келгани аниқ»<sup>90</sup>.

Таъкидлаш керакки, Библияда ҳам, Талмудда ҳам Гог ва Магогларга оид хабарларнинг Александр билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Александр ҳақидаги энг қадимий ишончли манбаларда ҳам Гог-Магоглар ҳақида, Александрнинг темир дарвозалар қурдиргани тўғрисида маълумотлар учрамайди. Бу юқоридаги уч мотив алоҳида-алоҳида ҳодисалар экани ва кейинчалик қўшиб юборилганини англатади. Ушбу масалада қуйидаги қарашни нисбатан асосли деб қабул қилиш мумкин: «Бир томондан апокалиптик халқлар Гог ва Магог, бошқа томондан Александр ва у қурган

---

<sup>88</sup> Josephus. The Jewish war. Books IV-VII. III. In nine volumes. With an english translation by H. St. J. Thackeray. – London: Harvard university press, 1968. – P. 575.

<sup>89</sup> Gog and magog in Early Syriac and Islamic Sources. Edited by Emeri van Donzel, Andrea Schmidt. – Leiden – Boston: Brill, 2009. – P. 10 – 12.

<sup>90</sup> Gog and magog in Early Syriac and Islamic Sources. Edited by Emeri van Donzel, Andrea Schmidt. – Leiden – Boston: Brill, 2009. – P. 12.



деб ҳисобланувчи тўсик ўртасидаги боғлиқлик христианлик даврининг бошларида Александриядаги яҳудий эллинизм доираларида пайдо бўлган кўринади»<sup>91</sup>. Шу тариқа, Библияда умуман алоқаси қайд этилмаган икки ходиса (Гог-Магог ва Александр) Иосиф асарида скифлар воситасида илк бор ўзаро алоқадор қилиб кўрсатилган. Айнан юнонлар томонидан скифларни «магоглар» деб тушуниш натижасида Александрнинг скифларга қарши ҳаракатлари «Александр ва Гог-Магоглар» боғланиши тарзида талқин этилган. Александр темир дарвозалар билан тўсган довондан аланларнинг ошиб ўтиши ҳақидаги Иосиф қайдлари тарихий воқелик сифатида баён қилинади, унда ҳеч қандай сирли-мистик характер ва қиёматга алоқадорлик йўқ. Гог-Магоглар Флавий асарларида сирли ёки келажакда қиёмат аломати сифатида чиқувчи халқ эмас, балки тарихий жанговар қабила сифатида кўрсатилади. Шу тариқа, Фарбда Иосифнинг юқоридаги қайдлари асосида [Александр + Гог-Магог + темир дарвозалар]нинг алоқадорлиги ҳақида тасаввурлар шаклланган ва кейинчалик ривожланиб, у Шарқда Яъжуж-Маъжужлар номи билан янгидан баён қилинган деган қарашлар юзага келган.

Бундай қарашларга қўшилиб бўлмайди, биринчидан, Библиядаги Гог-Магоглар келажак – қиёмат билан алоқадор, миқдори беҳисоб тоифа, Иосиф қайдларида эса фақат скифларнинг бир уруғи бўлган аланлар ҳақида айтилган, у ерда Гог-Магоглар ҳақида умуман гап-сўз йўқ. Фақат тадқиқотчилар Иосифнинг бошқа асарида қайд этилган «юнонлар Ёфас ўғли бўлган Магогнинг авлоди деб скифларни билишади» мазмунидаги фикрига таяниб, аланлар – гог-магоглар деб қарашган. Иккинчидан, Александр аниқ тарихий шахс бўлиб, у келажакда содир бўлиши башорат қилинган Гог-Магоглар уруши ҳақидаги хабарлар келган Инжилдан анча олдин яшаб ўтган, шу боис уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Учинчидан, «Александр қурдирган темир дарвозалар» ҳақидаги Иосиф

---

<sup>91</sup> Gog and Magog in Early Syriac and Islamic Sources. Edited by Emeri van Donzel, Andrea Schmidt. – Leiden – Boston: Brill, 2009. – P. 10.

қайдлари Александрнинг ҳақиқий тарихи ёритилган ишончли манбаларнинг ҳеч бирида учрамайди. Темир дарвозаларнинг Александрга нисбат берилиши, худди, Талмуд адабиётида бошқа сайёр сюжетларнинг Александрга нисбат берилишига ўхшайди. Аррианнинг қайд этишича, Александр дунёнинг турли жойларида, жумладан, Кавказ томонларда парапамисадлар ерида<sup>92</sup>, бундан сўнг қадимги Бактрия ҳудудида, Танаис дарёси яқинида Александрия қурдирган<sup>93</sup>. Бу шаҳарлардан, аввало, ҳарбий-сий мақсадлар кўзланган. Хусусан, Танаис қирғоғидаги Александриянинг қурилишидан мақсад дарё бўйидаги варварлар босқини ва скифлар ҳужумидан мамлакатни ҳимоя қилиш бўлган. Бизнингча, Флавийнинг Танаис дарёси ва Маеотис кўли қирғоқларида яшаган аланлар ва уларнинг Александр темир дарвозалар билан ёпган довондан ошиб ўтгани ҳақидаги қайдлари асосида Арриан қайд этган юқоридаги тарихий воқеалар туради. Аммо Арриан «темир дарвозалар» ҳақида гапирган эмас. Бизга эса Иосиф Флавийнинг темир дарвозалар ҳақидаги фикрларни қайси манбадан олгани номаълум, ҳар ҳолда, энг ишончли манбаларда бунга оид қайдлар мавжуд эмас.

---

<sup>92</sup> Арриан, – С. 153.

<sup>93</sup> Арриан, – С. 133.

## 1.2. Александр ҳақидаги грек-юнон романлари

Антик даврда Александр ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ туркум асарлар яратилган бўлиб, улар ўзига хос анъанани юзага келтирди ва мавзунинг асл тарихий асосларини ўзида мужассам этди. Энг ишончли грек-юнон романлари Диодор, Руф, Плутарх, Арриан ва Юстин асарлари бўлиб, Александрнинг ҳақиқий тарихи билан мана шу асарлар орқалигина танишиш мумкин. Е.А.Костюхин қадимда Александр ҳақида асар ёзиш борасида икки хил – тарихий ва адабий анъаналар мавжуд бўлгани, тарихий анъананинг бошида Аррианнинг асари, адабий анъананинг бошида эса Каллисфен тургани, кейинчалик Плутарх бу тармоқни давом эттирганини ёзади<sup>94</sup>. Мазкур қарашга қисман қўшилиш мумкин, бироқ юқорида номлари қайд этилган муаллифлар тарихчилар экани ва асарларида тарихий характер бўртиб туришини унутмаслик керак. Диодор, Плутарх ва Руф асарларини адабий анъанага мансуб деб қарашда эса улардаги адабиётга яқинлик, афсона, ривоят ва мифларнинг кўп учраши асос қилиб олинган.

Александр тарихига махсус тўхталган муаллифлардан бири, қадимги юнон тарихчиси Сицилиялик Диодор (мил. ав. 90 – 30) бўлиб, унинг «Тарихий кутубхона»<sup>95</sup> асарининг ўн еттинчи китоби Александрга бағишланган. «Тарихий кутубхона» инсониятнинг умумий тарихини ёзиш ғояси билан яратилган бўлиб, унда Александр тарихи дунё тарихининг бир қисми сифатида кўрсатилади. Баъзи тадқиқотчилар «Тарихий кутубхона»ни компилятив асар сифатида баҳолашади. Биз учун Диодорнинг ушбу асарига муносабатда охириги вақтларда шаклланган тенденция – асарда қайд этилган воқеалар ва маълумотларга асосий эътиборни қаратиш муҳим.

Диодор услубига хос асосий хусусиятлар сиқиклик ва тарихий воқеаларни хронология асосида баён қилишдир. У таҳлилга киришмайди, деярли муносабат билдирмайди. Диодор асарни йиллар кесимида,

<sup>94</sup> Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – Москва: Наука, 1972. – С. 6.

<sup>95</sup> Диодор Сицилийский. Историческая библиотека. Дополнения. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеевко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962. – С. 294 – 366.

воқеаларнинг содир бўлиш кетма-кетлиги асосида тартиблайди. Китоб Александрнинг тахтга чиқиши, яъни милоддан аввалги 335-йил воқеаларидан бошланади ва шу тариқа 334-, 333-... ва 324-йил воқеалари тарзида ҳикоя қилинади. У Александрнинг ҳукмдорликни қўлга киритгунига қадар бўлган ҳаётига тўхталмайди, лекин Александр тарихини баён қилишдан олдин бу шахс ҳақидаги қарашларини умумий тарзда билдириб, Александрнинг насабини ҳам кўрсатади. Диодор Искандар тарихини шундай бошлайди: «Александр қисқа вақт ичида ўз ақл-заковати ва жасоратига таяниб, тарихи бизгача етиб келган барча подшоҳлар қилган ишлардан ҳам буюкроқ ишларни амалга оширди. Ўн икки йил давомида у Европанинг катта қисми ва деярли бутун Осиёни забт этди ва, албатта, уни қадимги қаҳрамонлар ва яримхудолар билан тенглаштирувчи ажойиб шон-шарафга эга бўлди. Муқаддимада бу подшоҳнинг бирор бир ишини олдиндан кўрсатишга ҳожат йўқ. Уларнинг ўзлари, секин-аста баён қилинса, нима учун Александр шунчалик улуғвор эканлигини етарлича тушунтиради....»<sup>96</sup>. Мазкур кириш, аввало, муаллифнинг Александрга муносабатини акс эттириши билан аҳамиятли. Ундан Диодор Александр шахси ва фаолиятига ижобий муносабатда бўлгани, уни мақташга мойиллигини сезиш қийин эмас. Диодорнинг ушбу позицияси бутун асар давомида, гарчи ўрни билан танқид қилса ҳам, ўзгармайди. Шу боис Диодорнинг тарихчи сифатидаги позициясини тўла объектив деб бўлмайди. Бундан ташқари, юқоридаги киришда Александр фаолиятини тушунишга ёрдам берувчи бир неча муҳим жиҳатлар акс этган. Биринчиси «қисқа вақт» (12 йил), иккинчиси Александрнинг ўз мақсадларини амалга оширишда «ақл-заковат ва жасорат»га таянгани, учинчиси «ўзига қадар ўтган ҳукмдорларнинг барчасидан буюкроқ ишларни амалга оширгани», тўртинчиси «қадимги қаҳрамонлар ва яримхудолар билан тенглаштирувчи шон-шарафга эга бўлгани» масалаларидир. Бу тўрт нуқта нафақат Диодор асари, балки бошқа шу сирадаги асарларга ҳам хос бўлиб, Александрни ғайритабиий куч-қудрат

---

<sup>96</sup> Диодор, – С. 294.

соҳиби сифатида кўрсатиш ва ижобий қиёфада талқин этиш йўлида фойдаланилган энг умумлаштирувчи жиҳатлардир. Александр фаолиятига бундай қараш кейинчалик шарқ адабиётига ҳам трансформация бўлган<sup>97</sup>.

Ушбу киришда Александрнинг насабига оид қарашларнинг ифодалангани ҳам эътиборли. Тарихчи мифологик тафаккурга таяниб Александрни яримхудолар билан боғлайди. Мифограф бўлган Диодорнинг бундай қарашини тушуниш мумкин, аммо гап фақат бунда эмас. Унинг Александрни ҳам ота, ҳам она томондан Зевснинг авлодлари билан боғлаши, Александрдаги кучли шахсият ва жасорат яримхудолардан мерос<sup>98</sup> эканини таъкидлаши – Александр ва унинг ишларини илоҳийлаштириш ёки илоҳиёт билан алоқалантиришга уринишдир. Бу – Александр шахси вафотидан кўп ўтмай, милоддан аввалги биринчи аср, эҳтимол, ўз давридаёқ героизацияга учраганини тасдиқлайди. Табиийки, бундай дунёқарашдаги муаллифнинг ёзганларига эҳтиёткорлик билан қараш, тарихий фактлар билан солиштириш зарур.

Диодор асарнинг қолган қисмларида қаҳрамонни улуғлаш ва унинг ижобий қиёфасини яратишга мойиллик билдиради, аммо воқеалар давомида Александр оддий ҳукмдорлардек ҳаракат қилади. Фақат фол мотиви мавжуд ўринларда баёнга мистик руҳ кўшилган бўлиб, фоллардан баъзилари Александр пайдо қилиши мумкин бўлган хавф-хатарга<sup>99</sup>, баъзилари Александрнинг келажаги, ўлимига<sup>100</sup> ишора қилади. Диодор қайдларида Александрнинг насаби, ота-онаси масаласидаги ихтилофлар ҳам, асранди фарзанд экани ҳақидаги баҳслар ҳам йўқ. У Александрнинг тахтга чиқиши (335-йил) воқеасидан то вафотига қадар бўлган тарихини имкон қадар қамраб олиш ва етарли тасаввур беришга интилади, воқеаларни муҳокама қилмайди. Диодор Александрни танқид қилишга ҳам, олқишлашга ҳам шошмайди.

---

<sup>97</sup> Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2006. – B. 62 – 63.

<sup>98</sup> Диодор, – С. 294.

<sup>99</sup> Диодор, – С. 298 – 299.

<sup>100</sup> Диодор, – С. 362; 365.

Баъзан Александрни олийжаноблиги учун улуғлайди<sup>101</sup>. Александр шахсига оид муаллиф талқинининг муҳим жиҳатларидан яна бири эътиқод масаласидир. Диодор талқинида Александр политеизм – кўпхудоликка эътиқод қилувчи, бошига тушган ҳар бир ишни Худодан деб билувчи шахс. Бу ўринда унинг кўпроқ художўйлиги, ғайбга ишониши эътиборли.

Диодор Александр фаолиятининг форслар билан боғлиқ жиҳатларини бошқа тарихчиларга қараганда батафсилроқ ёритган ва кўпгина тасвирлари асосланганлиги билан эътиборли. Масалан, Александрнинг ҳақиқий тарихини энг яхши баён қилган Арриан Александрнинг Афинага юриши, эллинлардан хавфсираши, Демосфен билан салбий муносабати ҳақида ёзади, лекин бунча хавфсирашнинг, Демосфендан чўчишнинг сабабларини изоҳламайди. Диодор эса Александрнинг афиналиклар билан эҳтиёткорона муносабатлари зимнида эллинлар бу пайтда македонлар истибдодига қарши курашга тайёргарлик кўргани, Демосфен ва 10 нотик бу пайтда тинмай озодликка тарғиб этишгани ва Демосфеннинг форслар томонидан моддий қўллаб-қувватлангани каби асосларни келтиради. Натижада эллинларнинг Александрга қарши кайфияти ўқувчи учун анча тушунарли кўриниш олган. Диодор бошқа антик тарихчилар қайд этмаган тафсилотлар, деталларни келтирадики, улар ҳам муайян воқеаларни тушуниш, Александрнинг қаҳрамонликларини англашга ёрдам беради<sup>102</sup>. Булар Диодор кўпчиликка номаълум манбалардан фойдаланганини ҳам кўрсатади. Диодорнинг манбалари масаласида айтиш мумкинки, у Арриан каби ўзи фойдаланган манбаларни аниқ кўрсатган эмас, лекин воқеалар ривожини ва тафсилотлар Арриан қайдларига ўхшаш бўлганига қараганда Диодор ҳам бутунлай бошқа ёки ишончсиз манбалардан истифода этмаганини тахмин қилиш мумкин.

Хуллас, Диодорнинг ушбу асарида тарихий характер устувор, муаллиф воқеаларни тарихий услубда ва хронологик тартибда баён қилган. Арриан тарихига нисбатан воқеалар анча қисқартирилган, шу билан бирга, янги

---

<sup>101</sup> Диодор, – С. 316.

<sup>102</sup> Диодор, – С. 304 – 305.

тафсилотлар ҳам қўшилган, баъзи ноаниқ вазиятларга ойдинлик киритилган. Диодор мавжуд воқеликни борича кўрсатишга, Александрга холис муносабат билдиришга интилади. Бироқ эллинизм даври тарихчиси сифатида, асосан, Александр ҳақида ёзади ва воқеаларни ҳам Александр томонидан туриб ёритади. Воқеаларни ихчамлаштиришга кўп эътибор қаратиб, Александрнинг Европа ва Осиёдаги юришлари, айниқса, Ҳинд юришини қисқартириб юборган. Асарнинг умумий руҳидан Диодорнинг Александр ҳақида ижобий фикрда бўлгани, уни улуғлашга мойиллиги сезилади. Диодор асаридаги айрим ўринлар тушиб қолган, бошқа тарихчилар қайдларига мос келмайдиган қисмлар ҳам учраб туради (Доронинг ўлими талқинида). Диодор асарида Александрнинг тарихий сиймоси сақланиб қолган, тарихий шахс экани, ҳарбий саркарда сифатидаги талқини биринчи планда туради.

Квинт Курций Руфнинг «Буюк Александр Македонский тарихи» асари ҳам мавзу тарихида муносиб ўринга эга. Тадқиқотчилар фикрича, Руф милоднинг I асрида ҳаёт кечирган ва асарини император Клавдий даврида (41 – 54 йиллар) ёзган. Асар Александр ҳақида яратилган энг қадимги манбалардан бири бўлиб, фақат мана шу китоб лотин ёзувида сақланиб қолган. Унинг биринчи ва иккинчи боблари етиб келмаган, шу боис асар учинчи бобдан бошланади<sup>103</sup>. Табиийки, асарда Александрнинг насл-насаби, болалиги ҳақида қайдлар йўқ. Учинчи бобда Александр Ғарбий Европани бўйсундириб, Дорога қарши жангга тайёрланаётган саркарда сифатида тасвирланган. Айрим тадқиқотчилар, хусусан, Валдемар Хекел йўқолган қисмларни Диодор, Арриан, Юстин, Плутарх асарлари асосида тиклаган<sup>104</sup>.

Асарнинг ёзилиши, ундаги воқеаларга муносабати, материалларни қандай саралагани ва ишончлилиқ даражаси ҳақида Руфнинг ўзи шундай ёзади: «Мен ўзим ишонган нарсага нисбатан кўпроқ (воқеаларни) ёзаман, лекин шубҳа қилган нарсамни тасдиқлай олмайман ва эшитганларимдан ҳеч

---

<sup>103</sup> Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. редактор А. А. Вигасин. — М.: Изд-во МГУ, 1993. — 464 с.

<sup>104</sup> Rufus, Quintus Curtius. The History of Alexander. Translator John Yardley. — London: Penguin Classics, 1984. — P. 19 – 25.

нарсани ўтказиб юборишни хоҳламайман»<sup>105</sup>. Ушбу изох асарда тасвирланган воқеаларнинг ишончлилиқ даражасини чамалаш ва муаллифнинг тарихий материалларга муносабатини тасаввур қилишга ёрдам беради. Руф асарининг аксар қисми тарихий ҳақиқатларга асосланган, шу билан бирга, Руфнинг ўзи шубҳаланган воқеа-ҳодисалар ҳам асарга киритилган, бунга сабаб эса муаллифнинг Александр ҳақидаги барча билганларини жамлаш мақсади эди. Шу боис фақат Руф асарида учрайдиган воқеа ёки ҳодисаларга эҳтиёт бўлиб ёндашиш зарур, чунки айти воқеалар «эшитилган» ёки муаллиф тасдиқлай олмайдиган шубҳали маълумотлар бўлиши мумкин.

Руф асарига хос энг асосий хусусиятлардан бири батафсилликка интилиш, янги факт ва маълумотларни бериб боришдир. Жумладан, антик тарихчилар илк тўқнашувда Доронинг Александрга мағлуб бўлишига сабаб қилиб жанг позициясининг нотўғри танланганлигини кўрсатишган, агар Доро улкан қўшин билан текисликда жанг қилганида ғалаба қозониши мумкин эди, деган тахминни билдиришган. Аммо ўша тор ҳудуд қандай тузилгани, қаерда жойлашгани тўғрисида конкрет маълумотлар беришмаган. Руф эса Александрнинг Кликия атрофидаги «Кир лагери»га келиб тушгани, Кликия баланд тоғ тизмалари билан ихоталангани, у ерда Пирам ва Кидн дарёлари оқиб ўтиши, ҳатто, у ердаги йўлларнинг ерли халқ тилидаги номлари тўғрисида батафсил ёзади<sup>106</sup>. У шу тариқа муайян воқеликнинг асосларини батафсил тасвирлашга, бошқалар қайд этмаган жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилади. Руф ҳам, асосан, Осиё юриши ҳақида тўхталади.

Руф воқеаларга ўрни-ўрни билан ўз муносабатини ҳам бериб боради. Александр ва унинг ишларига муносабатда объектив бўлишга интилса ҳам, мақташга арзигулик паллаларда муносабат билдиради. Масалан, Александрни форс аёллари билан олижаноб муносабатлари учун алқайди<sup>107</sup>. Шунингдек, Александрнинг камчиликларини ҳам кўрсатади. Хусусан,

---

<sup>105</sup> Руф, – С. 203.

<sup>106</sup> Руф, – С. 30.

<sup>107</sup> Руф, – С. 43.



Александр Ғазодаги бир ҳодисани йўйиш учун Аристандерни чакиртиргани воқеасига шундай муносабат билдиради: «Бу воқеа у ҳақда фолбиндан сўрашга лойиқ кўринди ва Александрнинг ўзи ҳам хурофотлардан бутунлай холи эмас эди»<sup>108</sup>. Руф шу тариқа Александрнинг хурофотга мойиллиги, бундай иллатлардан холи бўлмаганини ҳам эслатиб кетади.

Руфнинг ушбу асари бадиий характерга ҳам эга, у романдек ўқилади, асосий қаҳрамонлар иллату фазилатлари, кўнглида кечаётган ўй-хаёллари, ҳиссиётлари билан тасвирланади. Айниқса, Александр ва Дорога оид тасвирлар қаҳрамонлар руҳияти яхши очиб берилгани, объектив характери билан ўқувчини ўзига ром этади. Бу жиҳатдан Руфнинг асари Плутарх асарига жуда яқин, ҳар иккиси биографик романдек таассурот қолдиради. Руф бошқа тарихчилардан фарқли ўлароқ, қаҳрамонлар руҳияти, кечинмаларини беришда эринмайди, бу тасвирлар ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигидан қатъи назар, ўқувчида ишонч уйғотади. Жумладан, Руф Дорога хиёнат қилиниши воқеасини батафсил тасвирлаган, у ҳеч бир тарих ёки бадиий асарда учрамайди. Ушбу воқеанинг тасвири бадиий асардек ўқилади ва Доронинг инсон сифатидаги фазилатлари, юксак қалби ҳақида сўзлайди<sup>109</sup>. Дорони ҳам инсон сифатида кашф этишига шароит яратади. Айни жиҳатни бошқа юнон тарихчилари асарларида учратмаймиз.

Руф асосий эътиборни Александрнинг жаҳонгирлигига қаратса-да, уни иллатларию фазилатлари билан тасвирлайди, шу билан бирга унинг қалб кечинмалари тасвирига, фаолиятининг сир-синоати, зиддиятлари ва ютуқларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Руф талқинида Александр юксак ақл-заковат соҳиби, душманлар билан муомалада оқилона йўл тутувчи ва фикрини матиқан жуда яхши асословчи шахс қиёфасида гавдаланади. Александр муҳим паллаларда донишмандлардек фикрлайди ва ўз карашларини жуда аниқ баён қилади. Масалан, Доро сулҳ учун учинчи бор элчилар юбориб, 30 000 талант эвазига оиласини қўйиб юборишни сўраганда,

---

<sup>108</sup> Руф, – С. 60.

<sup>109</sup> Руф, – С. 110 – 111.

Парменион бошлиқ кишилар бу таклифга рози бўлишга чақиради, Александр эса шундай жавоб беради: «Агар Парменион бўлганимда, мен шон-шуҳратдан кўра пулни афзал кўрган бўлардим. Лекин мен Александрман, пул йўқлигидан ташвишланмайман ва мен савдогар эмас, балки подшоҳман. Сотадиган нарсам йўқ, ўз тақдиримни эса, шубҳасиз, сотмайман. Агар сиз маҳбусларни озод қилмоқчи бўлсангиз, «улар учун тўлов» олишдан кўра, уларни текинга қайтариш шарафлироқдир»<sup>110</sup>. Албатта, бу каби қайдлар<sup>111</sup> Александрнинг шахсий фазилатлари ифодаси, аммо шуларнинг ўзида Александрда шуҳратпарастлик, шарафга интилиш кучли бўлганини ҳам кўриш мумкин. Руф эса бирини яшириб, бошқасини оширмайди. У Александрнинг хатарга бардошлилик, режани амалга оширишдаги шиддати, садоқат, раҳм-шафқат, ўзини тия билиш каби бир неча фазилатларини мақташ баробарида буларнинг ҳаммасини ювиб юборувчи иллоти – шаробга бўлган мутелигини очикчасига қоралайди<sup>112</sup>. Руфнинг талқинига кўра, Александр форс қуролларига эмас, урф-одатларига мағлуб бўлган. Натижада македонлар орасида Александрга нисбатан адоват, фитна авж олган, ўз навбатида, Александрда ҳам яқинларига нисбатан ишончсизлик, ҳар нарсадан ваҳимага тушиш, форс урф-одатлари ва шахсларига жиддий эътибор қилиш кучайган<sup>113</sup>. Яъни Руф Александр ҳаётининг ички зиддиятлари ва у билан юз берган фожиали воқеаларнинг нозик сабабларини ҳам ўқувчига ишончли тарзда етказа олган. У ҳар бир воқеанинг асосий сабабларини мунтазам кўрсатиб боришга интилади, натижада ҳеч бир воқеа юзасидан ўқувчида жиддий саволлар пайдо бўлмайди. Александр Руф талқинида ҳам художўй бир банда, айти пайта, хурофотга мойил, ҳар хил фолу башоратга ишонувчи шахс.

Антик замонда осиеликлар истибдодида бўлган юнон ва македонлар Осиёга юриш, уни забт этишга фақат ҳукмронликни қўлга киритиш деб эмас,

---

<sup>110</sup> Руф, – С. 72.

<sup>111</sup> Руф, – С. 76; 92.

<sup>112</sup> Руф, – С. 102 – 103.

<sup>113</sup> Руф, – С. 115 – 116.

балки ўч ва қасос масаласи деб ҳам қарашган. Шу боис Осиё устидан зафар кучиш билан боғлиқ турли башорату фоллар тўқишган<sup>114</sup>. Қолаверса, Осиё юришининг асосий сабабларидан бири бойлик орттириш бўлган. Агар шон-шараф, ҳукмдорлик, адолат ўрнатиш буюк ҳарбий юришларнинг сиёсий мақсади бўлса, кенг имкониятларга эга бўлиш, мамлакатлар ва уларнинг қимматбаҳо нарсаларини ўзлаштириш ҳисобига бойиш ҳарбий юришларнинг иқтисодий мақсади бўлган. Аксар антик тарихчилар Осиё юришининг сиёсий мақсадларига урғу беришган бўлса, Руф улардан фарқли равишда иқтисодий мақсадларни ҳам очик қайд этади<sup>115</sup>. Юнону македонларнинг Осиёни забт этиб бойиш истаги, қасос ҳақидаги орзулари ифодаланган башоратомуз эпизодлар, турли фоллар тасвири кейинчалик шарқлик ижодкорлар асарларида тушириб қолдирилган. Яъни Александр тимсоли шарқ тарихи, адабиётига турлича мослаштириш, қайта ишлашлар билан ўтган. Александр ва юнон-македонларнинг Осиё ҳақидаги ёмон тасаввурлари, орзу-армонлари тасвири ҳам Шарқда хиралашиб кетди ёки батамом ташлаб юборилди. Шу боис хамсанависларнинг Искандар ҳақидаги дostonларида юнон тарихчилари зўр бериб ёзган Осиё ва уни забт этиш ҳақидаги башоратлар, орзу-армонлар ифодасини учратмаймиз.

Руф Александрнинг ҳарбий юришлардан кўзлаган буюк мақсади ҳақида махсус тўхталиб, масалани бошқа тарихчиларга нисбатан жуда аниқ баён қилади. Александр қўшинини Ганг ортида ҳукмдорлик қилувчи Аграммнинг улкан қўшини билан жанг қилишга ундаб нутқ сўзлар экан, ўзининг буюк мақсадини ошкор этади: «Биз ишларимиз ва машаққатларимиз остонасида эмас, аллақачон уларнинг охирида турибмиз. Тез орада қуёш чиқадиган жой ва Океанга етиб борамиз. Фақат ваҳимага берилманг! У ердан дунёнинг охирини забт этиб, ватанимизга ғолиб сифатида қайтамиз»<sup>116</sup>. Шунга ўхшаш ҳолат Аррианда ҳам тасвирланган, у ерда ҳам Александрнинг бутун дунёни босиб ўтиш ва ер юзини тўлиқ бўйсундириш нияти ҳақида гап

---

<sup>114</sup> Руф, – С. 25.

<sup>115</sup> Руф, – С. 200.

<sup>116</sup> Руф, – С. 205.

кетади, аммо «дунёнинг охири» ва «қуёшнинг чиқиш жойи»ни кўриш истаги қайд этилган эмас. Александр нутқидаги эътиборли жиҳатлардан яна бири «дунёнинг икки чети» тушунчасидир. Руф Александрнинг Македониядан бошланиб, Ғарбий Европани қамраб олган ва кейинчалик Осиё бўйлаб тарқалиб, Ҳиндистонга қадар етиб борган ҳарбий юришларини дунёнинг икки четини фатҳ этиш деб, Ҳиндистонни тўлиқ эгаллаш, Ганг дарёси ортидаги ерларни забт этишни эса дунёнинг охирига етиш, дунёнинг чегарасига келиш деб талқин этган ва ундан нарига ўтишни эса янги дунё, янги табиатни кашф этиш деб кўрсатган<sup>117</sup>. Руфга кўра, Александр Европадан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни забт этганида 28 яшар бўлган ва тахтга ўтирганига 9 йил бўлган эди. Унинг қисқа фурсатда бундай улкан зафарларга эришишига жасорати ва шон-шарафга бўлган чексиз иштиёқи сабаб бўлган.

Шарқ адабиётида оммалашган Искандарнинг Ернинг охири, дунёнинг чегарасига бориши, у ердан турли-туман фалсафий танбеҳлар билан ортга қайтиши каби эпизодлар замирида Александрнинг юқоридаги нутқида ифодаланган фикрлар, тасаввурлар ётади. Аниқроқ айтганда, Александрнинг Ганг дарёсидан ўтиш, унинг ортидаги ерлар ва халқларни бўйсундириш ҳақидаги орзулари кейинчалик Александр ҳақидаги романларда Александр (Искандар)нинг дунёнинг чегарасига бориши, у ердан мулзам қайтиши ҳақидаги тасаввур ва талқинларни шакллантирган. Александрнинг Океан томон юриши Руф талқинида Ҳиндистондан она ватанга қайтиш эмас, балки Ернинг чегарасини кўриш ва фоний одамлар учун номаълум бўлган нарсаларни кўриш истаги билан боғлаб юборилган<sup>118</sup>.

Местрий Плутарх (тах. милодий 46 – 127-йиллар)нинг Александрга бағишланган асари Руф тарихи билан уйғун жиҳатларга эга бўлса-да, кўпроқ биографик характери билан ажралиб туради. Плутарх асарда кўзлаган асосий мақсади ҳақида шундай ёзади: «... биз тарихни эмас, инсоннинг ҳаёт йўлини тасвирлашни мақсад қилганмиз. Инсоннинг яхши-ёмонлиги эса ҳамиша ҳам

---

<sup>117</sup> Руф, – С. 215 – 216.

<sup>118</sup> Руф, – С. 221.

унинг улуғвор ишларида кўринавермайди. Қандайдир кичик бир қилиғи ёки каердадир оғзидан чиқиб кетган мутойибаси, қилган ҳазили – улкан жангда минглаб инсонларни ҳалок қилиш эвазига қозонилган ғалабаси ёки лак-лак кўшинни бошқарганидан кўра кўпроқ феъл-атворини очиб бериши мумкин... Биз ҳам киши руҳиятини кўрсатадиган ҳолатларни кенгроқ тасвирлашни истардик. Оламшумул воқеалару жангномаларни бошқалар ёзаверсин»<sup>119</sup>. Айни мақсад Плутарх асарининг Диодор ва Руф асарларидан кескин фарқланишига олиб келган. Диодор ва Руфдаги Александрга нисбатан «холислик» Плутархда бутунлай ижобий позиция билан алмашган ва Плутарх Александрни, асосан, яхши феъл-атвор эгаси, ижобий фазилатлар соҳиби сифатида талқин этади. Барча тасвиру талқинлар марказида Александр шахсияти туради. Плутарх асари шу типдаги бошқа асарлар орасида мақсад, услуб ва характериға кўра энг адабиётға яқини ҳисобланади.

Асар LXXVI бўлимдан таркиб топган, воқеалар баёнида моҳиятан хронологияға амал қилинса-да, фикрлар муайян масала ва мавзулар кесимида баён қилинади. Плутарх асарни Александрнинг насаби, туғилиши масаласи баёнидан бошлайди. У Диодор каби Александр ота томонидан Геркулесға, она томонидан Эакка бориб тақалишини айтар экан, Александрнинг отаси Филипп, онаси эса Олимпияда эканини<sup>120</sup>, у гекатомбеон ойининг (июл-августға тўғри келади) олтинчи кунида туғилганини<sup>121</sup> қўшимча қилади. Шунингдек, Плутарх Александрнинг туғилиши билан боғлиқ жуда кўп афсона ва ривоятларни келтиради<sup>122</sup>. Айрим буюк шахсларда бўлганидек Александр туғилган кун билан боғлиқ башоратлар ҳам мавжуд бўлган<sup>123</sup>. Плутархнинг қайд этишича, Филипп ва Олимпияданинг муносабатлари совуқлашиши фонида ҳар хил миш-мишлар тарқалган, буларнинг орасида Александр Филиппдан бўлган фарзанд эмас, деган мазмундагилари ҳам

---

<sup>119</sup> Плутарх. Сайланма. Искандар Макдунли. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. – Б. 8.

<sup>120</sup> Плутарх, – Б. 8.

<sup>121</sup> Плутарх, – Б. 10.

<sup>122</sup> Плутарх, – Б. 9.

<sup>123</sup> Плутарх, – Б. 10.

бўлган<sup>124</sup>. Кейинчалик Александр Мисрга ҳарбий юришлари даврида Аммон ибодатхонасига боради ва у ерда кохин худо Аммон Александрни ўғли сифатида олқишлади, деб айтган<sup>125</sup>. «Александр Филиппнинг ҳақиқий ўғли эмас» мазмунидаги миш-мишлар бундан сўнг янада кўпайган. Хуллас, ёшлигидаёқ Александрнинг насаби, келиб чиқиши борасида ихтилофлар бўлган, лекин Александрнинг ўзи ва бошқа тарихчилар Александр ҳақиқий шахзода эканига ишонишади.

Бундан сўнг Плутарх Александрнинг қиёфаси, шакл-шамойили ҳақида ёзади: «Искандарнинг ранги ўта оқ бўлган, айрим аъзолари, айниқса, юзи ва кўкси қизилга мойил оқ бўлган. Искандарнинг терисидан анвойи хид таралган ва кийимига ўтириб қоларкан. Эҳтимол, бу – мижозининг иссиқлиги, кизикқонлиги туфайлидир»<sup>126</sup>. Александр ҳақидаги бундай маълумотлар қадимги юнон манбаларида кам учрайди, Шарқда эса деярли қабул қилинмаган.

Плутарх бундан кейин Александрнинг тарбияси, таълим олиши, унинг илм эгаллаш, китоб ўқишга табиатан мойиллиги ҳақида ёзади<sup>127</sup>. Сўнгра Александрнинг феъл-атвори, табиати ҳақидаги фикрларини унинг роҳат-фароғатга ўч эмаслигини таъкидлашдан бошлайди. Чунки Плутархнинг назарида инсон буюклик ва шарафга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиши керак ва Александр шу йўлдан боргани учун машҳурликка эришган. Плутарх талқинида, Александр болалик чоғлариданоқ роҳат-фароғатга бефарқ бўлган. Кейинчалик шиддат, ғазаб ва бошқа туйғуларда тизгинсизлик кўрсатган бўлса-да, тан роҳатига оид ишларга бефарқлигича қолган<sup>128</sup>. Мол-мулк, бойлик ва роҳат-фароғат Александр учун бегона нарсалар эди<sup>129</sup>. Ёки Плутарх аёллар билан муносабат борасида тўхталар экан, Александр шоҳнинг ўзини тута билиши – жанговарлик санъатидан ҳам устун туради,

---

<sup>124</sup> Плутарх, – Б. 17.

<sup>125</sup> Руф, – С. 63.

<sup>126</sup> Плутарх, – Б. 11.

<sup>127</sup> Плутарх, – Б. 13; 14 – 16.

<sup>128</sup> Плутарх, – Б. 11.

<sup>129</sup> Плутарх, – Б. 56.

деб ҳисоблаганига урғу беради. Плутарх талқинида Александр аёлларга муносабатда ўта парҳезкор, ўзини жиловлай оладиган шахс. Ушбу фикрни асословчи яна бир қанча мисоллар ҳам келтирилган<sup>130</sup>. Тарихчи Александрга нисбат берган бундай олижаноблик, қаноат, одоб Шарқда ислом таъсирида янада сайқалланган.

Плутарх шу тариқа ўз қарашларини Александрнинг дастурхони, таом масаласидаги қаноатлилиги ва уюштирган базмлари<sup>131</sup>, шуҳратпарастлиги, шон-шарафга ўчлиги<sup>132</sup>, мол-дунё ва ҳашаматга бепарволиги<sup>133</sup>, саховатпешалиги<sup>134</sup>, дарвештаблиги<sup>135</sup> ва файласуфлиги<sup>136</sup>, жасурлиги<sup>137</sup>, вафоти<sup>138</sup> каби турли масалалар кесимида ифодалаб боради. Александр уюштирган мусобақалар, фестиваллар, театр тамошолари ҳақида батафсил ёзади<sup>139</sup>. Плутарх урғу берган айна жиҳатлар кейинчалик Шарқда Искандар образининг етакчи талқинлари шаклланишига кучли таъсир ўтказган.

Хуллас, Плутарх ўз асарида Диодор ва Руфдан фарқли равишда жанглари эмас, балки жанглари атрофида, улардан олдин ва кейин юз берган воқеаларни тасвирлашга эътибор қаратди. Асосан, Александрни жасур саркарда ва доно инсон сифатида кўрсатишга, Александр шахсида жасурлик ва донолик мужассам деган қарашни исботлашга интилди. Плутархнинг барча талқинлари асосида Александрнинг буюк ҳукмдорлигини асослаш масаласи туради ва асосий эътибор Александрнинг турли мамлакатларга эмас, айнан нафсига ҳукмрон бўлган, жасорат, шон-шарафга ташна шахс эканлигини исботлашга қаратилади.

Плутарх асари бадиий характерга ҳам эга, унда тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган. Руф ва Плутарх асарлари адабий асарларга ўхшаса-

---

<sup>130</sup> Плутарх, – Б. 33; 44.

<sup>131</sup> Плутарх, – Б. 33 – 35.

<sup>132</sup> Плутарх, – Б. 11 – 12.

<sup>133</sup> Плутарх, – Б. 23.

<sup>134</sup> Плутарх, – Б. 53 – 54.

<sup>135</sup> Плутарх, – Б. 22.

<sup>136</sup> Плутарх, – Б. 46; 74 – 75; 80 – 81.

<sup>137</sup> Плутарх, – Б. 24; 45 – 46.

<sup>138</sup> Плутарх, – Б. 89 – 91.

<sup>139</sup> Плутарх, – Б. 41 – 42.

да, уларда бадийликнинг бош талаби – образли ифода, бадий тасвир етакчи эмас. Уларда айрим шунга ўхшаш ўринлар бор, хусусан, Плутарх асарида шеърӣ парчалар ҳам тез-тез учраб туради, аммо умуман олганда бу асарлардаги тасвир услуби бадий асарларники каби эмас. Плутарх талқинлари Шарқдаги исқандарномалар қаҳрамони руҳиятини тушуниш, унга нисбат берилган фазилату талқинлар генезисини англашга ёрдам бериши билан аҳамиятли.

Флавий Арриан (тах. милодий 90-95 – 175)нинг «Александр юришлари» асари жами етти бўлимдан иборат. Мазкур асар Александр тарихи ҳақидаги грек-юнон романларининг энг ишончлиси ҳисобланади. Арриан, дастлаб, асарни ёзишда таянган манбалари ҳақида маълумот беради ва бу орқали ўз асарининг ишончлилик даражасини махсус таъкидлайди: «Мен Лаг ўғли Птоломей ва Аристокбул ўғли Аристокбул бир хил ҳикоя қилган Александр (Филиппнинг ўғли) ҳақидаги маълумотларни ишончли тарзда етказаман. Улар бир-бирларига мос келмаган пайтда мен ўзимга ишончлироқ ва айтиб ўтишга арзигулик бўлганини танладим... Бошқа ёзувчиларда ҳам эслатишга лойиқ ва умуман ақл бовар қилмайдиган маълумотлар мавжуд, мен уларни Александр ҳақидаги ҳикоялар сифатида ёздим»<sup>140</sup>. Арриан Александрнинг ҳақиқий тарихига қўшимча тарзда фақат айрим воқеаларни асарига киритган, бундай йўл тутишига ушбу маълумотларни эслатиш нияти сабаб бўлган. Лекин ўзи ҳам уларга ишонавермаган<sup>141</sup>. Арриан бу асарни нима учун ёзганини ҳам изоҳлаган: «Агар Александр ҳақида ёзиш, кўпчилик у ҳақда ёзган бир пайтда, хаёлимга нима учун келгани кимнидир қизиқтирса, аввал ҳамма ёзилганларни ўқиб чиқсин, сўнг меники билан танишсин – кейин ҳайрон бўлсин»<sup>142</sup>. Арриан ўз асарининг ишончлилигига ишора қилар экан, асосий фарқ нимада эканини очиқ айтади: «Александр Ахиллни омадли деб атаган, чунки Гомер каби

<sup>140</sup> Арриан Флавий. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеевко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962. – С. 47.

<sup>141</sup> Арриан, – С. 80.

<sup>142</sup> Арриан, – С. 47.



шоир кейинчалик унинг шон-шарафи ҳақида жар солди. (2) [65] Ҳақиқатан, Александр Ахиллга ҳасад қилишга ҳақли эди: у ҳамма нарсада бахтли эди, лекин бу борада унга омад кулиб боқмади – ҳеч ким инсониятга Александрнинг ишлари ҳақида муносиб тарзда айтиб бермаган. У ҳақда на наср, на шеърлар ёзилган... Мени у ҳақда ёзишга ундаган нарса – мана шу»<sup>143</sup>. Дарҳақиқат, Арриан асари эллин ёзувчиларининг Александрга бағишланган асарлари орасида мумтозлиги ва мавжуд тарихни муносиб баён қилгани билан ажралиб туради.

Арриан, аввало, Александрнинг жаҳонгирлигини ёритишга урғу берган, қолган барча воқеа-ҳодисалар шу фонда тасвирланган. У Александрнинг Ғарбдаги ҳарбий ҳаракатлари тўғрисида нисбатан батафсил ёзиб қолдирган. Аксар тарихчилар, асосан, Осиё юриши, унинг забт этилиши тўғрисида ёзишган. Бу ғарбликлар ва антик тарихчилар учун кўпроқ Александрнинг Осиёга юришлари қизиқ бўлганини англатади. Аррианнинг Доро ва Александр муносабатларига оид қайдлари ҳақида мухтасар айтиш мумкинки, унинг барча маълумотлари қадимги тарихнинг ҳақиқатлари: ихтилофнинг Александр ташаббуси билан бошлангани, Доронинг ҳарбий-стратегик жиҳатдан Александрга енгилиши, Дорога ўз одамлари томонидан хиёнат қилиниши, уни ўлдирганларнинг икки киши экани, хиёнаткорларнинг Дорони топшириб мукофот олиш ёки ўз қўшинларини тузиб, салтанат тахтига ўтиришни мақсад қилиши, Доронинг такаббур ва мақтовга ўч, кўрқок ва бахтсиз подшоҳ экани, Александрнинг Доро ўлими устига бориши (лекин уни тирик кўра олмайди), оиласига шоҳона эҳтиром, Александрнинг Дорога куёв бўлиши, Доро қотилларининг қатл этилиши – буларнинг ҳаммаси Шарқдаги машҳур искандарномаларга ўтган ва асрлар давомида сақланиб қолган. Арриан асарнинг жуда катта қисмини Александрнинг Ҳиндистондаги юришлари баёнига ажратган.

Арриан таҳлил қилмайди, воқеага камдан-кам муносабат билдиради. Александрнинг бутун жаҳонгирлигини – камчилигию ютуқлари билан

---

<sup>143</sup> Арриан, – С. 60.

нисбатан объектив баён қилади. Александрни жасур, миллатининг номуси учун курашувчи, машаққатлардан тап тортмайдиган характер эгаси сифатида талқин этишга жиддий эътибор қаратади<sup>144</sup>. Александр шахсига бўлган муҳаббатини асар давомида сездирмасликка ҳаракат қилса ҳам, хотимада ошқора изҳор қилади ва тан олади<sup>145</sup>. Ушбу хулосада Александр шахсига оид Арриан талқинларининг асосий ижобий жиҳатлари жамулжам, шу маънода, Аррианнинг холислиги ҳам тўла-тўқис эмас. Айтилган пайтда, у Александрнинг хатоларидан ҳам ижобий хулосалар чиқаришга интилади<sup>146</sup>. Масалага бундай ёндашув, шубҳасиз, Аррианнинг Александр шахси ва фаолиятига ижобий қарагани, уни миллий қаҳрамон ўлароқ кўргани билан изоҳланади.

Шу билан бирга, Арриан Александр шахсига хос айрим нуқсонларни ҳам қайд этади. Жумладан, Александрнинг форс аёлларига эҳтиромини олқишласа<sup>147</sup>, бошқа бир ўринда Александрнинг Бесснинг қулоқ-бурнини кесиб, қатл этиш ҳақидаги буйруғини танқид қилади<sup>148</sup>. Аррианнинг олқиши ҳам, танқиди ҳам инсонийлик билан боғлиқ. У инсонийликка жуда муносиб ва ўта номуносиб деб ҳисоблаган ўринларидагина муносабат билдиради<sup>149</sup>. Эътирозларининг бир қисми миллийлик, кадриятлар билан алоқадор бўлиб, бу Арриан тарихни ўз замонаси ва кадриятлари асосида талқин этганини англатади. Шунингдек, Аррианнинг Александр қизиқишларининг чексизлиги масаласига муносабати ҳам эътиборли бўлиб, бу кўпроқ Ҳинд юриши – браҳманлар билан учрашувлар<sup>150</sup>, Гифас дарёсидан ортга қайтиш (космополитизм)<sup>151</sup>, Бобилга қайтиб келиш<sup>152</sup> каби воқеалар тасвирида намоён бўлган. Тарихнинг айтилган жиҳати кейинги давр асарларида ҳам

---

<sup>144</sup> Арриан, – С. 61.

<sup>145</sup> Арриан, – С. 236.

<sup>146</sup> Арриан, – С. 141; 236 – 237.

<sup>147</sup> Арриан, – С. 89 – 90.

<sup>148</sup> Арриан, – С. 139.

<sup>149</sup> Арриан, – С. 194; 211.

<sup>150</sup> Арриан, – С. 192; 200; 213.

<sup>151</sup> Арриан, – С. 183 – 184.

<sup>152</sup> Арриан, – С. 212 – 213.

сақланиб қолган ва ундан турли маърифий хулосалар чиқаришда фойдаланилган.

Арриан Александрни эллинлар маданияти тарғиботчиси ва кўплаб жойларни ободонлаштирувчи шахс қиёфасида ҳам кўрсатади. Бу борада, айниқса, Александрнинг шаҳарсозлик фаолияти анча машҳур. Бу шаҳарларни курдиришдан, аввало, сиёсий, ҳарбий мақсадлар кўзланган. Александр ўзи курдирган шаҳар ёки истехкомларга юнон-македонларнинг ҳарбий хизматга ярамай қолганлари, ёши ўтганлари ва химоя учун бир гуруҳ аскарларни жойлаштирган, улар эса у ерда ўз халқи маданияти асосида истиқомат қилишган. Аррианнинг қайд этишича, Александр дунёнинг турли жойларида ўз номи билан аталувчи шаҳарлар – Александрияларга асос солган. Жумладан, уларнинг энг йириги ва дастлабкиси Мисрдаги Александрия шахридир<sup>153</sup>. Унинг яна бир неча жойларда Александриялар курдиргани ҳақида маълумотлар бор<sup>154</sup>. Хуллас, Александр маданиятни дунёга ёйиш ва шаҳарсозлик борасида ҳам намуна қилиб кўрсатилади. Ушбу мавзунинг айна жиҳати Шарқдаги тарихий асарлар ва искандарномаларга ҳам кўчиб ўтган. Александрнинг бундай хайрли ишлари ижодкорларга уни ижобий қиёфада тасвирлаш учун бир асос бўлиб хизмат қилган.

Арриан ўз тарихининг манбалари борасида қайд этган «эслатишга лойиқ ҳикоялар»нинг асосий қисми Александр фаолияти билан боғлиқ фолу башоратлардир. Эллин тарихчиларининг деярли барчаси фол мотивидан самарали фойдаланишган. Арриан келтирган айрим фол эпизодлари Александрнинг жаҳонгир бўлишига далолат қилса<sup>155</sup>, айримлари келажакдаги ишларига оид<sup>156</sup>, баъзилари эса унинг ўлими билан алоқадор<sup>157</sup>. Аррианнинг ўзи уларга ишонмаган, уларни асарига киритишдан мақсади эса шундай миш-мишлар борлигини эслатиш бўлган. Бошқа томондан, фол билан боғлиқ эпизодлар ҳам Александр шахсининг бир қиррасини кўрсатишга, ҳам

---

<sup>153</sup> Арриан, – С. 104.

<sup>154</sup> Арриан, – С. 153; 133; 177; 203; 231.

<sup>155</sup> Арриан, – С. 58 – 59; 66 – 67; 80.

<sup>156</sup> Арриан, – С. 74; 101 – 102; 187 – 189.

<sup>157</sup> Арриан, – С. 226 – 227; 228; 231 – 232.

Александрнинг фаолиятига мистик тус беришга хизмат қилган. Диодор, Плутарх ва Арриан асарларида фол мотивининг кўп учраши кейинчалик бу мотивнинг ушбу мавзуда алоҳида ва муҳим ўрин тутишига олиб келган.

Аррианнинг айрим янги тарихларни ҳикоя қилиши ҳам эътиборга молик. Шулардан бири, Александрнинг араблар устига юриши масаласи бўлиб<sup>158</sup>, кўпгина тарихчилар бу ҳақда ёзган эмас. У Александр араблар яшайдиган ҳудудлар – Антиливан тоғларига қўшин билан борганини кўрсатади, бу тоғ тизмаси эса Сурия ва Ливан чегарасида жойлашган. Александр Ҳиндистон юришидан қайтгач Арабистон ярим ороли атрофларини кезгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Кейинчалик шарқ адабиётида Искандар ҳақида асарлар яратила бошлангач, уларда Искандарнинг Арабистонга боргани, Маккага келгани ҳақидаги туркум лавҳалар тасвирига дуч келамиз. Бундай тасвирларнинг қанчалик ҳақиқат эканини аниқлаш мушкул, аммо Аррианнинг мазкур қайдлари шарқ адабиётидаги бундай эпизодларни бутунлай тўқимага чиқариб қўйишдан тийилишга ундайди.

Аррианнинг баён услуби классик тарихчиларники каби содда, қуруқ, яъни факт ва маълумотлар ҳиссиз, рамз ва образли ифодаларсиз баён қилинади. Аррианнинг ушбу асари орқали Александрнинг нисбатан ҳақиқий тарихини билиш – реал тарихнинг шарқ тарихнавислиги ва бу орқали шарқ халқлари бадий тафаккури, бадий адабиётига трансформацияси, қайта ишланиш жараёни ва ўзгаришлардан кўзланган мақсадлар, турли талқинларни тўғри тушунишда муҳим роль ўйнайди. Арриан асари тадқиқ этилаётган мавзу ва ундаги сюжети мотивлар, шу мавзудаги аксар асарларнинг тарихий асоси ҳисоблангани боис унинг ҳар бир эпизоди, детали аҳамиятга молик.

---

<sup>158</sup> Арриан, – С. 97.

Яна бир рим тарихчиси Марк Юниан Юстин (милодий II – III аср)нинг «Помпей Трогнинг «Филипп тарихи» композициясининг эпитомалари»<sup>159</sup> номли асари ҳам бевосита ўрганилаётган мавзу тарихи ва объектига алоқадор бўлиб, асарнинг VII – X китоблари Филипп тарихига, XI – XII китоблари Александр фаолиятига бағишланган. Филипп тарихига бағишланган қисмлар ҳам қўйилган илмий муаммо нуқтаи назаридан аҳамиятли, чунки Александрга бағишланган грек-юнон романлари ва шарқ искандарномаларида асосий воқеалар тасвири кўпинча Доро ва Александр зиддиятидан бошланади, аммо бу зиддиятни юзага келтирган тарихий шароит, сабаблар ҳақида деярли маълумот берилмайди. Ушбу асарнинг Филипп ва Александрга бағишланган қисмлари (7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12-, 13- китоблари)да қадимги Македония тарихи, у ерда шаклланган ҳокимиятлар, уларнинг асосчилари, Филиппнинг аждодлари ва ҳукмронлиги ҳақида мухтасар маълумот берилади.

Юстиннинг баён тарзига хос асосий хусусият сиқиклик ва масаланинг асосий жиҳатларигагина эътибор қаратишдир. У Помпей Трог асари мундарижасини қайта сўзлаб беради, бунда ровийнинг ўрни, мақсади танлаб олинган маълумотлар, воқеалар силсиласидан намоён бўлади. Юстин Помпей шакллантирган тартиб ва композициядан чиқмаган ҳолда ўзи муҳим деб билган воқеаларнигина қайта ҳикоя қилади. Баён тарзида воқеаларни кетма-кетликда қайд этиш, боғлиқлигини кўрсатиб бориш устуворлик касб этган. Шу боис Юстин услуби тарихий асарлар услубига анча яқин, балки унданда оддий.

Юстин қайд этган маълумотлар, воқеалар ривожини кўпроқ Руф асарини эслатади. Бундай дейишга Юстин ва Руф асарларидаги ўхшаш воқеаларгина эмас, фақат Руф ва Юстинда учровчи ўринлар ҳам асос беради. У ёзиб қолдирган хабарларда айрим янги факт ва воқеаларга ҳам дуч келиш мумкин.

---

<sup>159</sup> Юстин Марк Юниан. Эпитома сочинения Помпея Трога «*Historiae Philippicae*» / Пер. с лат. А. А. Деконского, М. И. Рижского; Под ред. М. Е. Грабарь-Пассек; Комментарии К. В. Вержбицкого, М. М. Холода; Вст. ст.к. К. Зельина. – СПб.: Издательство С.-Петербургского университета, 2005. – 493 с.

Масалан, Филиппнинг насл-насаби<sup>160</sup>, ҳукмдорлиги<sup>161</sup>, ахлоқию феъли, қаҳрамонликлари, ёши ҳақидаги қайдлар ёки Александрнинг 33 ёшу 1 ойликда вафот этгани ҳақидаги фактлар бутунлай янги. Юстин Помпей асаридаги энг муҳим ўринларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Хусусан, Филиппнинг ишларини фақат санаб кўрсатган, булар Филиппнинг шахсияти, дунёқараши ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди. Шу боис асарда Филипп характерининг умумий тавсифини алоҳида берган<sup>162</sup>. Унда Филиппнинг қиёфаси, характери жуда аниқ баён қилинган. Юстин бошқа бир ўринда Филипп ва Александрнинг характерларини солиштиради, бу орқали ҳар икки ҳукмдорнинг феъл-атвори, ахлоқини жуда аниқ очиб беради<sup>163</sup>. Унинг мазкур чизгилари, Александр ҳақидаги мақтови ҳам, танқиди ҳам рост. Юстиннинг бу қайдларини Александрнинг шахсияти, фаолияти ҳақидаги хулосалар сифатида қабул қилиш мумкин.

Юстин XI ва XII китобларда фақат Александрнинг фаолияти, ҳарбий юришлари тарихини баён қилади, Александр амалга оширган ишлар мундарижасини ёзади. Юстин хабарлари Александр ҳақидаги бошқа асарлардаги маълумотларнинг деярли такрори, фақат тафсилотлар берилмайди ҳамда айрим янги маълумот<sup>164</sup> ва талқинлар<sup>165</sup> учраб туриши эътиборли.

---

<sup>160</sup> Юстин, 7-китоб, – С. 84 – 88.

<sup>161</sup> Юстин, 8-китоб, – С. 88 – 92; 9-китоб, – С. 95 – 97.

<sup>162</sup> Юстин, – С. 92 – 97. 9-китоб.

<sup>163</sup> Юстин, 9-китоб, – С. 92 – 97.

<sup>164</sup> Юстин, – С. 99 – 109.

<sup>165</sup> Юстин, 12-китоб, – С. 109-120.

### 1.3. Псевдо-Каллисфен анъанаси

Псевдо-Каллисфен атамаси ва анъанасини тушуниш учун, аввало, тарихий шахс Каллисфен ҳақида билиш зарур. Каллисфен (тах. мил. ав. 360 – 328) – юнон тарихчиси, Македониялик Александр юришларининг йилномачиси. Аристотелнинг синглиси Аримнестанинг набираси бўлган. У Александр билан бирга Аристотел томонидан тарбияланган, Шарққа юриш даврида Александрга ҳамроҳлик қилган, тўғрисиқлиги туфайли шоҳнинг ғазабига учраган, фитнада гумон қилиниб, занжирбанд қилинган<sup>166</sup>. Каллисфеннинг «Хелленика» (Hellenica) (мил. ав. 857 йилдан 387 йилгача бўлган Греция тарихи, 10 китобдан иборат) ва фокийларга қарши улуғ уруш тарихи (мил. ав. 356 – 345-йиллар) ёритилган асарларидан бир неча парчалар сақланиб қолган.

Афсонавий характерга эга «Буюк Александр тарихи» ёки «Александр романи» номли асар Каллисфенга нисбат берилган, чунки мазкур асарнинг бир неча қўлёзмаларида муаллиф сифатида Каллисфен кўрсатилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу асар, аслида, номаълум муаллиф томонидан ёзилган ва тарихий Каллисфенга янглиш нисбат берилган. Шу боис фанда асар ва муаллифини шартли равишда «Псевдо-Каллисфен» – «Сохта Каллисфен» деб номлаш урфга кирган. Асарнинг асл номи «Буюк Александр тарихи» бўлиб, Ғарбда уни «Александр романи» деб аташ оммалашган. Арриан Каллисфен дунё учун Александр тарихини ёзганини эслатади<sup>167</sup>, аммо тарихан суғдлар юртидаги ҳарбий ҳаракатлар даврида, Клитнинг ўлиmidан сўнг Александр ва Каллисфеннинг муносабатлари совуқлашган ва кўп ўтмай ўлдирилган<sup>168</sup>. Демак, Каллисфен Александр юришларининг Доро таслим этилгунга қадар бўлган даврини ёзган бўлиши мумкин. Каллисфенга нисбат берилаётган «Буюк Александр тарихи» асарида эса Александрнинг бутун тарихи афсона ва мистик тасвирлар билан қоришиқ

---

<sup>166</sup> Арриан, – С. 142 – 146.

<sup>167</sup> Арриан, – С. 142.

<sup>168</sup> Арриан, – С. 146.

ҳолда баён қилинган. Бу – асарнинг муаллифи тарихий Каллисфен эмаслиги, номаълум муаллиф томонидан ёзилиб, унга нисбат берилганини англатади. Ёки номаълум муаллиф ушбу асарни яратишда Александрнинг тарихчиси бўлган ҳақиқий Каллисфеннинг йилномаларидан манба сифатида фойдаланган, шу боис ўз асарини унга нисбат берган. Ҳар икки ҳолатда муаллиф тарихий Каллисфен эмас. Айрим манбаларда Псевдо-Каллисфен романининг муаллифи Александрияда яшаган эллинист яҳудий бўлгани ҳам айтилади<sup>169</sup>.

Псевдо-Каллисфеннинг яратилган даври ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Асар юнон тилида яратилган бўлиб, асл нусха милодий III асрда, яъни Юлий Валерий 338-йилда лотинча таржимани амалга оширгунга қадар яратилган. «Псевдо-Каллисфеннинг асл матни сақланиб қолмаган ва бизга бир неча юнонча қўлёзманинг қайта кўриб чиқилган ва таҳрир этилган версиялари маълум. Карл Мюллер улар орасидан кодекс А, кодекс Б ва кодекс С деб номланган учта Париж қўлёзмасини танлади ва уларни Псевдо-Каллисфен нашрига асос қилиб олди. Мюллер бу қўлёзмалар Псевдо-Каллисфеннинг алоҳида уч хил таҳририни ифодалашини аниқлади. Ушбу таҳрирлар адабиётда А, Б ва С ёки кенгроқ юнонча ҳарфлар билан  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  деб аталади...  $\alpha$  нусха Псевдо-Каллисфеннинг йўқолган асл матнига энг яқин бўлган нусхани,  $\beta$  эса  $\alpha$  нинг қайта кўриб чиқилган нусхасини,  $\gamma$  эса  $\beta$  қўлёзманинг муаллиф томонидан қайта ишланган нусхани билдиради»<sup>170</sup>.

М.Л.Чаумонтнинг ёзишича, «Юнонча матн кейинчалик кўпгина тилларга таржима қилинган. Янги топилган иккита папирусда асардан олинган баъзи хатлар мавжуд, улардан бири (Пиерассиони, 1954) милoddан аввалги I асрга, иккинчиси (ўша ерда, 1951) милoddан аввалги II асрга тааллуқли»<sup>171</sup>. Псевдо-Каллисфен романи, айниқса, антик давр ва ўрта

<sup>169</sup> The Book of the Gestes of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A Mediaeval Hebrew Version of the Alexander Romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 3.

<sup>170</sup> The Book of the Gestes of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A Mediaeval Hebrew Version of the Alexander Romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 2 – 3.

<sup>171</sup> <https://iranicaonline.org/articles/callisthenes-the-name-of-a-greek-historian-of-the-period-of-alexander-the-great-q>



асрларда оммалашди, унинг қайта ишланган бир неча таржималари юзага келди. Бу таржималар тадқиқотларда турли версиялар сифатида талкин этилади. Таржималарнинг энг муҳимлари IV асрда Юлий Валерий томонидан лотин тилига қилинган таржима, шунингдек, арман (тах. V аср) ва сурёний тилларидаги (тах. VII аср) таржималар ҳисобланади. Аксар тадқиқотчилар фикрича, романнинг лотин, арман ва сурёний версиялари сўнгги антик давр (IV – VI асрлар мобайни) да юзага келган.

Псевдо-Каллисфеннинг Шарқда кенг тарқалган ва шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатган версияси сурёний версия ҳисобланади. Айнан сурёний версия Яқин Шарқда араб, форс, эфиоп, яҳудий, туркий Искандар қиссалари юзага келишида асос бўлган. Аммо фанда ушбу версияга оид кўпгина масалалар, масалан, у яратилган вақт, унга асос бўлган нусха ва муаллиф қабилар ҳануз баҳслилигича қолмоқда. Сурёний версияни махсус тадқиқ этган ва инглиз тилига таржима қилган Уоллис Бажнинг фикрича, «... сурёний версия юнонча асл нусханинг арабча таржимасидан VIII – IX асрлар оралиғида она тили араб бўлган насроний руҳоний томонидан амалга оширилган кўринади»<sup>172</sup>. Олимнинг ушбу фаразига сурёний нусханинг юнон нусхаси билан мувофиқ келмайдиган ўринлари ва юнонча атоқли номларнинг сурёний версияда бузиб ёки хатолар билан ёзилгани асос қилиб кўрсатилади. В.Райт эса сурёний версия милодий X ёки XI асрда яратилган деб ҳисоблайди<sup>173</sup>.

Т.Нёлдеке эса машҳур тадқиқотида<sup>174</sup> бошқача фаразни илгари суради. «Бунинг ўрнига у сурёний версия сўнгги сосонийлар даврига оид (тахминан эрамизнинг VI – VII асрлари) асл юнончанинг йўқолган воситачи паҳлавий таржимасига асосланган бўлиши керак, деб даъво қилади. ...Нёлдеке ғояси олимлар томонидан деярли бир овоздан қабул қилинди; Александр романи

<sup>172</sup> The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – P. lxii.

<sup>173</sup> Wright W. A short history of Syriac literature. – London – Cambridge: At the university press, 1894. – P. 140. (- 296 p.)

<sup>174</sup> Nöldeke Theodor. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F. Tempsky, 1890. – S. 60.

хақидаги барча филологик адабиётлар пахлавийча версиянинг мавжудлигини табиий деб ҳисоблайди»<sup>175</sup>. Бироқ мавжудлиги тахмин қилинувчи пахлавий версия ҳозиргача топилган эмас, шу боис бу борадаги гаплар фаразлигича қолмоқда.

Псевдо-Каллисфен анъанасининг сурёний версиясини тадқиқ этган кейинги давр тадқиқотчиларидан К.Кианкаглинининг исботлашича, сурёний версия асл юнонча матндан тўғридан-тўғри таржима қилинган ва қайта ишланган<sup>176</sup>. У ушбу илмий фаразни Фраенкел, Фре каби олимларнинг карашлари, калка усулида юнонча ва сурёнича сўзларни қўшиб янги қўшма сўзлар ясалгани, грекизм кўплиги, юнонча матннинг айрим ўринлари янглиш таржима қилингани, юнонча сўзларнинг форсча муқобиллари нотўғри берилгани каби далиллар ва тарихий-маданий контекст билан асослайди. Бизнингча, мана шу охири фараз ҳақиқатга яқинроқ. Сурёний версия юзага келган даврни аксарият тадқиқотчилар VII аср атрофлари деб кўрсатса-да, унинг муаллифи ва аниқ яратилган санаси маълум эмас. Тадқиқотчилар сурёний версиядаги Библиядан олинган иқтибосларга таяниб, таржимани несториан насроний амалга оширган, деган фаразни илгари суришади.

К.Кианкаглинининг қайд этишича, «Александр романи»нинг сурёний нусхаси бешта қўлёзмада сақланган, ҳаммаси несториан ёзувида ва нисбатан яқин даврларда (энг қадимийси Британия музейида сақланган, 1708-1709 йилларда) тузилган ва 1889 йилда Уоллис Баж томонидан таҳрирланган<sup>177</sup>. Муҳаррир оптимал кодекс мезонини қабул қилди: бу нашр, асосан, А деб номланувчи энг қадимги кодекс матнига асосланади, қолган тўрт кодексдаги вариантлар (мос равишда Б, С, Д ва Э деб номланган) аппаратда қайд этилган. Сурёний матн Псевдо-Каллисфен анъанасининг А тармоғи, бошқача қилиб айтганда, арман версияси (мил. V аср) билан бирга кўпинча юнонча А кодекс (Париж. № 1711) сифатида кўрсатилувчи қадимги нусхага мансуб,

<sup>175</sup> Ciancaglini Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 122. 2001.

<sup>176</sup> Ciancaglini Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 135. 2001.

<sup>177</sup> The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – 697 p.

лотинча матн эса Юлий Валерий (милодий IV аср) таржимаси ва Леонинг (милодий X аср) «Historia de proeliis» асарида акс этган. Бироқ сурёний матн бизгача етиб келган Псевдо-Каллисфен матнларидан бирортасининг соф ва тўғридан-тўғри таржимаси эмас, чунки бу маълум мавзуларни тақдим этишда тартибнинг ҳар хиллигида, биринчи навбатда, бизга маълум юнонча версияларнинг ҳеч бирида учрамайдиган, масалан, Александрнинг Чинга сафари каби маълум янги эпизодлар киритилганида кўринади»<sup>178</sup>. Унутмаслик керакки, «Псевдо-Каллисфен сурёний версиясининг ўзи ҳам турли даражадаги аниқлик билан араб ва форс тилларига қайта таржима қилинган; у ислом давридаги форс шоирлари ва адабиёт вакилларининг эътиборига шу тариқа тушган»<sup>179</sup>. Дарҳақиқат, ислом даврида амалга оширилган қайта таржималар бўлмаганида, мазкур роман Шарқда бу қадар кенг оммалашмаган бўларди.

Сурёний версия учта китоб (бўлим)дан иборат бўлиб, ҳар бири ўз навбатида ички боблардан: I китоб 47 бобдан, II китоб 14 бобдан, III китоб эса 24 бобдан таркиб топган. Биринчи боб худолар наслидан бўлган мисрлик донишманд коҳинлар, уларнинг еру денгизни идора қилиб туриши, улардан бири бўлган Мисрнинг сўнгги қироли, буюк кашфиётлар соҳиби Нектанебуснинг фолбинлиги, унинг душманлардан қўрқиб Мисрдан қочиб Пеллага бориши тасвиридан бошланиб, Александрнинг Фивага юриши воқеаси билан тугайди<sup>180</sup>. Иккинчи боб Александрнинг Платей ва Лакедемонияга юриши, афиналик ўн донишманд ва Демосфен билан боғлиқ воқеалар тасвиридан бошланиб, Доронинг суиқасдга учраши, Александрнинг Роксанани никоҳига олиши воқеалари билан тамомланади<sup>181</sup>. Учинчи боб эса

<sup>178</sup> Ciancaglini, Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 121. 2001.

<sup>179</sup> Callisthenes. Encyclopedia Iranica. URL: <https://iranicaonline.org/articles/callisthenes-the-name-of-a-greek-historian-of-the-period-of-alexander-the-great-q> (12.02.2021)

<sup>180</sup> The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – P. 1 – 63.

<sup>181</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 64 – 86.

Ҳиндистон ҳукмдори Пор ва Ҳиндистонга юриш воқеасидан бошланиб, Александрнинг ўлими билан якунланади<sup>182</sup>.

Асар сюжети мана шундай композицияда қурилган бўлиб, воқеалар сидирғали ҳикоя қилинади. Асарда Александрнинг Мисрни босиб олиши – Нектанабус ҳақидаги Гефест башоратининг рўёби сифатида талқин этилади. Яъни Александр келиб чиқишига кўра мисрлик, аниқроғи худолар наслидан бўлган Мисрдаги донишманд (коҳин) Нектанебуснинг авлоди. Шу тариқа сюжет тарихий, мифологик ва афсонавий мотивлар бирлашмасидан таркиб топади ва «Александр, аслида, мисрлик ва мисрликларнинг душманларини тобе қилган» деган ғояни асослашга қаратилади.

Сурёний версиянинг асоси бўлган сюжет ва образларни аввалроқ яратилган манбалар билан қиёслаш бизда конкрет тасаввурлар шакллантиради, чунки Псевдо-Каллисфен аънаси доирасида яратилган сурёний версиянинг Библия, Талмуд ва Александрнинг ҳақиқий тарихи билан муносабати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, мавзунинг тарихий эволюциясини тушуниш қийин.

Псевдо-Каллисфеннинг Библия билан муносабати масаласи бироз мавҳум. Эски Аҳддаги апокалиптик табиатга эга «Даниил» китобининг 6-, 8-қисмларида Александр ва Доро ҳақидаги хабарлар келган ва улар рамзий-аллегорик услубда тасвирланганини кўрдик. «Даниил» китобига хос айни икки хусусият: апокалиптик ва рамзий-аллегорик тасвир Псевдо-Каллисфенда ҳам устуворлик касб этган. Псевдо-Каллисфенда апокалиптик тасвирга жиддий аҳамият берилгани мисрлик коҳин Нектанебнинг асосий қаҳрамонлардан бири сифатида тасвирланганидан маълум. Нектанебнинг асардаги барча ҳаракатлари башорат, воқеаларни олдиндан кўра билиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларга қараб ҳаракат қилиш билан алоқадор. Асарда Александрнинг туғилишидан тортиб, дунёни ўзига тобе этишигача бўлган воқеалар Нектанеб томонидан башорат қилинади. Воқеалар тасвирида фол мотиви ҳам жуда фаол қўлланган. Асарда

---

<sup>182</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 87 – 143.

Александрнинг ғайритабиий ҳомила туфайли пайдо бўлиши, туғилиши, келажак тақдири, ҳатто, ўлими ҳам ё башорат қилинади ёки фол орқали ишора қилинади. Буларнинг ҳаммаси Псевдо-Каллисфенга апокалиптик рух берган.

Рамзий-аллегорик тасвир ҳам Псевдо-Каллисфеннинг кўпгина ўринларида учрайди. «Даниил» китобининг 8-бўлимида икки шохли қўчқор Доронинг, бир шохли така Александрнинг тимсоли экани, қўчқорнинг икки шохи Доро Форс ва Мидия ҳукмдор деган маънони англатиши, қўчқорни енгган таканинг бир шохи тезда синиб, ўрнидан тўртта янги шохнинг ўсиб чиқиши Александрнинг тезда вафот этиб, давлати тўртга бўлинишининг рамзи экани айтилган эди. У ерда қўчқор ва така аллегория сифатида ҳукмдорларнинг, шох эса ҳукмдорликнинг рамзи сифатида тасвирланган<sup>183</sup>. «Даниил» китобининг 7-бўлимидаги тўрт махлуқ ҳақидаги хабар ҳам рамзий-аллегорик услубда тасвирланган эди<sup>184</sup>. Айни хусусият Псевдо-Каллисфенда ҳам сақланиб қолган, масалан, Нектанеб душманлар ҳамласи ва уларни қайтариш учун мис тоғарага ёмғир сувини тўлдириб, унга кемалар ва одамларнинг макетларини солиб, ўзининг дуоларини ўқиб, фаришта ва худолар орқали душманларига қарши курашади<sup>185</sup>. Бу ерда кема ва одамларнинг макетлари рамзий маънода душманларга ишора қилади. Филипп кўрган воқеанинг Антифон томонидан таъбирланиши ва унда илон – шохлик рамзи, тухум – дунё рамзи сифатида кўрсатилиши ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди<sup>186</sup>. Ёки Псевдо-Каллисфендаги Доро томонидан Александрга рамзий маъноларни англатувчи хипчин, тўп, бир сандиқ олтин ва кунжут юбориш эпизодида ҳам ушбу тасвир услубини учратиш мумкин<sup>187</sup>. Асарнинг булардан бошқа туш ва фол мотивлари учрайдиган эпизодларида ҳам кўплаб рамзий-аллегорик тасвир излари мавжуд.

<sup>183</sup> Книга пророка Даниила глава 8. URL: <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-8/> (Таржимаси: URL: <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.8.1.1&g=0>) (03.05.2022)

<sup>184</sup> Книга пророка Даниила глава 7. URL: <http://bibliya-online.ru/kniga-proroka-daniila-glava-7/> (Таржимаси: URL: <http://ibtrussia.org/en/text?m=UZVL&l=Dan.7.1.1&g=0>) (03.05.2022)

<sup>185</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 1.

<sup>186</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 2.

<sup>187</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 46.

«Даниил» китобида муҳим аҳамият касб этган «шоҳ» (муғуз) мотиви Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида ҳам сақланиб қолган. Хусусан, сурёний версияда Нектанеб Македония қироли Филиппнинг хотинини ёқтириб қолади ва у билан бирга бўлиш учун ахлоқсиз режалар тузади. У Олимпияни авраб, тунда унинг хузурига келувчи Ливия худоси Аммон ҳақида сўзлар экан, Аммонни икки шоҳли шахс қиёфасида тасвирлаб беради<sup>188</sup>. Ёки Нектанеб Олимпия билан қилган ахлоқсизликларини сунъий тушлар воситасида пардалайди. У Филипп урушда бўлган пайтда Олимпиянинг ҳомиладор бўлиб қолишини изоҳлаш учун сеҳр орқали Филиппга туш кўрдиради. Филипп тушида ўрта ёшдаги, кўчкордек шоҳлари бор Аммоннинг Олимпия билан ётгани, Олимпия қорнидаги ҳомила унинг зурриёди экани ва туғилажак бола Олимпия ва Филипп учун қасос олишини айтгани, Олимпиянинг қорни олтин узук билан муҳрлангани ва муҳрнинг устига панжасида қуёшни ушлаб турган шер, ёнида қамчин ва қанотлари билан пана қилиб турган қарчиғай тасвири ўйиб туширилганлигини кўради. Кейин таъбирчилар ҳам ҳомила Аммондан эканини тасдиқлашади<sup>189</sup>. Қадимги Миср мифологиясида Ам(м)он осмоннинг яширин худоси деб ишонишган ҳамда кўчкор ва ғоз унинг муқаддас ҳайвонлари ҳисобланган. Бизнингча, Псевдо-Каллисфенда Александрнинг айнан худо Аммон фарзанди сифатида талқин этилиши бевосита «Даниил» китобидаги илдиздан ўсиб чиққан. Чунки шоҳ мотиви ҳар икки ҳолатда Александр билан боғлиқ ҳолда келган. Таъкидланганидек, шарқ адабиётида кенг тарқалган «Искандарнинг шоҳи бор» мазмунидаги ривоят ва афсоналар генезисининг яна бир асоси Аммон билан боғлиқ тасаввурларга келиб туташади. Шарқда кенг ёйилган «Искандарнинг шоҳи бор» мазмунидаги сюжет билвосита Библияга, бевосита Псевдо-Каллисфенга алоқадор, дейиш мумкин.

Эски Аҳдда кўрсатганимиз тўрт ўзак нукта – Александрнинг Дорони енгиши; Доронинг ҳеч қандай ҳийласиз, хиёнатсиз Александр томонидан

---

<sup>188</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 7.

<sup>189</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 8 – 9.

таслим этилиши; Александрнинг Дорони енгиши Аллоҳнинг амри ва иродаси экани, Александрнинг қисқа умр кўриши – сурёний версияда ҳам деярли сақланган. Фақат иккинчи масала, яъни Доронинг Александр томонидан таслим этилиши воқеасига хиёнат, суиқасд детали кўшилган, натижада масаланинг мана шу ўрни ўзгаришга учраб, янада конкретлашган. Ушбу кўшимча Псевдо-Каллисфенга Александрнинг ҳақиқий тарихдан ўтгани шубҳасиз, чунки реал тарихда Доро ўз қўмондонларининг хиёнати туфайли вафот этади.

Библиядаги ноканоник китобларнинг дастлабкиси бўлган «Маккабийларнинг биринчи китоби»да учраган Александр ҳақидаги етти факт (Александр Македониялик Филипнинг ўғли; Александр Мидия-Форс кироли Дорони енгган ва Юнонистонда ҳукмрон бўлган; кучли қўшин билан жуда кўп юришлар орқали кўплаб ҳудудларни эгаллаган, шоҳларни бўйсундирган; Ернинг чеккаларига қадар бориб, у ерларда яшовчи халқлардан ўлпонлар олган; Александр ҳасталик туфайли (шаробга берилгани учун безгакка чалиниб) вафот этган ва у ўлимини олдиндан сезган, шу боис салтанатини саркардаларига бўлиб берган; Александр 12 йил ҳукмронлик қилган; Форсдаги Элимиас шаҳридаги ибодатхонада Александрдан қолган олтин-кумуш буюмлар ва қурооллар мавжуд бўлган)<sup>190</sup> сурёний версияда жиддий ўзгаришларга учраган. Масалан, «Александр Македониялик Филипнинг ўғли» деган дастлабки факт «Александр худо Аммоннинг фарзанди» тарзида бутунлай ўзгартириб юборилган. «Александр ҳасталик туфайли вафот этган» деган факт ҳам «Александр захарлаб ўлдирилган» тарзда қайта ишланган. Форсдаги Элимиас ибодатхонасида сақланган олтин-кумуш буюмлар ҳақидаги маълумотлар эса Псевдо-Каллисфенда тушиб қолган.

Бу шуни кўрсатадики, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида Библияда учровчи Александр билан боғлиқ масалаларнинг баъзилари

---

<sup>190</sup> Первая книга Маккавейская глава 6. URL: <http://bibliya-online.ru/pervaya-kniga-makkaveyskaya-glava-6/> (14.04.2021)

тўлдирилган, баъзилари қисман қайта ишланган ёки мутлако ўзгартириб юборилган. Бинобарин, сурёний версия мавзунинг Библиядаги асосларини сақлаб қолган дейиш мумкин.

Сурёний версиянинг Талмуд адабиёти билан муносабати ҳам эътиборга молик. Псевдо-Каллисфен яхудий версияларини ўрганган И.Ж.Казиснинг кўрсатишича, Талмудда учровчи Александр билан боғлиқ ўн бир эпизоднинг қуйидаги тўққизтаси Псевдо-Каллисфен аънанасида ҳам мавжуд:

1. Александрнинг Қуддусга ташрифи.
2. Александрнинг Негев оқсоқолларидан ўнта савол сўраши.
3. Александрнинг зулматга сафари.
4. Александр ва Амазонлар.
5. Александрнинг оби ҳаётни топиб, жаннат эшигига бориши.
6. Александрнинг кўкка кўтарилиши.
7. Александрнинг денгиз тубига тушиши.
8. Қирол Казия ва Александр.
9. Александр ва Еремиёнинг суяклари<sup>191</sup>.

Биз аввалги фаслда Талмуд адабиётида учровчи Александр билан боғлиқ тўққизта сюжет линияси (эпизод)ни аниқлаган эдик. Кузатишлар шуни кўрсатдики, Талмуд адабиётида учровчи Александр билан боғлиқ қуйидаги уч эпизоднинг параллеллари Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида ҳам мавжуд:

1. Александрнинг Негев оқсоқолларидан ўнта савол сўраши.
2. Александрнинг зулматга сафари.
3. Александр ва Амазонлар.

Талмуддаги «Александр ва Негев оқсоқоллари» воқеаси Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида «Александр ва браҳманлар» воқеаси тарзида, тарихий аслиятига яқин кўринишда ифодаланган. Бироқ ўнта савол-жавоб мотиви ҳар иккисида ҳажман бир хил, фақат айрим саволлар мазмунан

---

<sup>191</sup> The Book of the Gestes of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A Mediaeval Hebrew Version of the Alexander Romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 2 – 3.



ўзгарган. Ушбу эпизод Псевдо-Каллисфенга Талмуд адабиётидан ўтмаган, эпизоднинг тарихий воқеликка яқинлигига қараганда у Александрнинг ҳақиқий тарихи баён қилинган манбадан трансформация бўлган.

Сурёний версияда Талмуд адабиётида бўлганидек махсус зулмат сафари йўқ, аммо Александр бир неча марта зулмат ва ернинг четига дуч келгани ҳақида қайдлар бор<sup>192</sup>. Масалан, Александр Кандакус кўрсатган худоларга тегишли тепаликка борганда бир ғорга киради ва у ерда зулматга дуч келади, лекин у зулмат тезда чекингач, ўша ерда худо Сесанкос ва Серапис билан учрашади, улардан қанча умр кўриши ҳақида сўрайди<sup>193</sup>. Ёки Геракл ғорига киргандан кейин улар дунёнинг охири ва гўзал аёллар яшовчи зулмат ўлкасига дуч келгани айтилади. Қолаверса, воқеалар махсус тасвирланмайди, балки Александрнинг Аристотелга ёзган хатларида эсга олинади.

Бироқ Талмуд адабиётида учровчи «Александр ва Амазонлар» воқеаси Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида бироз тўлдиришлар билан, мазмунан ўзгармаган ҳолда такрорланади<sup>194</sup>. Амазонлар ҳақидаги афсоналар қадимдан бери асарлардан асарларга кўчиб юради, уни сайёр сюжет дейиш ҳам мумкин. Шу боис ушбу эпизод Талмудга ҳам, Псевдо-Каллисфен анъанасига ҳам бошқа бир учинчи манбадан ўтган. Александр ҳақидаги аксарият тарихий манбаларда Александр ва Амазонлар маликасининг учрашуви ҳақидаги эпизодлар мавжуд бўлса-да, тарихчиларнинг ўзи бундай воқеаларга ишонган эмас, жумладан, Арриан ушбу афсонавий қавмнинг Александр даврида мавжуд бўлганига ишонмайди. Ёки Александрнинг юришларида қатнашган Онесикрит орадан бир қанча вақт ўтиб, Александрнинг юришлари тўғрисидаги асарининг амазон аёл ҳақида ёзилган тўртинчи жилдини ўқиб бераётганида, Лисимах (Александрнинг яқин сафдоши, бу пайтда у подшоҳ этиб сайланган эди) мийиғида кулиб туриб,

---

<sup>192</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 126.

<sup>193</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 134.

<sup>194</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 127.

«Қизик, ўша пайтда мен қаерда эканман-а?»<sup>195</sup> деб сўраган экан. Бундай эпизодларга антик даврдаёқ афсона сифатида қарашган, шу боис уларга жиддий аҳамият бериш шарт эмас. Бундай ўринлар фақат муайян асар табиатини кўрсатишда аҳамиятли, холос.

Сурёний версиянинг Александрнинг ҳақиқий тарихи билан муносабати қандай деган саволга жавоб бериш ҳам Псевдо-Каллисфен анъанасининг мазмун-моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Псевдо-Каллисфенда миф, афсона ва фантастик табиатга эга лавҳалар каттагина ўринни эгалласа-да, асарнинг ядроси тарихий воқеаларга асосланади. Асар турли даврларда афсонаю мистик-фантастик воқеаларни жамлаган ҳолда қайта-қайта кўчирилган, таржима қилинган. Аслида, Александр ўз давридаёқ афсонага айланиб улгурган, шу боис у ҳақдаги асарларда ҳақиқий тарих ва тўқима (миф, афсона, ривоят)ни ажратиш анча мураккаб. Шундай бўлса-да, тарихий асарлар асосида сурёний версия сюжетини бир сидра кўздан кечириш мумкин, ана шунда Псевдо-Каллисфендаги тарих ва тўқиманинг нисбати борасида муайян тасаввур ҳосил бўлади.

Сурёний версияда тасвирланган воқеаларнинг юнон, лотин версияларида ва Александрнинг ҳақиқий тарихи (Диодор, Руф, Плутарх, Арриан ва Юстин асарлари)да қай даражада учраши ва муносабати масаласини конкрет тасаввур қилиш учун қиёсий жадвал келтирамиз. Ушбу жадвалда сурёний версиянинг қисқача мундарижаси, бошқа версиялар ва тарихга нисбати ҳақидаги белгилар акс этади. Биз сурёний версиянинг мундарижаси ва унинг бошқа версияларда учраши борасидаги фактларни Уоллис Баж тадқиқотларидан оламиз<sup>196</sup>, сурёний версия воқеаларининг тарих билан муносабатини эса ўз кузатишларимиз асосида тақдим этамиз. Жадвалда Псевдо-Каллисфен сурёний версиясининг мундарижаси «Сурёний версия» деган ном остида кўрсатилади. Жадвалдаги А, Б, С ҳарфлари Псевдо-Каллисфеннинг юнонча версиясининг учта энг муҳим қўлёзмаларини

---

<sup>195</sup> Плутарх, – Б. 61.

<sup>196</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. lxxiii – lxxvi.

англатади. «Лотин» номи эса Псевдо-Каллисфеннинг Юли Валерий томонидан амалга оширилган таржимасини билдиради. «Тарих» номи остида эса сурёний версияда учровчи воқеанинг Александрнинг ҳақиқий тарихи: Диодор, Руф, Плутарх, Арриан ва Юстин асарларининг қайси ўрнида учрашини кўрсатамиз. Ҳажмни ҳисобга олган ҳолда жадвалда фақат воқеа жуда ўхшаш бўлган ва бир-бирига яқин тарихий манбанигина қайд этдик, аслида, бирор воқеа беш тарихий асарнинг ҳаммасида учраши ҳам мумкин (1-илова).

Ушбу жадвал сурёний версияга оид бутун манзарани ойнадек акс эттирган. Унда сурёний версиянинг бошқа версиялар ва чинакам тарих билан муносабати равшанлашган. Бошқа томондан, ушбу сюжет таркибида яна юзлаб детал ва эпизодлар борки, уларни жадвалга сиғдириш имконсиз. Бироқ сурёний версияда учровчи майда эпизод ва деталларнинг аксарини мавзунинг хамсанависликка трансформацияси тадқиқ этилган навбатдаги бобда таҳлил этамиз.

Жадвалдан сурёний версиянинг Александрнинг ҳақиқий тарихи билан муносабати кучли экани, сюжетнинг деярли саксон фоизи тарихий воқеликка асослангани кўриниб турибди. Бироқ сурёний версияда тарихий воқеаларнинг деярли барчаси қайта ишланган ёки таҳрир этилган. Тарихий воқеликни қайта ишлаш жараёни, асосан, қуйидаги беш хил йўсинда содир бўлган: *қўшилган, қисқартирилган, аралаштирилган, ўрни ўзгартирилган ва қолипланган*. Миср мифологияси, Нектанеб, Доро билан рамзий буюмлар орқали мунозаралар, Кандака, амазонлар, Чин сафари, мактублар юбориш каби эпизодлар қўшилган бўлса, Александрнинг Фарбий Европага юришлари, Доро билан ҳал қилувчи жанги, Александрнинг Суғдиёна, Бактрия ва Марказий Осиёнинг бошқа кўпгина худудларига қилган юришлари, Ҳинд юришининг жуда катта қисми қисқартирилган ёки тушириб қолдирилган. Александрнинг туғилиши, Букефал, Зевс ва Ҳерага қурбонликлар, элчи қиёфасидаги Александр, Порнинг ўлдирилиши, амазонлар, Александрнинг захарланиши каби эпизодлар аралаштирилган ёки ҳақиқий тарихга қўшиб

юборилган бўлса, Александр ва Доронинг жанги, Ксеркс саройига ўт кўйиш, Тир камали, Миср юриши каби эпизодларнинг ўрни ўзгариб кетган. Асар бошидаги Нектанеб саргузашти воқеаси, Александрнинг Аммон фарзанди экани ҳақидаги афсона ва асар сўнгидаги Александрнинг жасадини Аммон ибодатхонасига кўмиш ҳақидаги васият бутун тарихий воқеаларни қолиплаган. Асарда бундай ёндашувдан кўзланган мақсадлардан бири, бизнингча, ўқувчини жалб этиш, асарни янада қизиқарли қилиш ва китобхонни зериктирмаслик бўлган, чунки асарда энг катта ўзгариш мавжуд тарихий қиссани мифологик тафаккур асосида қайта ишлаш орқали амалга оширилган.

Сурёний версиянинг тарих билан муносабатига оид яна бир қизиқарли жиҳат шуки, унинг сюжети композицион жиҳатдан Плутарх асаридаги воқеалар кетма-кетлиги билан жуда уйғун, улар ўзаро генетик алоқадор бўлиши керак. Ушбу фаразни Плутархда бўлганидек сурёний версияда Александрнинг сўзга уста, оратор ва закий қиёфада тасвирланиши ҳам тасдиқлайди<sup>197</sup>.

Хуллас, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси тарихий воқеаларга таянган, айни пайтда уни жиддий қайта ишлаган ва Миср мифологияси билан қолиплаган, мисрликлар мафкураси ва манфаати асосида яратилган тарихий-афсонавий қиссадир. Унинг муаллифи ҳам эллинизм даврида Александрияда яшаган, юнон тили, тарихини билган ва Миср мифологияси, тарихидан яхши хабардор мисрлик шахс бўлган, чунки асарнинг бош мақсади ҳақиқий мисрликларнинг миллий мафкураси тарғиби ва ҳимояси учун қаратилган.

---

<sup>197</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 28.

## I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Искандар мавзусининг илдизлари турли характердаги сарчашмаларга бориб туташади. Уларни тўғри тушуниш ва талқин этиш учун илк манбаларни аниқлаш, генезисини билиш, тарихий эволюциясини хронологик принцип асосида тадқиқ этиш зарур.

2. Мавзунинг илк асослари диний манбаларда учрайди деб қаралади ва улар диний таълимотлар билан алоқадор. Библияда мавзунинг икки асоси – Александр ва Гог ва Магог билан боғлиқ хабарлар мавжуд. Александрга оид хабарларнинг баъзилари келажакка оид, баъзилари тарихий хусусиятга эга. Уларнинг аксари мавзунинг муҳим ўзаклари сифатида кейинги давр манбаларига ҳам кўчиб ўтган. Гог ва Магогга оид хабарлар эса тўлиқ апокалиптик характерда. Яҳудийлик ва христианликда Александр ва Гог-Магоглар алоҳида ҳодисалар, уларнинг мутлақо алоқаси йўқ деб қаралади. Гог ва Магогнинг Александр билан алоқадорлиги тўғрисидаги тасаввурлар эса милоднинг бошларида пайдо бўлган. Мазкур илк диний асосларни билиш мавзунинг кейинги ривожда муҳим ўрин тутган эътиқодий ва мафкуравий таъсирларни аниқлаш ҳамда турли қарашларни объектив баҳолаш имконини бериши билан аҳамиятли.

3. Тавротдаги «Даниил» китоби мавзунинг генезисини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади ва рамзий-аллегорик тасвир услуби билан ажралиб туради. Унда қайд этилган Александр ҳақидаги башоратларнинг асосий тезиси ҳукмдорлик бўлиб, уларда подшоҳлик «шоҳ» (мугуз, роғ) тимсоли воситасида тасвирланган, жумладан, Александр бир шоҳли така тимсолида кўрсатилган. Бу каби тасвир ва талқинлар туфайли шоҳ мотиви кейинчалик Искандар мавзусининг муҳим таркибий қисмига айланган ва *Искандарнинг шоҳи бор* тарзидаги тасаввурлар шаклланишига асос бўлган.

4. Талмуддаги Александр билан боғлиқ сюжет линиялари яҳудийлик мафкурасига йўналтирилган, аксари раввинистик тўқималар бўлиб, диний ғоялар тарғиби учун хизмат қилган. Уларнинг асосий қисми шарқ тарихи,

адабиётига ҳам трансформация бўлиб, шарқона дунёқараш таъсирида жиддий ўзгаришга учраган.

5. Милодий I аср атрофида Александр тарихини ёзиш анъанаси юзага келган. Кейинчалик ушбу анъана адабиётга трансформация бўлиб, улкан адабий оқимни юзага келтирган. Александр тарихи ёритилган энг ишончли асарлар (Диодор, Помпей Трог (Юстин), Плутарх, Арриан, Руф) мавзунинг Талмуд адабиётидаги асослари, Псевдо-Каллисфен анъанаси, шунингдек, Шарқда яратилган Искандар ҳақидаги туркум қиссалар, искандарномаларни тушунишда асос бўлиб хизмат қилади. Искандар мавзусининг илк тарихий сарчашмаси бўлган асарларни яхши билиш мавзунинг Ғарбу Шарқдаги кейинги тақдири ва рецепция жараёнини тўғри тушуниш имконини беради. Тарихий ҳақиқат ва бадий тўқиманинг чегарасини белгилашда мезон бўлиб хизмат қилади.

6. Диодор, Арриан ва Юстинда тарихчилик, Руфда қиссанавислик, Плутархда файласуфлик ва адиблик устувор. Диодор, Арриан ва Юстин асарлари кўпроқ мавзунинг сюжет ва образлари генезиси, эволюциясини тушунишга ёрдам берса, Руф ва Плутарх асарлари кўпроқ мавзу қаҳрамонларининг руҳияти, шахсияти ва характери рецепциясини кашф этишга кўмак беради. Айтиш мумкинки, Плутархнинг асари мақсад, услуб ва характериға кўра нисбатан энг адабиётга яқиндир.

7. Александр ҳақидаги тарихий манбалар антик даврдаёқ Александр шахсини идеаллаштириш, героизация жараёни бошланганини кўрсатади. Хусусан, Диодор ва Руфдаги Александрга нисбатан «холислик» Плутархда бутунлай ижобий позиция билан алмашган ва Плутарх Александрни ижобий фазилатлар соҳиби сифатида талқин этган. Грек-юнон романларига хос энг асосий камчилик – Александр шахсини идеаллаштиришга уриниш ва масаланинг иккинчи томони, яъни форслар билан боғлиқ масалалар тасвириға кам эътибор берилишидир.

8. Псевдо-Каллисфен тарихий воқеаларға таянган, айна пайтда уни жиддий қайта ишлаб, Миср мифологияси билан қолиплаган, мисрликлар

манфаати нуқтаи назаридан яратилган тарихий-афсонавий қиссадир. Айтиш мумкинки, унинг муаллифи ҳам эллинизм даврида Александрияда яшаган, юнон тили, тарихини билган ва Миср мифологияси, тарихидан яхши хабардор мисрлик шахс бўлган, чунки асарнинг бош мақсади ҳақиқий мисрликларнинг миллий мафкураси тарғиби ва ҳимояси учун қаратилган.

9. Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида мавзунинг Библиядаги асослари сақланиб қолган. Талмуд адабиётида учровчи Александр билан боғлиқ уч эпизоднинг (Александрнинг Негев оқсоқолларидан ўнта савол сўраши; Александрнинг зулматга сафари; Александр ва Амазонлар) параллеллари ҳам учрайди. Аммо бу эпизодларнинг тарихий воқеликка яқинлигига қараганда улар Псевдо-Каллисфенга тарихий манбадан ўтган.

10. Псевдо-Каллисфеннинг Шарқда кенг тарқалган ва шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатган версияси сурёний версиядир. Сурёний версияда тарихий воқеаларнинг деярли барчаси қайта ишланган ва бу жараён, асосан, беш хил: *қўйиши*, *қисқартириши*, *қориштириши*, *ўрнини ўзгартириши* ва *қолиплаш* тарзида содир бўлган.

## II БОБ. ИСКАНДАР МАВЗУСИНИНГ ШАРҚДАГИ АСОСЛАРИ ВА РЕЦЕПЦИЯСИ

### 2.1. Искандар мавзусининг Шарқдаги диний асослари

#### 2.1.1. Зулқарнайн масаласи

Искандар мавзусининг Шарқдаги эволюциясида «Каҳф» сураси (18: 60 – 98) бурилиш ясади. Бу Зулқарнайн, Яъжуж-Маъжуж ва оби ҳаёт (Хизр) каби уч муҳим муаммо нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлди. «Каҳф» тўрт қадимий қисса баён қилинган сура бўлиб, унинг ўзига хос нозил бўлиш тарихи мавжуд. Расулulloҳ с.а.в. бу борада «Қаранг, сизга нозил бўлганда бир ўзини етмиш минг малак келтирган бир сурани сўзлаб берайми? У Каҳф сурасидир»<sup>198</sup> деб марҳамат қилганлар. Муҳаммад алайҳиссалом исломни ёяётган кезларда қурайшликлар шубҳа билан қараб, у зотга сеҳргар, фолчи, мажнун деб тухмат қилишган. Қурайш раисларидан Надр ибн Ҳориснинг маслаҳати билан Уқба ибн Абу Муайтни унга шерик қилиб, Мадинадаги Таврот ва Инжилдан хабардор яҳудийлар олдига юборишган. Улар Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлигини қандай аниқлаш мумкинлигини билиб келишлари керак эди. Икки қурайш вазиятни тушунтиргач, яҳудийлар маслаҳатлашиб «Ундан шу уч нарсани сўранг:

- а) асрлар илгари кетиб, ғойиб бўлган ўша ёшларнинг (Асҳоби Каҳф) аҳволини сўранг, чунки буларнинг ҳикояси қизиқ;
- б) Шарқу Ғарбнинг ҳар жойига қадами етган сайёҳ воқеасини сўранг;
- в) ундан руҳ ҳақида ва руҳнинг нима эканлигини сўранг. Агар сизга буларнинг жавобини берса, билингки, у пайғамбардир. Йўқса, у ўзини пайғамбар деб даъво қилувчилардан бири»<sup>199</sup>.

<sup>198</sup> Er-Râzî Fahreddin. Tefsir-i Kebir (Mefâtihu'l-Gayb). 15. (Cilt). Tercüme: Prof. Dr. Suat YILDIRIM, Prof. Dr. Lütfullah SEBECİ, Doç. Dr. Sadik KILIÇ, Öğr. Gör. C. Sadik DOĞRU. – Ankara: HUZUR, 1993. – S. 91. Яна қаранг: Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий (5-нашр). Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Sharq, 2011. – Б. 61.

<sup>199</sup> Er-Râzî Fahreddin. Tefsir-i Kebir (Mefâtihu'l-Gayb). 15. (Cilt). Tercüme: Prof. Dr. Suat YILDIRIM, Prof. Dr. Lütfullah SEBECİ, Doç. Dr. Sadik KILIÇ, Öğr. Gör. C. Sadik DOĞRU. – Ankara: HUZUR, 1993. – S. 108.



Кейин маккалик мушриклар ушбу саволларни Муҳаммад а.с.га беришган ва саволларга жавобан «Каҳф» сураси нозил бўлган<sup>200</sup>.

**1. Зулқарнайн масаласи.** Зулқарнайн қиссаси нозил бўлишига сабаб бўлган саволга эътибор қаратилса, унда Шарқу Ғарбни босиб ўтган, бутун дунёни сайёҳдек кезган шахс ва унинг ишлари ҳақида сўралган. Саволда у ҳукмдорлардан ёки пайғамбарлардан бўлгани тўғрисида аниқ ишора йўқ. Қиссадан унинг исми Зулқарнайн экани маълум бўлади, аммо оятларда ҳам унинг ҳукмдорлардан бўлгани очиқ айтилган эмас. Бироқ аксар муфассирлар қиссанинг ифодаси ва мазмунига таяниб Зулқарнайн ҳукмдорлардан бўлганини таъкидлашади.

Қиссадан маълум бўлишича, Аллоҳ томонидан Зулқарнайнга ер юзида имконият ва ҳар бир нарсага эришиш сабаби ато қилинган. Зулқарнайн, дастлаб, Мағрибга борган ва у ерда қуёшнинг булоққа ботишини кўрган, ўша ерда бир қавмни учратиб, уларга адолат билан муносабатда бўлган. Сўнгра у Машрикқа – қуёш чиқиш жойига боради, у ерда ҳам қуёшдан ҳеч нарса билан тўсилмаган қавмни учратади, у ерда ҳам адолатли ҳукм юритади. Кейин Зулқарнайн яна сабабга эргашиб бошқа<sup>201</sup> томон йўл олади, икки тоғ орасига етганда уларнинг ортида бирор гапни англамайдиган қавмни кўради, бу қавм ер юзида бузғунчилик қилувчи Яъжуж ва Маъжужлардан шикоят қилиб, хирож эвазига улардан ҳимоя қилувчи девор (радм) қуриб беришни илтимос қилади. Зулқарнайн улар ўз кучлари билан ёрдам беришса кифоя эканини айтиб, икки тоғ орасини темир парчалари билан тўлдиради, унга дам уриб, ўтга айлантиргач устидан мис қуяди. Шундан сўнг Яъжужлар деворнинг устига ҳам чиқа олмайдилар, тешиб ҳам ўта олмайдилар. Зулқарнайн бу Аллоҳнинг раҳматидан экани, агар Аллоҳнинг ваъдаси келса, девор ер билан баробар бўлишини айтади<sup>202</sup>. Зулқарнайн ҳақидаги қисса соф ҳолда мана шундай тафсилотларга эга. Қуръон услубига мувофиқ ҳодисанинг

<sup>200</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 513 – 520.

<sup>201</sup> Қуръонда Зулқарнайннинг Ғарбу Шарқдан сўнг қай томон кетгани аниқ кўрсатилмаган, аммо аксар муфассирлар Зулқарнайн кетган учинчи томон Шимол эканини айтишади. Бизнингча, бу ерда чалғиш бор.

<sup>202</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 514 – 519.

энг муҳим жиҳатларигина баён қилинган. Зулқарнайн солиҳ ва адолатли, мазлумларга ёрдам берувчи чинакам мўмин банда сифатида эсланган.

Зулқарнайн қиссаси Искандар мавзусига қай тарзда қўшилиб қолди ва «Зулқарнайн бу – Искандар (Александр)» дегувчи тоифа ўз қарашларида нималарга таянади? Таъкидлаш керакки, Библияда учровчи Александрга алоқадор воқеа-ҳодисаларнинг ҳеч бири, ҳатто, Александр сўзи (Искандар шаклида ҳам) Қуръонда келмаган. Улар на воқеалар мантиғи, на ривожи, на баён услубига кўра бир-бирига ўхшаш. Биринчидан, Қуръон ёки ҳадисларда Зулқарнайн Александр эканига ишора қилувчи очик белгилар йўқ. Иккинчидан, Александр кўпхудолик (политеизм)га ишонган, Зулқарнайн эса яккахудолик (монотеизм) тарафдори бўлган. Учинчидан, Александр аввал Ғарбий Европани бўйсундириб, сўнгра Шарққа юриш қилади ва Ҳиндистонга қадар етиб боради; Зулқарнайн эса аввал Мағриб томон юриб, қуёш ботадиган жойгача, кейин Машриқ томон юриб, қуёш чиқадиган жойгача етиб боради, яъни Зулқарнайн Ғарбу Шарқни ёки Ер юзи ва унинг чегараларини кезган шахс сифатида тасвирланади. На Библияда, на тарихда Александрнинг бундай жойларга боргани қайд этилган эмас. Тўртинчидан, Қуръонда Зулқарнайн Яъжуж-Маъжуж қавми, уларга қарши қурилган девор тушунчалари билан боғлиқ ҳолда тасвирланган. Библия ёки тарихда Александрнинг фаолиятида бундай қавм ва девор қуриш эпизоди учрамайди. Бешинчидан, Библия ва Талмудда учровчи Гог ва Магог ҳақидаги хабарлар, тасаввурлар Қуръонда зикри келган Яъжуж ва Маъжужларга оид оятлар мазмунига мувофиқ эмас. Олтинчидан, Библияда ҳам, тарихда ҳам Александр ҳамда Гог-Магоглар ўзаро алоқадор эмас. Қуръонда эса сад (девор) Зулқарнайн ва Яъжуж-Маъжужларнинг мустаҳкам алоқасини кўрсатади. Шу тариқа, мавзунинг Ғарб ва Шарқдаги бирламчи манбаларида баён қилинган Александр ва Зулқарнайн қиссалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу – мавзунинг тарихи ва Шарқдаги эволюциясини тушунишда биринчи муҳим хулоса.

Шундай экан, Зулқарнайн қиссаси қачондан ва қандай асосларда Александрга нисбат берилга бошланган? Бу муҳим саволга конкрет жавоб бериш мушкул. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу жараён «Кахф» сураси нозил бўлганидан кўп ўтмай бошланган ва илк ташаббускорлар яҳудий ёки христиан ёхуд уларга яқин шахслар бўлишган. Бизнингча, Зулқарнайн қиссасини Александрга нисбат бериш тенденцияси, аввало, икки шахс фаолиятидаги айрим ўхшаш жиҳатларга асосланади: 1. Александрнинг ҳам, Зулқарнайннинг ҳам ҳукмдор бўлгани. 2. Александр ва Зулқарнайн фаолиятлари троекторияларининг ўхшашлиги: аввал Ғарбга, кейин Шарққа бориши, жуда катта ҳудудларда ҳукмдорлик қилгани. 3. «Зулқарнайн» сўзини «икки шоҳли» деб тушуниш; Эски Аҳдда ҳам Александр ва унинг тузилажак империяси рамзий-аллегорик тарзда шоҳ (муғуз, роғ) тимсоли билан ифодаланган. Айнан шоҳ мотиви икки шахс ўртасида алоқадорлик бўлиши мумкинлигига ишора қилган.

Бироқ Зулқарнайн қиссасини Александрга нисбат берувчилар тахминларини асослашда бу каби умумийликлардан кўра кўпроқ насронийлар томонидан тўқиб чиқарилган, муаллифи номаълум икки афсонага таянишади. Уларнинг биринчиси «Александр ҳақида христиан афсонаси» (A Christian Legend Concerning Alexander)<sup>203</sup>, иккинчиси «Серулик

---

<sup>203</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 144 – 158. **Таржимаси:** Александр ҳукмронлигининг иккинчи ёки еттинчи йилида мулозимларининг барчасини йиғиб, ернинг қанчалик кенлиги, осмоннинг қанчалик юксаклиги, осмоннинг нимага таяниб туриши, уни булут ва шамоллар ёки ер остидаги олов устунлар кўтариб туриши ёхуд Худонинг амри туфайли кулаб тушмаслиги ҳақидаги ўйлар ҳайратга солишини, шу боис сафарга чиқиб осмоннинг нима асосда туриши ва яратикларни нима қуршаб олганини кўрмоқчи эканлигини айтади. Аёнлар эса еру осмонни ўраб олган нарсани кўриш учун дунёни ўраб турган даҳшатли денгизлар ўтишга имкон бермаслиги, ўн битта ёрқин денгиз борлиги, ундан сўнг ўн чақиримга яқин қуруқлик борлиги ва ундан кейин эса бутун дунёни ўраб турувчи Океан жойлашгани, бу денгизнинг даҳшатлари, ундан ўтиш имконсизлиги ҳақида айтишади. Лекин Александр бориб ўз кўзи билан кўришга қарор қилади ва 320 000 аскарлик кўшин билан йўлга чиқади. Сафар олдида Худога илтижо қилади, «Шоҳ Александр таъзим қилиб деди: «Эй Худо, шоҳлар ва қозилар эгаси, шоҳларни тайинловчи ва уларнинг ҳукмдорлигини йўқ қилувчи! Англашимча, сен бутун ҳукмдорлар устидан мени ҳукмдор қилдинг ва дунё ҳукмдорлигини ағдаришим учун бошимда шоҳлар ўстирдинг. Муқаддас осмонингдан менга қудрат бер, токи дунё шоҳликларидан кўра каттароқ куч олиб, уларни бостираман ва Сенинг номингни абадий улуғлайман... агар Худонинг ўғли бўлган Масих менинг замонимда келса, мен ва қўшинларим унга сажда қиламиз. Агар мен бориб, шоҳларни забт этиб, уларнинг ерларини эгаллаб олган давримда келмаса, мен ўтирган қумуш тахтни олиб бориб, Қуддусга қўяман. Масих қўқдан тушиб, менинг шоҳлик тахтимга ўтиради, чунки унинг шоҳлиги абадийдир...». Александр йўлга чиқиб Синай тоғига келади, сўнг Мисрга ўтиб у ердан 7 000 темирчини олиб, денгизда 4 ойу 12 кун сузишади ва ўн бир ёрқин денгиз ортидаги қуруқликка етиб боради. Александр шу ердан 37 кишини кемаларни тутиб туриш учун Океан қирғоғида қозилар қозиларга юборади ва улар қирғоқда бир зумда ҳалок бўлишади. Шунда Александр Океандан ўтиб

Ёқубнинг иймонли қирол Александрнинг Агог ва Магогга қарши қурган дарвозаси ҳақидаги қўшиғи» (A discourse composed by Mar Jacob upon Alexander, the believing king, and upon the gate which he made against Agog and Magog)<sup>204</sup> деб номланади. Ушбу афсоналар Псевдо-Каллисфен сурёний

осмоннинг охирини кўриш мумкин эмаслигини тушунади. Сўнгра қўшини билан тўлқинли денгиз ва ёрқин денгиз ўртасидаги қуёш осмон деразасидан кирадиган жойга боришади, қуёш кўтариладиган жой денгиз қирғоғида бўлиб, у ерда яшовчилар у кўтарилаётганда куйиб қолмаслик учун денгизга, ғорларга беркинишар эдилар. Александр қуёш чиқадиган жойни кўргач, тоғлар оша юриб Шимол томон кетади, Арманистон ва Озарбайжонга киради. Яна бир қанча жойлардан юриб Мусо тоғидан ўтиб, улуғ тоғ дарвозаси ёнида қароргоҳ қуради. У ердан катта савдогарлар ички мамлакатга ўтадиган йўл бор эди. Кейин уч юз маҳаллий оқсоқоллар билан учрашади, улар билан суҳбатлашади ва бу юртнинг ҳукмдори ҳақида сўрайди. Улар бу юрт устидан форслар ҳукмдори Тубарлак ҳукмрон экани ва унга солиқ тўлашларини айтади. Александр биз қараган бу тоғдаги халқлар кимлар, уларнинг ҳукмдорлари ким деб сўради. Чоллар бу халқлар хунлар экани, Ёфас ўғилларининг шоҳлари бўлган Гог, Магог ва Навол; Гиг ва Теамрон, Тиямрон, Байт-Гамли ва Яфобар, Шумардак, Глусика, Экшафар, Салгаддо, Нислик, Амарпил ва Каъоза — булар хунларнинг шоҳларидир, деб жавоб берадилар. Александр: «Уларнинг ташқи кўриниши, кийими ва тиллари қандай?» Чоллар: «Баъзиларининг кўзлари қўқ, аёлларининг кўкраги битта, аёллар эса эркаклардан кўра кўпроқ урушади, чунки улар бир одамни пичоқ билан жароҳатлайдилар... ўлган ҳамма нарсанинг хом гўштини ейди, одамлар ва ҳайвонларнинг конини ичишади..., улар сеҳргардирлар ва улар осмон билан ер ўртасида югуришади, ва уларнинг жанг аравалари, қиличлари ва найзалари даҳшатли чакмоқлар каби милтиллайди. Ҳар бирининг фарёди шовқини шернинг овозидан ҳам даҳшатлироқдир. Александр чоллардан хунларнинг талон-тарожлари ҳақида эшитгач, ўз аскарларига: «Бу юртда ажойиб иш қилишимизни хоҳлайсизми?» деди. Улар унга: «Сенинг улуғворлигинг буюрганидек қиламиз», дедилар. Подшоҳ: «Келинлар, мисдан дарвоза ясаб, бу тиркишни ёпамиз», деди. Унинг лашкарлари: «Амр қилганингиздек бажарамиз», дедилар. Александр уч минг темирчи ва уч минг мисгарни олиб келди. Улар мис ва темирни куйиб, лойда ишлайдиган одам каби қордилар. Кейин уни олиб келиб, узунлиги ўн икки тирсак, эни саккиз тирсак бўлган дарвоза ясадилар. Тоғдан тоққача пастги ва юқориги остоналар ясади, узунлиги ўн икки тирсак эди. Уларни тоғларнинг қояларига ўрнатиб, мис ва темир билан мустаҳкамлади... Дарвоза ортидаги тошдан тошгача иккита темир мурват ясади ва мурватларнинг бошларини қояларга маҳкамлади. Дарвоза ва мурватларни ўрнатди, темир михларни қўйиб, уларни бирин-кетин урди, агар хунлар келиб, темир остона остидаги тошни қазиб олишса, пиёдалар ўтиб кетса ҳам, чавандоз билан от ўта олмас эди... Одамлар олиб келиб, темир ва мис қордилар, улар билан дарвоза ва устунларини бирин-кетин қопладилар. У қояларга темир мурват ясади, узунлиги ўн икки тирсак бўлган темир калитни ясагач, мисдан қулфлар ясади. Сўнгра дарвозага башоратомуз сўзларни ўйиб ёздирди... Шундан сўнг одамлар Тубарлакка юнон шоҳи Александр хунлар қаршисида темир дарвоза қурганини хабар беришади, Тубарлак саксон икки подшоҳни лашқари билан тўплаб, 1 130 000 аскар билан Александрга қарши қўшин тортади. Александр Худонинг кўмағида 316 000 аскар билан душманни енгади ва Тубарлакни асир олади. Тубарлакка ўн беш йил солиқ тўлаш мажбуриятини юклаб, дарвозани қўриқлаш учун 6000 римлик, 6000 форс аскарни қолдирилади. Александр у ердан чиқиб Қуддусга сажда қилди, кемалар билан денгизда сузиб, Александрияга кетди ва вафот этгач, ўзининг қумуш тахти Қуддусда бўлиши ҳақида буйруқ берди.

<sup>204</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 163 – 200. **Таржимаси:** дастлаб, Ёқубнинг Худога илтижолари баён қилинади, Исо улуғланади ва Александрнинг шоҳлиги тўғрисида сўзлашга ижозат сўралади ва Александр қиссаси бошланади. Александр аъёнларини йиғиб, дунёдаги мамлакатлар ва дунёнинг четларини кўриш, айниқса, зулмат юртига сафар қилишни истаётгани ҳақида айтади. Аъёнлари уни фикрдан қайтариш учун дунёни даҳшатли денгиз ўраб туриши, бундай тўлқинли денгиздан ўтиб унинг ортини кўриб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантиришади. Александр қайсарлик билан йўлга чиқади, Миср хунармандларини олади, Ҳиндистон томон кетишади, 4 ойдан ортиқроқ денгизда сузишади, қирғоққа чиққач Океан қирғоғига яқинлашишади ва денгизнинг бадбўй хидидан, шовқинидан кўрқиб қочиб кетишади. Александр Шимол томон юришни таклиф этади ва шу томон кетишади. Шимол ерларига киргач Александр донолик билан 300 оқсақол ва зодагонларни йиғади, улардан шу ерлар сирини ўрганади, зулмат мамлақати қаерда эканини сўрайди. Чоллар у ерга кирганлар қайтиб чикмаганидан огоҳлантирадилар, аммо Александр бу ерларга шу учун келганини таъкидлайди. Чоллар: шу ердан ўн икки кунлик йўлда улуғ бир тоғ бор, қидирган жойинг ўша ерда. Александр у мамлакатни яхши биладиганлар ҳамроҳ бўлишини сўрайди ва кексалардан бир кулранг сочлиси йўл кўрсатишга рози бўлади. Йўлда кексалардан бири Александрдан бу нурсиз диёрга нима учун келаётгани, у ердан нима излаётгани ҳақида сўрайди, Александр эса ўша юртда ҳаёт чашмаси борлигини эшитгани, агар рост бўлса, топмоқчи эканини айтади. Донишманд маслаҳат берадики, модомики зулматга тушар экансан ҳайвонлар орасидан ёш боласи бор ва эмизикли эшакларни излаб топишсин ва

версиясининг қўлёзмаларида асосий матндан кейин илова қилинган бўлиб, Уоллис Баж сурёний версияни несториан ёзувидаги беш нусха асосида нашрга тайёрлаган, у суянган энг қадимий қўлёзма 1708 – 1709 йилларда таҳрир этилган ва ҳозирда Британия музейида сақланади<sup>205</sup>.

Серулик Ёқубга нисбат берилган иккинчи афсонани биринчи афсонанинг шеърӣ қайта ишланган варианты дейиш мумкин. Дастлабки афсона марказида Александрнинг темир дарвозалар ясаши воқеаси, кейинги афсона марказида эса Александрнинг зулматга сафари воқеаси туради. Қолган барча эпизодлар сунъий равишда уларни тўлдиришга хизмат қилдирилган. Сунъийлик шу даражадаки, ҳатто, нима учун темир дарвоза қурилганию оби ҳаёт қидирилгани асосланмайди, иккинчи афсонада зулмат мамлакатига сафардан кейин Александрнинг темир дарвоза қуришга қарор қилиши ва уни амалга ошириши бутунлай тушунарсиз. Афсоналар

---

болалари билан зулматга тушадиган одамлар сонига мослаб олиб келишсин. Тезда 500 та эшак олиб келишгач, чол Александрнинг ошпази тузланган балиқ олиши кераклиги ва қаерда булоқ кўрса, уни ювиши, мабодо балиқ тирилса, қидирилган булоқ ўша бўлишини тайинлайди. Зулмат мамлакати эшигига келганда донишманд чол эшакларнинг болаларини шу ерда қолдиришни буюрди. Улар зулматга тушишди, ошпаз ўзи дуч келган булоқда ювинди ва қуруқ балиқни сувга солиб кўрди, лекин тирилмади, кейин йўлда давом этди, ниҳоят у ҳаёт булоғига яқинлашди ва тузли балиқни ювмоқчи бўлган эди балиқ тирилиб қочиб кетди. Ошпаз балиқни ушлаб, подшоҳга исботлашни ўйлаб булоққа сакраб тушди, лекин балиқни ушлаб олмагач қайтиб чиқиб, бошқаларни чақириб келди. Лекин қайтиб келганда чўмилиш учун чашмани топа олмади, чунки Худо унга абадийликни тақдир қилмаган эди. Александр бундан қаттиқ хафа бўлди, кейин улар зулматдан яна қайтиб чиқишди. Сўнгра Александр оқсоқоллардан бу ерда сизлардан бошқа яна қайси халқ бор ва уларнинг ҳукмдори ким деб сўради, улар бу халқнинг ҳукмдори форслардан бўлган Тубарлак экани, у мамлакатнинг ичида Ёфас ва Магогнинг авлодлари борлигидан хабар беради. Александрнинг тоғлар ҳақидаги саволига улар бу ерда аждарлар ва илонлар яшовчи тоғлар ҳақида айтишади ва у ердан жуда эҳтиёткорлик билан ўтишади. У тоғлар ортидаги даҳшатли халқлар – Агог ва Магоглар ҳақида эшитади, уларнинг бўйи олти тирсакдан етти тирсакча, бурунлари ясси, пешонаси нафратланарли, қонга ювиниб қон ичишади, одам ейишади. Александр буларни эшитиб ҳайратда қолади, лекин ўша ерда дарвоза ясашни ўйлаган эди. Александр кексалардан дунёни талон-тарож қилувчи душманлар қаердан чиқишини сўради, улар Худо томонидан яратилган тор довонни кўрсатишади. Александр у ерни текшириб, дарвоза қуриб, ёвузликлар йўлини тўсиш қарорига келади. Тубарлак бундан хабар топгач 62 шохни қўшини билан тўплаб Александрга қарши юриш қилади, икки ўртада жанг бўлади, Александр Худонинг ёрдами билан ғалаба қозонади, Тубарлак асир олинади. Кейин Александр жасорат билан темир эшик қуришга киришади, 12 000 хизматкор билан темир ва мисдан Агог ва Магогдан ҳимоя мақсадида дарвоза қуради, узунлиги 12 тирсак, баландлиги ва қалинлигини 4 тирсак қилиб довоннинг икки томонига етказдилар. Довонларнинг устига панжаралар ўрнатди, эшик ва остоналарга мурватлар ўрнатди, буларнинг ҳаммасини темир ва мис билан мустаҳкамлади. Александр бу иморатни тугатишда ёрдам берган Худога қурбонликлар қилинишини буюради. Александр туш кўриб, тушида Худо томонидан юборилган оловли кўрикчини кўради, у Александрга Тубарлак билан ярашиб, унинг ҳукмидаги ерларни олишни ва у қурган темир дарвоза қиёматгача ёпиқ қолиши, охирзамонда Агог ва Магоглар чиқиб, ер юзини чигирткадек қоплашини айтади. Етти мингинчи йилда Худонинг амри билан дарвозалар очилиб, Худонинг ғазоби туфайли Магог халқи халқлар устига кўзғолади, бу халқ киргин, қон ва жанжал учун чиқади. Бундан сўнг Агог ва Магогларнинг ер юзини босиши, инсониятнинг бундан олдин ва кейинги аҳволи, залолат ҳақида сўз юритилади, бузғунчилар ҳамма жойга етиб бориши, фақат Қуддусга қира олмаслиги ва Синай тоғига чиқа олмаслиги таъкидланади. Афсона Худога Александрга ғалаба бергани учун ҳамд айтиш ва шукрона ифодаси билан тугайди.

<sup>205</sup> Ciancaglini Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 121. 2001.

мантисиз, бири бирини рад этади. Бу икки афсона воқеалар ривожига кўра тўлиқ уйдирма. Ифодадан сезиш мумкинки, уларни Библиядан бохабар шахслар тўқиб чиқарган. Афсоналарни яратишда эса Библия ва Талмуддаги Александр ҳамда Гог-Магогларга оид башорату хабарлар<sup>206</sup>, Иосиф Флавийнинг темир дарвозалар ҳақидаги қайдлари асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур афсоналарнинг асослари ва манбалари масаласи ҳам ниҳоятда шубҳали. Афсоналарнинг манбаси масаласида бир нуқтага эътибор қаратиш лозим, яъни уларда Александр Шимол томон боришни хоҳлагани ва айнан Шимол (Кавказ тоғлари)да темир дарвозалар қурдиргани эътибор марказида туради. Географик жиҳатдан Кавказ тоғлари ёки Каспий дарвозаси Македония ва Грецияга нисбатан Шимолда эмас, Шарқда жойлашган, демак, бундай қарашнинг муаллифи Кавказ тоғларига нисбатан Жанубда жойлашган халқлар бўлиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас. Афсоналарнинг тили сурёний экани инобатга олинса, ҳақиқатан, Кавказ тоғлари Сурия ёхуд Яқин Шарққа нисбатан Шимолда жойлашгани маълум бўлади. Демак, Александр юриш қилиб Шимолга қадар етиб борган, у ерда сад қурган, Гог-Магоглар ҳам Шимолда яшайди тарзидаги тахминлар Сурия ёки Яқин Шарқда истиқомат қилган насронийларнинг тасаввурлари маҳсули. Аммо бир муҳим нуқтани ёддан чиқармаслик керак: Библия ва Талмудда Александр ва Гог-Магогларнинг бир-бирига мутлақо алоқаси йўқ, улар алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида қаралади. Шу боис ушбу афсоналар мазмунан Библия ва Талмуд мафкурасига ҳам зид.

Т.Нёлдеке ҳам раввинистик манбаларда ваҳший халқларга қарши дарвоза ёки девор қуриш билан боғлиқ ҳеч қандай маълумот йўқлигини таъкидлайди<sup>207</sup>. Кейинги давр тадқиқотчилари ушбу афсоналарнинг иккинчи муҳим манбаси сифатида Иосиф Флавийнинг (тах. мил. 37 – 100-йиллар) «Яҳудийлар қадимияти» ва «Яҳудий уруши» асарлари муҳим роль ўйнаган

<sup>206</sup> Серулик Якубнинг қўшиғида Даниил ва Ҳизқил исмларининг тилга олинishi (У.Баж, – Р. 193.) афсона муаллифи Библияда келган Александр ва Гог-Магоглар ҳақидаги башоратлардан яхши хабардор ва шуларга таянганини билдиради.

<sup>207</sup> Nöldeke T. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F.Tempsky, 1890. – S. 26.

деб хисоблашади. Флавий биринчи асарида Ёфаснинг етти фарзандидан бирининг исми Магог бўлгани ва у шу номдаги халққа асос солгани, юнонлар бу халқларни скифлар деб аташини ёзса<sup>208</sup>, «Яхудий уруши» асарида Александр Каспий денгизи атрофида темир эшиклар ўрнатиб, тоғдан ўтадиган довонни ёпган, бундан мақсад Мидияни скифлар (аланлар)дан муҳофаза қилиш бўлгани тўғрисида хабар беради<sup>209</sup>. Иосиф Флавийнинг икки асаридаги мазкур икки нуқта кейинчалик бирлаштирилиб, «Александр Магогларга қарши темир дарвозалар қурган» деган қараш келтириб чиқарилган. Лекин Флавий қайдларида Гог ҳақида гап йўқ, чунки яхудийликда Гог бошқа маънони, Магог бошқа маънони англатади. Шунга қарамай, кейинги давр одамлари Иосиф Флавий асарларидаги мана шу икки нуқтани бирлаштириш орқали [Александр + темир дарвозалар + Гог-Магог] учлигини ўзаро боғлаш тенденциясини юзага келтиришган. Натижада Александр ва Магогларнинг ўзаро алоқасини акс эттирувчи тўқима воқеа, эпизодни ўйлаб топишган. Унутмаслик керакки, Флавий қайдларининг на тарихий, на диний асослари мавжуд. Масалан, ҳақиқий тарихда Александрнинг Гог-Магоглар ёки темир дарвоза ҳодисалари билан боғлиқлиги қайд этилмаган. Қолаверса, Флавий темир дарвозалар бирор апокалиптик халққа қарши эмас, конкрет тарихий қавм – аланларга қарши қурилганини ёзган, у ерда Гог ёки Магог деган номлар тилга олинган эмас.

Бажнинг қайд этишича, юнон версиясининг С нусхасида ҳам Александр хунларга қарши темир дарвоза қургани ҳақида лавҳа учрайди<sup>210</sup>. Псевдо-Каллисфеннинг асл матни сақланиб қолмаган ва бизга бир неча юнонча қўлёзманинг қайта кўриб чиқилган версиялари маълум. С (γ) нусха эса учламчи ёки тўртламчи қайта ишлаш, бошқача айтганда, таҳрирнинг таҳрири тарзида юзага келган<sup>211</sup>. У илк нусха каби қадимий эмас. Псевдо-

<sup>208</sup> Флавий Иосиф. Иудейские древности. В 2 т. Т.1. Кн. 1-12. – Москва: «Ладомир», 2002. – С. 46.

<sup>209</sup> Josephus. The Jewish war. Books IV-VII. III. In nine volumes. With an english translation by H. St. J. Thackeray. – London: Harvard university press, 1968. – P. 575.

<sup>210</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. LXXVII.

<sup>211</sup> The Book of the Gestis of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A Mediaeval Hebrew Version of the Alexander Romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Ph.D. – Massachusetts: The Mediaeval Academy of America, 1962. – P. 2 – 3.

Каллисфен анъанасини махсус тадқиқ этган ва шарқ адабиёти, тарихига таъсирини ўрганган Фаустина Доуфикар-Аертс романнинг *γ* нусхаси милодий IX – X асрларда юзага келганини ёзади<sup>212</sup>. Табиийки, унга аввалги нусхаларда бўлмаган янги лавҳалар, сюжетлар қўшиб юборилган. Хусусан, темир дарвоза ҳақидаги эпизоднинг Псевдо-Каллисфеннинг нисбатан аслиятга яқин IV – V асрлардаги нусхаларида, шунингдек, VII – IX асрларда яратилган<sup>213</sup> ва юнончадан тўғридан-тўғри таржима қилинган<sup>214</sup> деб қаралувчи сурёний версиясида учрамаслиги – ушбу лавҳа Псевдо-Каллисфен матнига кейинчалик илова қилинганини англатади. Гог ва Магог ҳақидаги қадимги сурёний манбаларни махсус текширган Эмери ван Донзел ва Андреа Шмидларнинг қуйидаги хулосаси ҳам фикримизни тасдиқлайди: «Суриялик редактор, эҳтимол шарқий суриялик насроний, матнга шу пайтгача номаълум бўлган эпизодларни қўшган. Александрнинг Гог ва Магогга қарши девор қуриши эпизоди романнинг энг қадимги юнон, латин, арман ва сурёний версияларида учрамайди. «Александр романи» шоҳ Александрнинг янги ва ғайритабиий қиёфасининг Шарқ ва Ғарбда тарқалишида ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлса-да, девор эпизоди бу матндан келиб чиққан эмас. Александр девори мотивининг Библиядаги апокалиптик халқлар Гог ва Магог анъаналари билан боғланиши биринчи марта юқорида кўриб ўтилган сурёний афсонада учрайди. У «Александр Романи»нинг сурёний қўлёзмаларига илова қилинган қисқача матндир»<sup>215</sup>. Шунингдек, афсоналарда ҳунлар шоҳи Атилланинг (V аср) Европага амалга оширган босқини оқибатида ерли халқлар тасаввурида сақланиб қолган даҳшатнинг фольклорга хос ифодалари сезилиб туради. Бу *C* нусхада учровчи темир дарвоза билан боғлиқ қайдлар матнга анча кейин интерполяция бўлганини кўрсатади. Хуллас,

---

<sup>212</sup> Doufekar-Aerts Faustina. *Alexander Magnus Arabicus. A Survey of the Alexander Tradition through Seven Centuries: from Pseudo-Callisthenes to Suri.* – Paris – Leuven – Walpole: Peeters, 2010. – P. 91.

<sup>213</sup> *The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the PseudoCallisthenes.* Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – P. lxii.

<sup>214</sup> Ciancaglini Claudia A. *The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon.* 114 (1–2): 135. 2001.

<sup>215</sup> Donzel Emeri van; Schmidt Andrea. (2010). *Gog and Magog in Early Eastern Christian and Islamic Sources: Sallam's Quest for Alexander's Wall.* Brill. – P. 17.



Александрнинг темир дарвозалар кургани ва оби ҳаёт қидиргани ҳақидаги афсоналарнинг сарчашмалари ишончли эмас ва мавжуд фактлар улар милодий VII асрдан олдин яратилганини исботлай олмайди.

Аксар тадқиқотчилар биринчи афсона милодий 629 – 630 йиллар, иккинчи афсона эса милодий 630 – 640 йиллар атрофида яратилганини тахмин қилишади<sup>216</sup>. Шу ўринда сурёний адабиётни махсус ўрганган Кембридж университети профессори В.Райтнинг фикрларини эслаб ўтиш ўринли: «Шу асрнинг (милодий VII аср назарда тутилмоқда – И.И.) иккинчи чорагида, яъни 633 – 636 йилларда мусулмонлар Сурияни босиб олишди... 638 йил Юнон империясининг Сурияни босқинчилардан тортиб олишга бўлган сўнгги ҳаракатлари содир бўлди, лекин энди мусулмон бўйинтуруғи силкитилмаслиги керак эди. Бу забтнинг оқибатлари тез орада мамлакат адабиётида ҳам ўзини намоён қила бошлади»<sup>217</sup>. Айни мана шу нуқта сурия адабиётида кенг тарқалган Александр ҳақидаги икки афсонани тушунишда муҳим аҳамият касб этади. В.Райтнинг ифодасидан сезилиб турганидек, табиийки, насронийлар назорати ва ҳукмронлиги остида бўлган сурияликлар мусулмонларни босқинчилар сифатида қабул қилишган ва ҳар қандай йўл билан қаршилик кўрсатиш, ўз норозилигини ифодалашга ҳаракат қилишган. Албатта, бу жараёндан сиёсий хушёр диндорлар тоифаси ҳам четда қолмаган ва фараз қилиш мумкинки, айнан мана шу тоифа исломга путур етказиш ва уни обрўсизлантириш мақсадида аввалроқ нозил бўлиб улгурган «Қаҳф» сураси оятларини бузиб, сохталаштириб насронийлар оламида машҳур ва ижобий имижга эга Александрга нисбат беришган. Кейинчалик Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси билан бирга Александр ҳақидаги ушбу христиан афсоналари ҳам араб, форс тилларига таржима қилинган ёки шарҳ тарихчилари, географлари, муфассирлари улардан тўғридан-тўғри фойдаланишган, у ҳақда эшитишган. Шу тариқа қизиқарли ва ғаройиб

<sup>216</sup> Rubanovich Julia. The Alexander Romance. Romance and Reason: Islamic Transformations of the Classical Past. Ed. by R. Casagrande-Kim, S.Thrope, and R.Ukeles. – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2018. – P. 28. (pp. 26 – 47); Ciancaglini Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 138. 2001.

<sup>217</sup> Wright W. A short history of Syriac literature. – London – Cambridge: At the university press, 1894. – P. 140.

воқеаларга бой ушбу афсоналар Шарқда оммалашиб кетган. Натижада «Каҳф» сурасида баён қилинган Мусо ва Зулқарнайн қиссалар билан юқоридаги икки афсона ўхшашлик ҳосил қилган, мана шу ўхшашлик аслида алоҳида-алоҳида шахслар бўлган Александр ва Зулқарнайнни битта шахс деб тушунишга олиб келган ва шарқлик тарихчилар, географлар, ижодкорлар, ҳатто, муфассирларни ҳам чалғитган. Таъкидлаш керакки, фақат Псевдо-Каллисфен ва насронийлар тўқиган икки афсонадан хабардор шарқлик ижодкорларгина Александр ва Зулқарнайнни бир шахс деб чалғитган. Улардан қай бири Александрнинг ҳақиқий тарихи билан таниш бўлган бўлса, улар Псевдо-Каллисфен ва насроний афсоналар уйдирма эканини дарров фаҳмлашган. Шу боис мазкур масала нуқтаи назаридан шарқлик тарихчи, географ, муфассир ва ижодкорларнинг асарларига эътибор қаратилса, айримлари Александр ва Зулқарнайнни битта шахс деб, баъзилари битта шахс эмас деб қарашгани, натижада ихтилоф кучайиб масала янада кенг оммалашгани ва ҳануз шу замида давом этаётгани маълум бўлади.

Ҳар икки афсона исломни ичдан емириш мақсадида тўқиб чиқарилгани ҳақидаги фаразимизни асослайдиган яна бир далил шуки, «Каҳф» сураси маккий сура бўлиб, милодий 622 йилга қадар Маккада нозил бўлган. Бу вақтни христиан афсоналари яратилган вақт (тахминан милодий 630 – 640-йиллар атрофи) билан солиштирсак, мазкур қиссалар ёки сюжет кимдан кимга ўтгани ойдинлашади. Қолаверса, «Каҳф» сураси нозил бўлганидан кейин сад ва Зулқарнайн масаласининг оммалашгани ҳам фаразимизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Т.Нёлдеке эса иккинчи афсона Серулик Ёқубга (милодий 451 – 521 йилларда яшаган суриялик шоир ва илоҳиётчи) тегишли деб ишонган ва афсона милодий 514 – 515 йилларда яратилганини тахмин қилиб, Александрнинг темир дарвоза қуриш эпизоди, тузланган балиқ ҳикояси кейинчалик шу афсонадан Қуръонга кўчиб ўтган деган фаразни баён қилган: «Тасодифий ўйлаб топилган, асосан, аҳмоқона бўлган ҳикоянинг муаллифи унинг мазмуни кейинчалик ғолиб ва душман дин тарафдорлари учун илоҳий ваҳий сифатида қабул қилинишини хаёлига ҳам келтира

олмасди»<sup>218</sup>. Александр ҳақидаги икки христиан афсонани қадимий кўлёмалар асосида ўрганган, инглизчага таржима қилган Бажнинг куйидаги қайдлари Т.Нёлдеке қарашини инкор этиб, бизнинг фарозимизни тўла кўллаб-қувватлайди: «Христиан афсонаси кўплаб кўшимчалар билан тўлдирилган, аниқки, насроний муҳаррирнинг иши... Бошқа томондан, кўплаб парчалар, масалан, унинг денгизга шиша қафасда тушиши ҳақидаги маълумотлар бутунлай чиқариб ташланган. Афсонада жой номларининг эркин берилгани эса унинг жуда кеч тузилганини кўрсатади; бу Серулик Ёқубнинг иши эканлиги ақлга сиғмайди»<sup>219</sup>. Т.Нёлдеке мутлақо асосга эга бўлмаган ва «Каҳф» сураси нозил бўлиб улгурганидан сўнг, эҳтимол, анча кейин тўқиб чиқарилган афсоналарга таяниб хулоса чиқаргани учун жиддий хатога йўл қўйган. Афсуски, унинг бундай ноҳақ иддаосига кейинги давр тадқиқотчилари, хусусан, Е.Э.Бертельс ҳам эргашган<sup>220</sup>. Кейинчалик бу масалада айрим ўзбек олимларининг Е.Э.Бертельсга таянганини эса тушуниб бўлмайди.

Шу тариқа «Каҳф» сураси нозил бўлгач, ундаги Мусо ва хизматкори қиссаси ҳамда Зулқарнайн қиссаси Искандар мавзусига қўшиб юборилган ва қайта ишланган. Бу қайта ишлаш, дастлаб, насроний руҳонийлар томонидан амалга оширилгани боис мазмун насроний ақидалар, сюжет эса насроний асотирлар билан бойитилган. Кейинчалик ушбу қайта ишланган қиссалар турли номаълум йўллар, асосан, оғзаки ҳикоя ва таржималар орқали Шарқда қайта ҳаёт бошлаган. Гарчи «Каҳф»даги икки қисса Искандар мавзусига интерполяция бўлган бўлса-да, мавзу такомилига ижобий таъсир кўрсатган. Хуллас, мавзу Ғарбдан Шарққа трансформация бўлгач, унга ислом таълимотининг буюк таъсири қуйидаги жабҳаларда намоён бўлди:

---

<sup>218</sup> Nöldeke Theodor. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F. Tempsky, 1890. – S. 30 – 33.

<sup>219</sup> The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – P. lxxvii.

<sup>220</sup> Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. – Москва: Наука, 1965. – С. 289 – 290.

1. Янги сюжет ва образлар билан бойиди. Сад куриш, Яъжуж-Маъжужларга қарши кураш, оби ҳаёт қидириш каби эпизод ва сюжетлар, шу билан бирга Зулқарнайн, сад, Яъжуж-Маъжуж, оби ҳаёт каби образлар кириб келди.

2. Янги талқинларни пайдо қилди. Ислом келгунга қадар Александрнинг Шарқдаги талқинлари, табиийки, ижобий бўлмаган. Бу кайфият, ҳатто, IX – X асрларда ҳам сақланиб қолган. Сосонийлар даврида ижобий ўзгаришга учраган тарзидаги гапларнинг аксари тахмин ва мустаҳкам асосга эга эмас. Зулқарнайн Қуръонда ижобий қиёфада кўрсатилгач, мазкур талқин Зулқарнайн ва Александрни бир шахс деб тасаввур қилганлар томонидан Александр (Искандар)га нисбатан ҳам татбиқ этилган. Натижада, аслида, Зулқарнаинга оид ижобий қиёфа ва ижобий сифатлар – адолатлилик, иймонлилик, камтарлик ва ҳимматлилик кабилар бир вақтда Искандарга ҳам нисбат берилаверган. Навоийдаги «одил шох образи остида ҳам Қуръони Каримда баён этилган Зулқарнаинга оид уч концепция (фотиҳлик, одиллик ва илоҳий маърифат) асос вазифасини ўтайди»<sup>221</sup>. Шундай қилиб Зулқарнаинга оид талқинлар таъсирида Александр шахси Шарқда мутлақо янги – ижобий ва исломий қиёфа касб эта бошлаган. Муфассирлар ва адибларнинг Зулқарнайн қиссасидан чиқарган хулосалари, шунингдек, ўз саъй-ҳаракатлари билан ўйлаб топган фикрлари Александр (Искандар)га нисбат берилаверган, вақт ўтган сари бу борадаги ишлар шу даражага етганки, Александр бирор нуқсонга эга бўлмаган мутлақ ижобий образ – Искандар Зулқарнаинга айланган. Бу ном, аслида, Искандар ва Зулқарнайн битта шахс деган тасаввурни ҳам, уларнинг қиссалари қўшиб юборилганини ҳам мукамал акс эттиради.

2. **Оби ҳаёт масаласи.** Зулқарнайн қиссасини Александрга нисбат берувчилар «Каҳф» сураси (60 – 82-оятлари)да баён қилинган Мусо ва хизматкори қиссаси ҳам юқоридаги насроний афсоналарнинг иккинчиси

---

<sup>221</sup> Жўракулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 249 – 250.

таъсирида яратилган деб даъво қилишади<sup>222</sup>. Мусо ва хизматкори қиссаси ҳамда Серулик Якубга нисбат берилган шеърӣ афсона мақсади ва воқеалар ривожига кўра бир-бирдан бутунлай фарқ қилади. Уларда биргина ўхшаш жиҳат бор – қуритилгани ёки тузлангани тахмин қилинувчи балиқ ва унинг сувда жонланиши. Мусо қиссасини насроний афсонанинг қайта ишланган варианты деб қаровчилар айни детал ва эпизодга таянишади. Биз юқорида бу афсоналар «Кахф» сураси нозил бўлганидан кейин яратилгани, аксинча, «Кахф» сураси ушбу афсоналарга таъсир кўрсатгани ҳақидаги фаразни илгари сурдик. Бу, биринчидан, Мусо қиссаси борасидаги даъволар беҳуда эканини англатади. Иккинчидан, Мусо қиссасида саватдаги ўлик балиқнинг икки денгиз қўшилган жойда сувга тушиб, сузиб кетгани айтилганидан ўша сувни оби ҳаёт деб тасаввур қилиш мумкиндек. Аслида, қиссада балиқнинг сузиб кетиши сувнинг хоссаси сифатида эмас, балки Мусо а.с.га манзилга етгани ҳақида ишора сифатида Аллоҳнинг амри туфайли балиқ жонланиб, кейин сувда сузиб кетгани назарда тутилган. Балиқ сузган ўрин ҳам сувда цилиндрдек тешилиб қолган ва Аллоҳнинг амри билан балиқ шу ердан сузганини кўрсатиб туриш учун тешикни сув қопламай турган. Бу жиҳатдан қаралса, Мусо қиссасида оби ҳаёт ҳақида бирор тушунча ёки жумла йўқлиги маълум бўлади. Учинчидан, Мусо икки денгиз қўшилган жойдаги Хизрни излаб йўлга чиқади, унинг мақсади ўзидан илмли Хизрни кўриш ва илмидан ўрганиш. Мусода ўлимдан қочиш ва абадий тирик қолиш нияти йўқ, яъни бу қиссада ўлимсизлик мотиви мавжуд эмас. Насроний афсонада эса Александр зулмат мамлакатига айнан ўлмаслик – абадий тирикликни истаб боради, умуман, оби ҳаёт ҳақидаги ҳар қандай сюжетнинг асосида абадийликка интилиш илинжи ётади. Булардан хулоса қилиш мумкинки, Мусо ва хизматкори қиссасининг оби ҳаёт масаласи ва шу туркумдаги афсонаю ривоятларга алоқаси йўқ.

---

<sup>222</sup> Nöldeke Theodor. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F. Tempsky, 1890. – S. 32; Rubanovich Julia. The Alexander Romance. Romance and Reason: Islamic Transformations of the Classical Past. Ed. by R. Casagrande-Kim, S. Thrope, and R. Ukeles. – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2018. – P. 28.

Бунда Хизр образи сюжетга қандай қўшилиб қолган деган савол ҳам юзага чиқади. Бу масаланинг генезиси жуда чалкаш бўлиб, қуйироқда батафсил таҳлил қиламиз. Юқоридаги насроний ёки шунга ўхшаш афсоналар шарқ тилларига тажима қилинган, айрим муфассир ва тарихчилар икки воқеадаги ўхшаш (аслида ўхшаш эмас) нуқта – ўлик балиқнинг сувда тирилишига таяниб, қисса ва ривоятни битта воқеа сифатида тасаввур қилишган, натижада уларни қўшиб юборишган. Кейинчалик ҳадислардан сафарда Мусога ҳамроҳлик қилган хизматкор йигитнинг исми Юша, Мусо излаб борган солиҳ банда эса Хизр экани маълум бўлган – афсонага Хизр номи ҳам кириб кетган. IX аср бошларидаёқ Мусо қиссаси ва оби ҳаёт ҳақидаги афсона қоришиб, ислом дунёсида кенг ёйилган. Бунинг классик намунасини Табарий тафсиридаёқ учратамиз<sup>223</sup>. Бунинг таъсирида, табиийки, кейинги давр тафсирларида ҳам Мусо қиссасига оид талқинлар шу зайлда давом этаверган. Илёс а.с. номининг бу афсонага қўшилиб қолиши ҳам Юша а.с. билан боғлиқ бўлиши керак. Бунинг бир асоси шуки, Шарқда пайғамбарлар тарихига бағишланган асарларда Хизр ва Илёс Искандарнинг мулозими бўлгани, шу боис улар Искандарнинг оби ҳаёт қидириш йўлида амалга оширган сафарида қатнашгани, тасодифан улар ҳаёт чашмасидан баҳраманд бўлиб, абадий тирик қолгани ҳақида ёзишади<sup>224</sup>. Ушбу талқиндаги «мулозимлик» Мусо қиссасидаги «хизматкор йигит»ни ёдга солади. Бошқа бир вариант шуки, Илёснинг оби ҳаёт сюжетида қўшилиб қолиши яҳудий анъаналари билан боғланади<sup>225</sup>, бу кейинчалик таржималар орқали Шарққа трансформация бўлган бўлиши керак.

Аслида, насроний афсонадаги Александрнинг оби ҳаёт қидириши билан боғлиқ сюжет генезиси бошқа кўҳна манбаларга бориб тақалади. Мутахассислар фикрича, у «Гилгамиш»дан бошланади<sup>226</sup>. Гилгамиш боқий яшаш сирини ахтариб денгиз тубидан кексаларни ёшартувчи сеҳрли ўтти

<sup>223</sup> طبری محمد بن جریر. ترجمه تفسیر طبری. ج ۴. به اهتمام حبیب یغمای. – تهران: دانشگاه تهران، ۱۳۵۶. ص. ۹۵۱-۹۵۲.

<sup>224</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 95.

<sup>225</sup> Костюхин Е. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – Москва: Наука, 1972. – С. 156.

<sup>226</sup> Костюхин, – С. 154.

олиб чиқади, лекин илон туфайли ундан бенасиб қолади. Мазкур сюжет кучли паҳлавонлар ҳам абадий яшай олмайди, Худога итоат этмоқ керак, ҳамма иш унинг розилиги билан бўлади, деган ғоя «Гилгамиш» асосида ётади дейишга имкон беради<sup>227</sup>. Е.Костюхиннинг фикрича, ерда шараф топишнинг беҳудалиги ва хаёлийлиги диний ғоялардан бири бўлиб, кейинчалик Талмуд, Библия ва Қуръонга ҳам ўтган<sup>228</sup>. Олим бу ерда «Кахф» сурасидаги Мусо қиссасини назарда тутган, аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки Мусо қиссасида айнан ерда шараф топиш ва абадийликка интилиш, ҳатто, «Гилгамиш»даги ёшариш ғояси ифодаси ёки изларини кўрмаймиз. Айтиш мумкинки, Мусо ва хизматкори қиссаси Искандар мавзусининг кейинги ривожидида оби ҳаёт сюжетининг кенг оммалашшида муҳим аҳамият касб этган. Кейинчалик юқоридаги афсонаю ривоятлар кенг тарқалиб Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказган. Бу жараёнда Фирдавсий ва Низомий тасвирлаган оби ҳаёт сюжети адабий таомилда етакчи хусусиятларни белгилаб берган. Шу маънода, Ш.Сирожиддиновнинг «Ўзбек мумтоз адабиётида учрайдиган шундай «бегона» сюжетлар кўпроқ яҳудий (иброний) ва христиан (насоний) адабиётларига мансуб... Уларнинг генезисини фақат Қуръони каримдан ёки исломий ривоятлардан қидириш етарли бўлмайди»<sup>229</sup> деган фикри айтиш ҳақиқатдир.

---

<sup>227</sup> Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – B. 174.

<sup>228</sup> Костюхин, – С. 155.

<sup>229</sup> Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 30.

## 2.1.2. Тафсирларда анъаналар диффузияси

Мавзунинг Фарбдаги асослари Шарқда қандай қайта ишлангани ва рецепцияга учраганини конкрет кўрсатиб бериш имконсиз, чунки далиллар, манбалар ва имконият жуда чекланган. Тадқиқотчилар фикрича, Псевдо-Каллисфен анъанаси мавзунинг Шарқдаги эволюциясига жиддий таъсир кўрсатган. Ушбу таъсир икки хил йўсинда содир бўлгани тахмин қилинади: 1. Псевдо-Каллисфеннинг ўрта форс тилидаги паҳлавий версияси (тах. V аср) мавжуд бўлган ва шу версия асосида бошқа арабча таржималар пайдо бўлган (Т.Нёлдеке фарази). 2. Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси бир нечта арабча таржималар пайдо бўлишига асос бўлган (У.Баж фарази). Иккинчи қараш ҳақиқатга яқинроқ, ҳар ҳолда, Псевдо-Каллисфен анъанасининг мавзунинг Шарқдаги эволюциясига таъсири далиллар билан исботланган. Бу жараёнда таржимонлар муҳим роль ўйнагани аниқ, шунингдек, шарқлик муаллифлар тўғридан-тўғри сурёний манбаларга мурожаат этгани ёки исроилиётдан хабардор мусулмонлардан оғзаки эшитганини тахмин қилиш ҳам мумкин. Тарихда Каъб ал-Ахбор каби исломни қабул қилган яҳудийлар исроилиётнинг мусулмонлар орасида ёйилишига сабабчи бўлишган. Масалан, айрим шайхлар Каъб ал-Ахборни исломни яҳудийлаштиришда айблаган<sup>230</sup>. Яъни муайян шахслар Александр ҳақидаги афсоналарнинг араблар орасида тарқалиши ва ислом таълимотига оид қиссалар сирасига кўшилиб кетишига хизмат қилганини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Искандар мавзусининг Шарқдаги эволюциясида «Каҳф» сурасига ёзилган тафсирлар муҳим аҳамият касб этди. Уламолар ижтиҳодга интилиб, қиссаларда мавжуд бўлмаган янгидан-янги маълумот ва воқеаларни тафсирларга киритишди, натижада қиссаларнинг ҳақиқати, асл воқеалик бир ёқда қолиб, турли баҳсу чалғитувчи маълумотлар, асоссиз афсоналар олд планга чиқиб кетди. Жумладан, айнан улар Зулқарнайн ва Искандар

---

<sup>230</sup> Ka' b al-Aḥbār. URL: <https://www.encyclopedia.com/religion/encyclopedias-almanacs-transcripts-and-maps/kab-al-ahbar> (11.03.2022)



(Александр) бир шахс деган янглиш тасаввурнинг кенг ёйилишига салмоқли «ҳисса» кўшишган.

Илк тўлиқ тафсирлардан бирини ёзган, ҳижрий 80 – 150 йиллар орасида яшаган Муқотил бин Сулаймон «Каҳф» сурасини шарҳлар экан, Зулқарнайни «қайсар Искандар» деб атайди ва у «Зулқарнайн» – «икки шохли» номини қуёшнинг икки шохли – кун чиқиш ва кун ботишга қадами етгани учун олган тарзида изоҳлайди<sup>231</sup>. Муҳаммад бин Жарир Табарий (839 – 923) ўз тафсирида Зулқарнайн ва Искандар масаласида холис позицияда туради, масалага оид турли қарашларни холис баён қилади, жумладан, Искандар ва Зулқарнайн бир шахс деган қараш ҳам мавжудлигини эслатади. Табарий Зулқарнайн қиссасини қайта баён қилар экан, Зулқарнайн Машрик ва Мағрибга сафар қилгач, «Сўнгра у яна сабабга эргашди»<sup>232</sup> дейилган 92-оятни «Пас басохт ва роҳ баргирифт сўйи Рум»<sup>233</sup> тарзида баён қилади. Тафсирчилар мазкур оятда Зулқарнайннинг Шимол томон кетгани айтилганини тахмин қилишади, ҳолбуки, оятда Рум ёки Шимол сўзлари учрамайди. Шунингдек, Табарий оятларда номи тилга олинган Зулқарнайн Искандарияни қурган ва дунёнинг катта қисмини эгаллаган Искандар эканига далолат қилувчи ҳадисни баён қилади<sup>234</sup>. Табарий келтирган ривоятда Псевдо-Каллисфен воқеалари ва Талмуддаги турли афсоналар қоришиқ ҳолда акс этган. Жумладан, румлик йигит ва Искандария ҳақидаги қайдлар кўпроқ Псевдо-Каллисфенга, кўкка кўтарилиш ҳақидаги қайдлар эса яҳудий афсоналарига тегишли. Бу шундан далолат берадики, милодий IX аср бошлари, эҳтимол, VIII асрдаёқ мавзунинг Ғарбдаги асослари Шарқда фаол рецепцияга учраган, улар асосан тўқима афсоналар бўлган. Афсуски, илк ва ишончли тафсирларданоқ икки христиан афсонанинг муфассирларга жиддий таъсири сезилади. Улар Зулқарнайн ва Искандар битта шахс деган қарашни узил-кесил айтмаган, бу масалада холисликка интилган бўлса-да, шу

<sup>231</sup> Süleyman Mukatil bin. Tefsir-i Kebir. Tercüme: M.Beşir Eryarsoy. – İstanbul: İşaret, 2015. – S. 624.

<sup>232</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 516.

<sup>233</sup> طبری محمد بن جریر. ترجمه تفسیر طبری. ج ۴. به اهتمام حبیب یغمای. – تهران: دانشگاه تهران، ۱۳۵۶. - ص. ۹۳۶.

<sup>234</sup> Taberī Ebō Cafer Muhammed bin Cerir. Taberī Tefsiri. Cilt 5. Tercüme: Hasan Karakaya ve Kerim AYTEKİN. – İstanbul: Hisar, 1996. – S. 378.

мазмундаги кўплаб ривоятларни келтиришлари туфайли бу қараш кўпроқ салмоққа эга бўлган.

Абу Мансур Мотуридий (870 – 944) эса Зулқарнайн ҳақида ихтилоф кўплигини ёзади, Искандар ва Зулқарнайн шахслари борасида холисликка интилади. У ҳам Табарийнинг Уқба ибн Амирдан келтирган ҳадисини такрорлайди, лекин «агар бу ривоят саҳиҳ бўлса»<sup>235</sup> тарзида шубҳа ҳам билдиради. Мотуридий мавзунинг Шарқдаги ривожда муҳим аҳамият касб этган Зулқарнайннинг ҳукмдорлар ёки пайғамбарлардан бўлгани масаласига махсус тўхталиб, масала тарихига оид муҳим жиҳатлар билан таништиради. Қайд этилишича, Ҳасан Басрий (641 – 728) Зулқарнайнни пайғамбар деб билган, бунда у «Эй Зулқарнайн, ё уларни азоблайсан ёки гўзаллик-ла тутарсан, – дедик» (18:86) оятини далил қилиб олган. Ҳасан Басрий яна шундай деган: «бу ифода баҳс этилган ишда ҳакамлик вазифасини Зулқарнайнга бериш маъносини англатади. Ҳукм эса фақат пайғамбар кишига берилади»<sup>236</sup>. Бироқ Мотуридий Зулқарнайннинг ҳукмдорлардан бўлиш эҳтимоли кўп деган қарашга қўшилади. Унинг қайдларидаги муҳим жиҳат шуки, уларда VII асрдаёқ Зулқарнайннинг ҳукмдор ёки пайғамбарлиги масаласида турли баҳслар юзага келгани кўрсатиб берилган. Айни масала Искандар мавзуси тарихида алоҳида из қолдиргани билан аҳамиятли. Яъни саҳобалар ёки муфассирлар томонидан Зулқарнайнни пайғамбар сифатида тавсифлаш кейинчалик Зулқарнайн ва Александр битта шахс деган тасаввурлар билан қўшилиб кетган, оқибатда Искандарнинг пайғамбар сифатидаги талқинлари ҳам юзага келган ва айрим искандарномаларда («Иқболнома») сюжетнинг катта қисмини мана шундай тасаввурлар эгаллаган.

Абулқосим Замахшарий (1075 – 1144) нинг «Кашшоф»ида ҳам икки христиан афсонасининг кучли таъсири сезилади. Бу ҳолат Мусо ва солиҳ қул, Зулқарнайн қиссалари ҳамда Яъжуж-Маъжуж воқеаси шарҳида кўринади.

<sup>235</sup> Mâtürîdî Ebû Mansûr Muhammed bin. Te'vilatu'l-Kur'an Tercümesi. Cilt: 9. Çeviren: Doç. Dr. İbrahim TÜFEKÇİ. – İstanbul: Ensar, 2018. – S. 131 – 132.

<sup>236</sup> Mâtürîdî, – S. 132.

Замахшарий олтмиш биринчи оят шарҳида *тузланган балиқ* ва *ҳаёт булоғи* мотивлари билан боғлиқ афсонаю ривоятларга холис муносабатда бўлади. Қайд этилган ривоятларда Мусо, Юша ва Хизр номлари учрайди, аммо Илёс номи зикр этилмайди<sup>237</sup>. «Кашшоф»да Зулқарнайн ҳақида шундай ёзилади: «Зулқарнайн — дунёни забт этган [Македониялик буюк] Искандар. Айтишларича, дунёда икки мўмин ва икки кофир ҳукмронлик қилган. Мўминлар Зулқарнайн ва Сулаймон алайҳиссалом; кофирлар Намруд ва Бухтуннасрдир. Бухтуннаср Намруддан кейин яшаган. Зулқарнайннинг кимлиги ҳақида ихтилоф бор, шундай дейилган: Зулқарнайн Аллоҳ тарафидан ер юзига ҳукмрон қилинган, Аллоҳ унга илм ва ҳикмат берган, улуғворлик бахш этган, ёруғлик ва зулматни амрига бўйсундирган, юрганида нур олдида юриб йўлини ёритган, зулмат эса ортидан эргашган солиҳ бандадир. Яна пайғамбар ва фаришталардан бўлганлиги айтилади»<sup>238</sup>. Ушбу парчадаги Искандар, ёруғлик ва зулмат ҳақидаги тасаввурлар насроний афсоналаридаги Александр билан, солиҳ банда, пайғамбар ва фаришта ҳақидаги тасаввурлар эса «Қаҳф» сурасидаги Зулқарнайн билан алоқадор. Бу икки кутб, аввало, бир-бирини рад этади, айти пайтда икки хил тасаввурларнинг қоришиб кетиш тенденциясини намоён этади.

Замахшарийнинг «шоҳ» мотиви, яъни Зулқарнайннинг бошида икки шоҳ борлиги ҳақидаги ривоятларида ҳам насронийлар тўқиб чиқарган афсоналарнинг конкрет таъсири билиниб туради. Ажабланарлиси, бундай ривоятларнинг Али р.а.га нисбат берилишидир<sup>239</sup>. Замахшарий ўз тафсирида машҳур яман тарихчиси Ваҳб бин Мунаббих (655 – 738) нинг асарларидан иқтибослар келтиради, жумладан, унинг Зулқарнайн «Боши (дубулғаси)нинг икки тарафи мисдан эди» деган хабари келтирилади. Замахшарий бу фикр ортидан «бошидаги тожининг икки шоҳи бўлгани ва бошида икки кокилга ўхшаш нарса бўлгани ҳам нақл этилади» деб қўшиб қўяди<sup>240</sup>.

<sup>237</sup> Zemaḥṣerî Ebu'l-Kāsım Cârullah Mahmûd b. Ömer b. Muhammed el-Hârizmî. Keṣṣâf Tefsiri. Cilt: 4. Çeviren: Dr. Muhammed Coşkun. – İstanbul: Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2018. – S. 90 – 92.

<sup>238</sup> Zemaḥṣerî, – S. 116.

<sup>239</sup> Zemaḥṣerî, – S. 116.

<sup>240</sup> Zemaḥṣerî, – S. 118.

Замахшарийнинг ушбу қайдлари бир неча муҳим хулосаларга имкон беради, биринчидан, муфассирлар бу каби ривоятларни келтиришда тарихий асарларга суянишган. Иккинчидан, ҳижрий I асрдаёқ «Зулқарнайн» сўзини «икки шохли», яъни «дубулғаси ёки тожида икки шох бўлган» тарзида изоҳлаш мавжуд бўлган; бу эса икки тўқима христиан афсоналари ҳижрий I асрдаёқ исломий манбаларга таъсир кўрсата бошлаганини билдиради. Учинчидан, Ваҳб бин Мунаббих исроилиётни яхши билган, унга алоқадор ҳикояю ривоятларни йиғиб юрувчи шахс бўлган. Бундай тарихчининг насроний афсоналаридан хабардор бўлгани, ҳатто уларни арабчага таржима қилгани ёки мазмунини оғзаки айтиб юргани эҳтимолдан йироқ эмас. Замахшарий тафсирида исроилиёт билан боғлиқ яна бир муҳим нуқта Каъб ал-Ахбор (вафоти тах. 652/655) дан келтирилган иқтибосдир: «Каъб ал-Ахбор айтадики, уларнинг ерларида иморат қурилмасди, лекин ерости жойлари ва даҳлизлар бор эди. Қуёш чиққач, даҳлизларга кирардилар, кун ўтиб кетгач, яна тирикчилик ишлари учун ташқарига чиқардилар»<sup>241</sup>. Каъб ал-Ахборнинг ушбу сўзлари Александр ҳақидаги насроний афсоналардан олинган иқтибос бўлиб, христиан афсоналарида айнан шундай ўринлар бор. Демак, ҳижрий I аср бошларидаёқ мана шундай йўллар билан икки насроний афсонадаги мотивлар ва воқеалар исломий тасаввур ва тафаккурга кириб улгурган, кейинчалик тафсирларда бундай тўқималар янада урчиб борган.

Замахшарий Яъжуж ва Маъжуж масаласида ҳам бир қанча талқинларни баён қилган, хусусан, у «Яъжуж ва Маъжуж икки хорижий ном, бунинг далили шуки, бу исмлар мусулмонча эмас... Бу иккиси [Нух ўғилларидан] Ёфас авлодларидан келиб чиқадилар. Яъжуж турклардан, Маъжуж эса дайлам<sup>242</sup> ирқидан экани айтилади»<sup>243</sup>. Маъжужларни Ёфас авлодлари сифатида қараш исроилиётдаги Магогни Яфет ўғли сифатида талқин қилишнинг ҳосиласи бўлиб, Яъжужни турклар билан, Маъжужни

---

<sup>241</sup> Zemaḥṣerî, – S. 122.

<sup>242</sup> Дайлабийлар — Каспий денгизининг жануби-ғарбий соҳилида, шимолий Эроннинг тоғли ҳудудлари бўлган Дайламда (ҳозирги Гилон вилоятининг жануби-шарқий ярмини ташкил этади) яшаган эроний халқ.

<sup>243</sup> Zemaḥṣerî, – S. 124.

дайлабийлар билан боғлаш ҳам насроний афсоналарида мавжуд бўлган Гог ва Магогни хунлар ёки скифлар деб тасаввур қилиш натижасида юзага келган. Бироқ Замахшарий Яъжуж-Маъжужларга қарши қурилган девор жойлашган жой сифатида бутунлай бошқа ҳудудни кўрсатади. Унинг фикрича, оятдаги «икки тоғ ораси» Машрик томонда, турклар ҳудудининг охирида бўлиб, сад қуришни сўраганлар ҳам турклар. Саднинг узунлиги эса юз фарсах бўлган<sup>244</sup>. Умуман олганда, Замахшарийнинг Яъжуж-Маъжужлар ҳақидаги қарашларига ҳам исроилиёт кучли таъсир кўрсатган. Қози Байзовий (ваф. 1286)нинг «Анвор ат-танзил ва асрор ат-таъвил»<sup>245</sup> номли тафсири ва Абулбарокат ан-Насафий (1223 – 1310)нинг «Мадорик ат-Танзил ва Ҳақоик ат-Таъвил»<sup>246</sup> номли тафсирлари ҳам «Кашшоф» таъсирида ёзилган.

Абулфараж ибн ал-Жавзий (1116 – 1201)нинг тафсири масалага оид қарашларни системалаштириб, маншасини ҳам кўрсатиши билан ажралиб туради. Жавзий Мусо қиссаси тафсирида икки денгиз қўшилган жойнинг суви оби ҳаёт бўлгани, емак учун олинган балиқ ана шу сув таъсирида тирилгани, ҳатто, Мусо балиқнинг ортидан денгизга йўл олгани ҳақида ёзади. Хизрнинг кимлиги, унинг пайғамбарлиги масаласида ҳам батафсил тўхталади<sup>247</sup>. Жавзий Зулқарнайн шахси ҳақидаги ихтилофларни тўрт гуруҳга бирлаштиради: «*Биринчиси*: Абдуллоҳдир, буни Ҳазрат Али р.а. айтган. Ибн Аббосдан унинг Абдуллоҳ ибн Даҳҳак экани ривоят қилинган. *Иккинчиси*: Искандардир, буни Ваҳб бин Мунаббих айтган. *Учинчиси*: Айяшдир, буни Муҳаммад бин Али бин Ҳусайн айтган. *Тўртинчиси*: Саъб бин Жабир бин Каламусдир, буни Ибн Абу Ҳайсама зикр қилган»<sup>248</sup>. Жавзийнинг «Зулқарнайн бу – Искандар» деган қарашнинг муаллифи тарихчи Ваҳб бин Мунаббих (655 – 738) дейиши эътиборли. Кўриниб турибдики, Александр

<sup>244</sup> Zemaḥṣerî, – S. 124 – 128.

<sup>245</sup> Beydavi Kadi. Muhtasar Beydavi Tefsiri (Envaru't-Tenzil ve Esrarü't-Te'vil). I. Cilt. Tercüme ve Dipnotlar: Doç. Dr. Şadi Eren. – İstanbul: Selsebil, 2010. – S. 722; 732 – 735.

<sup>246</sup> Neseḫi Ebü'l-Berekât. Medârikü't-tenzîl ve ḥakâ' iku't-te' vil.

(URL: <http://islamlimleri.com/Tefsir/Tefsir/018/Tefsir/Turkce/03/000.htm> 18.03.22)

<sup>247</sup> Cevzi Ebu'l-Ferec ibn Muhammed. Zadü'l-mesir fi ilmi't-tefsir. Cilt: 4. Çeviren: Doç. Dr. Abdülvehhab Öztürk. – İstanbul: Kahraman, 2009. – S. 61 – 63.

<sup>248</sup> Cevzi, – S. 76.

хақидаги насроний афсоналарнинг Шарқда ёйилиши, хусусан, Зулқарнайни Александр билан боғлаш анъанаси кўп жиҳатдан Ваҳб бин Мунаббих ва Каъб ал-Ахборга бориб тақалади. Бу бир қарашда табиий, чунки ҳар иккиси яҳудийлик билан алоқадор шахслар. Жавзий келтирган айрим иқтибосларга қараганда, Ваҳб бин Мунаббих ҳам Искандар (Александр) хақида мукаммал билимга эга бўлмаган. Масалан, Зулқарнайни Искандар деб билган Ваҳб бин Мунаббих уни Исо а.с. ва Муҳаммад а.с. яшаган даврлар оралиғида ўтган деб ҳисоблаган<sup>249</sup>. Аслида, Александр Исо а.с. келишидан IV аср олдин ўтган. Бу шуни англатадики, Зулқарнайни Искандар деб чалғитган тарихчиларнинг ўзлари ҳам асл ҳақиқатдан тўла воқиф бўлмаган. Бу эса ихтилофлар ва турли хил чалкаш талқинларнинг кўпайишига хизмат қилаверган. Унинг сад, Яъжуж-Мажужлар тўғрисидаги қайдларида христиан афсоналарининг таъсири аниқ сезилади<sup>250</sup>.

Имом Фахриддин Розий (1149 – 1210) ҳам «Мафотих ул-ғайб»да Мусо қиссасидаги балиқнинг тирилиши масаласига тўхталиб, балиқнинг тирилиши – Хизрнинг манзилига ишора маъносини англатади, оятларда фақат шу маъно бор деган фикрни билдиради. Шу билан бирга, тузли балиқнинг оби ҳаёт таъсирида жонланган дейилишини ҳам эслаб ўтади<sup>251</sup>. Розий тарихий манбаларга таяниб Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн юнонистонлик Филиппнинг ўғли қирол Искандардир деган қарашни баён қилади. Унинг далиллашича, тарихда Искандардан бошқа бирор қирол Зулқарнайн каби бутун дунёни – Ғарб, Шарқ ва Шимолни эгаллаган эмас; қолаверса, тарихларда Искандарнинг Шимолда сад қургани, турклар қавми бўлган Яъжуж-Маъжужларнинг эса Шимолнинг энг узоқ нуқтасида яшаши ёзилган. Сўнг Розий Александр Македонский фаолияти хақида қисқача маълумот беради<sup>252</sup>.

---

<sup>249</sup> Cevzi, – S. 77.

<sup>250</sup> Cevzi, – S. 82 – 84.

<sup>251</sup> Er-Râzî Fahreddin. Tefsir-i Kebir (Mefâtihu'l-Gayb). Cilt: 15. Tercüme: Prof. Dr. Suat YILDIRIM, Prof. Dr. Lütfullah ÇEBECİ, Doç. Dr. Sadik KILIÇ, Öğr. Gör. C. Sadik DOĞRU. – Ankara: HUZUR, 1993. – S. 216 – 217.

<sup>252</sup> Er-Râzî, – S. 245 – 246.

Розий келтирган уч аргументнинг ҳар бири янглиш, хусусан, дунёни эгаллаган ҳукмдорлар тарихда кўп бўлган, фақат улар ҳақидаги хабарларнинг аксари сақланиб қолмаган. Қолаверса, Александр Европанинг бир қисмини, асосан, Осиёнинг жануби-шарқини бўйсундирган, бошқача айтганда, Македониядан Ҳиндистонга тўғри йўналган йўналиш ва ҳудудларни забт этган. Александрнинг Шимолга юриш қилгани ҳақидаги гаплар эса тарихга зид. Табиийки, Александрнинг Шимолда сад қургани, Яъжужларнинг Шимолда яшаши ҳақидаги гаплар ҳам асоссиз. Розий қайдларидаги «шимол» мотиви ушбу фикрлар Александр ҳақидаги насроний афсоналардан ривожланиб келганини кўрсатади. Бундай қарашларнинг Александр ҳақиқий тарихига ҳеч қандай алоқси йўқ.

Муҳйиддин ибн Арабий (1166 – 1240)нинг тафсири ирфоний йўналишда битилгани билан ажралиб туради. Ибн Арабий «Каҳф» сурасини таъвил қилар экан, Мусони «Қалб Мусоси», хизматкор йигитни «нафис бадан», икки денгиз қўшилган жойни эса «икки олам, яъни руҳ олами ва жисм олами учрашадиган манзил» деб талқин этади<sup>253</sup>. Зулқарнайн қиссаси ҳақида эса шундай ёзади: «Зулқарнайн (икки шохли) қиссаси машҳурдир. У Расулуллоҳ (с.а.в.) замонларига яқин бир даврда яшаган Рум саркардаси эди. Ушбу қиссанинг борлиққа мувофиқлигига келсак, ундан мақсад борлиқнинг икки шохи, яъни Шарку Фарбга ҳукмронлик қилувчи қалбдир»<sup>254</sup>. Ибн Арабий шу тариқа қисса тафсирида Зулқарнайнни «қалб», Мағрибни «руҳ қуёшининг ботиш жойи», Машрикни эса «руҳ қуёшининг туғиш жойи»<sup>255</sup> деб таъвил қилади. Зулқарнайннинг Фарбу Шарқдан сўнг, учинчи томонга кетиши ва у ерда икки тоғ орасига дуч келишини «Аллоҳда сайр йўлини излади, икки кавн орасига етди» тарзида, Яъжужни «вахимали хоҳиш ва орзулар», Маъжужни эса «васвасалар ва хаёлий инстинктлар», садни эса «амалий ҳикмат ва шаръий қонун»<sup>256</sup> деб таъвил қилади.

<sup>253</sup> Arabi Muhyiddin İbn. Tefsir-i Kebir / Te'vilât. Cilt: 1. Tercüme: Vahdettin İnce. – İstanbul: KITSAN, 2008. – S. 708.

<sup>254</sup> Arabi, – S. 715.

<sup>255</sup> Arabi, – S. 716 – 717.

<sup>256</sup> Arabi, – S. 717.

Абдуллоҳ Куртубий (ваф. 1273)нинг тафсири эса фикҳий йўналишда бўлиб, унда «Каҳф» сураси анъанавий ва янгича қарашлар асосида батафсил тафсир қилинади. Масалан, Куртубий балиқнинг тирилиб кетиши манзилга етганлик ҳақида ишора экани, чунки ваҳийда Аллоҳ балиқни белги ўларок олишни буюрганини таъкидлайди<sup>257</sup>. Шунингдек, Хизр ҳақидаги баҳсда Илёс а.с. ҳақидаги хабарлар ҳам баён этилган ҳамда Хизр ва Илёснинг абадий тириклиги тўғрисида мулоҳазалар келтирилган<sup>258</sup>. Куртубий муайян масала юзасидан ўзидан олдин билдирилган барча фикрларни имкон қадар қамраб олишга, илк тарихий манбаларга эътибор қаратишга интилади. Куртубийнинг Зулқарнайн шахси борасида Абдурахмон Суҳайлидан келтирган қуйидаги иқтибоси эса масалани тушунишда жиддий аҳамият касб этади: «ас-Суҳайлий айтадики, «Хабарлар илмидан маълум бўлишича, улар икки киши эдилар. Улардан бири Иброҳим (а.с.) даврида ўтган дейилишига қараганда, Шомдаги Биърус-Себ<sup>259</sup> масаласида унинг қарорини сўраганларида Иброҳим (а.с.) фойдасига ҳукм қилган кишидир. Иккинчиси эса Исо (а.с.) даврига яқин бир замонда яшаган»<sup>260</sup>. Абдурахмон Суҳайли (1114 – 1185) Андалусиянинг жанубида жойлашган Малагада туғилган ва саҳобалардан Абу Рувайҳа ал-Ҳасомий авлодидан бўлган. Куртубийнинг Суҳайлийдан иқтибос келтириши тасодиф эмас, чунки Куртубий ҳам Андалусия арабларидан, аниқроғи, Кардобада туғилган, шу боис Ғарбий Европада анча таниқли Суҳайлидан иқтибос келтиради. Ғарбий Европада яшаган, исломий илмларни жуда чуқур билган, айна пайтда араб муҳитидан ташқарида бўлган Суҳайлийнинг бундай фикр билдириши кўп жиҳатдан мантиқли. Аввало, у Александр ҳақидаги сохта афсона ва қиссалар кенг ёйилган Яқин Шарқдан йироқда эди, шу боис бу каби уйдирмалар таъсирига тушмаган ва Александр ҳақидаги нисбатан ҳақиқатга яқин манбалардан хабардор бўлган. Иккинчидан, Суҳайлийнинг

<sup>257</sup> Kurtubi İmam. el-Camiu li-Ahkami'l-Kur'an. 11. Cilt. Tercüme ve notlar: M. Beşir Eryarsoy. – İstanbul: Buruç, 2000. – S. 63.

<sup>258</sup> Kurtubi, – S. 102 – 104.

<sup>259</sup> Фаластин жануби, Ғазонинг шарқида жойлашган жой, маҳалла (Osmanlica ansiklopedi kamus alemde بر السبع maddesi. Sayfa:628; URL: <https://alam.cagdasozluk.com/osmanlica-ansiklopedi-madde-8698.html> 17.03.22).

<sup>260</sup> Kurtubi, – S. 109.



иккита Зулқарнайн ўтгани ҳақидаги қараш шундоқ ҳам асосиз бўлган «Зулқарнайн – Искандардир» деган қарашни тамомила йўққа чиқарган. Учинчидан, ушбу иқтибос иккита Зулқарнайн ҳақидаги қараш олдинроқ муфассирлар орасида мавжуд бўлганини кўрсатади. Аммо XII асргача яратилган асосий тафсирларда бундай талқин оммалашган эмас. Куртубийнинг ушбу тафсири мана шундай янги талқинларни ўзида акс эттиргани билан ҳам аҳамиятли.

Ибн Касир (1301 – 1373)нинг тафсири мавзуга алоқадор муҳим талқинларга эгаллиги билан долзарблик касб этган. Ибн Касир «Мусо қиссаси» тафсирида салафлари тасирида қолган, унинг талқинларига ҳам оби ҳаёт ва ўлимсизлик мотивлари қоришиб кетган<sup>261</sup>. Ибн Касир «Ал-Бидоя ва ан-ниҳоя»да «Зулқарнайннинг ҳаёт булоғини қидириши» номли алоҳида фасл ёзган ва унда тарихчи Ибн Асокир (1105 – 1176)дан Зулқарнайннинг Ранокил деган ҳамроҳи билан зулматда ҳаёт чашмасини қидириши воқеасини келтиради. Ибн Касир қайта ҳикоя қилган воқеалар Серулик Ёқубга нисбат берилган афсонанинг бироз ўзгарган варианты. Ушбу сурёний афсонанинг айнан Ибн Асокир асарларида учраши ҳам тасодиф эмас, чунки у суриялик машҳур тарихчи бўлган, шу боис унинг бу афсонадан хабардор бўлгани ва ўз асарида баён қилганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Ажабланарлисиси шуки, Ибн Касир нима учундир Қуръонга дахли йўқ, бутунлай уйдирма бўлган Зулқарнайннинг оби ҳаёт қидириши масаласини конкрет рад этишга ботинмайди. Лекин бу воқеалар ҳам юнонлик Искандарга алоқадордек кўринади, деган тахминни жуда ўринли баён қилади<sup>262</sup>.

Аммо Ибн Касир Зулқарнайн шахси масаласида салафларидан фарқли қарашни баён қилди ва «Қуръонда зикри келган Зулқарнайн – Искандардир» деювчиларнинг фаразини қатъий рад этди. Зулқарнайнни Искандар деб ўйловчи муфассирларнинг аксари Табарийга таянгани боис Ибн Касир, аввало, Табарий таянган асосни йўққа чиқаради: «Бу борада Ибн Жарир

<sup>261</sup> İbn Kesir. Hadislerle Kuran-i Kerim Tefsiri (Tafsir ul-Qur'on ul-Azim). 10. Cilt. Çevirenler: prof. Dr. Bekir Karlığa, prof. Dr. Bedrettin Çetiner. – İstanbul: Çağrı, 2018. – S. 5021; 5039 – 5040.

<sup>262</sup> İbn Kesir, el-Bidâye, – S. 176 – 179.

«Умавий ал-Мағозий» номли асарида заиф иснодли ҳадис ривоят қилади. У куйидагича: «Уқба ибн Амир айтди: бир гуруҳ яҳудий ҳазрат Пайғамбарнинг хузурларига келиб Зулқарнайн ҳақида сўрадилар. Ҳазрат Пайғамбаримиз уларга аввал бошдан Зулқарнайн хабарини айтиб берди. Айтган хабарида куйидагилар бор эди: Зулқарнайн асли румлик йигит эди. Искандарияни у курган. Бир малак уни кўкка юксалтириб, шадд (şedde)га қадар кўтарди. У ерда юзлари итларнинг юзига ўхшаш бир халқни кўрди». Яна узундан узун ҳикоя қилинган бу ривоят чиркинликлар билан тўла, унинг Пайғамбарга нисбат берилиши саҳиҳ эмас. Бу, асосан, исроил ўғилларининг хабарларидан кўчирма [иктибос]дир»<sup>263</sup>. Ибн Касир ушбу ривоятда мункар тарафлар борлигини айтар экан, унинг асосида насронийлар тўқиган афсоналардан олинган тафсилотлар турганини жуда тўғри қайд этган. Дарҳақиқат, аввалги фаслларда Александрнинг кўкка кўтарилиши ҳақидаги афсона Талмудда, Александрнинг турли одамсимон махлуқларга дуч келгани ҳақидаги воқеалар Псевдо-Каллисфенда учрашини кўрдик. Александрнинг румлик экани ва Мисрда Искандария курдиришига оид тафсилотлар ҳам Псевдо-Каллисфенда мавжуд. Агар ушбу фактларга таянилса, Табарий ривоят қилган ҳадис исроилиёт ва Псевдо-Каллисфен воқеаларига асослангани маълум бўлади. Ушбу манбалар эса, асосан, тарихий Александрга алоқаси бўлмаган сохта тафсилотлар асосида яратилган.

Ибн Касир Александрнинг ҳақиқий тарихи билан яхшигина таниш бўлган кўринади<sup>264</sup>. Маълумотлардаги жузъий чалкашликларни инобатга олмаганда Ибн Касир тарихий Александрни тўғри тасаввур қилган, шу боис у Қуръондаги Зулқарнайн бу Исакандар бўлиши мумкинлигини рад этган. Ибн Касир бу талқиннинг ўрнига, Куртубийда бўлганидек, бошқа талқинни ўртага ташлади, унга кўра, «Каҳф» сурасида зикри келган Зулқарнайн, аслида, Искандар (I) бўлиб, ушбу Искандар, яъни Зулқарнайн Иброҳим а.с. билан замондош бўлган, Каъбани тавоф этган ва Хизр у билан бирга

---

<sup>263</sup> İbn Kesir, – S. 5061 – 5062.

<sup>264</sup> İbn Kesir, – S. 5062.

бўлган<sup>265</sup>. Аҳамиятли жиҳатлардан бири Ибн Касир мазкур қарашда Азрақий (ваф. тах. 864) ва бошқаларга таянади. Абдуллоҳ Азрақий «Мақка тарихи» китоби билан машҳур, айтиш мумкинки, айнан шу манбадан Иброҳим Халилуллоҳ билан замондош бўлган Зулқарнайн ҳақидаги тасаввурлар тафсирларга кириб келган. Ибн Касирнинг «ва бошқалар» дейишига қараганда бундай талқин бошқа манбаларда ҳам мавжуд бўлган. Ибн Касирнинг «Ал-Бидоя ва ан-нихоя» асарида «Зулқарнайн воқеаси» номли махсус фасл бор. Ибн Касир ана шу фаслда ўзига қадар яратилган тафсирларда мавжуд бўлган Зулқарнайн масаласига оид баҳсни тадқиқ этиб, бу борадаги баҳсларга яқун деб олиш мумкин бўлган қуйидаги хулосаларни баён қилади: «Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн одил ва солиҳ ҳукмдорлардан бири бўлиб, унинг пайғамбар ва расул бўлганини ҳам айтишади. Азрақий, Суҳайлий ва бошқаларнинг айтишича, Қуръонда зикри келган Зулқарнайн Иброҳим а.с. туфайли Ҳаниф динига кирган, Иброҳим Халилуллоҳ билан Каъбани зиёрат қилган. Зулқарнайн ва Искандар яшаган давр орасида 2000 йилдан ортиқ вақт бор. Иккаласи ўртасида ўхшашлик ёки савия бирлиги йўқ. Ваҳоланки, масаланинг моҳиятини билмайдиган баъзи нодонлар бу иккисини бир одам, дейишади. Уларни фарқлаш керак, бу иккиси алоҳида-алоҳида шахслардир. Суҳайли ўз вақтида иккисини бир одам деб талқин қилган Ибн Ҳишомга кескин ва шиддатли тарзда жавоб берганидек, бу масалада муроса қилиб бўлмади»<sup>266</sup>.

---

<sup>265</sup> İbn Kesir, – S. 5062.

<sup>266</sup> İbn Kesir. El-Bidâye ve'n-Nihâye (Büyük İslâm Tarihi). 2. Cilt. Çeviren: Mehmet Keskin. – İstanbul: Çağrı, 2017. – S. 169 – 175.

## 2.2. Искандар қиссаси шарқ тарихчилари талқинида

Мавзунинг Шарқдаги тарихий асослари шарқлик муаррихлар томонидан яратилган бўлиб, бунда икки омил, бири, мавжуд қиссанинг рецепцияси, иккинчиси, янги қисм ва талқинларни қўшиш ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Шарқ тарихида мана шу икки жараён параллел кечган ва ушбу қоришиқ муносабат Искандар мавзусининг Шарқдаги тарихий асосларини белгилаб берган, шарқ адабиётида Искандар билан боғлиқ адабий анъаналар шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган.

Ховандшоҳ Мирхонднинг хабар беришича, Муҳаммад с.а.в. умматидан биринчи бўлиб тарих ёзган шахс Муҳаммад ибн Исҳоқ (704 – 767) бўлиб, унинг «Сийрати расулуллоҳ» асарида «Каҳф» сураси нозил бўлиши билан боғлиқ воқеалар баёнида Зулқарнайнга алоқадор муҳим қайдлар учрайди. Уларнинг энг характерлиси куйидаги фикр: «Араб бўлмаганлар орасида оғиздан оғизга ўтиб юрувчи ривоятларни нақл қиладиган бир кишининг менга айтишича, Зулқарнайн мисрлик бўлиб, исми Марзубон бин Марзаба эмиш, асли юнон, Юнон бин Ёфас бин Нуҳ авлодидан»<sup>267</sup>. Илк араб тарихчиларидан яна бири Ибн Ҳишом (ваф. 833) эса Зулқарнайннинг кимлиги масаласида шундай ёзади: «Унинг исми Искандардир. Искандарияни иншо этган удир ва унга бу шаҳар нисбат берилади»<sup>268</sup>.

Ушбу иқтибослар биз тадқиқ этаётган мавзу тарихи, хусусан, қиссанинг Шарқдаги рецепциясини тушунишга ёрдам беради ва муҳим хулосалар чиқаришга асос бўла олади. Биринчидан, Ибн Исҳоқ Зулқарнайн мисрлик, келиб чиқиши юнон деган қарашни у ҳақдаги қарашлардан бири сифатида қайд этган, лекин муносабат билдирган эмас. Иккинчидан, Ибн Исҳоқнинг қайдларида VIII аср бошларида Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналарининг айрим шахслар воситасида, оғзаки тарзда араб тарихига кириб кетиш жараёни акс этган. Учинчидан, Ибн Исҳоққа

<sup>267</sup> Ishaq Muhammad ibn. The Life of Muhammad (Sirat Rasul Allah). Translator: A. Guillaume. – Karachi: Oxford University Press, 2001. – P. 139.

<sup>268</sup> Siret-i ibn-i Hişam tercemesi. Birinci Cild. Terceme eden: Hasan Ege. – İstanbul: KAHRAMAN YAYINLARI, 2006. – S. 411.

Зулқарнайни Искандар (Александр) деб таништирган шахслар Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси ва унга илова қилинган икки насроний афсонани айтиб берган, чунки Александрни насабига кўра мисрлик деб талқин этиш фақат Псевдо-Каллисфенга хос бўлса, Александрни Зулқарнайнга ўхшатишга асос берувчи воқеалар эса икки насроний афсоналардагина баён қилинган. Тўртинчидан, Ибн ал-Жавзийнинг фикрига таянилса, Ибн Исҳоқдан аввалроқ, яманлик тарихчи Ваҳб бин Мунаббих Зулқарнайн – Искандардир, деган қарашни баён қилган. Демак, ислом нозил бўлганидан кейин шарқ тарихида Зулқарнайн ҳамда Александр қиссаларининг қўшилиши биринчилардан бўлиб Ваҳб бин Мунаббих асарларида (ёки шу шахс орқали) содир бўлган, деб қараш мумкин. Бу ҳолат мавзу рецепциясининг илк босқичларидаёқ, Александр ва Зулқарнайн қиссаларининг дастлабки қўшилишидаёқ Александр ҳақидаги сохта афсоналар, қиссалар асос бўлиб хизмат қилгани, илк мусулмон муаррихлар Александрнинг ҳақиқий тарихидан беҳабар бўлишганини тасдиқлайди. Бешинчидан, Ибн Ҳишом (ваф. 833) дан келтирилган иқтибос ҳам Псевдо-Каллисфен сюжетида олинган бўлиши керак, чунки шу асарда Александрнинг Мисрда Александрия шаҳрини қуриши воқеаси батафсил тасвирланган. Бу ҳолат илк мусулмон тарихчилари орасида Александр ҳақидаги сохта асарлар – Псевдо-Каллисфен сюжети ва насроний афсоналар кенг ёйилгани ва қабул қилинганини яна бир қарра тасдиқлайди. Бундай маълумотлар кейинчалик тариху тафсирларга кўчиб ўтиб, янада кенгрок тарқалиб борган. Шу тариқа, ислом нозил бўлганидан кейин шаклланган шарқ тарихнавислигининг аввалидаёқ Зулқарнайн ва Искандар (Александр) шахсларини чалкаштириш, ҳар иккисига оид тариху қиссаларни қориштириш тенденцияси юзага келган.

Мазкур ҳолатлар Абу Ҳанифа Диноварий (815 – 895) тарихида ҳам ўзига хос тарзда акс этган. Диноварий тарихига хос энг умумий хусусият шуки, унда масалалар форсий нуқтаи назаридан талқин этилган, хусусан,

Искандарнинг насаби форсий сулолалар билан алоқалантирилган<sup>269</sup>. Доро ўлими талқинида ҳам форслар мафкурасининг таъсири яққол билинади<sup>270</sup>. Айти пайтда, Диноварий юнонликлар бу қарашларга қўшилмаслигини ҳам эслатиб кетади. Насабшунос Диноварийнинг форслаштириш версиясини илгари суриши у қадар таажжубланарли эмас. Бундай қарашда муҳим мафкуравий кураш акс этган бўлиб, унинг моҳиятида мағлуб доиранинг ўз муваффақиятсизлигини хаспўшлашга уриниши ва ғолиб томонни ўзиники қилиш ҳаракати ётади<sup>271</sup>. Е.Э.Бертельс Т.Нёлдекега таяниб Псевдо-Каллисфеннинг ўрта форс тилига таржима қилинганини тахмин қилади ва ўша таржима таъсирида Искандар форсий ҳукмдорлар сулоласига қўшиб юборилган, яъни Искандарни форслаштириш тенденцияси сосонийлар даврида (III – VII асрлар) бошланганини фараз қилади. Ҳар ҳолда, Диноварий қайдлари Искандарни форслаштириш жараёни форсий расмий доиралар ва насабшунослар орасида IX асрдан олдинроқ бошланиб, якунига етиб улгурганини тасдиқлайди.

Е.Э.Бертелснинг мазкур фаразига қисман қўшилган ҳолда яна бир эътибордан четда қолган жиҳатни таъкидлаш зарур. Яъни форсий бўлмаган манба, хусусан, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясидаёқ «Александр, асли, эронлик» тарзидаги қарашга уйғун ёки шу қараш юзага келишига туртки, асос деб олиш мумкин бўлган ўринлар мавжуд. Дородан кейин эронликлар Александрни қандай қабул қилинганини яхши тушуниш учун Ирондухт (Доронинг онаси) ва Эстеҳарлар (хотини)нинг Александрга ёзган мактуби ҳамда форс қўшинларига юборган хатидаги айрим нуқталарга эътибор қаратиш кифоя: «Шунинг учун хаёлимизда ҳеч қандай ташвиш йўқ, чунки сизни кўрганимизда Дорони кўргандек бўляпмиз; сиз ерни ва дунёни узоқ вақт давомида бошқаришингиз, ҳукмронлигингиз Ҳурмузд (Ахурамазда) каби бўлиши учун бундан буён бу ердаги барча одамлар

<sup>269</sup> دنيوري احمد بن داود. اخبار الطوال. ترجمه صادق نشات. - تهران: بنياد فرهنگ ايران، ۱۳۶۱. ص. ۵۵.

<sup>270</sup> دنيوري، - ص. ۵۸ - ۵۹.

<sup>271</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 288 – 289.

худоларга илтижо ва ибодат қилишларини маълум қиламан...»<sup>272</sup>. «Доро ўлди деб ўйламанг, Доро тирик, чунки шоҳлик Александрга тегишли, Доро кизи Равшанак эса Александрнинг рафиқаси. Шунинг учун сизлар Форсдаги барча худоларни олиб, Александрга пешвоз чиқинглар ва уни худо сифатида улуғланглар ва ҳукмронлиги абадий қолсин деб унинг номидан худоларга ибодат қилинглари; зеро, форслар шоҳлиги Александрга тегишли ва у уни жуда юксалтирди»<sup>273</sup>. (*Таржима бизники – И.И.*)

Дастлабки мактубда форс маликалари томонидан Александрнинг Дорога ўхшатилиши диққатга молик. Мактубда бошқа маъно назарда тутилган бўлса-да, ушбу фикр форс насабшунослари томонидан наслий ва зоҳирий ўхшашлик сифатида қабул қилинган бўлиши мумкин. Иккинчидан, Александр ҳукмронлигининг Хурмузд ҳукмронлигига ўхшаши ҳақидаги истақ ҳам форсларнинг қадимий эътиқодлари билан боғланиб кетган. Яъни Александр ва унинг ҳукмронлигини ўзларининг худоси ва унинг ҳукмронлигига ўхшатиш замирида Александрни ҳам «ўзиники қилиш» истаги бордек. Айтиш мумкинки, Искандарнинг насабига оид ушбу мафкуравий кураш мавзу тарихида алоҳида из қолдирди ва янги бир тенденция – Искандарни форслаштириш тенденциясини юзага келтирди. Айрим тарихчи ва адиблар ушбу тенденцияга эргашиб, унинг анъанавий тус олишига кўмаклашди. Масалан, Фирдавсий ушбу талқинни Шарқда биринчи бўлиб Искандар ҳақида асар ёзиш анъанасига олиб кирди.

Диноварий Искандар қиссасини Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси сюжети асосида баён қилган, лекин айрим эпизод ва талқинлар янги, улар кейинги давр маҳсули. Жумладан, Диноварий версиясидаги иккинчи бир муҳим тенденция Искандар ва Аристотелни исломлаштириш, уларни мўмин, бутпарастликка қарши яккахудоликни тарғиб этувчи шахслар қиёфасида тасвирлашга интилишдир<sup>274</sup>. Бу – Искандарни исломлаштириш тенденцияси VIII – IX асрлардаёқ оммалашиб улгурганини тасдиқлайди.

<sup>272</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 85 – 86.

<sup>273</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 86.

<sup>274</sup> دنيوري، - ص. ٥٦ - ٥٧.

Диноварий версиясида мазкур жараён билан боғлиқ яна бир ўзгариш мавзуга Искандарнинг Каъбани тавоф қилгани воқеасининг қўшилишидир. Бундай эпизоднинг асоси ҳақида икки хил фаразни илгари суриш мумкин. Биринчиси шуки, Александр Тир қамали вақтида араблар яшаган ҳудудлар – Антиливан тоғлари томон бориб, у ерда ўн кун жанг қилиб, баъзи араб қабилаларини зўрлик билан, баъзиларини муроса билан бўйсундирган<sup>275</sup>. Политеист Александр кейинчалик яккахудолик тарғиботчиси сифатида талқин қилинганидек, Александрнинг араб қабилалари устига қилган мазкур юришлари «Каъба тавофи» сифатида кўрсатилган бўлиши мумкин. Иккинчиси шуки, тарихда иккита Зулқарнайн ўтган, уларнинг дастлабкиси Иброҳим а.с. билан замондош бўлган ва Каъбани тавоф қилган (Суҳайли ва Ибн Касир). Зулқарнайн ва Искандарни битта шахс деб тасаввур қилиш оқибатида Иброҳим а.с. билан замондош Зулқарнаинга тегишли воқеа Искандарга ҳам нисбат бериб юборилган, натижада Искандар қиссасида ҳам Искандарнинг Маккага боргани ва Каъбани тавоф қилгани ҳақидаги сюжет линияси пайдо бўлган. Шу тариқа, Диноварий версиясида Искандарни насабига кўра форслаштириш, эътиқодига кўра исломлаштириш, Зулқарнайн ва Александр (Искандар) қиссаларини қўшиш тенденцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Диноварий қайд этган бошқа тафсилотларнинг аксари Псевдо-Каллисфенда мавжуд. Мазкур тенденциялар, ўз навбатида, Искандар мавзусининг шарқ тарихинависида қайта ишланиш жараёнига хос асосий йўналишларни ҳам кўрсатиб беради.

Ибн Ҳурдодбихнинг қайдлари ҳам мавзунинг Шарқдаги ривожини тасаввур қилишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, унинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик»да (870-йиллар атрофида ёзилган) географ сифатида сад жойлашган ҳудуд ва унинг тасвирини батафсил баён қилиши<sup>276</sup> кўпчиликнинг эътиборини тортган. Бироқ Абу Райҳон Беруний Ҳурдодбихнинг мазкур ҳикоясини танқид қилиб, унда мантиқсиз ўринлар

<sup>275</sup> Арриан, – С. 97.

<sup>276</sup> خردادبه عبيدالله بن عبدالله. مسالك و ممالك. ترجمه سعيد خاكرند. – تهران: موسسه مطالعات و انتشارات تاريخ ميراث ملل. ۱۳۷۱. – ص. ۱۰۳ – ۱۰۸.



кўплигини айтган<sup>277</sup>. Хурдодбих ҳикоясида Искандар ва Зулқарнайн тарихи кўшиб юборилган, муаллиф Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналарида тасвирланган Александрнинг Кавказ тоғларида темир дарвозалар қуриши воқеаси ҳамда «Каҳф» сурасида Зулқарнаинга нисбат берилган сад қуриш воқеасини омухта қилиб, янгича, айни пайтда, чалғитувчи, мантиқсиз бир саргузашт баён қилган. Хурдодбих тасвирларидаги Кавказ тоғлари, бадбўй хид таралувчи ўлка, Яъжуж-Маъжужлар тасвири кабилар Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналарига очик ишоралар бўлиб, бунда Александр ҳақидаги чўпчаклар ва Зулқарнайн қиссасини кўшиб, янги талқинни яратишга уриниш намоён бўлган. Таажжубланарлиси, Хурдодбих бу воқеани тўғридан-тўғри Салом таржимондан эшитганини ёзади. Салом эса бу сафарни халифа Восиқ (842 – 847)нинг амри билан амалга оширганини айтади. Аммо бу қиссанинг генезисига, манбаларига қараб, унга ишониб бўлмайди. Хурдодбих келтирган қиссанинг Александр ҳақидаги сохта насроний афсоналарга таянишига, Искандар ва Зулқарнайн қиссаларини асоссиз равишда кўшиб юборилишига қараганда, унда яна бир адашишнинг аломатлари борга ўхшайди. Яъни Хурдодбихнинг ҳикоя қилишича, халифа Восиқ тушида Зулқарнайн қурган сад шикастланганини кўргани туфайли Салом таржимон садни кўриб келиш учун юборилади. Сафарнинг ушбу асоси бизга қуйидаги ҳадисни эслатади: «Аҳмад ибн Ҳанбал розиёллоҳу анҳу Суфиёни Саврий розиёллоҳу анҳудан қилган ривоятда... Зайнаб бинти Жаҳш онамиз қуйидагиларни айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқуларидан юзлари қизарган ҳолларида: «Арабларнинг ҳолига яқинлашган ёмонликдан вой бўлсин, бугун Яъжуж ва Маъжуж радми – саддидан мана шунча очилди», – деб турдилар, бош ва кўрсатгич бармоқларини ҳалқа қилиб кўрсатдилар. Мен «Эй Аллоҳнинг Расули, ичимизда аҳли солиҳлар бўла туриб ҳалок бўламизми?» –

---

<sup>277</sup> Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Асарлар. Беш томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 78.

дедим. У киши: «Ҳа, агар ёмонлик кўпайса», – дедилар»<sup>278</sup>. Бизнингча, ушбу ҳадис ҳам Салом ҳикоясига кўшиб юборилган, натижада сад ҳақида Ҳурдодбих қайд этган қисса юзага келган. Афсуски, бундай қиссалар объектив ҳақиқатни янада хиралаштириб, чалғишни кучайтирган.

Муҳаммад бин Жарир Табарий (839 – 923) ҳам Искандар қиссасининг турли вариантларини мухтасар баён қилган. У Искандарни форс хукмдорларидан бири сифатида алоҳида тасвирлаган эмас, балки у ҳақда катта Доро ва кичик Доро тарихини ёзиш жараёнида тўхталган. Табарий вариантининг мавжуд қиссалардан асосий ва жиддий фарқи шундаки, унда Искандар ва Зулқарнайн қиссалари кўшиб юборилмаган. Табарий Искандар деганда фақат тарихий Александрни назарда тутуди ва шу қарашга монанд талқинларни келтиради, айтиш мумкинки, бу борада энг тўғри йўлдан боради. Табарий Искандар ҳақида Доро тарихи муносабати билан ёзгани боис Доро ва Искандар муносабатларига кўп эътибор қаратган. Искандарнинг насабига оид ихтилофлар баёнида, Диноварийда бўлганидек, Искандарнинг форслардан келиб чиққани ҳақидаги шажара ҳам қайд этилади, шунингдек, Искандарни македониялик деб ҳисобловчилар уни Филипп авлоди деб билиши ҳақидаги узун шажарани ҳам келтиради. Искандар қиссасининг Табарий келтирган турли вариантлари умумий тарзда Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси сюжетига алоқадорлик ҳосил қилган. Ҳар ҳолда, элчилар воситасида рамзий буюмлар орқали баҳслар, Искандарнинг Чинга сафари каби эпизодлар, Искандар қурдирган шаҳарлар рўйхати ва Искандар яшаган ва подшолик қилган даврлар ҳақидаги қайдлар Псевдо-Каллисфенга далолат қилади. Шунга қарамай, Табарий версиясини мавжуд қиссалар орасида ҳақиқий тарихга энг яқини дейиш мумкин. Табарий фойдаланган манбалар Шарқда қайта ишланган, чунки воқеаларнинг бир қисми Псевдо-Каллисфен сюжети билан мос эмас. Тафсилотларнинг аксар ҳолда форс тарихи билан боғлиқлиги эса муаллиф кўпроқ форсий

---

<sup>278</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 519.

манбалардан фойдаланганига ишора қилади<sup>279</sup>. Кейинроқ Муҳаммад бин Балъамий (ваф. 974) Табарий тарихини форсчага «Таърихи Табарий» (баъзи манбаларда «Таърихи Балъамий») номи билан таржима қилган (963-йил), лекин таржимага эркин ёндашиб, янги қисмлар қўшган. Жумладан, Искандарнинг насаби масаласида тарихий ҳақиқатни тўғри илғаб, Искандар македониялик ҳукмдор Филифус (Филипп)нинг ўғли эканини қайд этади<sup>280</sup>. Аммо македониялик Искандар Мағрибу Машрикни эгаллагани боис уни Зулқарнайн деб аташади деган янглиш қарашга эргашиб, Зулқарнайн ва Искандар анъаналарини қўшиш тарафдори бўлиб чиқади<sup>281</sup>. Бу – Балъамийнинг ташаббуси бўлиб, унинг ўзи Табарий Зулқарнайн борасида ҳеч нима демаганини ҳам таъкидлайди<sup>282</sup>. Шунга қарамай, Балъамий ташаббус кўрсатиб, Худо Искандарни Қуръонда Зулқарнайн деб атаганини ёзади<sup>283</sup> ва Зулқарнайн қиссасига оид баҳсларни батафсил келтиради. Балъамий бу ҳаракатини Зулқарнайн қиссаси ҳақида ёзиш Табарий ёзган тарихдан фойдалироқ экани билан асослайди.

Ҳамза Исфаҳоний (893 – 961/971) эса Искандар ҳақида жуда қисқа ёзган, аммо унинг қайдларида Искандарга нисбатан салбий муносабатнинг сақланиб қолгани эътиборли. Аслида, Искандар юришига бундай ёндашув ҳақиқий тарихни билиш ва соф форсий тасаввурдан нишона бўлиб, Исфаҳонийнинг Искандарни обод қилувчи эмас, бузғунчи шахс, форсларнинг 7000 улуғини асир олиб, ҳар куни 21 кишидан қатл этган босқинчи сифатидаги талқин этиши аксар тарихларда учрамайди<sup>284</sup>. Унинг бу талқинида на исроилиётнинг, на форслаштиришнинг, на ислоннинг таъсири бор. Исфаҳоний бу масалада илк форсий ёки зардуштий манбалар билан яқиндан таниш бўлганини тахмин қилиш мумкин. Чунки Александрнинг Эронда оташхоналарни вайрон қилиши туфайли айнан зардуштий

279. طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. - تهران: اساطیر، ۱۳۶۲. ص. ۴۸۸ - ۴۹۸.

280. بلعمی ابو علی محمد بن محمد. تاریخ بلعمی. جلد دوم. - تهران: تابش، ۱۳۵۳. ص. ۶۹۲ - ۶۹۳.

281. بلعمی، - ص. ۶۹۳ - ۶۹۴.

282. بلعمی، - ص. ۷۰۱.

283. بلعمی، - ص. ۷۰۱.

284. اصفهانی حمزه. تاریخ پیامبران و شاحان. ترجمه حجت شعار. - تهران: خواجه، ۱۳۴۶. ص. ۳۹ - ۴۰.

доираларда унга нисбатан чексиз адоват ва босқинчи сифатида қараш шаклланган.

Масъудий (896 – 956) ҳам бир неча бор мавзуга алоқадор тафсилотларни баён қилган. Масъудий, аввало, Искандарнинг насаби борасида тўхталиб, Искандарнинг Филипп ўгли эканини таъкидлайди<sup>285</sup>. Искандар ва Зулқарнайн масаласида бу иккисини битта шахс деб қаровчилар ҳам, алоҳида шахслар деб ҳисобловчилар ҳам борлигини қайд этади. Бу борада унинг позицияси мавжуд ихтилофларни эслашдан иборат<sup>286</sup>. Бирор ўринда Искандар ва Зулқарнайн қиссасини қориштирмайди ёки Яъжужлар ҳақидаги воқеаларни тилга олмайди. Бу – Масъудий икки шахс ва уларга тегишли қиссаларни аралаштирмаслик тарафдори бўлганини англатади. Масъудий Искандарнинг фаолиятини мухтасар тарзда қайд этар экан, бу борада Псевдо-Каллисфен сюжетининг қайта ишланган вариантыга таянади. Баъзан милодий II асрда яшаган юнон астраноми ва географи Клавдий Птоломейдан иқтибослар келтиришига қараганда, қадимги юнон манбалари билан таниш бўлган<sup>287</sup>. Масъудий бошқалардан фарқли равишда Искандарнинг донишмандлар билан муносабати масаласига жиддий эътибор қаратди<sup>288</sup>, бундан ташқари, Масъудий томонидан «Искандарнинг Ҳинд сарзаминидаги юришларидан айримлари зикри»<sup>289</sup> номли фаслда қайд этилган Канд қиссаси ўзининг янгилиги билан эътиборли. Ушбу сюжет мавзуга шарқлик муаллифлар томонидан киритилган бўлиб, биз Масъудийгача учратмадик, аммо у аввалроқ мавжуд бўлган бўлиши керак. Қисса моҳиятан фалсафа билан жиддий алоқадор эканига қараганда, у ҳикмат адабиётида юзага келган ва шу адабиётда тарқалган. Масъудий ёзиб қолдирган ушбу сюжетнинг кейинчалик Фирдавсий ўз «Искандарнома»сида қайта тасвирлагани ва адабий таомилга олиб киргани яхши маълум. Шунингдек, Масъудийнинг Искандария шахрига бағишланган махсус фаслда

285. مسعودی علی بن الحسین. مروج الذهب. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. 1. - تهران: شرکت انتشارات علمی و فرهنگی، ۱۳۷۴. ص. ۲۸۱-۲۸۲.

286. مسعودی، - ص. ۲۸۲.

287. مسعودی، - ص. ۲۸۱.

288. مسعودی، - ص. ۲۸۳-۲۸۵.

289. مسعودی، - ص. ۲۸۳-۲۹۴.

Искандария шаҳри ёки Искандар ойнаси, Искандарнинг шиша сандиқда денгиз тубига тушиши билан боғлиқ тафсилотлари ҳам мавзу такомилида муҳим ўрин тутди<sup>290</sup>. Эътиборлиси, Масъудийнинг Искандария минораси, яъни Александр маёғи ҳақида берган маълумотлари тарихий ҳақиқатга тўла уйғун<sup>291</sup>. Хуллас, Масъудийнинг мавзуга алоқадор қайдларида асл тарихга яқинлик сезилади.

Мубашшир ибн Фотик (тах. 1019 – 1097) эса айнан ҳикмат адабиётига оид асари билан машҳур. Унинг «Мухтор ул-ҳикам» номли асарида йигирма бир донишманд, асосан, юнон файласуфларининг биографияси ва ҳикматли сўзларининг таржимаси жамланган бўлиб, улар орасида Искандарнинг таржимаи ҳоли ва фалсафий сўзлари ҳам мавжуд. Ушбу асарда Искандар шахсига донишманд ва файласуф сифатида ёндашилган ҳамда ҳикмат адабиётидаги типик талқини яратилган. Фотикнинг ушбу асарда Искандар ҳақида ёзганлари икки қисмга бўлинади, биринчи қисмда Искандарнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз борса, иккинчи қисмда Искандарнинг одобини кўрсатувчи ва ҳикматли сўзларидан намуналар келтирилади. Фотик Искандар – Александр насабини юнон манбалари, хусусан, Юстин қайдларига мувофиқ кўрсатган<sup>292</sup>, Искандар насабига оид бундай аниқликни Фотикка қадар бошқа муаллифларда учратмадик. Бу ҳолат Фотик Александрнинг ҳақиқий тарихи билан яқиндан таниш бўлганини, шу билан бирга, таржима ва ҳикмат адабиёти Александр тарихининг Шарққа ўтишида муҳим роль ўйнаганини кўрсатади. Тафсилотлар айрим чалкашликлар билан бўлса-да, Александрнинг ҳақиқий тарихини ифодалайди<sup>293</sup>. Бироқ Фотик версиясида ҳам Шарқнинг кучли таъсири сезилади. Масалан, баъзан Искандарни Зулқарнайн номи билан атайди<sup>294</sup>, у келтирган бир мактубда Искандар ўзини «Македониялик Зулқарнайн»<sup>295</sup> деб таништиради, бир ўринда Шарқни кезиб

<sup>290</sup> مسعودی، - ص. ۳۵۹ - ۳۶۷.

<sup>291</sup> Ismoilov Ilyos. Iskandar oynasi // Oltin bitiglar, 2019. – № 4. – B. 68 – 98.

<sup>292</sup> Fâtik Mübeşşir ibn. Muhtarul-hikem ve mehasinu'l-kelim. Çeviren: O.Güman. – İstanbul: Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2013. – S. 418.

<sup>293</sup> Fâtik, – S. 426 – 427.

<sup>294</sup> Fâtik, – S. 420.

<sup>295</sup> Fâtik, – S. 422.

Чинга боргани ва турклар дохил бўлган ерларда сад қургани айтилади<sup>296</sup>. Қисқаси, Фотик ҳам Искандар ва Зулқарнайн шахсларини бирлаштириш тенденцияси тарафдори сифатида намоён бўлган. Фотик вариантыда исломнинг кучли таъсири ҳам сезилади<sup>297</sup>. Фотик вариантынинг айрим ўринларига Псевдо-Каллисфен сюжети, мотивлари ҳам қўшилиб кетган (хирож масаласидаги товук ва тилла тухум мотивлари, гўй, чавгон, тилло тўла сандик, кунжут, ҳардал деталлари)<sup>298</sup>, ҳатто Талмуд адабиётидаги сотиб олган еридан хазина топган киши ҳақидаги ҳикоя ҳам учрайди<sup>299</sup>. Фотик Искандар ҳақидаги турли ривоятлар афсоналарни ҳам келтиради. Шу тариқа мавзунинг Ғарб ва Шарқдаги асослари ҳамда ҳақиқий тарих ва афсоналар қўшиб юборилган, натижада ўзига хос «қоришиқ вариант» вужудга келган. X – XI асрларда юзага келган Искандар қиссасининг мазкур «қоришиқ варианты», айтиш мумкинки, кейинчалик шарқ адабиётига жиддий таъсир кўрсатди, чунки ўзаро яқинликларга эга Масъудий ва Фотик талқинлари тарих ва ҳикмат адабиётини уйғунлаштирган, айнан уларда мавзу ва масаланинг фалсафий моҳиятига қўп эътибор қаратилган эди. Бу жиҳат адабиёт билан ҳамоҳанг эди, шу боис Искандар ҳақида асар ёзган асосий ижодкорлар ушбу асарлардан кенг истифода этишди.

Абумансур Саолибий (961 – 1038) ҳам «Ғура ахбор мулук ал-фурс ва сиярихум» асарида Искандар қиссасини янгича композицияда батафсил тасвирлади<sup>300</sup>. Саолибий ҳам Искандарнинг насаби борасида форслаштириш тенденциясига эргашиб, Искандар катта Доронинг фарзанди деган қарашни келтирди<sup>301</sup>. Ҳатто, Доронинг васиятлари сирасига «оташкадаларни вайрон қилмаслик»ни қўшиш орқали зардуштий доиралар манфаатларини ҳам акс эттирди<sup>302</sup>. Зулқарнайн масаласида объектив туришга ҳаракат қилса-да, аксар муаррихлар Зулқарнайн Искандардир, деган қараш тарафдори эканини

<sup>296</sup> Fâtik, – S. 444.

<sup>297</sup> Fâtik, – S. 422.

<sup>298</sup> Fâtik, – S. 424, 430.

<sup>299</sup> Fâtik, – S. 444.

<sup>300</sup> ثعالی عبدالملک بن محمد. تاریخ ثعالی. ترجمه محمد فضائلی. – تهران: نقره، ۱۳۶۸. ص ۵۲۰.

<sup>301</sup> ثعالی، - ص. ۲۴۸ - ۲۴۹.

<sup>302</sup> ثعالی، - ص. ۲۵۵.

айтади<sup>303</sup>. Саолибий варианты ҳам, асосан, Псевдо-Каллисфен сюжети асосида қайта ҳикоя қилинади, лекин бошқа тарихчиларда бўлганидек ушбу вариантга Шарқдаги мотивлар ҳам қўшилиб кетган. Саолибий қиссасининг сюжети борасида айтиш мумкинки, мавжуд ҳамма нарса: ҳақиқий тарих ҳам, Псевдо-Каллисфен ҳам, Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналар ҳам, шарқона мотиву сюжет линиялари ҳам, донишмандлик мотивлари ҳам қўшилиб кетган. Лекин сурёний версиянинг сюжети асос вазифасини бажарган, Табарий каби муаррихлар, айниқса, Масъудий ва Фотик вариантлари бирлаштирилган, шунингдек, янги қисмлар қўшилган.

Саолибий варианты биз ўрганаётган мавзу эволюциясини текширишда бир неча жиҳатдан аҳамият касб этади. Аввало, Саолибий Искандарнинг жаҳонгирлиги ва гўзал хулқи, донишманд сифатидаги талқинини бирлаштиришга интиланган, шу мақсадда алоҳида фасллар ёзган<sup>304</sup>, сиёсий ислохотларини ҳам махсус фаслда баён қилган<sup>305</sup>. Иккинчидан, Саолибий шарқ тарихчилари орасида Искандарнинг Ҳиндистонга юришини энг кўп баён қилган. Саолибий ҳинд юришини уч катта қиссада: Фур билан тўқнашув, браҳманлар билан учрашув ва Кайд билан муносабатлар баёнида тасвирлаган<sup>306</sup>. Учинчидан, Саолибий Искандарнинг зулматга бориб, ҳаёт чашмасини қидириши воқеасини тугал сюжет ҳолида Александр ҳақидаги сохта христиан афсонаси асосида қайта ҳикоя қилади<sup>307</sup>. Бу – Александр ҳақидаги христиан афсоналарнинг шарқ тарихнавислигида тўлиқ рецепция бўлганининг далили. Тўртинчидан, Саолибий Искандарнинг Тибет ва Чинга сафарларини ҳам анча батафсил тасвирлаган<sup>308</sup>, айниқса, Тибет юриши аксар тарихларда учрамайди. Бешинчидан, Саолибий сад масаласида Хурдодбих кайд этган Салом таржимон ҳикоясини рад этади ва бунда ҳикоя қилинган воқелик Қуръонга мос эмаслигини асос қилиб кўрсатади<sup>309</sup>. Айни пайтда,

<sup>303</sup> . ۲۵۰. ص. ثعالبي، -

<sup>304</sup> . ۲۷۵ - ۲۷۴. ۲۵۷. ص. ثعالبي، -

<sup>305</sup> . ۲۵۸. ص. ثعالبي، -

<sup>306</sup> . ۲۶۸ - ۲۵۹. ص. ثعالبي، -

<sup>307</sup> . ۲۶۹ - ۲۶۸. ص. ثعالبي، -

<sup>308</sup> . ۲۷۲ - ۲۶۹. ص. ثعالبي، -

<sup>309</sup> . ۲۷۲. ص. ثعالبي، -

Саолибий Яъжуж-Маъжужларга қарши садни Искандар қурган деб, жиддий хатога ҳам йўл қўяди. Олтинчидан, Саолибий Абулҳасан ибн Таботабо, Абубакр Хоразмий, Бадиуззамон Абулфазл Ҳамадоний каби шоирларнинг Искандарни ўз шеърларида қандай тамсил қилганлари, Искандар ҳақида ёзганларини махсус келтиради<sup>310</sup>. Искандар мавзусига бундай ёндашув оригинал бўлиб, бошқа тарихчиларда кўрмаймиз. Саолибий ушбу шеърини парчалар орқали давр адабиётида шаклланган Искандар образи тасвирлари билан таништиради. Шунингдек, Саолибий ўз вариантини донишмандлик мотивлари билан омухталаштиришга жиддий ҳаракат қилган<sup>311</sup>.

Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) ҳам «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»<sup>312</sup> асарида Зулқарнайн масаласини алоҳида фаслда баён қилган. Берунийнинг Искандар ҳақидаги қайдлари деярли Александр тарихи билан мос келади, лекин унда Талмуддаги яҳудий афсоналар (Бани исроил билан учрашиб, Байтулмуқаддасда курбонликлар қилиши), Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари (Арманистон ва Боб ул-албобга келиши, Байтулмуқаддасга бориши), Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси (Хитойга юриш, Хуросонда шаҳарлар қуриши), шарқ тарихчилари (Искандарнинг Шаҳризурда вафот этиши, Иброҳимга тақалувчи насаби), ҳикмат адабиёти (барча ишда илму ҳикматга таянгани, ҳамма ишини Арасту билан маслаҳатлашгани) нинг ҳам излари ва таъсири билиниб туради<sup>313</sup>. Беруний Искандарнинг насаби борасида тўхталиб, Искандарни форслардан келиб чиққан дейиш уйдирма экани<sup>314</sup>, Искандарнинг Филлиф (Филипп) ўғли экани равшанлигини таъкидлайди<sup>315</sup>. Зулқарнайн масаласида эса бу шахснинг ким бўлгани ихтилофли эканини эслатиб, Зулқарнайн – Абу Қариб Шаммар Юрбий ибн Ифриқис Ҳимярийдир деган қарашга шундай муносабат билдиради: «Шу сўзлар орасида охиргиси тўғрига ўхшайди. Чунки «зу»

<sup>310</sup> ثعالبي، - ص. ۲۷۵ - ۲۷۷.

<sup>311</sup> ثعالبي، - ص. ۲۷۸ - ۲۸۳.

<sup>312</sup> Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Асарлар. Беш томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 73 – 78.

<sup>313</sup> Беруний, – Б. 73 – 74.

<sup>314</sup> Беруний, – Б. 73 – 74.

<sup>315</sup> Беруний, – Б. 73 – 76.



[лақабли кишилар фақат] Яманда бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. Уларнинг исмлари «зу»<sup>316</sup> лафздан холи эмас эди. Масалан, Зулманор, Зулазъор, Зушшанотир, Зунувос... ва бошқалар. Шу билан бирга хабарлари Қуръонда у ҳақда айтилган ҳикояга ўхшайди»<sup>317</sup>. Берунийнинг Искандар насабига оид қайдлари ва юқоридаги муносабати шуни англатадики, у юнонлик Филипп ўғли Искандарни ҳам Зулқарнайн деб аташ анъанаси мавжудлигини рад этмаган, аммо Қуръонда зикри келган Зулқарнайн яман ҳукмдорлари (ҳимярийлар)дан бири бўлган деган қарашга қўшилган.

Берунийнинг сад масаласига оид фикрлари ҳам мазкур қарашларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлган. Унинг қайд этишича, жўғрофия билимдонлари Яъжуж ва Маъжужларни бешинчи ва олтинчи иқлимда яшовчи Шарқ туркларидан бўлганини айтишади. Беруний сад борасида Хурдодбих Салом таржимондан эшитган ҳикояни танқид қилиб айтадики, «Бу қисса гувоҳлари шундай бўлгач, улар орқали ҳақиқатни билишни умид қилиб бўлмайди»<sup>318</sup>. Олимнинг ушбу қарашлари бизнинг Салом таржимон қиссасига билдирган шубҳамиз ва муносабатимизни янада ишончли тарзда асослайди ҳамда Хурдодбих келтирган қисса тўқима эканини кўрсатади. Шу тариқа, Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари таъсирида шаклланган сад Кавказ тоғларида жойлашган деган қарашни Беруний ишончли тарзда рад этади ҳамда Зулқарнайн ва сад масаласи Искандар қиссасига алоқадор эмас деган фикр тарафдори сифатида ўртага чиқади. Беруний «Қонуни Масъудий»да «Искандар эраси» тўғрисида ёзиш асносида қуйидаги маълумотларни ҳам келтиради: «Шунинг учун билиш керакки, Филипп юнонларнинг йигирма биринчи подшоҳи бўлмиш Пердикка ўлганидан кейин йигирма етти йил Македонияда подшоҳлик қилган. Подшоҳлигининг саккизинчи йилида... ўғли Искандар Олимпиядадан туғилган. Искандар ўз отасидан кейин ўн икки йил ва етти ой подшоҳлик қилди, бунинг олти йили Искандар Дорони ўлдиргунча ўтган вақт бўлиб,

<sup>316</sup> Зу (ذو) – эга, бирор нарса эгаси, эгалик қилувчи маъноларини англатади.

<sup>317</sup> Беруний, – Б. 77.

<sup>318</sup> Беруний, – Б. 78.

қолгани Шарқ мамлакатларида уруш қилиб юрган муддатидир. Искандар [Шарқ юришидан] қайтаётиб Бобилда вафот этгач, мамлакати уч бўлакка бўлинди, Македония ва унга туташ ерлар ўз биродари Филипп Арридейга... Миср Искандарияси ва Ғарб ерлари птоломейларга тегди. Буларнинг биринчиси Птоломей Лог эди... Сурия ва Осиё, яъни Шом ва Ироқ Антиохга тегди. Селевк Никатор ўзи подшоҳ бўлгунга қадар Антиохга ҳамкор бўлди...»<sup>319</sup>. Ушбу иқтибос Беруний Александр Македонскийнинг ҳақиқий насаби ва тарихидан яхши хабардор бўлганини тасдиқлайди. Табиийки, Искандар (Александр)нинг ҳақиқий тарихидан бу қадар аниқ хабардор бўлган Беруний Искандарни Зулқарнайн дея олмас, садни ҳам Искандар курган деган қарашларга қўшила олмасди. Берунийнинг антик юнон манбаларига мувофиқ юқоридаги қайдлари Шарқда X – XI асрлардаёқ Александрнинг ҳақиқий тарихидан хабардор бўлишгани, бу борадаги маълумотлар тарихий манбалардан кўра кўпроқ география, астраномия ва ҳикматга оид манбаларда оммалашганини кўрсатади.

Абдулҳай ибн Заҳҳок Гардизий (ваф. 1061) ҳам «Зайн ул-ахбор» номли тарихида тадқиқ этилаётган масалага тўхталган. Гардизий тарихининг бошқа тарихлардан ажралиб турувчи хусусияти шуки, унда Искандарнинг форслар тарихида қолдирган излари рўй-рост айтилади. Гардизий қайд этадики, Искандар форс тахтини эгаллагач кўплаб эронликларни ўлдирди, шаҳарларини вайрон қилди, бузурглари йўқ қилди, зардуштийликка оид китобларни ёқди, лекин тиб, нужум, ҳисоб каби илмларга оид асарларни таржима қилдириб, Румга юборди, хазиналарни қўлга киритиб, имкон қадар олиб кетди, қолганини сахрою тоғларга беркитиб, одамлар қўлга кирита олмаслиги учун тилсимлар қилди<sup>320</sup>. Гардизий Доро ва Искандар муносабати масаласида ҳам холисликка интилиб, Дорога суиқасдда Искандарнинг алоқаси бўлмаганини ёзади<sup>321</sup>. Шунингдек, Искандар Туркистон йўли орқали Ҳиндистонга кетар экан Чину Мочин, Ҳинду Кашмир шоҳларига қаҳр

<sup>319</sup> Беруний Абу Райхон. Қонуни Масъудий. Асарлар. Беш томлик. Т.5. 1к. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 117.

<sup>320</sup> گردیزی عبد الحی بن ضحاک. زین الاخبار. – تهران: ارمغان، ۱۳۶۱. ص. ۵۸ - ۵۹.

<sup>321</sup> گردیزی، - ص. ۵۶.

килгани, ҳеч кимни аямагани, сўнгра Бобилда вафот этганини айтади<sup>322</sup>. Гардизий Искандардан кейинги тарихни ҳам тўғри кўрсатган. Гардизийнинг Искандар тарихига ёндашуви Ҳамза Исфаҳоний тарихини ёдга солади, чунки ҳар икки асарда Искандар салбий қиёфада, босқинчи сифатида ва мафкуравий уйдирмалардан ҳоли бир кўринишда кўрсатилади. Шу тариқа, Гардизий асосий эътиборни Искандарнинг тарихини тўлақонли ёритишга эмас, балки Искандар истилосининг форслар тарихида қолдирган фожиавий излари, тасаввурларига қаратган.

Ибн Асир (1160 – 1233) ҳам «Ал-комил фит-тарих»да<sup>323</sup> Искандар тарихига махсус тўхталган. Ибн Асир талқини Саолибий вариантыга жуда ўхшаш. Дастлабки жиддий фарқ Искандарнинг Файлакус ўғли экани очиқ рад этилиб, форслаштириш ғояси илгари сурилганида кўринади<sup>324</sup>. Доронинг ўлдирилиши масаласида Искандарнинг қўли бор деган қарашни эса узоқ баҳс қилади<sup>325</sup>, Искандарнинг Эрондаги, Ҳиндистондаги зулми, вайронкор ишлари ҳақида ёзади<sup>326</sup> ва Искандарни ижобий қиёфада кўрсатишга уринмайди. Ибн Асир Чин сафаридан сўнг Искандарнинг Шимолда Яъжуж-Маъжужларга қарши девор қурганини баён қилиш орқали Искандар ва Зулқарнайнни бир шахс деб қарашини билдиради<sup>327</sup>. Сўнгра Шимол қутбига бориб, зулматга тушиб чашмаи жовидоний қидиргани ҳақидаги қиссани ёзади<sup>328</sup>. Ибн Асирнинг Искандар қиссаларига қўшган асосий янгилиги Искандарнинг ҳарбий ҳийлалари ҳақидаги махсус фаслнинг киритилишидир<sup>329</sup>. Унда Искандарнинг Доро, Фур каби ҳукмдорларга қарши жангларда, шунингдек, айрим шаҳарларни бўйсундириш, давлатчилик сиёсатини ўрнатиш жараёнида қўллаган ҳийла-найранглари тўғрисида сўз боради. Қайд этиш

322. گردیزی، - ص. ۵۹.

323. ابن اثیر علی بن محمد. تاریخ کامل. ج. ۱. - تهران: اساطیر، ۱۳۷۰، ۴۴۶ ص.

324. ابن اثیر، - ص. ۳۳۰.

325. ابن اثیر، - ص. ۳۲۹.

326. ابن اثیر، - ص. ۳۳۰.

327. ابن اثیر، - ص. ۳۳۳-۳۳۴.

328. ابن اثیر، - ص. ۳۳۴-۳۳۵.

329. ابن اثیر، - ص. ۳۳۷-۳۴۰.

керакки, бу фаслда ёзилган воқеаларнинг аксари тўқима ёки Искандарга сунъий равишда нисбат берилган.

Қози Байзовий (ваф. 1286) «Низом ут-таворих»да, асосан, салафларининг Искандар ҳақидаги қиссаларини мухтасар баён қилган, лекин бир неча талқинлари мавзунинг шу даврдаги ривож манзарасини тасаввур қилишда аҳамиятли. Масалан, Байзовий катта Доро вафот этгач унинг вазири Раштин тахтга чиққан кичик Доро зулмидан бешиб Искандарга одам юборгани ва уни форси босиб олишга ундаганини айтади<sup>330</sup>. Қолаверса, Байзовий садди Яъжужни ҳам ушбу Искандар курган деган фикрни билдиради<sup>331</sup>. Фахриддин Банокатий ҳам ўз асарида Искандар мавзусига тўхталган<sup>332</sup>, у келтирган Искандар тарихи, асосан, Псевдо-Каллисфен сюжетига таянган, бироқ фольклорга хос ривоятлар кўп қоришиб кетган ва хабарлар тартибсиз баён қилинган<sup>333</sup>. Ҳамидуллоҳ Муставфийнинг (1281 – 1350) «Тарихи гузида»<sup>334</sup>даси (1340) ҳам олдинги тарихларнинг мухтасаридир. Муставфий ҳам Искандарни форсий сулола вакили деб билади, Ҳамза Исфаҳонийга эргашиб, Искандарни салбий қиёфада кўрсатган. Муставфий Искандар қиссасида Кайдофа, оби ҳаёт, сад воқеаларини ҳам эслаб ўтади. Искандар Шарқда сад курди, дейишига қараганда у ҳам Искандар ва Зулқарнайн битта шахс деган қарашга мойил бўлган<sup>335</sup>.

Шарқ тарихчиларининг қиссага оид талқинлари ҳақидаги баҳсимизни «Равзат ус-сафо» билан яқунлаймиз. Мирхонд (1433 – 1498) «Равзат ус-сафо»да Искандар қиссасини батафсил тасвирлаган. У Зулқарнайн ва Искандар қиссаларини аниқ фарқлайди ва Қуръонда зикри келган Зулқарнайнни «Зулқарнайнни акбар»<sup>336</sup> номи билан атаб, набийи мурсал сифатида пайғамбарлар қаторида, Иброҳим а.с. дан олдин тасвирлайди. Яъжуж ва Маъжужлар масаласи ҳадислару ривоятлар асосида батафсил

<sup>330</sup> بیضاوی عبدالله بن عمر. نظام التواریخ. - تهران: بنیاد، ۱۳۸۲. ص. ۳۰.

<sup>331</sup> بیضاوی، - ص. ۳۱.

<sup>332</sup> بناکتی. تاریخ بناکتی. - تهران: داوریناه، ۱۳۴۸.

<sup>333</sup> بناکتی، - ص. ۴۱-۴۲.

<sup>334</sup> مستوفی حمدالله. تاریخ گزیده. - تهران: امیر کبیر، ۱۳۳۹. ۶۴۲. ص. ۹۷.

<sup>335</sup> بناکتی، - ص. ۹۸.

<sup>336</sup> میرخواند محمد بن خاوندشاه. روضت الصفا. ج. ۱. - تهران: پیروز، ۱۳۳۸. ص. ۹۱-۹۵.

ўрганилади<sup>337</sup>. Зулқарнайн қиссасининг аввалги тарихларда учрамайдиган янги ўринларини баён қилади. Айни пайтда, Мирхонд қайдларида ҳам тушунарсиз ўринлар йўқ эмас. Унинг фикрича, Искандари Мақдуний, Искандари Румий, Искандари Юноний номлари билан аталувчи шахс Зулқарнайни асғар (кичик Зулқарнайн), Қуръонда зикри келган ва сад қурган шахс эса Зулқарнайни акбар (катта Зулқарнайн) бўлиб, бу икки шахсни адаштирмаслик керак<sup>338</sup>. Мана шундан сўнг Мирхонд Искандар қиссаси тасвирига ўтади ва унда батафсилликка интилади. Дастлаб, Файлақуснинг барчани Искандарга бўйсуннишни тайинлаши ва давлат ишлари борасида узун насихатларини келтиради<sup>339</sup>, бу янги қисм бўлиб, бошқа тарихларда учрамайди ва унда ҳикмат адабиётининг таъсири сезилади. Мирхонд варианты ҳам, асосан, Псевдо-Каллисфен сюжетида таянади, лекин ўзгаришлар кўп, ўзгаришларнинг аксари таҳрирнинг таҳрири тарзида юзага келган. Мирхонд версияси Псевдо-Каллисфен сюжетида асосланган<sup>340</sup>, ҳикмат адабиётига хос хусусиятларни сингдирган<sup>341</sup>, турли янги ғаройиб ҳикояларни жамлаган<sup>342</sup>, Искандар ва Зулқарнайн масаласини конкрет фарқлаган, бадиий хусусиятга эга қисса бўлиб, ўзига қадар мавжуд асосий тенденцияларни акс эттиради.

---

337. ميرخواند، - ص. ۹۲ - ۹۳.

338. ميرخواند، - ص. ۶۴۰.

339. ميرخواند، - ص. ۶۴۲ - ۶۴۴.

340. ميرخواند، - ص. ۶۶۰ - ۶۶۱.

341. ميرخواند، - ص. ۶۶۴ - ۶۶۹.

342. ميرخواند، - ص. ۶۶۱ - ۶۶۵.

## II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Ислом таълимоти Искандар мавзусининг кейинги тараққиёти, Шарқдаги ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Бу улкан таъсир уч муҳим асос – Қуръон, ҳадис ва тафсирларга таянади. Искандар мавзусида асар ёзиш анъанаси уларнинг таъсирида янги сюжет линиялари, образлар, эпизод ва мотивлар билан бойиди. Мазмунан такомиллашиб, оригинал талқинларга эга бўлди. Хусусан, Қуръоннинг «Каҳф» сураси (18: 60 – 98) мавзу ва анъананинг Шарқдаги эволюциясида бурилиш ясаган.

2. Зулқарнайн қиссаси мавзунинг Шарқдаги асосини ташкил этса ҳам, аслида, Искандар мавзусига бегона ва кейинчалик қўшилган. Зулқарнайн қиссасини Александрга нисбат бериш «Каҳф» сураси нозил бўлганидан кейин кўп ўтмай бошланган ва бунинг илк ташаббускорлари христиан доира вакиллари бўлган. Зулқарнайн қиссасини Александрга нисбат бериш тенденцияси икки шахс фаолиятидаги айрим ўхшаш жиҳатлар ва Александр ҳақидаги икки сохта христиан афсонага асосланган.

3. Яқин Шарқда, хусусан, муфассирлар томонидан Псевдо-Каллисфен ва Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари чинакам тарихдек қабул қилинган, чунки араблар орасида Александр ҳақидаги хабарларни ёйган шахслар, асосан, сохта афсоналардан хабар беришган. VII – VIII асрлардаёқ араб муарриху муфассирлари орасида *Зулқарнайн бу – Искандар* деган қараш ёйила бошлаган. Шу тариқа, сохта асослар нотўғри тасаввурларни келтириб чиқарган ва бундай қарашлар тафсирларда кенг ёйилган.

4. Икки анъанани қориштиришнинг ислом асосларига зидлигини тушунган Суҳайли, Ибн Касир каби муфассирлар бу янглиш талқин экани, Қуръонда зикри келган Зулқарнайн Иброҳим а.с. билан замондош ва дини ханифийга эргашган иймонли, адолатли хукмдор бўлгани ҳақидаги қарашни илгари суришди. Ушбу қараш Қуръондаги Зулқарнайн қиссасини сохта Александр ҳақидаги уйдирмалардан халос қилди ва Зулқарнайн шахси борасидаги мавжуд қарашларни иккига бўлиб юборди. Аслида, Қуръондаги

Зулқарнайнинг Александрга, Яъжуж-Мажужнинг Гог-Магогга, Мусо кассасининг оби ҳаёт афсонасига алоқаси йўқ.

5. Шарқ тарихчилари томонидан ҳам Псевдо-Каллисфен ва Александр ҳақидаги насроний афсоналар чинакам тарихдек қабул қилинган, натижада исломдан кейин пайдо бўлган шарқ тарихнавислигининг бошидаёқ Зулқарнайн ва Искандар (Александр) шахсларини чалкаштириш, икки воқеаликни қориштириш тенденцияси юзага келган. «Зулқарнайн бу – Искандар» деган қарашнинг муаллифи – манбаси илк ислом тарихчиларидан Ваҳб бин Мунаббих (655 – 738) бўлиб, кейинчалик Ибн Ҳишом (ваф. 833) ҳам унга эргашган. Илк ислом муаррихларининг бундай фикрлашига, асосан, Александрнинг ҳақиқий тарихидан беҳабарлик сабаб бўлган.

6. Шарқ тарихида ҳам, асосан, Псевдо-Каллисфен сюжети рецепцияга учраган ва қайта ишланган. Шарқ тарихчиларининг қиссага киритган дастлабки муҳим ўзгартириши шарқона детал, мотив, образ, эпизод ва сюжет линияларини қўшиш бўлса, кейингиси талқин бобидаги янгиликлардир. Талқин масаласида шарқ тарихида икки тенденция – Искандарни форслаштириш ва Искандарни исломлаштириш яққол ажралиб туради. Шунингдек, тафсирлардан фарқли равишда шарқ тарихида Искандар шахсига икки хил: ижобий ва салбий муносабат шаклланган.

7. XII – XIV асрлар атрофида Искандарнинг ҳақиқий тарихи учламчи қайта ишлашга учрай бошлаган («Девон ун-насаб», «Тарихи Банокатий») ёки деградациянинг учинчи босқичига ўтган. Тарихга кўпроқ ибрат намунаси сифатида қарайдиган шарқлик муаррихлар бундай ёндашувлари орқали Александрни ярим-бадий образ ҳолига келтириб қўйишган.

8. Тарихий ҳақиқат ва мантиқдан кўра шартли ҳақиқат, фикрий-ҳиссий таъсир ва дидактикага мойил шарқ адабиёти мавзуни айна шу жабҳада давом эттирди ва Искандарни бадий образ даражасига кўтариб, унинг адабий талқинларини яратди. Тарихчиларнинг қарашлари мавзунинг Шарқдаги эволюциясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди ва шарқ адабиётида Искандар билан боғлиқ адабий анъаналар шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди.

### III БОБ. ИСКАНДАР ҚИССАСИНИНГ ХАМСАНАВИСЛИК АНЪАНАСИГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

#### 3.1. Искандар қиссасининг Навоийгача адабий қайта ишланиш жараёни

Искандар қиссасининг Ғарбдан Шарққа ўтиши ва рецепцияси жараёнида Александр ҳақидаги асл тарих эмас, аксинча қайта ишланган ва муайян мафкуралар таъсирига учраган манбалар муҳим ўрин тутди. Бундай манбаларнинг бошида Псевдо-Каллисфен аънанаси, айниқса, унинг сурёний версияси, Александр ҳақидаги икки христиан афсона, шунингдек, Талмуд афсоналари туради. Аксар шарқ тарихчилари, муфассирлари мазкур манбаларга таянган боис асл ҳақиқатга у қадар мувофиқ бўлмаган қарашларни баён қилишди, натижада Искандар шахси ва ўтмиши тўғрисида нотўғри тасаввурлар шаклланди. Қуръон нозил бўлгач Зулқарнайн қиссасини бу сирага қўшиб, уйдирмаларга тўла қиссани янада чигал ҳолга келтиришди. Бунга параллел равишда шарқлик муаллифлар томонидан қиссани қайта ишлаш ва унга янги шарқона қисмларни киритиб бориш, маҳаллийлаштириш жараёни ҳам давом этди. А.Н.Веселовский бу ҳодисанинг қонунийлигини шундай қайд этади: «Турли халқлар ўртасидаги мифлар, эртаклар, эпик сюжетларнинг ўхшашлигини тушунтирар экан тадқиқотчилар, одатда, иккита қарама-қарши йўналишга ажраладилар: ўхшашлик ё ўхшаш афсоналар таянган деб тахмин қилинувчи умумий асослар билан ёки улардан бири мазмунини бошқасидан олган деган гипотеза билан изоҳланади. Аслида, бу назарияларнинг ҳеч бири алоҳида қўлланилмайди ва уларни фақат биргаликда тасаввур қилиш мумкин, чунки ўзлаштириш идрок этувчида бўш жойни эмас, балки қарши рўпара келувчи оқимларни, фикрлашнинг ўхшаш йўналишини, фантазиянинг ўхшаш образларини назарда тутди»<sup>343</sup>. Муфассиру муаррихлар хулосасига таянган шарқлик адиблар ҳам, табиийки,

<sup>343</sup> Веселовский А.Н. Разыскания в области духовного стиха. IX – XVII вв. Вып. 5. – Санктпетербургъ: Типография императорской АН, 1889. – С. 115.



мазкур жабҳада уларга эргашди. Объектив ҳақиқат шуки, шарқ адабиёти Искандар мавзусида таянган манбалар уйдирма ва ёлғонлар билан тўла, уларда ҳақиқатнинг излари кам. Манбаларга хос бу етакчи хусусиятлар адабиётга ҳам кўчиб ўтиб, Искандар образи ва қиссасининг асосий адабий талқинларини белгилаб берди.

Шарқ адабиёти, хусусан, эпик шеърлятида Искандар мавзусининг ривожига ва унга хос етакчи тенденциялар, асосан, хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларда намоён бўлади. Айти пайтда хамсанависликда Искандар ҳақида асар ёзиш анъанасининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган адабий манбалар борлигини таъкидлаш керак. Хусусан, шарқ адабиётида Искандар мавзусида биринчилардан бўлиб махсус дoston ёзган иждоқор Абулқосим Фирдавсий (934 – 1030)дир. Фирдавсийнинг «Искандар подшоҳлиги» достони анъана тарихида икки жихатдан муҳим аҳамият касб этган: 1. Искандар қиссасининг шарқ тарихнавислигида оммалашган классик намунасининг шарқ адабиётига трансформациясида муҳим бўғин вазифасини бажарди ва Искандар ҳақида Шарқда машҳур асосий сюжет линияларини олиб кирди. 2. Хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларга адабий манба вазифасини бажарди, уларга хос етакчи тенденциялар шаклланишига замин яратди ва оригинал талқинлар юзага келишига таъсир кўрсатди. Шу боис бу асар Искандар қиссасининг хамсанавислик анъанасида пайдо бўлиши, хусусан, Низомий Ганжавий «Искандарнома»сини тушунишда муҳим ўрин тутди.

Низомий (1141 – 1209) «Искандарнома»ни XIII аср бошларида<sup>344</sup> яратган бўлиб, асар «Шарафнома» ва «Иқболнома» деб аталувчи икки қисмдан ташкил топган, умумий ҳажми ўн минг байтдан ортиқроқ. Низомий кексайиб, хилватнишин бўлган кезларида шоҳлар васфида бир асар яратишга қарор қилган<sup>345</sup>. Нима учун Искандар мавзусини танлагани ҳақида эса шундай ёзади: Ниҳодам зи ҳар шева ҳангомае,

<sup>344</sup> Ганҷавӣ Н. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: Адиб, 2012. – С. 457.

<sup>345</sup> Ганҷавӣ, – С. 27.

Магар дар сухан нав кунам номае.  
Дар он хайратободи беёварон  
Задам қуръа бар номи номоварон.  
Ҳароина, к-аз хотираш тофтам,  
Хаёли Сикандар дар ў ёфтам<sup>346</sup>.

Хизр дoston қандай ёзилиши кераклиги ҳақида унга таълим бериб, *энг ишончли сўзларни ёзиш, айtilганларни такрорламаслик, фақат иложсиз ўринларнигина қайта айтиш мумкинлигини* уқтирган<sup>347</sup>. Яъни Низомий асар ёзилишида риоя этилган энг ишончли принципларни эслатиб ўтади. Қисқаси, Низомий олдиға Искандар мавзусида оригинал асар яратишни асосий мақсад қилиб қўйган. У дoston ёзишға киришар экан, Искандар қиссасининг турли версияларига дуч келган ва Искандар ҳақидаги саргузаштларни тўлиқ қамраган, мукамал асарни учратмаган, шу боис улардаги энг ишончли ўринларни ўз асари учун саралаб олган<sup>348</sup>. У ўз дostonини ишончли ва қатъий принциплар асосида ёзилган, шу типдаги асарлардан яхшироқ ва оригинал асар деб ҳисоблайди<sup>349</sup>. Табиийки, анъанавий мавзуда оригинал асар яратиш осон эмас. Низомий мана шу мақсадда ўз асари учун турли тиллардаги кўплаб манбаларни кўриб чиққан ва уларни муайян принциплар асосида қайта ишлаган:

Зи ҳар нусха бардоштам мояҳо,  
Бар ў бастам аз назм перояҳо.  
Зиёдат зи таърихҳои навий,  
Яҳудийу насронийу паҳлавий.  
Гузидам зи ҳар номае нағзи ў,  
Зи ҳар пўст пардохтам мағзи ў.  
Забон дар забон ганж пардохтам,

---

<sup>346</sup> Ганҷавӣ, – С. 29.

<sup>347</sup> Ганҷавӣ, – С. 28.

<sup>348</sup> Ганҷавӣ, – С. 36.

<sup>349</sup> Ганҷавӣ, – С. 27.

Аз он жумла саржумлае сохтам<sup>350</sup>.

Дарҳақиқат, аввалги фаслларда Искандар тарихи мазкур уч тилда кенг ёйилганини кўрдик. Низомий дostonни ёзиш учун турли тиллардаги манбаларни саралаш орқали мукамал версия яратишга уринган. Ўзи холис туриб, Искандар ҳақидаги энг ишончли версияларни объектив тасвирлашга қарор қилган. Бироқ дostonдаги тасвирларда кўрамизки, у ҳеч бир воқеага объектив ёндашган эмас, балки уларни ўз ақл призмасидан ўтказиб, муносабат билдиради ва шу асосларда талқин этади. Бундай ёндашув, бир қарашда, жуда мушкул, ўта мукамал ва оригинал ходисадек кўринади, бироқ ушбу қараш Низомийнинг ўзи томонидан аввалроқ таъкидланган<sup>351</sup> *ҳақиқатни тасвирлаш* принципига зид эди.

«Искандарнома»нинг дастлабки манбаси Низомийнинг ўзи. Асардаги дебочаю хотима, соқийнома, муғаннийнома ва андарзларнинг барчаси Низомийга тегишли. Искандар билан боғлиқ воқеаларни эса турли манбалардан саралаб олган. Таъкидлаш керакки, Низомий дostonининг Александр ҳақидаги асл тарихга яқинлик даражаси шу типдаги асарларга нисбатан анча юқори. Биргина мисол, Низомий Искандарнинг насаби масаласига тўхталар экан, кенг тарқалган уч хил қарашни келтириб, Искандар Мақдуния шоҳи Филқуснинг ҳақиқий фарзанди деган талқинни маъқуллайди<sup>352</sup>. Унинг мазкур талқини тарих нуқтаи назаридан асосли бўлиб, Александр ҳақидаги энг ишончли юнон манбалари билан мувофиқ эди. Ҳолбуки, бунга қадар Шарқдаги аксар асарларда насаб масаласида бундай тўғри ва конкрет ёндашув учрамайди. «Искандарнома» сюжетига таяниб дostonнинг манбалари бир нечта эканини англаш мумкин, чунки Низомий тасвирлаган воқеалар бир асарда яхлит ҳолда учрамайди. Искандарнинг зангийларга қарши жанглари<sup>353</sup>, Доро билан тўқнашувлар ва Эрон тахтининг

---

<sup>350</sup> Ганҷавӣ, – С. 36.

<sup>351</sup> Ганҷавӣ, – С. 36 – 39.

<sup>352</sup> Ганҷавӣ, – С. 43.

<sup>353</sup> Ганҷавӣ, – С. 50 – 73.

эгалланиши каби воқеалар<sup>354</sup> айрим янги тафсилотлар билан Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси асосида ҳикоя қилинади<sup>355</sup>. Искандарнинг ажамлар оташкадаларини вайрон қилиши билан боғлиқ тасвирлар эса, шубҳасиз, паҳлавий манбалардан олинган. Кейинги воқеалар – Искандарнинг Эрон улуғлари билан муносабати, форс тахтига чиқиши, Равшанакка уйланиши, Каъбага бориши, Нўшоба билан муносабатлари Фирдавсий достони (Кайдофа қиссаси) асосида ҳикоя қилинган. Аммо Искандарнинг Албурз тоғига, Дарбанд ва Сарир қалъаларига боргани, Кайхусрав ғорига киргани, Рай ва Хуросонга сафари каби воқеалар Искандар мавзусига Низомий томонидан илк бор олиб кирилган<sup>356</sup>. Ҳинд, Чин ва Тибет юришлари тасвирида ҳам масалага Фирдавсий каби ёндашади. Искандарнинг Дашти Қипчоққа бориши, руслар билан етти бор жанг қилиши каби воқеалар ҳам мавзуга Низомий томонидан олиб кирилган, хусусан, руслар билан жанглар батафсил тасвирланган<sup>357</sup>. Низомий бу каби сюжет линияларини дostonга киритиш орқали ўз ватанига туташ ёки алоқадор ҳудудлар тарихи, географияси, миллий колоритини ҳам тасвирлашга эришган. Шу боис бундай сюжетларнинг манбаси Кавказ атрофларида яратилганини тахмин қилиш мумкин. Низомийнинг оби ҳаёт қидириш билан боғлиқ тасвирлари ҳам Фирдавсий тасвирлари билан жуда уйғун<sup>358</sup>, яъни ушбу қиссада яҳудий ва сурёний қиссаларнинг излари сақланиб қолган. Хуллас, Низомий тасвирларининг бир қисми тарих билан, бир қисми Псевдо-Каллисфен анъанаси ва яҳудийю насроний афсоналар билан, катта қисми эса Шарқда яратилган манбалар билан мувофиқ. Низомий дебочада асл ҳақиқатни тасвирлашга интилишини ҳар қанча таъкидламасин, дастлабки бобларданок Искандар тарихининг Шарқда қайта ишланган иккиламчи версияларини тасвирлай бошлайди, ҳолбуки, улар Искандарнинг асл тарихидан анча узоқ.

---

<sup>354</sup> Ганҷавӣ, – С. 73 – 106.

<sup>355</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, I. – P. 35 – 63.

<sup>356</sup> Ганҷавӣ, – С. 170 – 195.

<sup>357</sup> Ганҷавӣ, – С. 238 – 284.

<sup>358</sup> Ганҷавӣ, – С. 284 – 298.

«Иқболнома»нинг манбалари масаласида айтиш керакки, у ҳикмат адабиёти, фольклор ва исломий қиссаларга таянади. Ундаги воқеаларнинг на ҳақиқий тарихига, на Псевдо-Каллисфенга алоқаси бор. Фақат донишмандлар хирадномалари, Искандар ва ҳинд донишманди ўртасидаги савол-жавоб ва Искандарнинг ўлими билан боғлиқ тафсилотларгина у ёки бу даражада Александр тарихи билан боғланади, қолган ўринларни эса фольклор характерига эга ҳикоятлар, турли тўқима афсоналар эгаллаган. Умуман олганда, Низомий достонида Псевдо-Каллисфен асосий қиссаларни ташувчи ва асардаги барча воқеаларни қолипловчи манба вазифасини бажарган.

«Шарафнома» 55 бобдан таркиб топган бўлиб, умумий композицияси куйидагича: а) дебоча (11 боб);

б) асосий қисм (42 боб);

в) хотима (2 боб).

Дебоча анъанавий характерга эга. «Иқболнома»нинг (38 боб) дебочаси ҳам (6 боб) деярли шундай, асосий фарқ дебочанинг тўлиқ эмаслигида, боблар сони ва кетма-кетлигида ҳам узилишлар бор. Мисол учун, ҳамд икки бобда, наът эса бир бобда тасвирланган<sup>359</sup>. Низомий шарқ эпик шеърлятида Искандар ҳақида маснавий ёзиш анъанаси ва Искандар мавзуси тарихига тўлиқ дебоча ёзиш анъанасини ҳам олиб кирди. Лекин Низомий дебочалари конструкцияси кўпроқ кетма-кетликка асосланган, у система даражасига кўтарилган эмас. Кейинчалик искандарномаларда дебочанавислик сайқалланиб мукамал даражага кўтарилди.

«Шарафнома»нинг асосий қисми композицияси бироз ноанъанавий тузилган: 1. Сарлавҳа. 2. Соқийнома (2 байт). 3. Андарз 4. Достон. «Иқболнома» эса нисбатан анъанавий структурага эга: 1. Сарлавҳа. 2. Муғаннийнома (ёки мутрибнома, 2 байт). 3. Достон (қисса). Кўриниб турибдики, Низомий «Искандарнома»сининг иккинчи қисми деярли анъанавий тузилишда, аммо биринчи қисми ўзига хослик касб этган.

---

<sup>359</sup> Ганҷавӣ, – С. 304 – 319.

Низомий хотима учун кам боблар («Шарафнома»да 2 боб, «Иқболнома»да 3 боб) ажратади. «Шарафнома» хотимаси сифатида фақат Атобек Нусратуддин мадҳи ва фарзандга насиҳат бобларининг келтирилишини дoston воқеалари «Иқболнома»да давом этиши билан изоҳлаш мумкин. Аммо «Иқболнома» хотимаси ҳам катта эмас. Низомий хотималарига хос умумий хусусиятлар эса ҳасби ҳол тасвири ва мухтасарликнинг устуворлик қилишидир.

Низомий турли манбалардан ўзи ишончли деб ҳисоблаган воқеаларни саралаб олиб ўз дostonи сюжетини яратгач, уни юқоридаги композиция орқали қайта бадиий тартиблади. У амалга оширган мазкур ишлар кейинги искандарномаларга кучли таъсир кўрсатди, уларни жиддий ўзгартириб юборди, бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз. Бироқ Низомийнинг искандарноманавислик тарихидаги энг катта ўзгартириши, шубҳасиз, талқин масаласида бўй кўрсатди. Низомий ўз сюжетининг асосий йўналишлари ва улар орқали ифодаланган талқинларни баён қилар экан, уларни умумлаштириб уч катта гуруҳга бўлади: 1. Искандарни жаҳонгир деб билган тоифа. 2. Искандарни файласуф деб билган тоифа. 3. Искандарни пайғамбар деб билган тоифа<sup>360</sup>. Аввалги фаслларда Искандар ҳақида шундай қарашлар мавжудлигини кўрдик. Бу ерда янгилик Низомийнинг асарда мана шу уч қарашни умумлаштириб, Искандар образини ҳам жаҳонгир, ҳам файласуф, ҳам пайғамбар сифатида тасвирлашга қарор қилишидир. Бу мавзу тарихида ноёб довюраклик эди. Низомий манба, композиция ва сюжет масаласида мавжуд анъанани қандай бузган бўлса, талқин борасида ундан-да катта янгиликларга қўл урди. Низомий Искандар образини уч босқичдан ўтувчи – аввал жаҳонгирлик қилиб дунёни олган одил шоҳ, кейин шоҳликдан дунёнинг моҳиятини англаш орқали файласуф даражасига кўтарилган донишманд, охирда донишмандликдан пайғамбарлик мақомига кўтарилган сиймо ўлароқ талқин этишга қарор қилди. Низомийнинг ушбу ижодий нияти, табиийки, дoston сюжетини уч катта қисмга бўлиб юборган: «Шарафнома»да тўлиқ Искандарнинг жаҳонгирлик юришлари тасвирланади, «Иқболнома»да

---

<sup>360</sup> Ганҷавӣ, – С. 29.

эса аввал Искандарнинг файласуфлиги (1 – 12-боблар), сўнгра пайғамбарлик мақомига кўтарилиб, дунёга пайғамбар сифатида қилган сафари (13 – 21-боблар) тасвирланади. Асардаги бошқа тасвирлар мана шу уч асосий талқинга, алалоқибат, Искандарни уч руҳий-маънавий мақомни босиб ўтган ёки уларни ўзида мужассам қилган буюк шахс сифатида кўрсатувчи бош мақсадга хизмат қилдирилган. Низомийнинг талқин бобидаги асосий янгилиги мана шундан иборат.

Бир томондан, анъанага ва унинг бош қахрамонига бундай ёндашув оригинал ва катта ижодий жасорат эди. Чунки Низомийга қадар мавзу тарихида бундай умумлашган талқинни кўрмаймиз. Бошқа томондан, айти ёндашув қисса билан боғлиқ «буюк хатолар» ва уйдирмаларнинг асарга кириб боришига замин яратди. Низомий талқин борасидаги қарорлари туфайли ўз-ўзини кўпроқ уйдирмаларни тасвирлашга мажбур қилди. Унинг асосий талқини уч хил қарашга таянгани боис ҳақиқат бобида янада улкан номувофиқликларни келтириб чиқарди. Тўғри, дostonни бадий асар сифатида қабул қилиш мумкин, лекин тарихий мавзудаги асарда муаллиф талқини, тарихий контекст ҳамда замон-макон ўртасида мутаносиблик бўлиши керак. Йўқса, асосий талқини ҳақиқатга номувофиқ, сюжети уйдирмага асосланган ва мазмуни адашишга ундовчи ҳар қандай бадий асарни қабул қилиб бўлмайди.

Низомий Фирдавсийдан ҳам кўпроқ Искандар ҳақидаги маълумотларни қамраб олишга ҳаракат қилгани боис «Искандарнома» 10 000<sup>361</sup> байтдан ошиб кетди. Шу туфайли Низомий достонида Фирдавсийдаги мавзу табиатида мос услуб ва жангномалик хусусияти йўққа чиқа бошлади. Эҳтимол, «Шарафнома»ни мавзуси, услуби ва объектига кўра жангнома дейиш мумкин, лекин унда ҳам лирик парча ва андарзлар жуда кўп жойни эгаллаган. «Иқболнома» эса на тасвир услуби, на объекти ва мақсадига кўра жангномалик хусусиятига эга. Хуллас, Низомийдан бошлаб

---

<sup>361</sup> О. Абдуллаевнинг қайд этишича, Низомий “Искандарнома”си 10 471 байтдан иборат. Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев О. Амир Хусрав Дехлавӣ ва Амир Алишер Навоӣ (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари): Филол. фан. номз. ...дисс. – Хучанд, 2011. – С. 90.

искандарномаларда жангномалик хусусияти йўқола бошлади. Мазкур икки фактор – ҳажмнинг йириклашиши ва тасвир услубининг ўзгариши адабий таомилдаги Искандар мавзуси табиатида генетик ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Тематология нуқатаи назаридан, генезисига кўра қаҳрамонлик мавзуларига дахлдор бўлган ушбу мавзу табиатидаги ўзгариш, аввало, асарларнинг номларида юз кўрсатган: Фирдавсийнинг «Искандарнома»си жангнома, Низомий «Искандарнома»си ҳам кўпроқ жангнома характерига эга, лекин унда қиссага лирик, ахлоқий-маърифий, фалсафий-дидактик руҳ ҳам кўшиб юборилган. Хусрав Дехлавийнинг «Оинаи Искандарий»си қисман қаҳрамонлик, кўпроқ ахлоқий-дидактик мазмундаги дoston. Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» дostonи эса жангномалик хусусиятини бутунлай йўқотиб, соф ахлоқий-дидактик характер касб этган. «Садди Искандарий» дostonининг номи унинг мавзусини бирор предмет ёки мотивга алоқадордек кўрсатса-да, дostonда мазмунан қаҳрамонлик ва ахлоқий-маърифий жиҳат тенглик ҳосил қилган. Номлардаги турфалик шу тарзда мавзу табиатидаги муҳим ўзгаришларни акс эттириб борган. Низомийдан сўнг Искандар тўғрисида асар ёзган барча ижодкорлар, хоҳласа-хоҳламаса, уни такрорлашига тўғри келарди. Шу боис кейинги давр ижодкорлари индивидуалликка кенг имкон берувчи бошқа йўл қидириб топишди: улар фалсафий-маърифий мазмун ва руҳ устувор бўлган искандарномалар яратишга киришишди. Бундай дostonлар оригиналликка интилиш ва такрордан қочиш натижаси ўлароқ юзага келди. Искандар мавзусининг адабий тарихидаги ушбу йўналиш тамалини Низомий «Иқболнома» асари орқали қўйиб берган бўлса, Хусрав Дехлавий шу асосда бутун бошли асар яратган илк ижодкор бўлди.

Хусрав Дехлавий (1253 – 1325) қаламига мансуб «Оинаи Искандарий» дostonи табиатига кўра Низомий «Искандарнома»сидан жиддий фарқ қилади. Хусрав оригиналликка интилгани туфайли асар ҳажмини қарийб уч баробарга қисқартирган (4450 байт). Навбатдаги кескин фарқ Хусравнинг ижодий ниятида намоён бўлган. У бу ҳақда шундай ёзади: «...ва сабаби гирд



кардани ин дурри чандке аз силки Низомий ятим монде буд..., ва муҳулоти ин қиссароке биштар ҳашви ториҳист...»<sup>362</sup>. Яъни, Хусрав Низомий назмига кирмай қолган бир қанча воқеаларни жамлаш ва Искандар қиссасининг қабул қилиб бўлмайдиган жиҳатларини олиб ташлаш орқали энг ишончли воқеаларни тасвирлашни мақсад қилган<sup>363</sup>. Хусрав оригиналликка интилиш принципини Искандар достони оғозида бир неча бор такрорлайди:

Дигар ҳар чӣ ноғуфта монд аз нахуст,  
Кунун як-баяк гуфта хоҳам дуруст<sup>364</sup>.

Шунингдек, ўз достонига адабий материаллар танлаб олишда уларнинг ҳақиқатга мувофиқ бўлишига жиддий эътибор қаратган ва ўзи тасвирлаган воқеликни тўғри деб ҳисоблаган<sup>365</sup>. Хусрав қиссанинг ўзига қадар шаклланиб бўлган ва қабул қилиш мушкул бўлган жиҳатларига махсус тўхталиб, асосий эътиборни Искандарнинг валий ва пайғамбар сифатидаги талқинларига қаратади. Хусравнинг фикрича, Искандар каромат соҳиби бўлгани боис уни валий деб билиш тўғри. У бу орқали Искандарни пайғамбар сифатида тасвирлашга қарши чиқади. Таъкидлаш керакки, Хусравнинг Искандар валийлардан бўлган деган фикри ҳам аслан янглиш, аммо у Искандар пайғамбар бўлган, деган бунданда улкан янглишишни жуда тўғри англаган ва салафларининг бу борадаги хатоларини қисман ислоҳ қилган.

Хусрав Низомийни такрорламаслик ва ўзи ишончли деб билган янги қиссаю ривоятларни тасвирлашга жиддий эътибор қаратди. Асосий қисмнинг биринчи бобида обзор тарзда Искандарнинг бутун тарихини қайд этади. Бу обзор Низомий «Искандарнома»сининг мундарижаси бўлиб, шундан сўнг Искандар саргузашти «Искандар ва хоқон тўқнашуви»<sup>366</sup>дан бошланади. Хусрав сюжетни Искандар ва хоқон жанги тасвиридан бошлаганини бу борада Низомийдан фарқли тарихни билиши билан изоҳлайди. Бу шундан

<sup>362</sup> دهلوی امیر خسرو. آیینہ سکندری. متن انتقادی. با تصحیح و مقدمه جمال میرسیدوف. - مسکو: شعبه ادبیات خاور، ۱۹۸۸. - ص. ۲۰.

<sup>363</sup> دهلوی، - ص. ۲۶.

<sup>364</sup> دهلوی، - ص. ۴۵.

<sup>365</sup> دهلوی، - ص. ۲۷.

<sup>366</sup> دهلوی، - ص. ۴۴ - ۴۸.

далолат берадики, Хусрав ўз достонини Низомий «Искандарнома»сига нисбатан олган ва асосий манба сифатида Низомий достонини белгилаган. Низомий достони Хусрав учун Искандар қиссаси борасида ҳақиқат мезони вазифасини бажарган, шу боис Низомий тасвирламаган, лекин ўзига ишончли туюлган воқеаларни асарга киритишга қарор қилган. Низомий «Искандарнома»си форс тилида яратилгани боис яна шу тил ва мавзуда асар ёзаётган Хусравнинг бундай йўл тутиши мантиқсиз эмас. Бундай ёндашув сюжет тафтологиясидан қутулишга қаратилган, лекин у анъанавий хатолар такрори, мавзуга бегона эпизоду воқеаларнинг кириб келишига кенг имкон яратган, натижада мавзу аслиятдан тобора узоқлашиб бораверган. Хусрав ўн икки асосий бобда Искандар қиссасининг қуйидаги сюжет линияларини тасвирлаган:

1. Искандарнинг Чин хоқонига қарши қўшин тортгани.
2. Искандар ва хоқон паҳлавонлари ўртасидаги жанглар, Чин гўзали Канифу қиссаси.
3. Искандар ва хоқоннинг яккама-якка жанг қилиши, Искандар ғалабаси.
4. Искандарнинг оби ҳаёт қидиргани, Яъжужларга қарши сад қуриши.
5. Искандарнинг Канифу висолига етгани.
6. Искандар ихтиро қилган маснуот: устурлоб, ойна ва Искандария минораси.
7. Искандарнинг зардуштийликка қарши қураши.
8. Искандарнинг даҳрий юнон файласуфларига қарши қураши.
9. Искандар ва Афлотун саргузашти.
10. Искандарнинг денгиз сафари.
11. Искандарнинг Муҳит марказига етиб, денгиз остига тушгани.
12. Искандар ҳаётининг охири, ўғли Искандарусни ворис қилиб тайинлаши, унинг тахтдан воз кечгани.

Хусрав Искандар ва Доро муносабатларини ташлаб, тасвирни Чин юришидан бошлайди<sup>367</sup>. Хусрав талқинида Искандар жаҳонгир сифатида фақат Чин хоқони билан жанг қилади ва воқеа асар сюжетининг деярли ярмини ташкил этади. Хусрав бошқа бирор бобда Искандарнинг ҳарбий юришларини тасвирлаган эмас. Бир-икки эпизодда Яъжужлар ва файласуфларга қарши жанг тасвирлари мавжуд, холос. У Искандарнинг ҳарбий юришлари борасида Низомийдан ўтиб бирор нарса ёзиб бўлмади деб ҳисоблаган. Табиийки, Хусравнинг нуқтаи назари Искандар мавзусининг асоси бўлган ҳарбий юришлар, жаҳонгирлик тасвирининг ўрнига янги материалларни асарга жалб этишни тақозо этган. У бу борада Искандарнинг донишманд-шоҳ сифатидаги талқинларига жиддий эътибор қаратган, шу боис Искандарнинг тилсимлар яратгани, Афлотундан таълим олгани, маънавий камолот йўлида денгиз синоатини англашга интилгани каби тўқима сюжетларни олиб кирган. Шунингдек, Искандарнинг Яъжужларга қарши сад қуриши, зардуштийликка қарши кураши, ақл кучигагина ишониб, Худони инкор этувчи файласуфлар билан курашгани каби сюжет линияларида исломий дунёқарашнинг кучли таъсири сезилади.

Хусрав сюжетининг манбалари масаласида айтиш керакки, уларнинг аксари қиссанинг Шарқда учламчи қайта ишланишининг ҳосиласидир. Масалан, Искандар ва хоқон ўртасидаги жанг тасвири воқеанинг иккиламчи қайта ишланишини акс эттирувчи Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясидаги эпизоднинг<sup>368</sup> Шарқда қайта ишланган варианты. Чунки Хусрав тасвирлаган Искандар ва хоқон воқеаси<sup>369</sup> Псевдо-Каллисфен тасвирларидан жиддий фарқ қилади, ҳатто, Фирдавсий ва Низомий талқинларидан ҳам фарқли. Хусрав оби ҳаёт масаласида Низомий қайдларини мухтасар такрорлайди<sup>370</sup>. Бироқ Яъжужларга қарши кураш ва сад воқеасини анча

---

<sup>367</sup> دهلوی، - ص. ۴۷.

<sup>368</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, III. – P. 109 – 117.

<sup>369</sup> دهلوی، - ص. ۴۸ - ۱۰۶.

<sup>370</sup> دهلوی، - ص. ۱۱۲.

батафсил тасвирлаган<sup>371</sup>. Искандар девори ва Яъжуж-Маъжуж билан боғлиқ қайдлари «Қисаси Рубғузий» маълумотлари билан деярли бир хил<sup>372</sup>. Хусравнинг ушбу тасвирларида Александр ҳақидаги христиан афсоналарда учровчи «шимол» мотиви ва Хурдодбих тасвирлаган Салом таржимон ҳикоясига оид деталлар такрорланган<sup>373</sup>. Шу билан бирга, у қиссага янги қисмларни ҳам олиб кирди. Искандар ихтиролари – устурлоб, ойна ва Искандария минорасига оид тасвирлари<sup>374</sup> ва бу орқали Искандарни илм-маърифат ҳомийси, кашфиётлар соҳиби сифатида талқин этиши мавзунинг адабий эволюциясида янгилик эди. Искандар қиссасининг адабий ривожига Хусрав томонидан олиб кирилган энг «тоза» сюжет линиялари эса *Искандарнинг даҳрий юнон файласуфларига қарши кураши*<sup>375</sup> ҳамда *Искандар ва Афлотун саргузашти*<sup>376</sup> дир. Аслида, Хусрав тасвирлаган биринчи эпизод замирида тарихан Александрнинг браҳманлар билан учрашуви, браҳманлар қўзғалони воқеалари<sup>377</sup>, иккинчи эпизод асосида эса Александр браҳманлар улуғи Манданис (Дандамий) билан суҳбатлари<sup>378</sup>, Калан исмли донишманд воқеаси ётади<sup>379</sup>. Тарихан Александрнинг ҳинд файласуфлари – браҳманларга қарши олиб борган урушлари шарк манбаларида Искандарнинг ақл кучигагина ишонувчи юнон файласуфларига қарши жанглари сифатида талқин этилган. Тарихан Александр ва браҳманлар сардори Дандамий ўртасида бўлиб ўтган фикрий баҳслар, шунингдек, ҳинд файласуфи Каланнинг Александрга қўшилиб, у билан Эронгача ҳамроҳлик қилиши каби воқеалар Афлотун ва Искандар саргузашти тарзида қайта ишланган. Хусрав тасвирлаган ушбу сюжет линиялари шу қадар зиддиятли

<sup>371</sup> دهلوی، - ص. ۱۱۵ - ۱۳۰.

<sup>372</sup> Рабғузий Носируддин. Қисаси Рабғузий. К.2. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 88 – 95.

<sup>373</sup> دهلوی، - ص. ۱۲۸.

<sup>374</sup> دهلوی، - ص. ۱۵۴ - ۱۶۷.

<sup>375</sup> دهلوی، - ص. ۱۸۲ - ۱۹۵.

<sup>376</sup> دهلوی، - ص. ۲۰۰ - ۲۳۲.

<sup>377</sup> Арриан Флавий. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеевко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962. – С. 192; 200; Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877. – P. 97 – 105.

<sup>378</sup> Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian, – P. 106 – 107; Арриан, – С. 213.

<sup>379</sup> Арриан, – С. 213.

ва мантиқсизки, уларда турли хил мафкуравий курашларнинг излари мавжуд. Хусусан, Искандарнинг муайян динга даъвати ва худосизликка қарши кураши тасвирида Искандарни исломлаштириш тенденциясининг таъсири очик сезилади. Шунингдек, бу каби ўринларда айрим ислом уламоларининг юнон фалсафасига қаршилик кайфияти акс этган. Искандарнинг денгиз сафарига оид Хусрав тасвирлари Талмуд адабиётидаги афсоналар<sup>380</sup>, Псевдо-Каллисфеннинг юнон версиясидаги тасвирлар<sup>381</sup> ва Масъудий қайдлари<sup>382</sup> асосида ҳикоя қилинган бўлиб, Хусрав ушбу манбалардан тўғридан-тўғри эмас, балки уларни умумлаштирган манба орқали фойдаланган кўринади.

Шу тариқа, Хусрав сюжети асосини Искандар тарихи учламчи қайта ишланган манбалар ташкил этади. Хусрав бунга Низомийни такрорламаслик принципи туфайли мажбур бўлган, айти шу принцип мавзу таркибига янги тўқималар кириб боришига ҳам кенг имкон яратган. Бироқ Хусрав тасвирланган воқеалардан кўнгли тўлмагани боис асарга турли кўшимча қисмлар – назарий мулоҳазалар ва ҳикоятлар киритиб борган. Бу фасллар орқали ўзининг индивидуал қарашларини баён қилади ва дostonга оригиналлик олиб киради, натижада асар композицияси бирмунча мураккаблашган.

Хусрав Искандар саргузашти борасида оригиналлик кўрсатиш мушкул эканини яхши билган, шу боис композиция борасида мавжуд тажрибани янгилашга астойдил ҳаракат қилган. Хусрав ижодий оригиналликни таъминлаш мақсадида асар тузилишини мутлақо янгиледи, бу жараёнда қатъий принципларга риоя қилди. Натижада «Оинаи Искандарий» композицион жиҳатдан мавжуд искандарномалардан жиддий тафовутларга эга бўлди (2-илова). Хусрав «Оинаи Искандарий» достони умумий

---

<sup>380</sup> The Midrash on Psalms. Volume II. Translated from the hebrew and aramaic by William G. Braude. – New Haven: Yale university press, 1959. – P. 127 – 128; Pirke de Rabbi Eliezer (Chapters of Rabbi Eliezer). Translated and annotated with introduction and indices by Gerald Friedlander. – New York: The Bloch publishing company, 1916. – P. 82 – 83.

(Яна қаранг: URL: [https://www.sefaria.org/Pirkei\\_DeRabbi\\_Eliezer.11.19?lang=bi&with=all&lang2=en](https://www.sefaria.org/Pirkei_DeRabbi_Eliezer.11.19?lang=bi&with=all&lang2=en))

<sup>381</sup> Dowden Ken. Pseudo-Callisthenes, The Alexander romance (p. 163 – 248). Anthology of Ancient Greek Popular Literature. Edited by William F. Hansen. Bloomington: Indiana University Press, 1998. – P. 220 – 221.

<sup>382</sup> مسعودی، - ص. ۳۶۵ - ۳۶۷.

композициясини X боб дебоча, XII боб асосий қисм, I боб хотимадан иборат қилиб тузди. Хусрав эътиборни композицион янгиликка қаратгани боис асосий қисмни бир неча таркибий қисмдан иборат алоҳида боблар шаклида тартиблади. Ҳар бир боб, ўз навбатида, уч қисмдан ташкил топди:

1. Бирор мавзудаги мулоҳаза ёки панд-насихатлар.
2. Мулоҳазаю насихатларни асословчи ҳикоят.
3. Юқоридагиларга мувофиқ Искандар саргузаштидан лавҳа<sup>383</sup>.

Шунингдек, ҳар бир бобнинг мукамал структурасини тасаввур қилиш учун сарлавҳа ва лирик чекинишлар – соқийномаю муғаннийномаларни ҳам инобатга олиш зарур<sup>384</sup>. Хусрав достонидаги барча асосий боблар композицияси мана шу беш муҳим унсур гармонияси асосида юзага чиққан бўлиб, ҳар бири ўзига хос табиатга эга. Хусравнинг асар қисмларини алоҳида-алоҳида бўлақларга бўлиши композиция борасида жиддий ўзгариш бўлиб, бундай ёндашув исқандарноманавислик тарихида кузатилмаган ҳодиса эди. Е.Э.Бертельснинг Хусрав достонидаги уч компонентли структура Низомийда мавжуд эмас<sup>385</sup>, деган мулоҳазасига қисман қўшилиш мумкин. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Хусрав композицияси шаклланишида ҳам Низомий достони асос вазифасини бажарган. Хусрав достони тузилишида муҳим ўрин тутган қисмлар Низомий достонидаги композицион элементлардан ўсиб чиққанини пайқаш мумкин. Бизнингча, Хусравнинг композиция борасидаги оригиналлиги тўғрисида сўзлаганда, кўпроқ унинг асосий бобларни қатъий принциплар асосида йирик-йирик қисмларга бўлиб, махсус ҳикоятлар киритгани ва мунтазамликни таъминлаганини қайд этиш ўринли.

Хуллас, анъана доирасида нававторлик кўрсатиш мақсади Хусравни мана шундай ўзгартириш ва янгиликлар қилишга мажбур қилди. Аслида, Хусрав достони композициясининг бу шаклга келиши ёки Хусрав ва Жомий

<sup>383</sup> Хусравшунос М.Имомназаров «Оинаи Искандарий» композицияси бу тарзда эмас, балки **саргузашт, назарий масала** ва **ҳикоят** тарзида тузилганини ҳам қайд этган (ЎзАС, Жомий «Хамса» ёзганми?, 2005 йил)

<sup>384</sup> Асадов М. «Садди Искандарий» достонида соқийнома характеридаги байтлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 1. – Б. 57–64.

<sup>385</sup> Е.Бертельс. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 349 – 350.

искандарномалари ҳажмининг бу қадар қисқариб кетиши мана шу тенденция билан алоқадор. Мазкур ёндашув оқибатида Хусравдан бошлаб Искандар қиссаси тасвирида маърифий-дидактик рух устунлик қилиб, жангу жадаллар ўрнини ибратли ҳикоятлар, андарзлар эгаллай бошлади. Бу жараён шу даражага етдики, жаҳонгирлик тасвирлари ўрнини турли масаллар, маърифий хулосалар тўлиқ эгаллади. Аҳмадий ва Жомий искандарномалари бу йўналишнинг типик намунасидир. Бир сўз билан айтганда, генезисига кўра тарихийлик ва жангномалик хусусиятлари етакчи бўлган ва шу тармоққа мансуб мавзу адабиёт таъсирида ахлоқий-дидактик характер касб этди.

Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) «Хирадномаи Искандарий» достонини яратар экан олдида янада мушкул вазифа турарди – энди Искандар мавзусида оригиналлик намойиш этиш учун Фирдавсий, Низомий ва Хусравларни такрорламаслик шарт бўлиб қолганди. Жомийнинг асосий ижодий нияти Искандар билан боғлиқ ҳолда етиб келган хираднома (ҳикматомуз нома, ахлоқий ўғитлар, ақлнома) ларни назмга солиш бўлган<sup>386</sup>. Жомий буни афсонахонликдан ҳикмат сирларини сўзлаш афзал экани билан изоҳлайди. Шу боис у Искандарнинг ҳолоти (саргузаштлари)ни тасвирлашдан воз кечиб, Искандарнинг мақолоти (пурҳикмат сўзлари, олимлар билан муносабатлари ва файласуфларнинг Искандарга ўғитлари)ни тасвирлашга асосий эътиборни қаратди. Бу – салафларда учрамайдиган оригиналлик ва Жомий таянган асосий ижодий принципдир. Бундай ёндашув Искандар ҳаётига оид тасвирлар турли ўғитлар учун бадий қолип вазифасини бажаришига олиб келган. Аммо Жомий Искандар саргузаштини бутунлай ташлаб ҳам юбора олмасди, агар шундай қилса, мавзу йўққа чиқарди. Жомий Искандарнинг саргузаштини минимал даражада сақлаб қолиб, ундан турли хирадномаларни тизимлаштириш мақсадида, ёрдамчи восита сифатида фойдаланган. Аслида, Искандарнинг фаолияти тасвири достонда ҳеч қандай муҳим функцияга эга эмас.

---

<sup>386</sup> هفت اورنگ. خردنامه اسکندری. جامی. (URL: <https://ganjooor.net/jami/7ourang/7-7/sh11> 05.06.2021)

Жомийнинг масалага бундай ёндашуви бир неча асосларга эга эди, биринчидан, унга қадар форсий тилда Фирдавсий, Низомий ва Хусравлар Искандар қиссасининг деярли барча сюжет линияларини тасвишлаб бўлишган эди. Шу боис Жомийнинг масалага эркинроқ ёндашиши ва Искандарнинг жаҳонгирлиги тасвиридан воз кечиши у қадар ажабланарли эмас. Иккинчидан, Жомийнинг ижодий характери, бу пайтдаги ёши «қисса»дан кўра «ҳисса» ёзишга мойил эди. Учинчидан, Жомийнинг ушбу ижодий нияти ортида, аввало, салафларини такрорламаслик, қолаверса, анъанавий мавзуда оригиналлик намойиш этиш истаги туради. Зеро, Жомийга қадар Искандарнинг донишманд сифатидаги талқини файласуфлар билан муносабатлар фонида акс этган бўлса-да, асосий планга чиқарилмаган эди. Низомийнинг «Иқболнома»сидан кенгая бошлаган бундай ёндашув Хусрав достонида муаллифнинг панд-насихатлари кўринишида ривожлантирилди. Жомий эса Низомий йўлидан бориб, Искандар ва унинг ёнидаги донишмандлар тилидан келтирилган турли ўғитларга жиддий эътибор қаратди. Хуллас, Жомий Искандар мавзусидаги донишмандлик мотивларига асосий эътиборни қаратиш орқали салафларига нисбатан индивидуаллик кўрсатди.

Жомий достонининг манбалари масаласида таъкидлаш керакки, ушбу асар, аввало, шарқ ҳикмат адабиётига таянади. Достон сюжетида тарихий ҳақиқат ифодасидан кўра кўпроқ Псевдо-Каллисфен сюжетининг айрим излари кўзга ташланади. Достондаги турли хирадномалар эса юнон фалсафаси таъсирида пайдо бўлган ҳикмат адабиёти – «Мифтоҳ ул-ҳикам», «Жовидони хирад» сингари асарлар ва уларни қайта ишлаш натижасида юзага келган. Мавзу тарихида бундай хирадномаларни ижод қилиш ва олиб кириш ҳодисаси, асосан, Шарқда пайдо бўлган. Шу боис уларда исломий эътиқод эгаси, мўмин кишининг дунёқароши яққол намоён бўлади. Лекин «Искандар хирадномаси»<sup>387</sup> номи остида келтирилган айрим ҳикматлар<sup>388</sup>

---

<sup>387</sup> خردنامه اسکندری (URL: <https://ganjoor.net/jami/7ourang/7-7/sh11> 07.06.2021)



ҳақиқатда юнон манбаларидан трансформация бўлган<sup>389</sup>. Жомий келтирган хирадномалар, асосан, шарқ тафаккурининг маҳсули бўлса-да, уларда баъзан юнон фалсафасига тегишли фикрлар, ғарб манбаларининг излари<sup>390</sup> учраб туради. Қадимдан тарихчилар подшоҳларнинг ҳикматли сўзларини тўплашган. Масалан, Плутарх подшоҳлар ва саркардаларнинг ҳикматли сўзларини тўплаган, улар орасида Филипп ва Александрнинг ҳикматлари ҳам бор. Ёки Плутарх ўз асарида Александрни ҳозиржавоб, мушоҳадакор ва файласуф шахс сифатида талқин қилган. Бизнингча, Плутархнинг бундай ёндашуви кейинчалик Искандар мавзуси тарихидаги ўзига хос тенденция – Искандарни файласуф ёки донишманд қиёфасида тасаввур ва талқин қилиш, унинг турли ҳикматли сўзларини келтириш ёхуд унга нисбат беришни келтириб чиқарган. Бу тенденцияни шарқ адабий аъъанасида тасвирлаш борасидаги илк жиддий қадамни Низомий «Иқболнома»да ташлаган бўлса, Жомий бу йўналишни ҳадди аъъосига кўтарди. Шу боис Жомий асарининг генезиси Низомий, Фотик, Фирдавсий ва Масъудий каби шарқ ижодкорларининг асарлари орқали билвосита Псевдо-Каллисфен аъъанаси ва Плутарх асарига бориб туташади.

Жомий композиция масаласида ҳам салафларини такрорламади. У дostonни шарқ дидактик маснавийларида кенг қўлланган классик усул – бирор фикр ва исбот учун ҳикоя келтиришдан унумли фойдаланди. У бу борада кўпроқ шарқ маснавийнавислиги тажрибаларига таянган бўлиб, дебочани X боб, асосий қисмни XXVIII боб, хотимани II бобдан иборат қилиб тузди (3-илова). Кириш қисмидаги X боб аъъанавий характерга эга, фақат Жомий дебочага ҳам иккита ҳикоят киритган. XXVIII бобни ўз ичига олувчи асосий қисм эса ягона қонуният – назарий фикр (ёки воқеа) ва исботи учун ҳикоят келтириш асосида тартибланган. Жомий шу тарзда дostonнинг

<sup>388</sup> Чомй Абдурахмон. Осор. Дар ҳафт чилд. Чилди 5. Лайлй ва Мачнун. Хирадномаи Искандарй. Ба чоп ҳозиркунанда А. Афсаҳзод. – Душанбе: Адиб, 1988. – С. 322 – 323.

<sup>389</sup> Плутарх, – Б. 16; 44.

<sup>390</sup> Pseudo-Callisthenes, Syriac Version, – P. 109 – 113; Midrash Rabbah. Genesis (in two volumes) I. Translated into english with notes, glossary and indices under the editorship of rabbi dr. H. Freedman, B.A., Ph.D. – London: Soncino press, 1961. – P. 257 – 259.

асосий қисмини яратар экан XX асосий бобга ҳикоят илова қилади. Лекин дostonнинг айрим ўринларида бу қонуният бузилган, масалан, XVII, XX, XXII, XXVI, XXVII ва XXVIII бобларга ҳикоятлар илова қилинмаган. XXIV, XXV бобларда эса ҳикоят ўрнига ҳақимларнинг таъзиялари баён қилинган. Асосий бобларнинг ички структураси салафлариникига ўхшаш, хусусан, Жомийнинг сарлавҳалари Низомийникига яқин. Шунингдек, Жомий ҳар бири икки байтдан иборат соқийнома ва муғаннийномаларни ҳам сақлаб қолган ва уларни ҳикоятларнинг ортидан хулоса ўлароқ тасвирлаб борган. Ушбу лирик чекинишлар бобнинг асосий қисми ва ҳикоятни яхлитлаш, уларнинг мустаҳкам алоқасини таъминлаш каби поэтик функцияларни бажарган.

Достонни бу тарзда яратиш Жомий учун кўп жиҳатдан аҳамиятли эди. Аввало, масалага бундай ёндашув сюжетга янги-янги материалларни жалб этишга кенг имкон берарди. Мисол учун, Жомий шу усул имкониятларидан фойдаланиб достонга 23 та ҳикоят олиб кирган ва уларнинг аксарияти янги. Иккинчидан, Жомий қўллаган усул композицион ўзига хосликни юзага чиқариш имконини ҳам берган. Учинчидан, бу усул ахлоқий-таълимий мазмун ифодасига мос бўлиб, дидактик руҳни кучайтириш имконини берган, фалсафий-маърифий ўғитлар таъкид олган. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ахлоқий-таълимий қарашларни баён қилиш позициясида қатъий турган Жомий масалага онгли ёндашиб, ўз мақсадига тўла эришган.

### 3.2. «Садди Искандарий» достонида сюжет ва образлар такмили

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонини ёзишга киришган пайтда искандарнома яратиш бўйича улкан тажриба тўпланган эди. Низомийдан кейин мавзунинг муайян жиҳатларига устуворлик бера бошладилар. Бундай ёндашув, бир томондан, ижодий оригиналликни таъминлаш имконини берган бўлса, бошқа томондан, қисса тасвирининг ҳақиқат билан мутаносиблиги борасида сюжет деградациясига олиб келди. Низомийдан сўнг қиссанинг тарихий асосланган сюжети, эпизодларини батафсил тасвирлашдан тийила бошлашди. Мавзуга оид воқеликдан ўтмишнинг ибратли жиҳатларини кўрсатиш мақсадида эмас, балки шахсий қараш ва талқинлар устуворлигини таъминлаш воситаси сифатида фойдалана бошлашди. Шу зайл мавзу таркибидаги анъанавий воқеликлар субъектив ёндашув маҳсули бўлган бадиий тўқималар билан алмашиб борди. Бундай янгиликлар ҳар қанча мазмундор ва шарқ халқлари дунёқарашига мос бўлмасин, мавзу учун «бегона» эди. Натижада Навоий даврига келиб Искандар қиссаси ва асосий қаҳрамонлар тасвирида тарихий ҳақиқат ифодаси анча хиралашиб бўлган эди. Мавзунинг табиати, сюжети ва талқинларида эса тарихийликдан кўра адабий уйдирма – бадиийлик тамойиллари барқарорлашиб улгурди.

Навоий закий ижодкор сифатида бу жараёни яхши тасаввур қилди, шу боис ишни мавзу тарихини жиддий ўрганишдан бошлади<sup>391</sup>. Ҳолбуки, унда ҳам Хусрав ва Жомий сингари қисса борасида Низомийни эътироф этиб, мавзунинг бирор жиҳатига урғу бериш орқали индивидуалликни таъминлаш имкони мавжуд эди. Бироқ Навоий бу қулайликдан воз кечиб, хиралашиб бораётган тарихий эпизоду тафсилотларни қайта тиклаш ва улардаги мантиққа устуворлик бериш йўлини танлади. Навоийнинг бу танлови адиб табиатидаги ижодий журъатнинг намойиши бўлса, иккинчи томондан, бундай кескин ҳаракат натижаси сифатида дostonдаги адабий-эстетик

<sup>391</sup> Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy: nasriy bayoni bilan, nashrga tayyorlovchi M.Hamidova. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2006. – B. 54; 65.

воқелик тизимининг тушунилиши ва ҳис этилишини ҳам қулайлаштиради. Зеро, «асардаги ғояни тўғри тушуниш ва таҳлил қилиш, биринчи навбатда, муаллиф позициясини аниқлашдан бошланади»<sup>392</sup>.

Навоий бу борада «Садди Искандарий»да шундай ёзади: «Бу гавҳарфишонликдин чун улуғ мақсуд тарих илми махзанига вуқуф топмоғлиғ ва бу жавоҳир нишонликдин куллий мурод салотини мозия ҳолоти макшуф бўлмоғ эрди...»<sup>393</sup>. Яъни Навоий «Садди Искандарий»ни ёзишда китобхонни тарих илмидан хабардор қилишни ҳам мақсад қилиб олган. Искандарномаларни «машҳур фотиҳнинг таржимаи ҳоли ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз»<sup>394</sup> бўлса-да, адибнинг юқоридаги қайдлари «Садди Искандарий» мауийан тарихий асосга ҳам таяниши, унга бутунлай тўқима ёки мажозий асар сифатида қараб бўлмаслигини англатади. Акс ҳолда, тарих ёзишнинг классик қоидаларига амал қилиб, пролог сифатида Ажам шоҳларининг тўрт сулоласи тарихини махсус ёзмаган бўларди.

Демак, Навоий, аввало, мавзуга ёндашувни ўзгартирди – мавзунинг нисбатан қадимий ва табиий қамровига мос Искандар тарихини тасвирлашни кўзда тутди. Бундай ижодий ният тасвирда тарихий қатламнинг бош планга чиқишини тақозо этган. Шу билан бирга ижодкорга Низомий ва Хусрав тажрибалари ҳам маъқул келган.

Ана шундай тараддудлар исканжасида турган пайтда Жомийнинг ҳам исқандарнома ёзаётгани, бунда саргузаштларга эмас, балки Искандарнинг мулоҳазалари тасвирига эътибор қаратилаётганидан хабар топади. Жомий тутган йўл Навоийни кўпдан бери ўйлантириб келаётган *асарни қандай ёзиш керак* деган масалага ечимига туртки берган<sup>395</sup>. Навоий Низомий ва Хусравни, асосан, Искандар қиссасию афсонасини айтган деб, Жомийни эса Искандарнинг сўзларига эътибор қаратган деб ҳисоблайди. Мазкур икки

<sup>392</sup> Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 62.

<sup>393</sup> Saddi Iskandariy, – В. 54.

<sup>394</sup> Қаямов А. Садди Искандарий. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 10.

<sup>395</sup> Saddi Iskandariy, – В. 44 – 45.

ёндашувни мавзу тарихидаги икки хил йўл деб билади ва ўз асарида уларни бирлаштириш орқали учинчи йўл – янги ёндашувни намоён этишга қарор қилади. Дарҳақиқат, мавзунинг Навоийгача бўлган бадиий ривожда жаҳонгирлик ва ахлоқий-маърифий жиҳатлар тасвирида мантиқий ва адабий-эстетик мувозанат таъминланган, муаллифнинг ижодий муносабатини мукаммал акс эттирган асар яратилмаган эди. Шу боис Навоий тутган йўл мавзу талқинида мутлақо янгилиги билан эътибор қозонди.

Бундай йўл тутишнинг бир неча сабаблар бўлган: биринчидан, Навоий Низомий ва Хусрав сингари Искандар тарихини, Жомий каби унинг ҳикматли сўзларини тасвирлашни хоҳлаган. Натижада, моҳиятига кўра бу икки йўлнинг синтезига таянувчи ўзига хос учинчи ёндашув юзага келган. Иккинчидан, Навоий ўз ижодий принципларига мувофиқ анъана доирасида салафларини такрорламаслиги шарт эди<sup>396</sup>. Учунчидан, мазкур ёндашув Навоийга Искандар ҳақидаги катта адабий материални бир асарга кўпроқ жалб этиш ва турли ижодий мақсадларда фойдаланиш имконини берарди. Тўртинчидан, Навоий туркий тилда ҳам тарихий қиссалар ёзиш мумкинлигини исботлашни, айти пайтда, туркийларни Искандар қиссаси билан таништиришни мақсад қилган. Шу тариқа, Навоий «Садди Искандарий» достонида биринчи планда Искандар тарихини тасвирлади, ортидан қиссага зеб бериш учун турли ҳикоятларни ҳам бериб борган.

Навоий Искандар тарихидан воз кечишни хоҳламаганидек, у билан боғлиқ барча тафисотларни бир асарга сиғдириб бўлмаслигини (ҳатто, бундай ёндашувнинг ўзини оқламаглигини) ҳам яхши тушунган. Зеро, адиб, бугунги тил билан айтганда, Искандар образининг Шарққа трансформацияси ва рецепция жараёнида жиддий ўзгаришларга учрагани, тинимсиз янги (тўқима) сюжет линиялари, эпизодлар қўшиб борилгани, натижада Шарқнинг ўзида Искандар қиссасининг бир неча версия ва вариантлари юзага келганини яхши билган. Навоий наздида Искандарнинг ишлари шу қадар кўп

---

<sup>396</sup> Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Adabiyot, 2021. – Б. 154.

эдики, ҳаммаси бир асарда тасвирланса, «Шоҳнома» юзага келади<sup>397</sup>. Шу боис шоирнинг мана бу мисралари бежиз эмас:

Тамоми бу эрдики, қилдим адо,  
Вале эмди тавфиқ берса Худо,  
Сунуб панжа куллий ише сори қўл,  
Қилай назмким, асл бўлғай ҳамул:  
Алардин бири эрди Доро иши  
Ким, ул навъ иш ёд бермас киши<sup>398</sup>.

Навоий назарида Искандар қиссаси мундарижасини бир асарга сиғдириш имконсиз, улар орасидан «асл» – ҳақиқатга энг мувофиқ деб билган муҳим воқеаларнигина ажратиб олиш шарт. «Алардин бири эрди Доро иши» деганда ҳам муҳим ва асл тарихий воқеалардан бири Доро билан тўқнашув эканини назарда тутлади.

Навоий достонидаги сюжет линияларининг кейинги ривожи айни мана шу нуқтаи назар билан белгилаб олинган. Навоий дostonда ўзи муҳим деб ҳисоблаган, тарихга мувофиқ ва тасвирланиши зарур деб ўйлаган образ ва эпизодлар тасвиригагина куч берган.

Қиссани «кизб олойиши» (ёлғон)дан тозалашга эътибор қаратиш ҳам сюжетдаги асосий янгиликларнинг муҳим ва ҳал қилувчи омилларидан бирига айланган. Айни мана шу ижодий принцип «Садди Искандарий» оригиналлиги ва Навоийнинг ижодий маҳоратини белгилашда муҳим аҳамият касб этган. Шу тариқа, Навоий Искандар мавзусининг қуйидаги сюжет линияларини саралаб олган:

1. Тўрт табақа Ажам шоҳлари тарихи.
2. Искандарнинг насаби, таълим олиши ва подшо бўлиши.
3. Искандар ва Доро тўқнашуви.
4. Искандарнинг Кашмирга юриши.
5. Искандарнинг Ҳиндга юриши.

---

<sup>397</sup> Saddi Iskandariy, – В. 96.

<sup>398</sup> Saddi Iskandariy, – В. 96 – 97.

6. Искандарнинг Чинга юриши.
7. Искандарнинг Мағриб сафари.
8. Искандарнинг Яъжужларга қарши кураши.
9. Искандарнинг денгиз сафари.
10. Искандарнинг вафоти.

Достон сюжети мана шу асосларга таянади ва барча образ ва мотивлар тасвири, поэтик талқинлар мана шу «бадий воқелик» доирасида юзага чиқади. Бунда Низомий ва Хусрав талқинлари билан бирга машҳур тарихчилар қайдлари ҳам таянч бўлган<sup>399</sup>.

Навоий *куллий мақсади*га мувофиқ асосий қисмнинг биринчи бобида **пешдодий, каёний, ашконий** ва **сосонийлар тарихини** мухтасар баён қилади. Чунки Искандар тарихи мазкур сулолалар билан алоқадор бўлиб, Навоий Ажам шоҳларининг умумий тарихини баён қилгач, ундан ўз тасвир объекти – Искандар тарихини ажратиб олишни, бу орқали китобхонга ўтмишнинг умумий манзараси ва ўзи тасвирлашни мақсад қилган тарихнинг ўзаро муносабати ҳақида тасаввур беришни мақсад қилган.

Масалага бундай ёндашув салафларда учрамайди. Айни қисмларнинг сюжет композицияси учун жуда ўринли чиққанини эътироф этиш жоиз. Навоий Ажам шоҳлари тарихи борасида, асосан, Қози Байзовийнинг «Низом ут-таворих»<sup>400</sup>ига, ўрни билан «Тарихи Гузида»<sup>401</sup> ва «Тарихи Банокатий»<sup>402</sup>га таянган. Хусусан, Навоийнинг пешдодийлар ҳақидаги маълумотлари, уларнинг умумий сони (11та) ва кетма-кетлиги кейинги икки тарихий асар билан тўла уйғун. Каёнийларга оид маълумотлар эса Байзовий тарихи билан тўлиқ мос<sup>403</sup>, бироқ Навоий келтирган подшоҳларга оид изоҳларнинг баъзилари, жумладан, Кайқубод ҳукмронлиги даврида Рустам паҳлавони бўлгани ҳақидаги факт «Тарихи Гузида» ва «Тарихи

<sup>399</sup> Тарихи мулуки Ажам, – Б. 217.

<sup>400</sup> بیضاوی عبدالله بن عمر. نظام التواریخ. – تهران: بنیاد، ۱۳۸۲. ص. ۱۴-۵۷.

<sup>401</sup> مستوفی حمدالله. تاریخ گزیده. – تهران: امیر کبیر، ۱۳۳۹. ص. ۷۴-۱۲۸.

<sup>402</sup> بناکتی. تاریخ بناکتی. – تهران: داورپناه، ۱۳۴۸. ص. ۲۷-۶۹.

<sup>403</sup> نظام التواریخ، - ص. ۲۴-۳۱.

Банокатий»<sup>404</sup> даги Кайкубод қиссасидан озиқ олади. Навоий Ажам шоҳлари тарихи борасида, асосан, «Низом ут-таворих»га<sup>405</sup> таянгани, ўрни билан бошқа тарихлар билан солиштириб, зарур ҳолларда ўзгартириш киритганини таъкидлаганда мана шундай ўринларни назарда тутати. Каёнийлар билан боғлиқ муҳим жиҳат шуки, Навоий Искандарнинг айнаи шу замонда дунёни эгаллаганини ёзади, аммо уни каёнийлар сулоласининг вакили деб ҳисобламайди. У бу борада «Низом ут-таворих»га суянади.

Навоий **Искандарнинг насаби, таълим олиши ва подшо бўлиши** борасида адабий («Искандарнома», «Оинаи Искандарий»), тарихий («Тарихи Банокатий») асарлар ва Жомий маслаҳатини конкрет қайд этган, бироқ дostonдаги айрим маълумотлар уларда мавжуд эмаслигига қараганда, бошқа манбалардан ҳам фойдаланган. «Садди Искандарий»да Искандарнинг насабига доир тўрт талқин келтирилган: 1) Искандар Файлакуснинг асраб олган фарзанди (румликлар талқини); 2) Искандар Доробнинг ўғли («Шоҳнома»даги талқин); 3) дунёда иккита Искандар ўтган: бири Доро билан жанг қилган, бири Яъжужга қарши сад курган («Низом ут-таворих»даги талқин); 4) Искандар Файлакуснинг ҳақиқий ўғли (Низомий ва Жомий талқини).

Насабга оид ихтилофлар мавзу тарихида Александр ҳақидаги грек-юнон романларидан бошланади. Навоий дастлаб қайд этган «Искандар асранди фарзанд» деган талқин генетик жиҳатдан ушбу манбаларга бориб туташади. Антик тарихчилар – Диодор, Плутарх, Арриан, Руф ва Юстин Александрнинг насаби борасида яқдил, улар Александр Филиппнинг малика Олимпиядадан туғилган ҳақиқий ўғли эканига шубҳа қилишмаган. Александрнинг насабига оид шубҳа-гумонларнинг кучайиши тарихдаги икки воқеа билан алоқадор: бири, «Аттал ва Александр можароси»<sup>406</sup>, иккинчиси, «Александрнинг Аммон ибодатхонасига ташрифи»<sup>407</sup>. Бу икки воқеанинг

<sup>404</sup> . ۳۱. تاريخ بناکتی، - ص.

<sup>405</sup> Saddi Iskandariy, – B. 54.

<sup>406</sup> Плутарх, – Б. 17.

<sup>407</sup> Арриан, – С. 142; Руф, – С. 62 – 63.



содир бўлишига эса Филипп ва Олимпияда муносабатларининг совуқлашиши сабаб бўлган<sup>408</sup>. Асл тарихнинг айна мана шу нуқталаридан Псевдо-Каллисфен типига асарларда «Александр худолар наслидан ёхуд худо Аммоннинг ўғли»<sup>409</sup> тарзидаги қарашлар урчиган. «... насл-насаби худолардан эканлигига Искандарнинг ўзи ҳам инонмаган ва бу билан мақтанмаган. Бу уйдирмадан бошқа юртларни забт этишда фойдаланган, холос»<sup>410</sup>. Эътиборли томони, бу манбаларда *асранди фарзанд* мотиви эмас, балки *ноқонуний фарзанд, худолар наслидан бўлган бола* мотивлари мавжуд эди.

Бизнингча, асранди фарзанд мотиви мавзу тарихида Псевдо-Каллисфен анъанаси таъсирда Шарқда юзага келган. Псевдо-Каллисфендаги «Александр Филиппнинг ҳақиқий ўғли эмас» ва «Александр, асли, мисрлик» деган икки талқин Шарққа трансформация бўлгач, Диноварий<sup>411</sup>, Фирдавсий<sup>412</sup> асарларида олға сурилган форслаштириш тенденцияси юзага келишига тўртки берган. Буни форслаштириш тенденциясидаги «Дороб фарзанди дейишдан орланиш», «Филиппнинг Искандарни ўз ўғли деб эълон қилиши» каби тўқималар негизида Псевдо-Каллисфендаги «ноқонуний фарзанд»<sup>413</sup> масаласи туриши ҳам тасдиқлайди. Айнан сурёний версияда Олимпияданинг туғилажак фарзанди, аслида, Аммон (Нектанебус)нинг зурриёди тарзидаги қарашдан «Искандар Филипп томонидан қарамоғига олинган ёки асраб олинган бола» тарзидаги янглиш талқинлар туғилган. Кейинчалик «Искандар Филиппнинг ўғли эмас», «Искандар Филипп томонидан тарбия қилинган, қарамоғига олинган» тарзидаги қарашлар қўшилиб, вақт ўтиши билан «Искандар асранди фарзанд, уни Филипп вайрондан топиб тарбия қилган» тарзидаги янги, фольклорга хос талқинлар юзага келган. Шарқда насабга оид

<sup>408</sup> Плутарх, – Б. 9 – 10.

<sup>409</sup> The History of Alexander the Great. Being the syriac version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts with an english translation and notes by Ernest A. Wallis Budge M.A. – Cambridge: At the university press, 1889. – P. 5 – 11.

<sup>410</sup> Плутарх, – Б. 41.

<sup>411</sup> دنيوري، - ص. ۵۵.

<sup>412</sup> Фирдавсий, Ҷ. 6, – С. 504 – 507.

<sup>413</sup> Pseudo-Callisthenes, – P.10.

ихтилофлар «ривожлантирилди». Шарқлик ижодкорларнинг бу борадаги ишлари бир неча йўналишларда давом этган<sup>414</sup>, хусусан, «Каҳф» сураси нозил бўлгач, дунёда иккита Искандар ўтган, бири Доро билан жанг қилган, бири Яъжужга қарши сад қурган («Низом ут-таворих», «Равзат ус-сафо») тарзидаги талқинлар юзага келган. Бундай мафкуравий эврилишларга қарамай Шарқда яратилган асосий искандарномалар, жумладан, «Садди Искандарий»да Искандар Файлакус (Филипп)нинг ҳақиқий ўғли деган ҳақиқат сақланиб қолган<sup>415</sup>.

Искандарнинг ёшлиги, устози Нақумоҳис, Арасту унинг фарзанди экани, илм ўрганиши, келажаги тўғрисида башоратга оид Навоий тасвирлари кўпроқ «Шарафнома»га уйғун<sup>416</sup>. «Тарихи Гузида» каби тарихларда эса Арасту Искандарнинг вазири бўлгани ҳам айтилади<sup>417</sup>. Тарихан Аристотелнинг отаси Никомах (м.а. 367-йил вафот этган) исмли шахс ва у Македония қироли Аминта III саройида табиб бўлган. Аристотел эса Александрнинг мактабдоши эмас, ўқитувчиси бўлган<sup>418</sup> ва унга беш йил фалсафадан дарс берган<sup>419</sup>. Псевдо-Каллисфенда ҳам ушбу тарихий ҳақиқатлар сақланган<sup>420</sup>, бироқ шарқ манбалари, хусусан, хамсанавислик анъанасида Никомах – Нақумоҳис (Нақуможис) Искандарнинг устози, Аристотел эса вазир сифатида тасвирланган.

Шаҳризурий Арасту Нақумоҳис табибнинг фарзанди, Нақумоҳис эса Македония шоҳи Аминтос (Аминта)нинг хос табиби бўлгани, Арасту шуҳрат қозонгач Филипп уни саройга таклиф қилгани тўғрисида маълумот беради<sup>421</sup>, яъни Арасту ва Искандар устоз-шогирд бўлганини тўғри қайд этади. Фикримизча, бу англашилмовчиликда Псевдо-Каллисфеннинг таъсири бор.

<sup>414</sup> تاريخ بناکتی، - ص. ۴۱ - ۴۲.

<sup>415</sup> Биз аввалги тадқиқотимизда Искандарнинг насаби, Навоий уни ҳақиқий шахзода сифатида тасвирлагани масаласини батафсил тадқиқ қилиб, хулосаларимизни баён қилганмиз. Қаранг: Исмоилов И. Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонининг қиёсий таҳлили. Филол.фан. бўй. PhD дисс. – Тошкент: 2019. – Б. 14 – 20.

<sup>416</sup> Ганҷавӣ, – Б. 44 – 47.

<sup>417</sup> تاريخ گزیده، - ص. ۱۲۵.

<sup>418</sup> Плутарх, – Б. 13 – 15.

<sup>419</sup> Юстин, кн. 12. – С. 109 – 120.

<sup>420</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 13.

<sup>421</sup> شهرزوری شمس الدین محمد بن. نزہت الارواح. مترجم ضیاءالدین دری. – تهران: دانش، ۱۳۱۶. - ص. ۱۳۵ - ۱۴۰.

Биринчидан, айнан шу манбада Александрнинг туғилиши буржлар ва сайёралар билан боғлиқ ҳолда тасвирланган бўлиб<sup>422</sup>, ушбу эпизод Низомий «Искандарнома»сида ҳам мавжуд эди<sup>423</sup>. Иккинчидан, Низомий достонидаги Нақуможис ва Искандарнинг келажакда Арастуни вазир қилиб олиш ҳақидаги аҳдлашувининг илдизлари ҳам айнан Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида учрайди<sup>424</sup>. Учинчидан, Шарқда Нақумохис (Никомах) исмининг Искандарнинг тарбияси масаласига қўшилиб қолишига ҳам Псевдо-Каллисфен сабаб бўлган. Аслида, Александрга алоқаси бўлмаган Никомах исмининг Шарқда Искандар билан боғланиб қолиши, шубҳасиз, Аристотел ҳаётидан хабардор бўлган шарқлик ижодкорларнинг иши. Бу ерда Никомах номигина қайд этилган, унга нисбат берилган ишлар – фалак сирларидан огоҳлик, келажакни башорат қилиш кабилар эса Псевдо-Каллисфеннинг асосий қахрамонларидан бири Нектанебусга тегишли. Шунга караганда, Шарқда тарихий чалкашлик ҳамда Нектанебус ва Нақумохис исмлари талаффузидаги уйғунлик сабабли Нектанебусга хос фолбинлик, башоратгўйлик Нақумохусга нисбат бериб юборилган. Натижада, Навоий достонидаги «Нақумохис Искандарнинг тарбиячиси, у Искандар туғилганидаёқ чархнинг ҳолатига боқиб, унинг келажакда буюк шахс бўлишини башорат қилган, у айн-ул яқин даражадаги устоз бўлган» каби талқинлар келиб чиққан. Шунингдек, Искандарнинг илм олишга бўлган иштиёқи, фавқулодда истеъдоди ҳақидаги Навоий талқинлари<sup>425</sup> асосида ҳам юнон манбалари туради<sup>426</sup>.

Навоий Искандарнинг тахтга чиқиши эпизодига ҳам жиддий эътибор қаратган. Унинг талқинида Искандар аввал бошдан тахтга ўтиришни истамайди, чунки у турли илмларда инсон етиши мумкин бўлмаган даражага етишган бўлиб, отасининг вафоти тимсолида дунёнинг фонийлигига оид

---

<sup>422</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 11 – 12.

<sup>423</sup> Ганчавӣ, – С. 43 – 44.

<sup>424</sup> Pseudo-Callisthenes, I. – P. 19.

<sup>425</sup> Saddi Iskandariy, – B. 67 – 68.

<sup>426</sup> Плутарх, – Б. 15 – 16.

карашларининг исботини кўради<sup>427</sup>. Ушбу лавҳанинг генезиси, аслида, йигирма ёшли Александрнинг Филипп вафотидан сўнг, 335 йилда<sup>428</sup> Пеллепонесда эллинларни йиғиб, ўзига хайрихоҳ қилиш ва режаларига ишонтириш мақсадида катта мажлис ўтказиши воқеасига бориб тақалади<sup>429</sup>. Чунки Александр тахтга чиққан пайтда мамлакат нотинч бўлган<sup>430</sup>. Александрнинг тахтга чиқиши воқеаси Псевдо-Каллисфенда ҳам деярли тарихга мувофиқ қайд этилган, унда умумлаштириш мумкин бўлган қуйидаги жиҳатлар мавжуд: 1. Филипп жароҳатдан хасталаниб вафот этгач, тахт Александрга ўтади. 2. Александр шаҳар марказида аҳолини тўплаб, улар билан маслаҳатлашади. 3. Келгуси режалар: варварларга қарши курашиш, форсларни бўйсундириш ҳақида нутқ сўзлаб, халойиқни ишонишга чақиради. 4. Ҳукмронлиги остидаги мамлакат ва шаҳарларга хат юбориб, ўзига қўшилишга чорлади<sup>431</sup>. Шарқдаги аксар қиссаларда мана шу асослар сақланиб қолган, жумладан, «Равзат ус-сафо»да сурёний версиядаги воқелик такрорланади<sup>432</sup>. Искандарнинг кенгаш чақириб, тахтга чиқиши эпизоди Низомий ва Хусравда йўқ, лекин Жомий тасвирлаган<sup>433</sup>. Жомий талқинидаги асосий жиҳат тенглик, ҳукмдорни сайлов асосида тайинлаш масаласидир. Бунда аслиятга хос сиёсий элементлар тушиб қолган. Навоий бу эпизод талқинида жиддий ўзгариш ясади ва ундан ўз мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланди, айрим ўринларни янгича талқин этди. Биринчидан, Навоий достонида ҳаётий ва бадиий мантиқ уйғунлиги очик сезилади: Файлакус кексайиб, ўз ажали билан вафот этди ва тахт васиятига кўра Искандарга ўтади.

Тарихда, сурёний версияда Филипп суиқасд туфайли қаттиқ жароҳатланиб, сўнгра вафот этади, лекин бу пайтда ёши ҳам анча улғайиб,

<sup>427</sup> Saddi Iskandariy, – B. 68 – 69.

<sup>428</sup> Диодор, – С. 295.

<sup>429</sup> Арриан, – С. 47 – 48.

<sup>430</sup> Плутарх, – Б. 19.

<sup>431</sup> Pseudo-Callisthenes, I. – P. 33-34.

<sup>432</sup> روضت الصفا. ج. ۱، - ص. ۶۴۶.

<sup>433</sup> Жомий, ч. 5. – С. 272 – 275.

давлат бошқаруви аста-секин Александрга ўтаётган эди. Навоий Филипп ўлимнинг сабабини шарқ манбалари таъсирида кўрсатган бўлса-да, умумий мантиқ бузилган эмас – кекса Файлакус ўлиб, ҳукмдорлик Искандарга ўтади. Иккинчидан, Навоий талқинида ҳам Искандар халқни тўплаб, анжуман ўтказди. Бу ўринда ҳақиқий тарих ва сурёний версиядаги таянч нуқта аниқ сақланиб қолган, лекин унинг талқини ўзгарган. Тарихан халқни тўплашдан мақсад уларни ўзига ишонишга чақириш эди. Навоий версиясида мана шу нуқта бутунлай тескари талқин этилган бўлиб, Искандарнинг анжуман тузишдан мақсади тахтдан воз кечганини эълон қилиш эди. Жомийда ушбу эпизод тенглик ва сайлов масалалари билан боғланган бўлса, Навоий бу борадаги талқин савиясини яна бир қарра юқори кўтарди: Искандар халққа тахтга муносиб эмаслиги, дунё ишларига банди бўлишни истамаслигини эълон қилади. Шу тариқа, тарихан тахтни ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида ўтказилган мажлис Навоий даврига келиб тахтдан ихтиёрий воз кечиш эълон қилинган мажлис сифатида талқин этила бошланган. Бу ушбу эпизод тасвири ва талқини тарихида янгилик эди. Ушбу талқинда ислом таълимоти, хусусан, тасаввуфдаги фақирликнинг таъсири аниқ сезилади. Бундай тафовутлар Навоийнинг сиёсий-ахлоқий идеали, асарда кўзлаган адабий-эстетик мақсади тўғрисида муайян тасаввурлар беради. Искандарни тожу тахтга ҳавасманд бўлмаган, балки тақдир тақозоси билангина ҳукмдор бўлган шоҳ сифатида тасвирлашдан, биринчи навбатда, муаллифнинг ўзи манфаатдор эди. Искандарнинг фақир қиёфасида тасвирланиши Навоий феноменига хос маърифий ғояларга қанчалик мувофиқ келса, XV аср Хуросон сиёсий муҳитига ҳам шу қадар зарур эди.

Навоий **Искандар ва Доро муносабатлари тасвирига** ҳам катта ўрин ажратган. Дарҳақиқат, тарихан Александр энг муҳим ҳарбий юришларини Дорога қарши амалга оширган бўлиб, бу воқеа алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган бир неча жиҳатларга эга. Дастлаб, *Доро ва Александр ўртасидаги тўқнашувни келтириб чиқарган омилар* хусусида. Тарихан Доро кўшин тортишига асос бўлган сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

Арсес тахтга келгач, Филипп унга адолатсизлик қилган. Доро тахтга чиққанидан кейин эса Александр унга эски иттифоққа содиқлигини билдириш учун одам юбормаган, бунинг устига Осиёга бостириб кириб, форсларга озор берган. Доро эса ўз ерлари ва юртини ҳимоя қилиш мажбурияти билан Александрга қарши қўшин тортган<sup>434</sup>. Александрнинг Дорога қарши юришдаги асослари эса қуйидагилар эди: Доронинг аждодлари македону эллинлар юртини босиб, зулм қилишган ва отаси Флиппнинг ўлимида уларнинг қўли бор<sup>435</sup>. Псевдо-Каллисфенда юқоридаги асослар ўзгаришга учраган: тўқнашувга сабаб сифатида ўлпон масаласи кўрсатилган<sup>436</sup>. Унинг таъсирида аксар шарқ манбаларида (жумладан, Табарийда) сабаб сифатида бож кўрсатилди<sup>437</sup>.

Низомий «Искандарнома»да Табарий келтирган иккинчи сабабнинг қайта ишланган вариантини асос қилиб олган<sup>438</sup>. Низомий талқинида мухолифатнинг сабаби ҳасад билан боғлаб юборилган бўлса-да, воқелик зимнида Искандарнинг ўз ҳукмронлигини кенгайтиришига қаршилиқ масаласи турибди. Бу эса Арриан қайд этган Александрнинг Доро ҳукмронлиги остидаги ерларга кириб, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринишининг бироз ўзгарган шакли. Ибн Балхий Искандар ва Доро ўртасидаги тўқнашувга сабаб бўлган омилларни шундай умумлаштирган: «Искандарнинг форсга келишига уч нарса сабаб бўлган, бири Доро бин Доронинг «ота-боболаринг юборган хирожни юбор, йўқса Румни яқсон қиламиз» дея юборган кўпол хабарининг Искандарга оғир ботиши. Иккинчиси, отасининг вазири бўлган Раштиннинг Доро бин Дородан ранжиши ва унинг айбу нуқсонларини айтиб, Искандарга ёрдам бериши. Учинчиси, Доро бин Доро ва унинг вазири бадсийрату бадрой эди. Ҳамма лашкар ва раият ундан нафратланар эди»<sup>439</sup>. Мирхонд ҳам «Равзат ус-сафо»да

<sup>434</sup> Арриан, – С. 91.

<sup>435</sup> Арриан, – С. 91 – 92.

<sup>436</sup> Pseudo-Callisthenes, I. – P. 31.

<sup>437</sup> تاریخ طبری. ج. ۲، - ص. ۴۸۸ - ۴۹۲.

<sup>438</sup> Ганҷавӣ, – С. 72 – 73.

<sup>439</sup> ابن بلخی. فارسنامه. – تهران: اساطیر، ۱۳۸۴. ص. ۵۷.

Файлакуснинг Доро хазиначига ҳар йили вазни қирқ мисқолга тенг минг олтин байза (тухум шаклидаги тилла) юборгани, зиддиятнинг келиб чиқишига шу хирожнинг тўланмай қолиши сабаб бўлганини айтади<sup>440</sup>. Масъудий юнонлар Бухтуннаср (мил. авв. 604 – 562) замонидан форсларга тилла тухум шаклида хирож тўлашганини ёзади<sup>441</sup>. Қисқаси, Шарқ тарихчиларидан Табарийда, адиблардан Низомийда ҳақиқатнинг айрим излари сақланиб қолган, аксар тарихий ва адабий манбаларда эса хирож асос қилиб олинган. Хусусан, Навоий ҳам «Садди Искандарий»да хирож зиддиятни келтириб чиқарган асосий сабаб эканини кўрсатган. Таъкидлаш керакки, Шарқда Доро ва Искандар муносабатларига хос асосий жиҳатлар Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясидан трансформация бўлган.

Доро ва Искандар муносабатларига оид Навоий тасвирларида *элчилар воситасида қилинган мунозара* муҳим ўрин тутади. Тарихан икки шоҳ ўртасида бундай мунозара бўлмаган. Доро икки бор Александрга элчилар юборган, бу воқеалар Исдаги илк тўқнашувдан сўнг содир бўлган<sup>442</sup>. Доро ҳар икки сафар оиласини асирликдан қутқариш учун турли товонлар, Осиёнинг катта қисми ва қизларидан бирини таклиф қилиб элчилар жўнатган<sup>443</sup>. Бизнингча, Доро ва Александр ўртасида икки бор элчилар орқали бўлиб ўтган ушбу мулоқот кейинчалик Псевдо-Каллисфен аънарасига ўтиб, қайта ишланган ва шарқ искандарномаларида кенг ёйилган Доро ва Искандарнинг элчилар воситасида қилган мунозарасининг асоси деб олиш мумкин бўлган эпизод юзага келган<sup>444</sup>.

Навоий Доро ва Искандарнинг элчилар воситасидаги мунозараларига оид Низомий тасвирларидан яхши хабардор эди. Эпизодни Навоий достонидаги параллели билан қиёслаш «Садди Искандарий»даги айрим мотив ва образлар, ҳатто, айрим тасвиру талқинлар манбасини конкрет

<sup>440</sup> روضت الصفا. ج. ١، - ص. ٦٤٧.

<sup>441</sup> مسعودی، - ص. ٢٨١.

<sup>442</sup> Арриан, – С. 91; 101.

<sup>443</sup> Диодор, – С. 316; 325 – 327.

<sup>444</sup> Pseudo-Callisthenes, I. – P. 31.

кўрсатиш имконини беради. Биринчидан, ҳар икки манбада Александр ва Доро муносабтларининг совуқлашишига сабаб ўлпон экани кўрсатилган.

Иккинчидан, ҳар икки версияда ўлпон олишнинг адолатсизлигига урғу берилган. Псевдо-Каллисфенда Александрнинг Худо инъом этган ер ва сув учун Дорога солиқ тўлаши, «Садди Искандарий»<sup>445</sup> да шоҳликнинг бақосизлиги, ранж чекиб ганж тўплаш қораланади. Қайд этиш керакки, қадимдан Александр босқинлари адолатсиз эканлигини диний далиллар билан асослаш анъанаси бўлган<sup>446</sup>. Навоий версиясида ҳам Доро томонидан солиқ солинишининг тўғри эмаслиги диний-тасаввуфий ғоялар билан асосланади, яъни сурёний версиядаги асослаш тарзи ва асос деярли сақланиб қолган. Забурдаги «Аллоҳ адолатли, унинг неъматлари барча жонзот учун»<sup>447</sup> (Заб. xxxv, 7) деган ғоя Талмуд адабиётида янада конкретлаштирилган. Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида эса бу ғоя «очкўзлик» билан боғлаб юборилган. «Садди Искандарий»да эса Доронинг солиқ сўраши нотўғри деган қараш ислом, хусусан, тасаввуф таълимотида муҳим ҳисобланган *бақо* ва *фано* тушунчалари билан алоқадорликда тасвирланади. Навоий достонида Псевдо-Каллисфендаги «очкўзлик» билан боғлиқ жиҳат давом эттирилиб, Навоий бебақо дунёда ғурурга кетиб мол-дунё тўплашга ошиқма, дер экан Псевдо-Каллисфендаги ғояни ривожлантирган ва мавжуд асосни янада мантиқли, рад этиб бўлмас тушунчалар билан бойитган. Навоий ўз талқинида янада мантиқли ва ҳаётий асосга таянишга ҳаракат қилган.

Учинчидан, сурёний версиядаги товук, тилла тухум мотивлари Навоий достонида ҳам айнан сақланиб қолган. Бу – Навоий ўз достонини яратиш жараёнида таянган манбалар илдизи Псевдо-Каллисфеннинг айнан сурёний версиясига бориб туташишини тасдиқлайди. Зеро, асарнинг грек ва арман

---

<sup>445</sup> Saddi Iskandariy, – B. 100.

<sup>446</sup> Midrash Rabbah. Genesis (in two volumes) I. Translated into english with notes, glossary and indices under the editorship of rabbi dr. H. Freedman, B.A., Ph.D. – London: Soncino press, 1961. – P. 257 – 259; Fragment 23. G/A. URL: <http://www.attalus.org/translate/alexander1c.html> (06.07.2022)

<sup>447</sup> Инжил. Тавротдан Ибтидо ва Забур. Таржимонлар: Валий Зуннун, Иброҳим Абаев, Юсуф Гулкарров. – Туркия: Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 1996. – Б. 765.



версияларида товук ва тилла тухум деталлари мавжуд эмас<sup>448</sup>. Сурёний версияда хирожнинг шакли, миқдори ҳақида қайдлар йўқ. Шарқ манбаларида эса хирож тухум шаклидаги 1000 олтин байза экани қайд этилади. Навоийнинг ўзи ҳам шарқ манбалари таъсирида Файлақус Дорога йилда 1000 олтин байза хирож тўлаб турганини ёзади. Аммо Шарқда хирож миқдорининг 1000 рақами билан боғланиб қолишини бироз тушунтириш мушкул, чунки айни шундай воқелик на тарихда, на Псевдо-Каллисфенда мавжуд. Лекин Александрнинг ҳақиқий тарихида айрим халқларга 1000 олтин талант<sup>449</sup> солиқ солингани ҳақида қайдлар бор<sup>450</sup>. Бироқ Масъудий қайд этадики, юнонлар форсларга Бухтуннаср (мил. авв. 604 – 562) замонидан тилла тухум шаклида хирож тўлай бошлаган<sup>451</sup>. Товук детали эса Псевдо-Каллисфенда ҳам, «Садди Искандарий»да ҳам мажозий талқин этилган бўлиб, бунда Филипп назарда тутилган.

Тўртинчидан, мазкур эпизоддаги Александрнинг суратини чизиш детали ҳам Шарқда яратилган искандарномаларда (Фирдавсий ва Аҳмадий) кенг ёйилган, бироқ Навоий ушбу детални тасвирлаган эмас.

Бешинчидан, Дорога хирож бермаслик учун кўрсатилган асослар, ҳар қанча ҳақиқат ва мантиқли бўлмасин, ҳозиржавоблик, софистикага ўхшаш муносабат натижаси бўлиб, шу асосларни келтирган Искандарнинг ўзи ҳам ҳаётда бу қоидага амал қилмайди. Бироқ Навоий Дорога солиқ тўламаслик учун кўрсатилган асосни янгилаш – талқинга бақо ва фано тушунчаларини олиб кириш орқали софистиканинг изларини бутунлай йўққа чиқарган. Навоий ҳадеб хирож йиғиш ақлсизлик деган қарашни илгари суриб, Дорога солиқ тўламаслик учун кўрсатилган асосни фано ва бақо тушунчалари воситасида тўла исломий ўзанга кўчирган, шу боис Навоий келтирган асос билан кейинчалик Искандарнинг Ҳиндистонга солиқ солиши ўртасида зиддият юзага чиқмайди. Шу тариқа, бир эпизод тасвирида ҳар бир муаллиф

<sup>448</sup> Fragment 23. G/A. URL: <http://www.attalus.org/translate/alexander1c.html> (06.07.2022)

<sup>449</sup> Талант – тахминан 30 – 35 кг атрофидаги оғирликни билдирувчи қадимий ўлчов бирлиги.

<sup>450</sup> Арриан, – С. 73; Pseudo-Callisthenes, – P. 64.

<sup>451</sup> مسعودی، - ص. ۲۸۱.

эътиқоди, менталитети ва услубини намоён этувчи индивидуал тафаккур тарзи ва унинг элементлари муҳрланиб бораверган.

Шарқ исқандарномаларида *Доронинг иккинчи бор элчи юбориши масаласи* ҳам жуда кенг оммалашган. Псевдо-Каллисфенда Доро Александрнинг жавобларини эшитиб дарғазаб бўлади, ундан уч нарса: элчиларни таҳқирлагани, отасидан сўнг тахтни ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани ва Доронинг худуди бўлган ерларга юриш қилгани учун қасос олишга қарор қилади<sup>452</sup>. Ушбу асосларнинг учинчиси асл тарихий ҳақиқатга мувофиқ. «Садди Искандарий»да қасос олишнинг уч асоси умумлаштирилган бўлиб, Доро бу қилиққа яраша «гўшмол» (танбех) бериб кўйишни қасд қилгани айтилади. Фақат Навоий талқинида «ерларга бостириб кириш» детали хиралашиб, Доронинг нафсониятига тегиш масаласи бўрттирилган. Псевдо-Каллисфенда Доро иккинчи бор элчилар юборар экан, улардан беш нарса бериб юборади: 1) хипчин (ёки қамчи); 2) тўп; 3) бир сандиқ олтин; 4) кунжут; 5) мактуб. Доро мактубда Александрга дағдаға қилиб, юборган нарсаларининг рамзий маънолари ҳақида ҳам сўзлайди. Мактуб қуйидагича бошланади: *«Шоҳлар шоҳи ва худоларнинг қариндоши, худо Митра билан подшо қилиб кўтарилган, юлдузлар ўғли форс Дародан хизматкорим Александрга салом»*<sup>453</sup> (таржима бизники – И.И.). Мазкур бошланмада қадимий форс ҳукмдорлари ўзларини «худолар қариндоши», «юлдузлар фарзанди» тарзида таърифлаш орқали насабларини илоҳийлаштиришга, тахтга худоларнинг инояти билан келганлигига ишонтиришга урингани ҳақидаги қараш акс этган.

Навоий талқинида Доро Искандарга қуйидаги уч нарсани юборади:

1. чавгон. 2. гўй. 3. кунжут тўла идиш.

Навоий достонида мактуб детали оғзаки хабар билан алмашган. Элчининг хабар ҳам Псевдо-Каллисфендаги каби бошланмайди, аммо ўша мактуб бошланмасида акс этган «худоларнинг қариндоши» мотивининг

<sup>452</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 46.

<sup>453</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 46.

излари сақланиб қолган. «Садди Искандарий»да элчи Доро тилидан «шоҳлар бизнинг бандамиз ва хизматкоримиз, уларнинг хирож тўлаши ҳукмимизга итоат белгисидир»<sup>454</sup> дейди ва бу орқали ўзини шоҳларнинг Худосидек тутади. Искандар айна шу нуқтани таъкидлаб, Дорони ширкдан тийилишга ундайди:

Бу сўзким деди шоҳи дарёато,  
 Шак эрмаски, бордур саросар хато.  
 Эрур ширк чун Тенгрининг ширкати,  
 Киран куфр йўлиға бу фикрати<sup>455</sup>.

Навоий талқинидаги Доронинг ўзини Худога тенглаштириши ёки ўзини худодек тутиши мотиви, шубҳасиз, Псевдо-Каллисфендаги «худолар қариндоши», «юлдузлар ўғли» каби мотивларнинг трансформацияга учраган шакли сифатида намоён бўлади. Чунки ўхшаш мотивларнинг сюжетнинг бир хил ўрнида учраши улар генетик алоқадор эканини тасдиқлайди.

Псевдо-Каллисфендаги мактуб ва «Садди Искандарий»даги элчининг хабари мазмунан бир хил – элчилар орқали бериб юборилган нарсалар, уларга оид Доро изоҳлари ҳам шарқ манбалари, жумладан, Навоий достонида деярли сақланиб қолган, фақат «бир сандиқ олтин» детали тушиб қолган:

1-жадвал

№	«Псевдо-Каллисфен» (сурёний версия)да	«Садди Искандарий»да
1	<b>хипчин</b> (ёки қамчи) – ёшлик гаштини суриш учун	<b>чавгон</b> – ёш болалардек ўйнаши учун
2.	<b>тўп</b> – тенгдошлари билан ўйнаш учун	<b>гўй</b> – ёш боладек ўйнаши учун
3.	<b>кунжут</b> (10 кг атрофида) – лашкарлари сонини тасаввур қилиши учун	<b>кунжут</b> (бир идишда) – аскарлари кўплигини тасаввур қилиши учун
4.	<b>бир сандиқ олтин</b> – Александрнинг ортга қайтиш харажатлари, ночорлиги учун	–

<sup>454</sup> Saddi Iskandariy, – В. 104.

<sup>455</sup> Saddi Iskandariy, – В. 106.

Александрнинг Дорога маҳорат билан жавоб қайтаргани, Доро томонидан юборилган нарсаларни ўзига хос рамзий талқин этиши лавҳаси ҳам «Садди Искандарий»гача етиб келган ва Навоий талқинида қадимий илдизларига хос хусусиятларни сақлаб қолган. Аслида, масхара қилиш учун юборилган нарсалар Псевдо-Каллисфенда «худоларнинг башорати», Навоий достонида эса «яхшилик аломати» сифатида қабул қилинади:

2-жадвал

№	«Псевдо-Каллисфен» (сурёний версия)да	«Садди Искандарий»да
1	<b>хипчин</b> (ёки қамчи) – шоҳлар шоҳи сифатида қабул қилдим, у қурол билан душманларни савалаб бўйсундиришимни англатади	<b>чавгон</b> – Доронинг ўз ўрнини Искандарга бериши, Искандарнинг ҳукмдорлигига ишора
2.	<b>тўп</b> – думалоқ тўп эса бутун дунёни ушлаб туришимнинг белгиси, чунки дунё юмалоқ ва айнан шарга ўхшаш	<b>гўй</b> – бутун дунёнинг унга берилиши, чунки ернинг тузилиши гўй каби мудаввар
3.	<b>кунжут</b> – лашкари сонининг кўплигини, аммо улар таъмсиз (фойдасиз) эканини билдиради	<b>кунжут</b> – сенинг лашкаринг кунжут бўлса, менинг лашкарим қуш, кунжут эса қушнинг ғизоси
4.	<b>бир сандиқ олтин</b> – урушда сени енгишим ва менга хирож тўлашинг белгиси	–

Хирож масаласидаги иккинчи бир жиҳат *гўй, чавгон, кунжут, қуш ёки парранда деталларининг искандарномаларга келиб қўшилишидир*. Тарихда айрим шунга ўхшаш маълумотлар сақланиб қолган, масалан, қадимги форс ҳукмдорлари вассаллардан тобелик белгиси сифатида «сув ва тупроқ талаб қилишган»<sup>456</sup>. Ёки Александр ҳақидаги қадимий манбаларнинг баъзиларида шунга ўхшаш рамзий буюмлар воситасида баҳс мотиви қайд этилган<sup>457</sup>. Лекин Александр ҳақидаги ишончли манбаларда айнан юқоридаги рамзий мунозаралар учрамайди. Хирож қиссасига гўй, чавгон, кунжут каби элементларнинг қўшилиши ҳам тарихий чалкашлик ёки фольклор

<sup>456</sup> Геродот. История в девяти книгах. – Ленинград: Наука, 1972. – С. 242.

<sup>457</sup> Руф, – С. 160.

анъаналари таъсири маҳсулидек кўринади. Ҳар ҳолда, бундай деталларнинг Псевдо-Каллисфенда учраши шунга ишора қилади. Руф ўз тарихида қайд этган «рамзий буюмлар воситасида баҳс» мотиви ёки шунга ўхшаш эпизод трансформация жараёнида номаълум йўллар билан тарихий ўрнини ўзгартириб, Доро ва Александрнинг диалоглари сирасига қўшилиб кетган бўлиши керак. Бизнингча, кейинчалик тарихни қайта ишлаш ёки асарни ўқишли қилиш йўлида изланган ижодкорлар шундай ихтирога қўл урган.

*Доронинг ўлими билан боғлиқ тафсилотлар* эса тарихий-адабий манбаларда кўп учрайди. «Садди Искандарий»да тасвирланган мазкур воқеликда уч асосий жиҳат мавжуд: 1. Искандарнинг какликлар воситасида жанг натижасига ишора кўриши. 2. Дорога суиқасд. 3. Доронинг васиятлари.

Искандар ишларини фол орқали билиш ёшлик йилларидан бошланади, умуман, искандарномаларда фол мотиви алоҳида ўрин тутди. Искандарнинг Дорога қарши *уруш натижасини какликлар жанги воситасида башорат қилиш эпизоди*<sup>458</sup> «Садди Искандарий»да муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, Доро ва Искандар қўшинлари нисбатининг катта эканини кўрсатади, иккинчидан, Дорога қарши жангдан олдин Искандарнинг хавотирини ифодалайди, учинчидан, жанг натижасига ишора қилади. Навоий ифодалаган ҳар уч маъно айна тарихий ҳақиқат. Лекин ушбу эпизоднинг тарихи, трансформацияси масаласи бироз бошқача. Бу лавҳанинг «Садди Искандарий» сюжетида пайдо бўлишида Низомий «Искандарнома»си<sup>459</sup> восита бўлган<sup>460</sup>. Аслида, Низомийга ҳам бошқа манбадан ўтган<sup>461</sup>. Тарихий асарларда шунга ўхшаш қайдлар, яъни Доро билан жангдан олдин Искандарнинг бирор предмет билан боғлиқ ҳолда фол йўйиш мотиви манбаларда анча фаол қўлланган<sup>462</sup>, эпизоднинг асоси деб қараш мумкин

<sup>458</sup> Saddi Iskandariy, – B. 120 – 121.

<sup>459</sup> Ганҷавӣ, – С. 75 – 76.

<sup>460</sup> Ушбу эпизоднинг Низомийдан Навоийга трансформациясидаги ўзгаришларни аввалги ишларимизда батафсил таҳлил этганмиз. Қаранг: Ismoilov I. “Saddi Iskandariy” dostonida fol motivi va badiiy tarnsformatsiyasi // NamDU ilmiy axborotnomasi. 2022, 3-son. – B. 796 – 800.

<sup>461</sup> صفا ذبيح الله. حماسه سرايي در ايران. – تهران: پيروز، ۱۳۳۳. – ص. ۳۴۹.

<sup>462</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 72 – 73; Фирдавӣ, – С. 513 – 518; ۲۰۳-۲۰۴. ص. ۶۶ – 67, 74; Плутарх, – Б. 37; Pseudo-Callisthenes, – P. 11.

бўлган воқеа эса Плутарх томонидан ёзиб қолдирилган<sup>463</sup>. Плутарх ва Навоий хикоя қилган эпизодларнинг мазмуни, фабуласи деярли бир хил, фақат тафсилотлар фарқли.

*Икки ноиб ва Доронинг ўлдирилиши* эса манбаларда турлича изоҳланган. Арриан Александр борганида Доро ўлиб бўлган эди деса, Диодор бу пайтда Доро чалажон эди деган қараш борлигини ҳам эслатади. Плутархда Доронинг чалажонлиги ҳам, Александрнинг уни тирик кўрмаслиги ҳам ўз ифодасини топган. Навоий достонида икки нигоҳбон Дорога суиқасд қилади, Искандар Дорони рамакижон ҳолда топади ва улар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтади. Хамсанависликка Искандар Дорони чалажон ҳолда топди, деган вариант трансформация бўлганини Диодор қайдлари ёки Псевдо-Каллисфен билан изоҳлаш мумкин.

Антик тарихчиларнинг барчаси Дорога ўз одамлари суиқасд уюштиргани борасида ҳамфикр, фақат буни кимлар уюштиргани борасида ихтилоф бор. Масалан, Плутарх ва Арриан бу борада асосий айбдор деб Бессни<sup>464</sup>, Руф Набарзан ва Бессни қайд этиб<sup>465</sup>, Александр Дорони ўлик ҳолда топганини айтади<sup>466</sup>. Руф қайдларида Навоий тасвирининг бир асоси борлиги ҳам эътиборли. Яъни Навоий достонида икки кўриқчи бир кун аввал Искандарга мактуб ёзиб, уни суйиқасд режаларидан хабардор қилади. Икки қотилнинг ҳам мақсади Руф қайд этган<sup>467</sup> Бесс ва Набарзаннинг мақсадлари билан бир хил. Бизнингча, Руф тасвирлаган айни воқеа хамсанависликка ўтган, фақат адабиётда тарихий воқеликнинг ўрни ўзгарган – тарихан Дорони таъқиб этиш жараёнида юз берган воқеа Навоий достонида Доро ва Искандар ўртасидаги асосий жангдан олдин тасвирланган ва бу бадиий мантиқ нуқтаи назаридан ўзини оқлаган.

Қотилларнинг жазоланиши детали борасида ҳам юнон тарихчилари бир-бирига яқин фикрларни билдиришган. Масалан, Плутарх «Икки тик

---

<sup>463</sup> Плутарх, – Б. 44.

<sup>464</sup> Арриан, – С. 139; Плутарх, – Б. 59.

<sup>465</sup> Руф, – С. 108.

<sup>466</sup> Руф, – С. 118.

<sup>467</sup> Руф, – С. 108.

ўсган дарахт букилиб, учлари бирлаштирилди. Уларга Бессни боғлаб қўйиб юборишди. Куч билан тикланган дарахтлар гавдани бўлиб ташлади»<sup>468</sup> деб ёзса, Арриан воқеани бошқачароқ баён қилган<sup>469</sup>. Ушбу воқеа «Садди Искандарий»да шундай тасвирланади:

Тоғиб чунки Доро ишидин фароғ,  
Тутуб ики қотилни айлаб сўроғ.  
Кўмуб дор учун ерга ики сутун,  
Ул икени остурди андин нигун<sup>470</sup>.

Навоий қотиллар икки киши бўлгани, дор учун устунлар кўмилгани, устунлар айнан иккита эканини айтади. Бу Навоий тасвиридаги «икки устун» деталининг Плутарх қайд этган «икки дарахт» билан алоқадорлигини очик кўрсатиб турибди.

Юнон тарихчилари қайд этган мазкур воқелик Псевдо-Каллисфенда ҳам сақланган<sup>471</sup>. Бу эпизод кейинроқ Фирдавсий «Искандарнома»сида ҳам учрайди. Мазкур икки қараш манбаларда такрорланади<sup>472</sup>, жумладан, Муставфий ва Мирхонд Искандарнинг Доро қотиллари билан алоқаси борлиги масаласига қўшилмайди<sup>473</sup>. Навоий ҳам шу фикрда, бу борада у Табарийга таянган кўринади, чунки Искандарнинг Доро хузурига боришига оид Навоий тасвирлари Табарийда айнан келади<sup>474</sup>. «Садди Искандарий»да учровчи мазкур эпизоднинг манбаси Шарқдаги асарлар бўлиб, Псевдо-Каллисфенда суиқасдга сабаб бўлган «Александрга ёқиш» детали Навоий талқинида Доро ва ноиблар ўртасида юзага келган зиддият билан алмашган.

Доронинг Искандарга васияти борасида ҳам манбаларда турли қарашлар мавжуд. Юнон тарихчилари васият борасида сўз очмайди, чунки улар Александр Дорони ўлик ҳолда топган деб қарашади. Кейинчалик

<sup>468</sup> Плутарх, – Б. 59.

<sup>469</sup> Арриан, – С. 139.

<sup>470</sup> Saddi Iskandariy, – В. 148.

<sup>471</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 80 – 81.

<sup>472</sup> Фирдавсий, Қ.б., – С. 533 – 534; - ص. ۳۲۹; Осор ул-боқия, – Б. 73; - ص. ۳۲۹; ابن اثير، - ص. ۳۲۹; اصفهانی حمزه، - ص. ۳۳۴ - ۳۳۵; ابن ضحاک. زين الاخبار. - تهران: ارمغان، ۱۳۶۱. - ص. ۵۴ - ۵۵.

<sup>473</sup> روضت الصفا. ج. ۱، - ص. ۶۵۲; تاريخ گزيده، - ص. ۹۸.

<sup>474</sup> تاريخ طبري. ج. ۲، - ص. ۴۹۱.

Диодор, Плутарх<sup>475</sup> ва Арриан<sup>476</sup> асарларидаги васиятга ўхшаш нуқталар аввал Псевдо-Каллисфенга ўтиб, кўшиб юборилган ва тўлдирилган, сўнгра Псевдо-Каллисфендан шарқ тарихига, сўнгра хамсанависликка трансформация бўлган, бу жараёнда Полистратнинг ўрнини Искандар эгаллаган, ўзаро суҳбат ва Доронинг миннатдорчилиги эса турли насихатлар, васиятлар билан алмаштирилган. Жумладан, Табарий бу масалада икки хил қараш борлигини айтади: 1. Доро Искандарга иккита васият қилган: қизи Равшанакка уйланиш ва шоҳ авлодларига ситам қилмаслик<sup>477</sup>. 2. Қизи Равшанакка уйланиш ва икки қотилдан интиқом олиш<sup>478</sup>. Муставфий Искандар Доронинг васиятига кўра Равшанакка уйланганини таъкидласа<sup>479</sup>, Мирхонд Доро Искандардан оила аъзоларини ҳурмат қилишни ва Равшанакка уйланишни илтимос қилганини эслатади<sup>480</sup>. «Форснома» эса васият борасидаги фикрларни умумлаштириши ва Навоийнинг фикрларига тўла мослиги билан эътиборли<sup>481</sup>.

Фирдавсий Доронинг ўлими олдида Искандарга қаратилган икки насихатномасини (дунёнинг моҳияти, давлат ишлари ва Равшанакка уйланиш, туғилажак фарзанднинг зардуштийликни ривожлантириши тўғрисида) келтирган<sup>482</sup>. Саолибий ҳам Фирдавсийга яқин фикрларни қайд этган<sup>483</sup>. Фирдавсий ва Саолибийлар талқинларида Доронинг васияти сирасига зардуштийлик масаласининг келиб қўшилиши ушбу асарларнинг паҳлавий манбаларга дахлдорлигини кўрсатади. Форс манбалари ва тарихларидаги айни шу каби мафкуравий ёндашувлар кейинчалик исломпараст тарихчи ва ижодкорлар томонидан Искандарнинг улуғланишига ҳам туртки берган, натижада, Искандарни нафақат зардуштийлик кушандаси, балки унинг давоми ўлароқ ислом тарғиботчиси сифатида эътироф этиш

<sup>475</sup> Плутарх, – Б. 59.

<sup>476</sup> Арриан, – С. 101.

<sup>477</sup> تاريخ طبرى. ج. ۲، - ص. ۴۹۱.

<sup>478</sup> تاريخ طبرى. ج. ۲، - ص. ۴۹۲.

<sup>479</sup> تاريخ گزیده، - ص. ۹۷.

<sup>480</sup> روضت الصفا. ج. ۱، - ص. ۶۵۲.

<sup>481</sup> فارسنامه، - ص. ۳۲۹.

<sup>482</sup> Фирдавсий, Ч.б., – С. 534 – 541.

<sup>483</sup> ثعالبی، - ص. ۲۵۵.



кучая борган. Низомий ҳам Доронинг зардуштийлик борасида васият қилганига қўшилган эмас<sup>484</sup>. Навоий достонни ёзишда таянган «Низом ут-таворих»да ҳам Доронинг уч васияти (хоинларни жазолаш; Равшанакка уйланиш; форс маликлари авлодини хор тутмаслик) қайд этилган<sup>485</sup>. Кўришиб турибдики, Навоий тўғри деб билган талқин тарихан Табарий қайд этган икки хил қарашнинг қўшилишидан ҳосил бўлган.

**Александрнинг Ҳиндистонга юришининг** ҳақиқий манзараси ва шарқ исқандарномалари, жумладан, Навоийнинг Ҳинд сафарига оид тасвирлари жиддий фарқланади, тафсилотлар деярли тўлиқ алмашиб кетган. Навоий достонига келиб Искандарнинг Ҳиндистонга боргани ва у ерни ўзига бўйсундиргани ҳақидаги тасаввурларгина сақланиб қолган. Ҳиндистон юришининг ҳақиқий манзарасига яқин тасвирлар Псевдо-Каллисфенда ҳамда Фирдавсий ва Низомий асарларида учрайди. Навоийнинг Ҳинд юриши борасида салафларини такрорламаганлигига сабаб, асосан, оригиналликка интилиш эди. Навоий Искандарнинг Ҳиндистонга юришини икки қисмда: Кашмир юриши ва Ҳинд юриши тарзида тасвирлаган. Бунга қадар Ҳиндистон юриши айни шундай қисмларга бўлиб тасвирланган манбани учратмадик. Лекин Фирдавсийнинг Ҳинд юришини Кайд билан мунозаралар ва Фур билан тўқнашувга бўлиб тасвирлаши билан муайян уйғунлик бордек. Искандар мавзусига Шарқда қўшилган Кайд қиссаси мавжуд тарихларда бошқа ўринда келади, Фирдавсий эса воқеаларнинг ўрнини алмаштирган<sup>486</sup>.

Аслида, Ҳинд юришини икки қисм қилиб тасвирлашнинг муайян тарихий асослари мавжуд. Юнон тарихчилари Александр Ҳиндистонга сафар қилган вақтда икки шоҳ: Таксил<sup>487</sup> ва Пор билан юзлашгани, бири билан яхши муомалада бўлиб, иккинчиси билан қақшатгич жанглар қилгани ҳақида ёзишган<sup>488</sup>. Хамсанавислик анъанасида ҳам ушбу асос сақланиб қолган, яъни уларда ҳам Искандар иккита ҳинд шоҳи билан тўқнашади. Хусусан, Навоий

<sup>484</sup> Ганҷавӣ, – С. 115 – 116.

<sup>485</sup> نظام التواريخ، - ص. ۳۱.

<sup>486</sup> Фирдавсий, – С. 17 – 46.

<sup>487</sup> Плутарх, – Б. 74 – 75; Арриан, – С. 213.

<sup>488</sup> Арриан, – С. 159 – 165.

Искандарнинг ҳинд шоҳларидан Маллу ва Рой билан муносабатлари ҳақида ёзади, Маллуни Кашмир шоҳи, Ройни эса бутун Ҳиндистон ҳукмдори сифатида тасвирлайди. Навоий тасвирларида Искандарнинг икки ҳинд шоҳи билан юзлашгани ҳақидаги тасаввур асос сифатида сақланиб қолган, яъни тарихий воқеликнинг кетма-кетлиги ва ривожининг трансформация жараёнида ўзгармаган. Тарихий воқеалар ривожининг бадиий адабиётда сақланиб қолиши улар ўртасидаги жиддий уйғунликни таъминлай олган. Навоий тасвирлаган Кашмир юришининг тарихан Александрнинг Таксил билан муносабатлари воқеасига ўхшашлигида мантиқий ва географик асослар мавжуд. Мантиқий асос шуки, тарихан Таксил воқеасининг Пор билан жангдан олдин содир бўлгани Кашмир юришининг Ройга қарши курашдан олдин тасвирланишига замин яратган. Географик асос шуки, Суғдиёна ва Бактрия орқали Ҳиндистонга юриб борган Александр, дастлаб, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига дуч келган, у ердаги шаҳарларни, хусусан, ҳинд шоҳи Таксилни бўйсундирган. Маълумки, Ҳиндистоннинг шимолида Кашмир шаҳри жойлашган, шу боис Навоий фойдаланган манбада тарихан Александрнинг Таксил билан муносабатлари Искандарнинг Кашмирга юриши тарзида қайта ишланган бўлиши керак.

Плутархнинг ёзишича, Искандар Порни таслим қилган бўлса-да, Ҳиндистоннинг ичкарасига кира олмай, Гангдан ўта олмай ортга қайтишга мажбур бўлган<sup>489</sup>. Айни жиҳат Навоий тасвирларида ҳам сақланиб қолган. Навоий Искандарнинг Рой билан юзлашгани, сулҳ тузганини тасвирлайди. Натижада Искандар Ҳиндистоннинг ичкарасига кирмай, унинг ташқарисидаги Нигор ўрмонида қишлайди. Искандарнинг Ҳиндистон ичкарасига кирмаслиги билан боғлиқ Навоий тасвирлари, бизнингча, тарихий Александрнинг Ганг дарёсидан ўта олмай, Ҳиндистоннинг ички ҳудудлари ёки бутун Ҳиндистонни эгаллай олмагани ҳақидаги тарихий воқеликдан келиб чиққан. Хуллас, Шарқда тарихий воқеликнинг фабуласигина сақланиб қолган. Эътибор берилса, воқеалар ривожининг (қолип)

---

<sup>489</sup> Плутарх, – Б. 78.

деярли бир хил, фақат тафсилот ва талқинлар ўзгаришга учраган. Навоий достонида, айниқса, талқин бутунлай ўзгариб кетган: Навоий Искандар бутун Ҳиндистонни бўйсундирди ва олижаноблиги туфайли ҳиндларни безовта қилмаслик учун улкан қўшин билан мамлакат ичкарасига кирмади, деган талқинни беради. Бундай талқин, шубҳасиз, Навоийнинг идеаллари билан боғлиқ. Аммо тарихда Александр, аввало, Пор билан қақшатқич жанглар қилган, қолаверса, Ҳиндистоннинг ички ҳудудларига кирмаслигига аскарларининг ўлимдан қўрқиб оёқ тираб туришлари сабаб бўлган, бу воқеанинг олижаноблик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ<sup>490</sup>. Бу шуни кўрсатадики, тарихий воқелик бадиий адабиётга трансформация бўлар экан камда воқеалар ривожига хос фабулани сақлаб қолади, шу боис тафсилотлар ўзгарса ҳам, асос ва янги талқин ўртасидаги ўхшашлик сақланиб тураверади.

Навоийнинг Кашмир юришига оид тасвирлари ҳам Шарқдаги аксар манбаларда учрамайди. «Зайн ул-ахбор»<sup>491</sup> дагина Искандарнинг Кашмирга юриши ҳақида қайдлар мавжуд. Мазкур боблар Навоий Искандар саргузаштлари тасвирида фақат машҳур тарихлар ва салафларига таяниб қолмаганини тасдиқлайди. Юнон тарихчилари Ҳиндистонга ҳарбий юришлар борасида анча батафсил ёзиб қолдиришган бўлса-да, шарқ манбаларига ана шу тарихнинг Псевдо-Каллисфенда қайта ишланган версияси<sup>492</sup> кўпроқ таъсир ўтказган. Хусусан, Табарий ва Диноварий Псевдо-Каллисфендан озиқланган<sup>493</sup>. Фирдавсий ва Низомий дostonларидаги тафсилотлар Диноварий маълумотларига яқин. Масъудийнинг Ҳиндистон сафарига оид

---

<sup>490</sup> Арриан ўз тарихида Александр Кофен ва Ҳинд дарёлари ўртасидаги Нисо шаҳрига борганда ерли аҳоли ўз ҳукмдори Акуфис ва ўттиз нафар улуғларини элчи сифатида юборади, улар Александрдан бу шаҳарга худо Дионис асос солгани ва уни худолар измида озод қолдиришини сўрашади. Александр бунга рози бўлади (Арриан, – С. 162 – 163). Навоий достонидаги Искандар Ҳиндистонга бостириб борганда ҳинд Ройи бир қанча руҳоний ва кайвонийларни турли совға-саломлар билан элчи сифатида юбориб, кейинги сафар донишмандлар билан бирга ўзи ҳам бориб масалани жангсиз ҳал этгани, юрти Ройнинг ўзида қолишга эришгани воқеаларини ёдга солади. Албатта, бу ўхшашлик тасодиф бўлиши ҳам мумкин, лекин элчилик муносабатларидаги ўхшашлик, Александрнинг Нисо аҳлига нисбатан олийжаноблиги ва ҳар икки тасвирнинг ҳинд сафарига тааллуқли экани эътиборга молик.

<sup>491</sup> زين الاخبار، - ص. ۵۹.

<sup>492</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 87 – 92.

<sup>493</sup> دنيوري، - ص. ۵۹. ; تاريخ طبرى. ج. ۲، - ص. ۴۹۴.

хабарлари Фирдавсий, Низомий сюжетларига мос тушади. Буларнинг барчаси тарихий фактларнинг талқини борасида бир неча ижодкор тасвиридаги яқинликни юзага чиқарган. Хуллас, «Садди Искандарий»даги Ҳиндистонга юриш тасвирлари на бадий мантиқ, на образлар, на сюжетига кўра Фирдавсий ва Низомий тафсилотларига ўхшайди. Кашмир тафсилотлари мутлақо янги, Навоий Ҳиндистон юриши тасвирида ҳам Фирдавсий ва Низомийга таянмайди, балки жиддий фарқланиб турувчи воқеалар ривожини тақдим этади. «Садди Искандарий»даги Кашмир юриши, ғаройиб тилсимлар, Нигор ўрмони, Искандарнинг Ҳиндистонда қишлаши, Искандар ва Ройнинг дўстона муносабати каби тасвирлар ҳамсанавислик анъанасига биринчи марта Навоий томонидан олиб кирилган.

**Искандарнинг Чин юриши** ҳам «Садди Искандарий»да кенг тасвирлаган бўлиб, бу воқеанинг, аслида, Александр тарихи билан алоқаси йўқ. Ушбу сюжет линиясининг сарчашмаси Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версияси бўлиб, унда ҳам Александрнинг Син (Чин)га сафари алоҳида воқелик сифатида тасвирланган эмас<sup>494</sup>. Воқеалар кетма-кетлиги нуқтаи назаридан ҳар икки асарда Чин сафари бир хил ўринда: Ҳинд юришидан кейин тасвирланган. Ҳар икки манбада Чин юришининг жангсиз тугаши ҳам воқеаларнинг умумий мантиғи сақланганини кўрсатади. Аммо тафсилотлар Навоий тасвирида жиддий ўзгаришга учраган, воқеаларнинг ички ривожини ҳам фарқланиб кетган. Бундай тафовутлар, шубҳасиз, Шарқдаги манбалар таъсирида содир бўлган. Искандарнинг Чинга юриши масаласи аксар шарқ манбаларида ихтилофли, хусусан, Табарий Искандар Ҳиндистондан Чинга боргани, у ернинг ҳукмдорини ўлдириб, шаҳарларини олгани, Тибетни бўйсундирганини қайд этса<sup>495</sup>, Балъамий Искандар Чинистонга бориб, у ердаги шаҳарларни вайрон этгани, маликларини ўлдиргани, ўрнига янгитдан бинолар қуриб, ҳукмдорлар тайинлагани ва Чинистондан Мағриб томон йўл

<sup>494</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 109 – 113.

<sup>495</sup> تاريخ طبرى. ج. ۲، - ص. ۴۹۴.

олганини айтади<sup>496</sup>. Диноварийга кўра, Искандар Финовус (Псевдо-Каллисфендаги «Питос» сўзининг шарқона айтилиши) номли вазирини ўз ўрнига тайинлаб, ўзи Финовус номи билан Чин шоҳи ҳузурига элчи киёфасида боради ва уни сулҳга рози қилади<sup>497</sup>. Диноварий маълумотлари Фирдавсий томонидан адабий қайта ишланди, Низомий эса Искандар ва ҳоқон муносабатларини улардан бироз фарқли тасвирлади<sup>498</sup>. Абу Мансур Саолибий асари<sup>499</sup> ва Ибн Асир тарихида<sup>500</sup> ҳам веќеа деярли шу шаклда тақдим этилади. Хусрав Дехлавийнинг фикрича, қадимий тарихларда Искандар ва ҳоқон муҳолифатининг Низомий қайд этмаган тафсилотлари мавжуд<sup>501</sup>. У Фирдавсий ва Низомийда бўлганидек ҳоқоннинг Искандар қаршисида мутлақ таслим ёки ўз юртини ҳимоя қила олмайдиган образ сифатида тасвирланишини ёқламайди, аксинча, ҳоқон бир неча бор қаттиқ жанглар қилган, лекин тўқнашувлар сулҳ билан тамомланган. Дарҳақиқат, қадим туркий манбаларда ҳоқон ўз юртини муносиб ҳимоя қила олган, баъзан Искандарни сулҳ тузишга мажбур қилган шахс сифатида ҳам қайд этилган<sup>502</sup>. Навоийга воқеалар ривожини борасида Саолибий, Ибн Асир ҳамда Низомий талқини маъқул келган, бироқ тасвирда муаллиф дунёқараши ва услубини белгиловчи муайян айирмалар ҳам бор. «Садди Искандарий»даги сюжет линияси ўзига қадар яратилган манбаларнинг бирортасига айнан мос келмайди. Навоий, ҳатто, искандарномаларда сайёр характер касб этган Лубати Чин, Оинаи Искандарий ва устурлоб каби персонажу мотивлар тасвирида ҳам оригиналлик кўрсатишга эришган<sup>503</sup>.

Навоий тасвирлаган Чин сафарининг яна бир муҳим эпизоди *Искандарнинг Равшанак ва Меҳрнозга уйланишидир*. Аксар тарихларда Искандарнинг Равшанакка уйлангани қайд этилса-да, Маллунинг қизи

<sup>496</sup> بلعمی، - ص. ۷۰۰.

<sup>497</sup> دنیوری، - ص. ۶۲.

<sup>498</sup> Ганчавӣ, – С. 203 – 238.

<sup>499</sup> ثعالی، - ص. ۲۷۰-۲۷۲.

<sup>500</sup> ابن اثیر، - ص. ۳۳۱-۳۳۲.

<sup>501</sup> دهلوی، - ص. ۴۷.

<sup>502</sup> Кошгарий Махмуд. Девону луғатит турк. 1 том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 117.

<sup>503</sup> Бу ҳақда батафсил: Ismoilov I. Iskandar oynasi // Oltin bitiglar. 2019, 4-son. – В. 68 – 98.

Меҳрнозга уйланишига оид тафсилотлар учрамайди. Табарий Равшанакни Искандарнинг қизи сифатида кўрсатади ва Искандар Доронинг Равшанакка уйланиш ҳақидаги илтимосини қабул қилганини ёзади<sup>504</sup>. Диноварий Табарий маълумотини тасдиқласа<sup>505</sup>, Низомий Искандар Исфаҳонда Равшанакка уйланганини тасвирлайди<sup>506</sup>. Аслида, тарихий ҳақиқат бошқача. Александр Ҳинд юришидан қайтгач Сузада уйланишга қарор қилади, у илк бор Бактрия ва Суғд юриши даврида Оксияртнинг қизи Роксанага уйланган эди. Сузада эса Доронинг тўнғич қизи Барсина ва Оксининг кичик қизи Парисатидани никоҳига олади. Александрнинг дўсти Гефестион Доронинг бошқа қизи Дрипетидага...Селевк бактриялик Спитаменнинг қизига уйланади...Тўйлар форсларнинг урф-одати бўйича ўтказилган<sup>507</sup>. Чинакам тарихдан фарқли равишда шарқ искандарномаларида, асосан, Искандарнинг Равшанакка уйланиши ҳақида гап боради ва Равшанак янглиш тарзда Доронинг қизи, форс маликаси сифатида тасвирланади<sup>508</sup>. Аслида, Равшанак форс хукмронлиги остидаги бактриялик зодагон – Оксияртнинг қизи. Александр унга севиб уйлангани ва кўп эътибор қаратгани учун кейинчалик Роксана Александр салтанатининг бош маликаси сифатида эътироф қозонган ва Доронинг қизи сифатида талқин этилган бўлиши керак. Қолаверса, Роксана Псевдо-Каллисфен анъанасида Доронинг қизи сифатида кўрсатилган эди<sup>509</sup>. Навоий ҳам тарихий ва адабий манбалар таъсирида Равшанакни Доро қизи сифатида тасвирлади. Ҳар қандай ҳолатда, Доронинг катта қизига Александрнинг уйлангани ҳақиқат.

Навоий **Искандарнинг Мағриб сафари тасвирида** салафларидан илҳомланган бўлса-да, уни анча бойитган. Ушбу сюжет линияси искандарномаларда кенг ёйилган ва мунтазам қайта ишлаб борилган. Бу ўринда назарда тутилган *Мағриб* бугунги тасаввурдаги *Ғарб* тушунчаси

<sup>504</sup> تاريخ طبري، ج. ۲، - ص. ۴۹۰.

<sup>505</sup> دنيوري، - ص. ۵۹.

<sup>506</sup> Ганчавӣ, – С. 118 – 151

<sup>507</sup> Арриан, – С. 215.

<sup>508</sup> تاريخ طبري، ج. ۲، - ص. ۴۹۳.

<sup>509</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 81.

билан мос келмайди. Навоий Мағриб деганда «Ҳинд ҳадди жануби»<sup>510</sup> ни ва Африка қитъаси томонларни назарда тутати. Искандарнинг Мағриб юриши йўналишининг Навоий томонидан айнан «Солиб Ҳинд ҳадди жанубини йўл» тарзида кўрсатилиши асл тарихга мувофиқ бўлиб, бу искандарномалардаги Мағриб сафарининг тарихий асосларига ҳам ишора қилади. Яъни Навоийнинг Мағриб юришига оид тасвирлари заминда, аслида, Александрнинг Ҳиндистон юришидан қайтиши воқеалари ётади. Александр Ҳиндистондан денгиз йўли ёқалаб қайтар экан, дастлаб, Гидасп (Желам) орқали сузиб, Буюк денгиз (Ўртаер денгизи)га қадар етиб боришни мақсад қилган<sup>511</sup>. Яъни Александр Ҳиндистон ғарбида жойлашган Араб денгизи бўйлаб ортга қайтади, биров муддат денгизда сузиб, кўпинча қирғоқдаги шаҳар ва вилоятларни ўзига бўйсундирган. Александрнинг мана шу қайтиш сафарида денгиз ва қуруқликда кўплаб ғаройиб воқеалар содир бўлган<sup>512</sup>. Ушбу ажойиботлар асосида кейинги давр манбаларида турли тасвирлар кўпайган. Мегасфен, Арриан каби антик тарихчилар бу воқеалар ҳақида «Ҳиндистон» (Indica) номли асарларни яратишиб, Ҳиндистоннинг ноодатий табиати, у ердаги ёввойи қабилалар, ғаройиб урф-одатлар ҳақида батафсил хикоя қилишган<sup>513</sup>. Псевдо-Каллисфенда ҳам Ҳиндистондаги ғаройиб воқеалар, ҳайвонот олами билан боғлиқ ажойибот тасвири кўп учрайди.

Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясида денгиз ёқасида юзи отсимон, балиқ билан овқатланувчи ва умуман гап тушунмайдиган қавм, кўплаб олтинлар бор орол, турли хил ёввойи ҳайвонлар, айниқса, илонлар ва судралиб юрувчилар, ярми одам, ярми ҳайвон бўлган жонзотлар тўғрисида, шунингдек, думли одамлар, одамсимон ваҳшийлар, тонгдан куннинг олтинчи соатигача ўсувчи ва кейин пасайиб йўқ бўлувчи дарахт, кўзи ва оғзи кўкрагида жойлашган бошсиз одамлар, баргсиз ва мевасиз дарахт устида

---

<sup>510</sup> Saddi Iskandariy, – B. 304.

<sup>511</sup> Арриан, – С. 187.

<sup>512</sup> Диодор, – С. 357.

<sup>513</sup> Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877.

Ўтирган «палма куши» (феникс), Обаркеная деган жойдаги юзи одамсимон икки куш, бири «Александр, сен худолар ерини кезиб юрибсан» дегани, иккинчиси «Доро ва Порусни бўйсундириш сен учун кифоя» дегани, олтиндан қурилган маъбад, турли табиат ходисалари, ҳиндларнинг Александрни дунёнинг жанубий чораги ва четига олиб бориши, у ерда одамдек гапирувчи икки дарахт (эркак ва аёл, қуёш ва ой, Митора ва Маёса) кўргани, лашкари билан тезда ўлиши, Бобилда ўлиши, Македонияга қайтиб бора олмаслиги, онасини кўра олмаслиги ҳақида дарахтлардан эшитгани; Александрнинг шарқ томон юриб, аждар қиёфасидаги худога қурбонлик учун иккита хўкиз ва одамлар бериб турувчи одамларни эшитгани, у аждарнинг ўлдирилиши каби ғаройиботлар ҳақида ёзилади<sup>514</sup>. Псевдо-Каллисфендаги мазкур детал-мотивлар кейинчалик шарқ манбалари, хусусан, адабиётига кўчиб ўтиб кенг оммалашган. Жумладан, Фирдавсий «Искандарнинг Мағрибга қўшин тортгани» сарлавҳаси остида махсус боб ёзиб, унда Талмуд<sup>515</sup> ва Псевдо-Каллисфеннинг конкрет излари турибди<sup>516</sup>. Фирдавсийнинг ушбу тасвирлари Александр ҳақидаги сохта христиан афсоналари, Талмуд ривоятлари X асрдаёқ шарқ эпик шеърятига трансформация бўлиб улгурганини тасдиқлайди. Фирдавсий тасвирлари бу сюжет линиясининг шарқ адабиётида муқим бўлиб қолиши, кенгайиб бориши ва айрим мотив, деталларининг алоҳида-алоҳида оммалашшига ҳам улкан замин яратди.

Яна бошқа шарқ манбаларида ҳам Чин сафаридан сўнг Искандарнинг Мағриб томон юргани қайд этилса-да, тафсилотлар ўхшаш эмас<sup>517</sup>. Навоийнинг Мағриб сафарига оид тасвирларида Фирдавсийга яқинлик сезилади, лекин Фирдавсийнинг таъсири Низомийда кучлироқ сезилади<sup>518</sup>. Навоийнинг афъию жаъфари илонлар қўриқловчи олтин ва кумуш тоғлар, шу

<sup>514</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 94 – 109.

<sup>515</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 454 – 455.

<sup>516</sup> Фирдавсий, – С. 101 – 125.

<sup>517</sup> بلعمی، - ص. ۷۰۰.

<sup>518</sup> Ганчавӣ, – С. 406 – 410.



дарадаги чумолисимон ёввойи ҳайвонлар ва улкан жуссали ваҳшийлар тўдаси кабиларга оид тасвирлари, бир томондан, Фирдавсий достони, бошқа томондан, Псевдо-Каллисфен воқеаларига таянади. Лекин «Садди Искандарий»даги айрим қайдлар антик манбалар билан ҳам алоқадор. Масалан, Навоий Мағриб сафари тасвирида Искандар мўр хайли (чумоли тўдаси)га дуч келгани, улар улкан жуссали ваҳшийларни кўриқлаб туриши ҳақида ёзади. Мўр хайли ҳақидаги бундай тасвирлар Мегасфен ва Аррианларнинг «Ҳиндистон» асарларида қайд этилган жуда чакқон ва тажовузкор, ўз мулкани каттиқ кўриқлайдиган олтин қазувчи чумолилар тўдаси ҳақидаги қайдлардан ўсиб чиққан<sup>519</sup>. Хуллас, Навоий тасвирлаган Искандарнинг Мағриб сафари юқоридаги тафсилотлар асосида, улар қисман қайта ишлаган манбалар асосида ҳикоя қилинган.

Қуръон нозил бўлгач, Яъжужлар воқеаси, сад мотиви Шарқда кенг оммалашиб, Искандар ҳақидаги тарихий, диний, адабий манбаларнинг барчасида сюжетнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Ҳолбуки, Зулқарнайн қиссаси генетик жиҳатдан Искандар мавзусига дахлдор эмас, бироқ Навоий тарихий, диний ва адабий анъана таъсирида ушбу сюжет линиясини «Садди Искандарий»га киритган. У Яъжуж-Маъжужлар ва сад воқеасини бадиий қайта ишлашда, асосан, «Каҳф» сурасининг 83 – 98-оятлари<sup>520</sup>, ҳадислар<sup>521</sup> ва салафларига таянади.

Аввалги бобда масаланинг диний-тарихий асосларини таҳлил этганимиз учун бу ўринда масаланинг кўпроқ адабий ривожини, Навоий салафларининг талқинларига эътибор қаратамиз. Адиблар орасида Навоий салафларига нисбатан девор тўғрисида энг батафсил маълумотни ёзиб қолдирган. У девор қурилган географик ҳудудни Шимолнинг ғарбий қисми,

<sup>519</sup> Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877. – P. 94 – 96.

<sup>520</sup> Қуръони карим (маъноларининг таржимаси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 302 – 303.

<sup>521</sup> Ал-Бухорий Имом Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 2-жилд. Арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўғли ва Хожа Баҳтиёр Набихон ўғли таржимаси. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 401 – 402; Саҳиҳи Бухорий. 4-жилд. Арабчадан Абдулгани Абдуллоҳ таржимаси. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – Б. 393.

аниқроғи Қирвон ўлкасининг атрофи, Қирвонга туташ ҳудуд деб кўрсатади<sup>522</sup>. Навоийга ушбу географик ном, катта эҳтимол билан, Низомийдан ўтган бўлиши керак, чунки Низомий «Искандарнома»нинг икки ўрнида Қирвон номини Искандар қурган сад билан алоқадор ҳолда тилга олади<sup>523</sup>, улардан Қирвоннинг шимолий-ғарбий қутбга яқин ҳудудларда жойлашганини, Қулзум (Баҳр ал-қулзум) ва Қирвон ўзаро яқин ҳудудлар эканини илғаш мумкин. Географик жиҳатдан, Баҳр ал-қулзум Мисрда жойлашган ҳозирги Сувайиш кўрфазининг қадимги номи. Ҳар ҳолда, Низомийнинг қайдлари Қирвон деб аталган географик ҳудуд мана шу томонларда жойлашганига далолат қилади. Айрим тарихчиларнинг бу ўлка ҳақидаги қайдлари ҳам фаразимишни қўллаб қувватлайди. Жумладан, Диноварий Искандарнинг Андалусия ҳукмдори Кандофага қарши сафари баёнида Қирвон шаҳри билан Мисрнинг ораси бир ойлик йўл экани, Искандар бу шаҳарни манжаниқлар билан қўлга киритгани ҳақида маълумот бериб кетади<sup>524</sup>.

Низомий Искандарнинг Яъжужларга қарши кураши ва сад куриши билан боғлиқ тафсилотларни «Иқболнома»да қайд этган<sup>525</sup>. У сад ҳақида эмас, кўпроқ Яъжужлар ҳақида ёзади. Унинг Яъжужларга оид маълумотлари Фирдавсий тасвирлари билан мувофиқ, лекин Фирдавсий сад билан боғлиқ муҳим фактларни ҳам аниқ қайд этган. Хусусан, саднинг баландлиги 500 аршин, эни 100 аршин (ёз) бўлганини айтади<sup>526</sup>. Мазкур фактлар Навоий достонида биров бошқача кўрсатилган<sup>527</sup>.

Хусрав достонидаги сад тафсилотлари Фирдавсий ва Низомий тасвирига яқин, лекин бу эпизод мистик характер касб этган: Суруш Искандарга тўғридан-тўғри Аллоҳ амрини етказиб, уни Яъжуж тоғига боришга даъват этади. Хусрав девор пастидаги бир кунжга Искандар

<sup>522</sup> Saddi Iskandariy, – В. 331.

<sup>523</sup> Ганҷавӣ, – С.148; 438.

<sup>524</sup> دنيوري، - ص. ۳۸.

<sup>525</sup> Ганҷавӣ, – С. 425 – 433.

<sup>526</sup> Фирдавсӣ, Ҷ.7, – С. 125 – 130.

<sup>527</sup> Навоий Алишер. Сади Искандарий. 20 томлик. 11 том. – Т.: Фан, 1993. – Б. 451 – 467.

томонидан яширин бир эшик кўйилганини ҳам тасвирлаган<sup>528</sup>, лекин бу маълумот салафларида мавжуд эмас. Хусравнинг эшик ҳақидаги тасвирлари Александр ҳақидаги икки сохта христиан афсонасидан келиб чиққан. Бунга ўхшаш маълумотлар аввалроқ машҳур араб географи Абдуллоҳ ибн Хурдодбих<sup>529</sup>, сўнгра Абу Райҳон Беруний<sup>530</sup>, Носириддин Рабғузий<sup>531</sup> ва Ибн Касир<sup>532</sup> асарларида ҳам мавжуд эди. Навоий Яъжужларга қарши кураш ва сад қуриш воқеаси тасвирида янги ёндашувлар орқали салафлари ишини такомиллаштиришга ҳаракат қилган, хусусан, мазкур сюжет линиясига кучли драматизм ва бадий мантиқ юклаган. Навоий бу ҳодисада, аввало, Искандар фаолиятининг халоскорлик миссияси ифодасини кўрган, қолаверса, унга Искандарни ижобий қаҳрамон сифатида тасвирлаш учун асос сифатида қараган.

Навоий навбатдаги сюжет линияси бўлган **Искандарнинг денгиз сафарини** ҳам батафсил тасвирлаган. Бу тасвирлар бир нечта муҳим нуқталарга эга: денгиз сафарининг сабаби, денгиз сафарига аъёнларнинг қаршилиқ кўрсатиши ва Искандарни ўз фикрини асослаши, денгиз сафари, денгиз тубига тушиш ва денгиздан қуруқликка қайтиш. Мазкур беш нуқта Навоий тасвирлаган денгиз сафарини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Шарқлик ижодкорлар тасвирлаган Искандарнинг денгиз сафари асосида тарихан Александрнинг Ҳиндистон юришидан денгиз йўли – Гидасп (Желам) орқали сузиб, сўнгра Араб денгизи ёқалаб Ўртаер денгизи томон юриши воқеалари ётади<sup>533</sup>. Тарихий воқеликнинг мана шу қисми кейинчалик турли характердаги манбаларга трансформация бўлиб, янгидан янги афсонаю ривоятлар юзага келишига асос бўлган. Тарихан Александрнинг Ҳиндистондан денгиз йўли орқали қайтишига сабаб Нил дарёсининг манбаларини топиш ва Буюк денгиз – Ўртаер денгизига қадар етиб бориш

<sup>528</sup> دهلوی، - ص. ۱۱۵ - ۱۳۰.

<sup>529</sup> خردادبہ، - ص. ۱۵۴ - ۱۵۸.

<sup>530</sup> Осор ул-боқия, – Б. 78.

<sup>531</sup> Рабғузий Носируддин. Қисаси Рабғузий. К.2. – Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 93.

<sup>532</sup> İbn Kesir. Tefsirul Kurānil Azim. 2512–2514-s. URL: <http://tefasir.blogspot.com/p/tefasir-kitaplar.html>

<sup>533</sup> Арриан, – С. 187.

бўлган<sup>534</sup>. Плутархнинг ёзишича, Искандар ҳинд юришидан қайтар экан унда Океанни кўриш истаги пайдо бўлади, шу мақсадда кўплаб соллар ва кемалар ясатади, македонлар уларга ўтириб дарё бўйлаб етти ой давомида сузишади<sup>535</sup>. Ҳиндистондан денгиз йўли билан қайтишнинг Нилнинг манбаларини топиш, Океанни кўриш ва Ўртаер денгизига етиб бориш каби тарихий сабаблари Псевдо-Каллисфен аънасида денгиз тубига тушиб, у ерда нималар борлигини кашф этиш истаги билан алмашган<sup>536</sup>. Хусравнинг фикрича, Искандар сув ости сирларидан хабардор бўлишни мақсад қилган, чунки инсон оламнинг барча сирларидан хабардор бўлиш лозим<sup>537</sup>. Навоий ҳам денгиз сафарининг сабаби сифатида маърифатга интилишни кўрсатади<sup>538</sup>. Шу тариқа, денгиз сафарининг сабаби қадимий асосдан Навоийгача бўлган ораликда жиддий ўзгаришга учрамаган, фақат Хусрав ва Навоий каби шарқлик ижодкорлар денгиз сафарини маърифат билан боғлашга жиддий эътибор қаратишган. Шунингдек, Навоий талқинида тарихий воқеликнинг ўзак-қолипи сақланиб қолган, трансформациясиз жараёнида тафсилот ва талқинлар бутунлай янгиланиб кетган.

Навоий денгиз сафарига аъёнларнинг қаршилик кўрсатиб, шохни фикридан қайтаришга уринишгани, яқунда Искандар ҳаммани денгиз сафарига чиқиш учун кўндиргани ҳақида ҳам ёзган. Ушбу эпизоднинг тарихий илдизи ҳам Ҳинд юриши билан алоқадор бўлиб, Александр Порни таслим этгач, Ганг дарёсини кечиб ўтиб, бутун Ҳиндистонни бўйсундиришни мақсад қилгани ҳақидаги лавҳага бориб туташади. Александр аскарлари, ҳамроҳлари ортга қайтишни хоҳлаётганини билгач, уларга бирма бир босиб ўтган йўллари эслатди ва ўзининг буюк орзуси «давлатининг чегараси Худо белгилаган ер юзининг чегараси бўлиши кераклигини»<sup>539</sup> айтади. Аммо ҳамроҳлари Ганг ортида улкан ҳинд қўшинлари кутиб тургани, ватан

<sup>534</sup> Арриан, – С. 187 – 188.

<sup>535</sup> Плутарх, – Б. 78 – 79.

<sup>536</sup> Dowden Ken. Pseudo-Callisthenes, The Alexander romance (p. 163 – 248). Anthology of Ancient Greek Popular Literature. Edited by William F. Hansen. Bloomington: Indiana University Press, 1998. – P. 220 – 221.

<sup>537</sup> دهلوی، - ص. ۲۳۲ - ۲۴۰.

<sup>538</sup> Садди Искандарий, – Б. 346 – 347.

<sup>539</sup> Арриан, – С. 183 – 184.

соғинчи каби важлар билан қарши чиқишади ва Александрни фикридан қайтаришади<sup>540</sup>. Шунингдек, Арриан Александрнинг Персеполисга қайтиб келгач, Фурот ва Дажла орқали Форс денгизининг бошқа денгизларга кўшилиш жойини кўриш ҳақидаги режасини римликлар хушламаганини ҳам ёзади<sup>541</sup>. Катта эҳтимол билан, тарихан Гангдан кечиб ўтиш фикрига аскарларнинг қаршилиқ кўрсатиши ҳақидаги воқеа кейинчалик Шарққа трансформация бўлган ва янгича талқинлар касб этган. Бу жараёнда Ғарб ва Шарқни боғловчи бўғин вазифасини икки христиан афсонаси бажарган кўринади. Хусусан, Хусрав достонида Искандар рубъи маскунни олиб бўлгач, денгиз таманносини қилгани, Мағриб дарёсига тушиб, денгиз қаъридаги нарсаларни кашф этишни истагани, шу боис бузурглари бу сафарда ўлим хавфи кўплигини айтиб бормасликни маслаҳат беришгани, лекин Искандар ўлимдан қочиб қутулиб бўлмаслигини айтиб сафарга чиқишга қарор қилгани айтилади<sup>542</sup>. Аини эпизод ва талқин аввалроқ юқоридаги афсоналарда мавжуд<sup>543</sup>. Навоий ҳам эпизодни Хусравдек тасвирлайди<sup>544</sup>. Ҳар икки «эптироз» қуруқликдаги ишлар сўнги, денгиз сафари арафасида юз берган, ҳар иккиси ҳукмдорнинг ҳаддан ошиши, тоқатдан ортиқ ташаббуслар ва ватан соғинчини эслатиш, ҳою ҳаваслардан тийилишга чақириқ сифатида рўй берган. Фақат Искандарнинг барчани сафарга рози қилиши Хусрав ва Навоийда икки христиан афсонага мувофиқ ўзгартирилган.

Навоий достонидаги денгиз сафари тасвири «Оинаи Искандарий»га жуда яқин<sup>545</sup>, лекин икки муаллифнинг мавзуга ёндашуви принципиал фарқларга ҳам эга. Навоий талқини илмий асослангани, бадий мантиққа катъий риоя этилгани, реалистик характернинг устуворлиги ва воқеалар ривожига изчиллик нуқтаи назаридан жиддий тафовут касб этган. Навоий,

<sup>540</sup> Арриан, – С. 184 – 186.

<sup>541</sup> Арриан, – С. 212 – 213.

<sup>542</sup> دهلوی، - ص. ۲۳۸ - ۲۴۱.

<sup>543</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 114 – 158; 163 – 200.

<sup>544</sup> Saddi Iskandariy, – B. 345 – 348.

<sup>545</sup> دهلوی، - ص. ۲۳۷ - ۲۷۴.

хатто, Хусрав тасвирлаган сув остини томоша қилишга оид эпизодни ошкора инкор этади. У бу борада, ўзи таъкидлаганидек, бошқа манбага таянган.

Аммо Навоий Хусравдан иқтибос қилиб келтирган Искандарнинг денгиз тубига тушиши эпизоди жуда қадимий асосларга эга. Бу эпизод учрайдиган илк манбалардан бири Псевдо-Каллисфеннинг юнон версиясидир. Бу Искандар ҳақида Шарқда яратилган асарлар фақат сурёний версияга таянмаслиги кўрсатади. Юнон версиясидаги ушбу эпизод кейинчалик қўшилган ва нисбатан янги қисмлар ҳисобланади<sup>546</sup>. Биз аввалги фаслда мазкур эпизоднинг Талмуд адабиётида учровчи қисқа версиясини<sup>547</sup> таҳлил этдик. Ундан фарқли равишда Псевдо-Каллисфенда эпизод батафсил тасвирланган бўлиб, денгиз тубига тушишдан мақсад қимматбаҳо марваридлар, қолаверса, денгиз остини кашф этиш сифатида кўрсатилади, аммо йиртқич балиқлар ҳамласи туфайли бу иш имконсиз деган хулосага келинади. Псевдо-Каллисфенда эпизод мутлақо оддий ва реал мантиқ асосида талқин этилган, унинг натижаси ва эпизодга оид барча тафсилоту талқинлар дунёвий мазмун касб этган.

Александрнинг денгиз тубига тушиши воқеаси шарқ манбаларига ҳам трансформация бўлган ва жиддий қайта ишланган. Денгиз тубига тушиш воқеаси шарқ манбаларида биринчилардан бўлиб Масъудий (896 – 956) асарида учрайди<sup>548</sup>. Ушбу эпизодни хамсанавислик анъанасига биринчи бўлиб Хусрав Дехлавий олиб кирди<sup>549</sup>. Аммо Навоий Искандарнинг денгиз тубига тушиши эпизодига мутлақо янгича ёндашиб, ушбу эпизоднинг бадий трансформациясида жиддий бурилиш ясади. Ва «Искандар 13 йиллик сафар давомида жуда кўп риёзат тортгани учун қалби покланиб, денгиз тубидаги синоатни бир боқишда пардасиз кўра бошлади, унинг кўзини валийлик, набийлик нури ёритди» деган мутлақо янги талқинни ўртага ташлади. Бу –

<sup>546</sup> Dowden Ken. Pseudo-Callisthenes, The Alexander romance (p. 163 – 248). Anthology of Ancient Greek Popular Literature. Edited by William F. Hansen. Bloomington: Indiana University Press, 1998. – P. 220 – 221.

<sup>547</sup> The Midrash on Psalms. Volume II. Translated from the hebrew and aramaic by William G. Braude. – New Haven: Yale university press, 1959. – P. 127 – 128.

<sup>548</sup> مسعودی، - ص. ۳۶۱ - ۳۶۲.

<sup>549</sup> دهلوی، - ص. ۲۳۷ - ۲۷۴.

хамсанавислик анъанасида учрамайдиган оригинал ёндашув эди. Генетик жиҳатдан, бундай ёндашув «асоссиз» бўлса-да, ижодий индивидуаллик ва бадиий мантиқ нуқтаи назаридан ўринли эди, яъни денгиз сафарини инсон камолоти билан боғлагач, унинг якунини ҳам шунга мувофиқ тасвирлаш жуда мантиқли чиққан. Бу қарор ўзини тўла оқлаган ва анъанавий эпизоднинг кўп минг йиллик трансформация жараёнига муносиб ҳисса бўлиб кўшилган.

«Садди Искандарий»да **Искандарнинг вафоти ва ундан кейинги воқеалар тасвири** ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борадаги тасвирларнинг муҳим жиҳатлари эса Искандарнинг ўз вафотига оид ишора (фол) кўриши, Искандарнинг онасига мактуби, ўлимининг сабаби, вафот этган жойи ва васиятдир. Навоий тасвирлаган *Искандарнинг ўз ўлими ҳақида башорат ёки фол орқали хабардор бўлиши мотиви* генезисига кўра тарихга бориб тақалади. Навоий талқинида «темир еру олтин осмон» ҳақидаги фол Искандарга вафоти яқинлигини англатади. Александрнинг ҳақиқий тарихида ҳам вафоти билан боғлиқ кўплаб башоратлар рўй берган<sup>550</sup>. Тарихдаги бундай воқеа-ҳодисалар кейинчалик бошқа манбалар, жумладан, Псевдо-Каллисфенга ҳам ўтган<sup>551</sup>.

Навоий достонида сақланиб қолган фол мотиви тарих ва Псевдо-Каллисфендаги фол мотивларининг ҳосиласи сифатида изоҳланади, фақат Навоий тасвирида бу мотив янгича характер касб этган. Таъкидлаш керакки, Псевдо-Каллисфеннинг шарқ адабиёти, хусусан, искандарномаларга трансформацияси муайян ўзига хосликларга эга, жумладан, Псевдо-Каллисфендаги айрим воқеа ёки эпизод таркибидаги биргина жиҳат ёки детал кўчиб ўтиб, у мансуб воқелик тушиб қолиши мумкин. Ёки воқеа-ҳодисанинг мазмуни сақланиб, тафсилотлар ўзгаришга учрайди. Бунинг ёрқин исботи Псевдо-Каллисфенда келган худо Сераписнинг Александр ҳақидаги башорати бўлиб, Серапис «Александрнинг ўлими адолатли ва

<sup>550</sup> Арриан, – С. 226 – 227; 227 – 228; Плутарх, – Б. 28. Плутарх яна бир қанча башоратлар ҳақида ҳам ёзади: – Б. 89.

<sup>551</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 11.

осойишта юз бериши, касаллиги заҳар ичган одамникига ўхшаши, лекин ўлимига ҳеч қандай тана касаллиги сабаб бўлмаслиги, бордию ёшлигида вафот этса, кўплаб ёмонликлардан пок бўлиши»<sup>552</sup> ҳақида башорат беради. Бу ердаги «касаллиги заҳар ичган одамникига ўхшаши» ҳақидаги хабар тарихдаги Александрнинг заҳарлаб ўлдирилиши ҳақидаги миш-мишларни ёдга солади. Псевдо-Каллисфендаги Александрнинг осойишта вафот этиши, касаллигининг заҳар ичган одамнинг ҳолатига ўхшаши, ўлимига тана хасталиги сабаб бўлмаслиги ва ёш вафот этиши каби деталларнинг барчаси Низомий талқинида сақланиб қолган<sup>553</sup>. Хусрав достонида ҳам Искандар ўлими арафасида шоҳона шароитда, осойишта ҳолатда бўлади, лекин ўлим яқинлашганда Искандарни ўраб турган ҳамма нарса – ўтирган хонанинг остию усти, идишлар, ҳатто емишлар ҳам сариқ (заррин) тусга киради ва у буни ўлими аломати деб билади, чунки ҳақимлар олдинроқ шундай башорат беришган эди<sup>554</sup>. Хусрав талқинидаги «заррин тус» детали Псевдо-Каллисфендаги «заҳар ичган одамга ўхшаш» детали билан алоқадор, лекин янгича қиёфа касб этган. Навоий достонида эса Искандар ёшлигида кўрган фолга кўра ўлими арафасида *ётган ери темиру осмони олтин* бўлиши керак эди. Навоий Искандар ўлимининг аломати ўлароқ кўрсатган фолдаги «олтин осмон» детали эса, шубҳасиз, Хусрав талқинидаги «заррин тус» деталдан ўсиб чиққан. Бироқ ушбу фол эпизоди Навоийнинг ихтироси эмас, бу детални Саолибий<sup>555</sup> ва Мирхонд<sup>556</sup> каби тарихчилар, Жомий<sup>557</sup> каби адиблар қайд этишган. Фақат Навоий ўз талқинида заҳар ичган одамникига ўхшаш ҳолат тасвирини тушириб, *осойишта ўлим* деталини акси билан алмаштирган. Навоийнинг ушбу ўзгартириши индивидуал ижодий мақсадлар билан боғлиқ бўлиб, адиб воқеа юз берган жойни ҳам Искандардек шоҳ учун бутунлай «нумуносиб» макон – саҳрога кўчиради. Бу каби

<sup>552</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 42.

<sup>553</sup> Ганҷавӣ, – С. 434 – 435.

<sup>554</sup> دهلوی، - ص. ۲۷۱ - ۲۷۲.

<sup>555</sup> ثعالی، - ص. ۲۷۷ - ۲۷۹.

<sup>556</sup> روضت الصفا. ج. ۱، - ص. ۶۶۶ - ۶۶۸.

<sup>557</sup> Чомӣ Абдурахмон. Осор. Дар ҳафт чилд. Чилди 5. Лайлӣ ва Мачнун. Хирадномаи Искандарӣ. Ба чоп хозиркунанда А. Афсаҳзод. – Душанбе: Адиб, 1988. – С. 360.



алмаштиришларнинг барчаси Навоийнинг ўз достонида фақрлик концепциясини тасвирлашдек улуғвор ва оригинал мақсади билан алоқадор. Хуллас, Александрнинг ҳақиқий тарихидаги ўлимнинг аломати мотиви асарлар давомида ҳар қанча трансформацияга учрамасин, барибир, ўзининг асл ядроси – ўлимга ишора бериш вазифасини йўқотмаган.

«Садди Искандарий»да вафоти яқинлигини сезган Искандарнинг *онасига васиятнамо мактуб йўллаш эпизоди* бор. Ушбу эпизод Фирдавсий, Низомий ва Жомий дostonларида ҳам мавжуд. Мактуб борасида Навоий ва Жомийнинг тасвирлари Низомийга яқин, уларда мазмунан уйғунлик бор. Гарчи ушбу эпизодни асарга киритиш фикри Навоийга салафлари туфайли келган бўлса-да, у ўзининг қадимий илдизларига эга. Тарихда Александрнинг айни мазмунда Олимпиядага ёзган хати ҳақида қайдлар йўқ, лекин тарихчилар Александр онаси билан тез-тез хат ёзишиб тургани ҳақида хабар беришган<sup>558</sup>. Навоий тасвирлаган мактубнинг манбаси Псевдо-Каллисфенда бўлиб, унда Александрнинг фарзанд сифатида онага муҳаббати, ўкинчлари акс этган. Александр онасига васият қилар экан, қаттиқ аза тутмаслик, ўзига таскин бериши кераклиги, чунки худолар уни ўз масканларига олиб кетишни хоҳлаётгани ҳақида айтади<sup>559</sup>. Мазкур мактуб кейинчалик Шарқда Искандарнинг онасига васиятномаси, фарзанд нидоси сифатида оммалашган<sup>560</sup>. Навоий ушбу мактуб келтирилган бобга *«Искандарнинг нолдек марг печо-печиди онасига азо манъи учун нома ёзмоғи...»*<sup>561</sup> тарзида сарлавҳа қўйган, қолаверса, мактубдаги асосий васият қаттиқ аза тутмасликка чақириш бўлиб, дастурхон ёзиш билан боғлиқ гаплар ҳам ана шу мақсадда келтирилган. Кўриниб турибдики, Навоий версиясига келиб ҳам

---

<sup>558</sup> Плутарх, – Б. 54.

<sup>559</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 134.

<sup>560</sup> Ганчавӣ, – С. 436 – 448.

<sup>561</sup> Навоий достонидаги Искандар онасига вафотимни ўйлаб кўп сиқилма, бу дунёда бирор кишисидан айрилмаган одам йўқ, хоҳсанг, одамларни чақириб дастурхон ёз ва бирор кишиси ўлмаган одам дастурхондан тотинсин, деб айт, кўрасанки, ҳеч ким емайди, чунки ҳамманинг яқини вафот этган, дея насихат қилиш деталли ҳам Шарқда жуда кенг оммалашган. Жумладан, Навоийдан олдин Низомий ушбу деталли тасвирлаган эди (Ганчавӣ, – С. 444 – 445). Ф.Сулаймонованинг аниқлашича, деталнинг қадимий асослари Рим императори Юлианнинг (331 – 336-й.) «Хатлар»ида қайд этилган Демокрит билан боғлиқ воқеадан келиб чиққан (Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 157.).

Псевдо-Каллисфендаги асосий жиҳат: қаттиқ аза тутмасликка чақириш масаласи сақланиб қолган. Лекин Навоий талқинида мазкур фикр Псевдо-Каллисфенда бўлганидек «қурук» эмас, балки лирик пафос билан, буюк бир шахснинг видолашув онларига мувофиқ баён қилинган, фарзандлик бурчи, она ризоси, тақдирга ризолик ва дард билан бойитилган.

Навоий достонида Искандар онасига мактуб ёзгач, атрофидагиларга бир неча васият қилади. Улардан бири жасадини тез фурсатда Искандарияда дафн этиш эди<sup>562</sup>. Шарқдаги аксар манбаларда ҳам Искандар ўзини Искандарияга дафн этишларини буюргани ёки Искандарияга кўмилгани қайд этилган. Чунки Шарқдаги асарларнинг асосий манбаси бўлган Псевдо-Каллисфенда шундай васият мавжуд эди. Таажжубланарлиси, тарихчилардан Руф Александр ўлимидан олдин шоҳлик узугини Пердиккага бергани ва жасадини Аммон ибодатхонаси (Миср)га олиб боришини тайинлаганини ёзади<sup>563</sup>. Бироқ бошқа антик тарихчиларда бундай қайдларнинг йўқлиги Руф талқинини шубҳа остига кўяди.

Искандарнинг ибрат учун тобутдан бир кўлини чиқариб қўйишларини сўраши билан боғлиқ Навоий тасвирлари ҳам мавзу тадрижида эътиборли. Ушбу мотив Псевдо-Каллисфенда учрамайди, у Искандар қиссасига кейинчалик қўшилган бўлиши керак<sup>564</sup>. Айрим тадқиқотларда бундай эпизод фольклорда ҳам учраши қайд этилган<sup>565</sup>. Бу мотивнинг «Садди Искандарий»да тасвирланишига «Искандарнома»<sup>566</sup> туртки берган бўлса керак. Хусрав достонида ҳам Искандар икки кўлини тобутдан чиқариб қўйишларини тайинлайди<sup>567</sup>. Кейинчалик бу эпизод Жомий томонидан тасвирланди<sup>568</sup>. Ижодкорларнинг эпизод баҳонасида айтган ибратлари ҳам

---

<sup>562</sup> Saddi Iskandariy, – B. 382.

<sup>563</sup> Руф, – С. 233.

<sup>564</sup> Ф.Сулаймонованинг фикрича, тобутдан кўлни чиқариш эпизоди Талмуддан шарқ адабиётига ўтган (Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 158.). Аммо биз Талмуд адабиётида ушбу эпизодни учратмадик.

<sup>565</sup> Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – Москва: Наука, 1972. – С. 80.

<sup>566</sup> Ганчавӣ, – С. 446 – 447.

<sup>567</sup> دهلوی، - ص. ۲۷۹.

<sup>568</sup> Хирадномаи Искандарӣ, Ҷ.5., – С. 366.

хамоҳанг. Хусусан, Низомий тобутдан чиқарилган қўлга бир кафт тупрок солиб қўйишни тасвирлаш орқали инсон бу дунёдан фақат мана шу бир кафт тупрокка эга бўлади, демокчи бўлади. Бироқ бу детал ҳар қанча мазмундор бўлмасин Навоий уни тасвирламасликка қарор қилади, чунки мурданинг кафтида тупрокнинг туриши табиий мантикка мувофиқ эмас эди. Навоий тобут ва очик қўл билан боғлиқ тасвирларда ўз дунёкарашига мувофиқ тиҳийдастликка оид қарашлари ва фано концепциясини ифодалашга асосий эътиборни қаратди.

Навоий Искандар вафотининг сабаби, қаерда ва қачон вафот этгани ҳақида ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган. У Искандар денгиз сафаридан қайтаётганда кимсасиз саҳрода, денгиздаги машаққатлар туфайли бетоб бўлиб вафот этганини ёзади. Бундай талқин олдинроқ Масъудий, Саолибий, Мирхонд тарихларида, Низомий, Деҳлавий асарларида бор эди<sup>569</sup>. Жомий ҳам ўз достонида шу қарашга қўшилган<sup>570</sup>. Лекин Навоий Искандарнинг қайси йили, неча ёшда вафот этганини «Садди Искандарий»да эмас, «Тарихи мулуки Ажам»да қайд этган. Унинг фикрича, Искандар 36 йил яшаб, 13 йил хукмронлик қилган, лекин Навоий 13 йилда у қилган ишларни амалга ошириш маҳол деб ҳисоблаган<sup>571</sup>. Дарҳақиқат, Шарқдаги аксар манбалар, жумладан, Масъудий асарида Искандар вафот этганда 36 ёшда бўлгани айтилади<sup>572</sup>. Лекин бу борада ихтилофлар ҳам кўп, хусусан, Саолибий Искандар вафот этганда 38 ёш бўлгани, 14 йил шоҳлик қилганини ёзади<sup>573</sup>. Шарқда Искандарнинг қаерда вафот этгани борасида ҳам тортишувлар кўп эди (Табарий Ироқнинг Зур шаҳрида, Масъудий Ироқ ёки Насбинда, Саолибий Қумсада, Байзовий, Муставфий, Банокатий Бобилда)<sup>574</sup>, шу боис бўлса керак Навоий аниқ географик худуд номини кўрсатмай, Искандарнинг

<sup>569</sup> دهلوی، - ص. ; روضت الصفا. ج. ۱، - ص. ۶۶۶-۶۶۸؛ ثعالی، - ص. ۲۷۷؛ مسعودی، - ص. ۳۶۳. ۲۸۱-۲۸۲.

<sup>570</sup> Хирадномаи Искандарӣ, Ҷ.5., – С. 360 – 361.

<sup>571</sup> Тарихи мулуки Ажам, – Б. 216 – 217.

<sup>572</sup> مسعودی، - ص. ۲۸۵.

<sup>573</sup> ثعالی، - ص. ۲۷۸.

<sup>574</sup> تاریخ گزیده، - ص. ; نظام التواریخ، - ص. ۳۱؛ ثعالی، - ص. ۲۷۷-۲۷۹؛ مسعودی، - ص. ۲۷۳؛ تاریخ طبری. ج. ۲، - ص. ۴۹۴. ۹۸.

кимсасиз саҳрода отдан мажолсиз йиқилиб, кўз юмганини айтиш билан чекланган. Худди шундай маълумот Жомий<sup>575</sup> ва Мирхонд асарларида ҳам учрайди, лекин Мирхонд бу саҳронинг Қумус ноҳияси эканини кўрсатади<sup>576</sup>. Псевдо-Каллисфеннинг охиридаги Александр биографиясига оид қайдларда Александр Бобилда вафот этгани, Александрияга кўмишларини васият қилгани, ўттиз икки йилу етти ой яшагани ва ўн икки йилу етти ой подшоҳлик қилгани айтилади<sup>577</sup>. Тарихий ҳақиқат шуки, Александр 32 йилу 8 ой яшаган, 12 йилу 8 ой ҳукмронлик қилган ва безгак туфайли Бобилда вафот этган<sup>578</sup>.

Шу тариқа, Навоий мавжуд тажрибани асосан янгиледи. Сюжет ва мотивлар тасвири, образ ва деталлар талқинини такомиллаштирди, уларни янгича мазмун билан бойитди. «Сайёр сюжетлар борасида Алишер Навоий ижодида фабула ҳам, образлар ҳам, талқин ҳам мутлақо янгилангани фақат хамсанавислик эмас, балки Шарқ бадий тафаккуридаги янгиланиш эди»<sup>579</sup>. Шу маънода, Навоий Искандар ҳақида асар ёзиш анъанасида янги версияга асос солди деб бемалол айтиш мумкин.

---

<sup>575</sup> Хирадномаи Искандарӣ, Ҷ.5., – С. 361.

<sup>576</sup> . ٦٦٨ - ٦٦٦ . ص. ١ - ، روضت الصفا. ج. ١ ; Хирадномаи Искандарӣ, Ҷ.5., – С. 329.

<sup>577</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 143.

<sup>578</sup> Арриан, – С. 236.

<sup>579</sup> Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV – XV). Филол. фан. док. дисс... – Самарқанд: 2019. – Б. 111.

### III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Муфассиру муаррихлар хулосасига таянган шарқлик адиблар ҳам, табиийки, ҳақиқат бобида уларга хос жиҳатларни такрорлашди. Шарқ адабиёти Искандар мавзусида таянган манбаларда ҳақиқатга нисбатан тўқима (уйдирма)лар кўп. Манбаларга хос мазкур хусусият шарқ адабиётига ҳам кўчиб ўтиб, Искандар образи ва қиссасининг асосий адабий талқинлари шаклланишида муҳим ўрин тутган.

2. Шарқ эпик шеърлятида Искандар мавзусига хос етакчи хусусиятлар, асосан, хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларда намоён бўлади. Хамсанависликда искандарнома ёзиш анъанаси шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган адабий манба эса Фирдавсий достонидир. Фирдавсий достони шундоқ ҳам регрессга учраган мавзуни янада кўпроқ уйдирмалар билан адабиётга трансформация қилган асарга айланди. Фирдавсий искандарномаси кейинчалик мавзунинг шарқ адабиётидаги ривожига хос асосий тенденцияларни белгилаб берди.

3. Низомий турли манбалардан ўзи ишончли деб ҳисоблаган воқеаларни саралаб сюжет яратгач, уни оригинал композиция орқали қайта бадиий тартиблади. Низомий амалга оширган мазкур ишлар кейинги даврларда Искандар ҳақида асар яратиш анъанасига кучли таъсир кўрсатди ва эталон сифатида қабул қилинди. Низомийнинг искандарноманавислик тарихидаги энг катта янгилиги, шубҳасиз, талқин масаласида содир бўлди. Низомий ўз асарида мавжуд уч асосий талқинни умумлаштириб, Искандар образини уч босқичдан ўтувчи – аввал жаҳонгирлик қилиб дунёни олган одил шоҳ, кейин шоҳликдан дунёнинг моҳиятини англаш орқали файласуф даражасига кўтарилган донишманд, охирда донишмандликдан пайғамбарлик мақомига кўтарилган сиймо ўлароқ тасвирлашга қарор қилди. Низомийнинг ушбу ижодий нияти, табиийки, дoston сюжетини ҳам уч катта қисмга бўлиб юборган ва кўплаб янги қисмлар қўшилишига олиб келган.

4. Хусрав «Оинаи Искандарий»ни Низомий достонига нисбатан олган ва Низомий тасвиридан четда қолган, лекин ишончли туюлган воқеаларни

тасвирлашга қарор қилган. Хусравнинг ёндашуви сюжет такроридан қутулишга қаратилган, лекин у анъанавий хатолар тафтологияси, мавзуга бегона эпизодларнинг кириб боришига кенг имкон яратган. Шунингдек, Хусрав сюжети асосини Искандар қиссаси учламчи қайта ишланган манбалар ташкил этишига олиб келган. Хусрав сюжет бобида оригиналлик кўрсатиш мушкул эканини билгач, композиция борасида Низомий ишларини янгилашга астойдил ҳаракат қилган ва дostonнинг асосий қисмини уч таркибий қисмдан иборат алоҳида боблар шаклида тартиблаган. Хусравнинг асар сюжетини бир неча илова фаслларни қамраган алоҳида бўлақларга бўлиши композиция борасида жиддий ўзгариш бўлди.

5. Жомий Искандарнинг ҳолотидан воз кечиб, мақолотини тасвирлашга асосий эътиборни қаратди. Бу – салафларда учрамайдиган оригиналлик ва Жомий ўз маснавийсини ёзишда таянган асосий ижодий принципдир. Бундай ёндашув Искандар фаолиятига оид тасвирлар хирадномалар учун бадий қолип вазифасини бажаришига олиб келган. Жомийга қадар Фирдавсий, Низомий ва Хусрав Искандар қиссасининг деярли барча сюжет линияларини форсий тилда тасвирлаб бўлган эди. Шу боис Жомийнинг масалага эркин ёндашиши ва Искандарнинг жаҳонгирлиги тасвирдан воз кечиши ажабланарли эмас. Иккинчидан, Жомийнинг ижодий характери, бу пайтдаги ёши «қисса»дан кўра «ҳисса» ёзишга мойил эди. Учунчидан, Жомийнинг бундай ижодий нияти ортида, аввало, салафларни такрорламаслик, қолаверса, анъанавий мавзуда оригиналлик намоёиш этиш истаги туради. Жомий мавзунинг ҳикмат адабиёти билан боғлиқ жиҳатини биринчи планга олиб чиқиш орқали асосий эътиборни Искандарнинг донишманд сифатидаги талқинини яратишга қаратди ва соф фалсафий-дидактик асар яратди.

6. Анъана доирасида нававторлик кўрсатиш мақсади ҳар бир ижодкорни жиддий ўзгартириш ва янгиликлар қилишга мажбур қилган. Аслида, Хусрав достони композициясининг бу шаклга келиши ёки Хусрав ва Жомий искандарномалари ҳажмининг қисқариб кетиши ҳам мана шу мажбурият билан алоқадор. Услуб нуқтаи назаридан Фирдавсий искандарномасини

чинакам жангнома дейиш мумкин, чунки Низомийдан бошлаб хамсанависликда Искандар тўғрисида қисса ёзиш анъанасига лирик ва дидактик рух ҳам кириб келди. Хусравдан тасвирда жангномалик хусусияти сусайиб, маърифий-дидактик рух устунлик қила бошлади. Натижада Искандарнинг жангу жадаллари ўрнини турли ибратли ҳикоят ва масаллар, андарзлар эгаллай бошлади. Генезисига кўра тарихийлик ва жангномалик хусусиятлари етакчи бўлган мавзу адабиёт таъсирида ахлоқий-дидактик характер касб этган.

7. Навоий имкон қадар Искандар мавзусининг тарихий илдизларига яқин боришга интиланган. Искандар қиссасини турли ракурсларда талқин этар экан имкон қадар тасвирларининг тарихий ҳақиқат билан мувофиқ бўлиши ва адабий-эстетик жиҳатдан такомиллашишига эътибор қаратди. Навоий «Садди Искандарий»ни ёзишда Низомий, Хусрав дostonлари, Жомий маслаҳатига таянишдан ташқари маълумотларни тарихий асарлар билан солиштириб чиққан, ҳақиқатга яқинлик даражаси ва манбанинг ишончлилигига кўра саралаб дostonига киритган. Навоий яратган сюжет, асосан, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясига таянади. Навоий зарур деб ҳисоблаган ўринларини ўзгартирган, уларни тарихий-ҳаётий ҳамда адабий мантиқ асосида янгилаб борган.

8. Навоий Низомий ва Хусравни Искандар қиссасига, Жомийни эса Искандар сўзларига эътибор қаратган деб ҳисоблайди. Навоий мана шу икки ёндашувни мавзу тарихидаги икки хил йўл деб билган, ўз асарида уларни синтезлаш орқали учинчи йўл – янги ёндашувни намоёниш этган.

9. «Садди Искандарий» генезисини кузатиш трансформация жараёни билан боғлиқ айрим хулосаларга ҳам имкон беради. Тарихий воқелик бадий адабиётга трансформация бўлар экан, асосан, воқеалар ривожига оид фабула (қолип)ни сақлаб қолади, бироқ тафсилотлар ўзгариши, айниқса, талқин янгиланиши мумкин. Бу каби ҳолатлар Псевдо-Каллисфеннинг шарқ адабиёти, хусусан, искандарномаларга трансформацияси муайян ўзига хосликларга эга эканини кўрсатади. Жумладан, айрим воқеа ёки эпизод

таркибидаги биргина мотив ёки детал кўчиб ўтиб, у мансуб бўлган воқелик тушириб қолдирилади ёки воқеа-ҳодисанинг мазмуни сақланиб, тафсилотлар ўзгаришга учрайди.

10. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони генезисини ўрганишдан асосий мақсад бадиий воқеликнинг тарихий воқеликка қанчалик мос келиш-келмаслиги ёки адибларнинг қандай хатоларга йўл қўйганини аниқлаш эмас, балки тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима нисбатини белгилаш, муайян асоснинг тарихий-бадиий эволюцияси ва трансформациясини ёритиш, охир-оқибат, Навоийнинг ижодий оригиналлигини илмий асосда кўрсатиб беришдир. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима нисбатини белгилаш эса муайян адабий анъана доирасида конкрет ижодкорнинг оригиналлиги – шахсий ижодий ташаббусларини аниқлаш имконини беради. Анъана доирасидан бирор ижодкорга тегишли ижодий ташаббусларни аниқлаб олиш бу – ижодкорнинг ижодий шахсияти, руҳияти ва дунёқарашини белгилаш демакдир. Мумтоз адабиёт, айниқса, Навоий сингари анъаналар таъсирида ижод қилган адибларни объектив баҳолаш, улар ҳақида конкрет тасвурларга эга бўлиш учун, аввало, ана ўша *ижодий ташаббуслар* аниқлаб олиниши керак. Табиийки, муайян анъанадан ижодкорга оид хос ташаббусларни саралаб олиш учун мезон – асос лозим, мезон эса муайян мавзу ёки масаланинг илк асоси, туғилишидан олиниши зарур, йўқса, ҳар қандай таҳлил янглиш тасаввурларни пайдо қилади.

11. Хамсанавислар, хусусан, Навоий манбалар, ҳақиқат тасвири ва мавзуга ёндашувда янглишган дейиш бадиий ижод нуқтаи назаридан тўғри эмас. Бошқа томондан, улар ҳам мавзунинг тарихий тадрижида, шарқ тарихчилари ва муфассирлари юзага келтирган шиддатли оқим таъсирида қолишган. Тарихий асосни ҳар доим ҳам биринчи ўринга қўявермайдиган адабиёт мазкур шиддатли оқимдан чиқиб кета олмади, натижада сюжет ва тафсилотлар бобида уларга эргашди.



## IV БОБ. НАВОИЙНИНГ ТАСВИР МАҲОРАТИ

### 4.1. Сарлавҳалар поэтикаси

«Садди Искандарий» «Хамса» таркибидаги дostonлар билан умумий бутунлик, яхлит поэтик полотнодир. Айни пайтда, нисбий яхлитлик тизими ҳар бир дostonда ўзига хос тарзда намоён бўлади, хусусан, «Садди Искандарий» ҳам бу қонуниятга тўла бўйсунди. Шу кунга қадар дostonдаги мазкур бадий системанинг муайян компонентлари ўрганилган. Тадқиқотларнинг баъзилари умумий поэтика, баъзилари хусусий (ёки норматив) поэтика доирасида амалга оширилган. Дoston бадиияти маълум даражада тадқиқ этилгани боис масалага танлаб муносабатда бўлиш зарурати мавжуд. Аввалги бобда дoston поэтикасининг бадий трансформация, адабий таъсир ва ижодий оригиналлик, сюжет ва образлар такмили каби муаммолар билан алоқадор томонлари тадқиқ этилган бўлса, ушбу бобда масаланинг нисбатан кам эътибор қаратилган, бироқ асарни тушунишда муҳим ўрин тутувчи жиҳатлари таҳлилга тортилади.

Дoston яхлитлиги муқаддимадан хотимагача бўлган барча қисмларнинг ягона адабий-эстетик тизимга бирлашуви натижасида шаклланади. «Классик бўлиш ҳар қандай ортиқчаликни кўришга кўзи бўлмасликда, демакки, қанчалик жозибали бўлмасин, барча сунъий нарсалардан қутулишга имкон берадиган, фақат ҳаққонийликни қабул қила оладиган руҳий сезгирликка эришишни, ҳалолроқ бўлишни англатади»<sup>580</sup>. Агар мана шу андоза билан ёндашилса, Навоийнинг асар мазмунини рўёбга чиқарувчи сюжет ва композицияни танлашдан бошлаб алоҳида қисмлар жойланишигача, воқеа ва ҳодисаларни адабий-манتيқий шаклантиришдан бошлаб уларнинг ифодаси учун сўз ва иборалар қўлланишигача бўлган жараёни жиддий танловдан ўтказадиган калассик сифатидаги эътирофи бежиз эмаслиги маълум бўлади.

<sup>580</sup> Грифцов Б.А. Психология писателя. – Москва: Художественная литература, 1988. – С. 34 – 35.

Ҳар бир асар поэтик бутунлик, айти пайтда, ҳар қандай яхлитлик алоҳида-алоҳида қисмлардан таркиб топади. Гап ижодкорнинг поэтик маҳоратини белгилаш устида борар экан, мазкур қисмларни алоҳида олиб таҳлил қилишда ўзига хос илмий мантиқ борлиги намоён бўлади. Ушбу мулоҳазалар «Садди Искандарий» сарлавҳаларига ҳам тўла тааллуқли. Сарлавҳалардаги «мазмун ва бадиият ўзи бир алоҳида предметдирки, у дoston моҳиятини тўлдиради, унинг мундарижаси учун бир адабий кўзгудек хизмат қилади»<sup>581</sup>. Лекин сарлавҳа мустақиллиги нисбий характерга эга, уни ўзи мансуб боб, асар бадиий тўқимасидаги бир қисм сифатида ёки асарнинг бошқа элементлари билан гармоник алоқадорликда тушуниш кўпроқ мақсадга мувофиқ. Сарлавҳа муаллиф ифодамоқчи бўлган мазмунга хос энг умумий нуқта, йўналишни кўрсатиш, ўқувчини тасвирланажак воқеалар мундарижаси билан таништириш ва уларга тайёрлаш, тасвирни конкретлаштириш, уларга ном бериш ва қисмлар чегарасини кўрсатиш мақсадлари билан яратилади. Мазкур мақсадлар, бир томондан, ижодкорга қулайликлар туғдирса, бошқа томондан, китобхонга ёрдам беради, лекин кўпроқ муаллифнинг ижодий концепцияси, нияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Яъни сарлавҳа яратилиш сабаби, ижодий ният ва асар бадиий тўқимасида жойлашувига кўра икки қутбли ҳодиса. Бизни масаланинг сарлавҳада муаллиф маҳоратининг акс этиши жабҳаси кўпроқ қизиқтиради.

«Садди Искандарий» сарлавҳалари Навоий насрининг намуналари бўлиб, уларда даврнинг жимжимадор насрий услуби аниқ намоён бўлган. Навоийнинг насрий баён тарзига хос бундай жимжимадорликни таъминлаб турган асослар эса *сажъ*, *форсий конструкциялар* – жумла қурилиши, оборотлар, *туркий тил* ва *шоирона пафос*дир. Навоий сарлавҳалари, асосан, сажъ, ички қофия ва мураккаб жумлалардан таркиб топади, уларда арабий кўчирмалар учраб туриши ҳам ифода мураккаблашишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси тарихий контекст – ўша даврдаги шарт-шароит, анъана

---

<sup>581</sup> Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 56.

ва тажрибалар билан боғлиқ омиллар бўлиб, Навоий ўз даврининг фарзанди сифатида урфда бўлган насрий ифода тарзининг таъсирида қолган.

Навоий сарлавҳалари учун энг умумий қонуният – асосий воқеалар мундарижасини ифодалашдир. Шу маънода, Навоий сарлавҳаларини бобнинг мухтасар насрий баёни (А.Қаюмов), дейиш мумкин. Навоийнинг боб мундарижасини сарлавҳада акс эттиришида эса уч муҳим жиҳат такрорланади:

1. Тафсилотлар мундарижасини кўрсатиш орқали ўқувчини тасвир йўналиши билан таништириш.

2. Боб мундарижасини оригинал поэтик ифодалар билан қайта тасвирлаш.

3. Сарлавҳанинг боб мундарижасини тўлиқ акс эттирмаслиги.

Бунда учинчи жиҳатга бироз изоҳ зарур: Навоий сарлавҳаларда сюжетнинг асосий ўринларини мухтасар баён қилади, ифодага хос айни *мухтасарлик* фақат асосий тафсилотлар қайдига имкон беради ва қолган тафсилотлар тушириб қолдирилади. Бир туркум сарлавҳаларда сюжетнинг якуни акс этмайди ёки натижа тўғрисида атайлаб бадиий бўёқдор, хуллас, аниқ бўлмаган ифодалар берилади, унинг маъносини асосий матн билан танишгандан сўнггина фаҳмлаш мумкин. А.Қаюмовнинг фикрича, «Навоий дoston сарлавҳаларига алоҳида вазифа юклаган. Улар ҳар бир бобдаги воқеаларни тўла акс эттирмоқлари керак. Ҳатто, агарда бу сарлавҳалар дostonнинг шеърий матосидан ажратиб олинган тақдирда ҳам сарлавҳалар дostonнинг умумий мазмуни ва мундарижасини ўқувчи фикрига етказган бўлар эдилар»<sup>582</sup>. Ушбу мулоҳаза асосан тўғри, бироқ Навоий сарлавҳада сюжетни мухтасар тасвирлар экан, хоҳласа-хоҳламаса, ички тафсилотларни ифодалай олмасди. Ҳатто, Навоий тез-тез сарлавҳаларда асосий тасвир объекти, фикр ва кульминацияни «яширади» ва бу китобхонда қизиқиш уйғотади, асосий матн билан танишишга иштиёқ пайдо қилади. Сарлавҳалар, бир томондан, бобдаги асосий воқеалардан хабар берса, бир томондан, бобни

<sup>582</sup> Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 72.

тўлиқ акс эттирмайди. Бу ўқувчига воқеалар ҳақида умумий тасаввур беради, шу билан бирга, асосий матн билан танишишга қизиқтиради. Сарлавҳа ва асосий матннинг мустаҳкам алоқадорлигини Б.Тўхлиев қитъалар<sup>583</sup>, А.Қурбонов «Фарҳод ва Ширин» сарлавҳалари мисолида кўрсатиб берган<sup>584</sup>.

Достонда сарлавҳа композицияси билан алоқадор яна икки барқарор хусусият мавжуд. Биринчиси, сарлавҳанинг ўз ички конструкциясида *тасвир* ва *изоҳдан* иборат бўлиши, иккинчиси, сарлавҳанинг тегишли боб ёки асар композициясига мослашиши. Биринчи жиҳатга кўра, Навоий сарлавҳаларни икки қисмдан иборат қилиб тузади, биринчи (асосий) қисмни бобнинг мазмуний мундарижасини ифодаловчи образли жумлалар, иккинчи қисмни уларнинг хулосаси ўлароқ киритилган *қисқа изоҳ* ташкил этади. Мисол учун: «Афв фазилатидаким, дарёдил жавонмардлар мужримлар гуноҳи хасу хошокин бахшиш насими била кўнгул баҳридин адам савоҳилиға суарлар ва юзларига дарё мавжидек чин тушмас ва ҳайрат зулумотидағи овораларни карам шамъи раҳнамоилиғи била ул водийи ҳалоктин чиқорурлар ва ул тийраликтин аларға ҳеч гард ёпушмас»<sup>585</sup>. Сарлавҳанинг «*Афв фазилатидаким*» деб бошланувчи қисми қолган қисмнинг *қисқа изоҳи* бўлиб, муаллиф айтмоқчи бўлган асосий фикрни аниқ акс эттириш вазифасини бажаради. Сарлавҳанинг қолган қисмида ҳам «афв фазилати» ҳақида гап боради, лекин фикр бадийий йўсинда ифодаланади. Навоий сарлавҳалардаги мазкур икки қисм – тасвир ва изоҳни турли грамматик воситалар (яъни, -ки (ким), таърифиди, бобида, ҳикояти каби сўзлар) орқали боғлаб боради. Айрим сарлавҳаларда мазкур тузилиш янада мураккаблашиб, бир сарлавҳа ичида бир нечта изоҳ ва тасвир келиши ҳам мумкин<sup>586</sup>.

Навоий сарлавҳалари тузилишига алоқадор иккинчи барқарор жиҳат – сарлавҳаларнинг тегишли боб ёки асар композициясига уйғунлашишидир<sup>587</sup>. Бу хусусият «Садди Искандарий» сарлавҳаларида яққол намоён бўлган,

<sup>583</sup> То‘хлиев В. Navoiyshunoslik. – Toshkent: BAYOZ, 2021. – В. 101.

<sup>584</sup> Қурбонов А. «Хамса» сарлавҳалари бадиияти. – Тошкент: MERIYUS, 2016. – Б. 42 – 127.

<sup>585</sup> Saddi Iskandariy, – В. 228.

<sup>586</sup> Saddi Iskandariy, – В. 29.

<sup>587</sup> Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 125.

достон асосий қисмининг тўрт таркибли (саргузашт, мулоҳаза, ҳикоят ва ҳикмат) тузилиши уларнинг сарлавҳаларида ҳам акс этган. «Саргузашт»ларда Искандарнинг ишлари тасвирланади, бу фасл асосий қисм бўлгани боис сарлавҳалари ҳам тафсилотларга бой ва ҳажман йирик. Шунингдек, сарлавҳа акс эттирган мундарижада бобдаги асосий воқеаларнинг барчаси мутаносиб кўрсатилади, ҳатто, жумлалар сони асосий воқеалар кетма-кетлигига мувофиқ бўлади. Ушбу фасллар сарлавҳасига хос яна бир умумий хусусият шуки, уларда бадиият кучли эмас, ифода нисбатан «қуруқ». Буни келтириб чиқарган сабаб эса фаслда, асосан, қисса ҳикоя қилинишидир.

«Мулоҳаза»ларнинг сарлавҳалари, аввало, мазмундорлиги билан ажралиб туради. Навоий бундай сарлавҳаларда конкрет назарий масала борасида тугал, хулосавий фикрини ифодалайди. Мисол учун, «*Муҳолафат мазамматидаким*» деб бошланувчи сарлавҳа тугал мазмунга эга: муҳолифатнинг оқибати офат, мусодақатнинг натижаси эса саодат; оддий одамлар муҳолифати хонумон хароблигига, султонлар муҳолифати жаҳон хароблигига сабабдир. «Мулоҳаза»лар сарлавҳасининг мавзуси ва мазмундорлиги тегишли фаслнинг мавзуси ва табиатидан келиб чиққан бўлиб, асосий қисмда тасвирланган турли назарий фикрлар хулосаси ва муаллиф позициясини кўрсатувчи қараш сарлавҳага қалқиб чиқади. «Мулоҳаза»лар сарлавҳасига хос иккинчи умумий хусусият оҳорли бадиий ифодага эгаликдир. Асосий бобларни ташкил этувчи тўрт қисм сарлавҳалари орасида бадиият бобида энг яхшиси шу фаслларга оид. Айнан «Мулоҳаза»лар сарлавҳасининг гўзал поэтик ифодага эга бўлишига сабаб ушбу фасллар табиатидир. Яъни ижодкор ушбу фаслда муайян назарий масала тўғрисида субъектив мулоҳазаларини ифодалайди. Мавзунинг кенглиги, ҳажмнинг чекланмаганлиги ва ёндашувдаги эркинлик ижодкорга бадиий тасаввурга эрк бериш имконини берган. Навоий мана шу имкондан маҳоратини кўрсатиш йўлида самарали фойдаланган.

«Ҳикоят»лар сарлавҳалари ҳам поэтик матн мазмунидан келиб чиққан. Ҳикоятлар сарлавҳаларига хос энг умумий хусусият ҳажм сиқиклигидир.

Чунки уларда кичик лавҳа ёки эпизод ҳақида хабар берилади, бироқ ушбу мухтасарлик ҳикоят мундарижасини акс эттиришга халақит бермайди. Ҳикоятлар сарлавҳасига хос иккинчи умумий хусусият соддаликдир. Ҳикоятларнинг сарлавҳалари, одатда, жуда содда ва тушунарли, уларда мураккаб жумлалар, жимжимадор ифодалар, арабий кўчирмалар учрамайди.

«Ҳикмат»лар сарлавҳалари ҳам ўзи алоқадор фасл характерини аниқ акс эттиради. Фаслнинг асосий қисми мунтазам Искандар ва Арастунинг диалоги, савол-жавобларидан ташкил топади. Асосий матндаги мазкур бош хусусият сарлавҳада ҳам акс этади. Яъни «Ҳикмат»ларнинг сарлавҳалари улар учун умумий бўлган диалог асосида шаклланади, баъзиларида савол ҳам, жавоб ҳам конкрет қайд этилса, баъзиларида савол аниқ, жавоб умумий қайд этилади. Навоий, одатда, жавоб узун тафсилотларга эга бўлса, сарлавҳада саволга жавоб берилгани тўғрисида ишора бериш билан чекланади. Агар жавобни қисқа ифодалаш имкони бўлса, албатта, шундай йўл тутади.

Навоий сарлавҳаларига хос энг асосий ва умумий хусусият – юксак бадий ифодадир. Салафлар сарлавҳанавислигидан Навоий сарлавҳанавислигини фарқлаб турувчи энг асосий жиҳат ҳам айнан юксак бадий ифодадир. Қиёслаш учун Низомий асарларининг шу жиҳатига эътибор қаратсак, Низомий бобларга сарлавҳани маълумот бериш ва бир бобни иккинчисидан ажратиб туриш мақсадида қўяди, шу боис улар ҳажман жуда қисқа ва бадииятдан ҳоли. Навоий эса сарлавҳага ахборот беришдан ташқари, мазмунни янгича образли ифодалаш, эстетик завқ бериш, бадий маҳоратни намоён этиш сингари функцияларни ҳам юклайди. Сарлавҳа яратишдаги энг мушкул вазифа, албатта, асосий қисмда тасвирланажак адабий мақсадни янги поэтик ифодалар орқали қайта яратишдир. Айтиш мумкинки, Навоий «Садди Искандарий» сарлавҳаларида бунга эришган. Навоий сарлавҳани ташбеҳ, истиора, таносуб ва тазод сингари тасвирий воситалар ёрдамида алоҳида бадий борлиққа айлантиради ва фикрни бетакрор поэтик манзаралар яратиш орқали тушунарли, таъсирли қила олади.

Умуман, юксак бадий ифода Навоийнинг тасвир услубига хос устувор қонуният бўлиб, бу ўринда ана ўша қонуниятнинг шоир сарлавҳаларида намоён бўлиши хусусида тўхталмоқчимиз. Тадқиқотларда Навоий бадий маҳоратининг сарлавҳаларда акс этиши, унинг турли жабҳалари борасида фикр-мулоҳазалар билдирилган<sup>588</sup>. Уларни такрорламаган ҳолда Навоий сарлавҳанавислигига хос айрим хусусиятларни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Навоийнинг сарлавҳанавислик маҳоратини кўрсатувчи ана шундай жиҳатлардан бири *доминант (ёки бир) сўзга таяниб бутун мазмунни образли тасвирлашга интилиш*дир. Сарлавҳаларнинг мавжудлик асосларидан бири, ижодкор ихтиёридан ҳам юқорироқ турувчи талаби – мухтасарликдир. Мазкур талаб муаллифнинг ижодий имкониятларини чеклайди ва ғояни сиқик, аммо конкрет ифодалашга мажбур этади. Бундай мажбурият эса тез-тез асосий қисмда тасвирлаш ният қилинган мавзу ёки масаланинг ядросини акс эттирувчи таянч тушунча ва уни ифодаловчи сўзни саралаб олишни тақозо этади. Натижада муаллиф сараланган сўзнинг маъноси ва шаклига таяниб, шулар асосида бадий тафаккур қилиб, кутилмаган образли ифодалар, поэтик тасвирлар яратади. Энг муҳими ҳар қандай янги бадий ифода ижодий ният инкишофига хизмат қилишидир. Масалан, Навоий «Муножот» бобида қуйидаги сарлавҳани ёзади: *Муножот ул Карими Халлоқ ва мукаррами алал-итлоққаким, карамининг «қоф»и саркашлик била ёзуқ «қоф»ини ерга наст қилур ва «ро»си ройи оламоро била маъсият «айн»ин кўр этар ва «мим»и лутфи эмим била хато хаттига афв рақами чекар ва ўз журми олойишин демак ва баҳри гуфрондин амон истамак*. Биринчидан, сарлавҳадаги «... ўз журми олойишин демак ва баҳри гуфрондин амон истамак» жумласи сарлавҳа ва бобдаги асосий тезис – сарлавҳа ичидаги сарлавҳа бўлиб, дастлабки тўрт сатр мана шу фикрнинг янгича поэтик

---

<sup>588</sup> Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 3 – 145; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘zbekiston, 2014. – Б. 275; Қурбонов А. «Хамса» сарлавҳалари бадиияти. – Тошкент: MERIYUS, 2016. – 188 б; Маҳмудов Н. Сарлавҳалар лингвопоэтикаси (Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонидаги боблар мисолида) // Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари. II китоб. – Тошкент: 2016. – Б. 137 – 140; To‘xlijev V. Navoiyshunoslik. – Toshkent: BAYOZ, 2021. – B. 101.

тасвиридир. Бу такрор сийқаликни эмас, таъкидни юзага келтирган. *Карам, мукаррам, лутф, афв, шафқат, омонлик* ҳамда *муножот, ёзуқ, маъсият, хато, журм* сўзлари эса уюшиб боб мазмуни ва мавзусини англатувчи таносубни ҳосил қилган<sup>589</sup>.

Иккинчидан, Навоий тасвир объекти қилиб **карам** (كرم) сўзининг биринчи ҳарфи **коф** (ك) ни олади, чунки сўз шу ҳарф билан бошланади, бироқ сарлавҳада синоним сифатида қўлланган маъсият, журм, хато ва ёзуқ сўзларидан сўнггиси карамга нисбатан биринчи бўлиб қўлланади. Тасвирда **карамнинг кофини** олиш қанчалик табиий бўлса, синонимлар орасидан **ёзуқни** ва унинг **кофини** олиш ҳам шунчалик табиий. Навоий бу орқали уч хил мақсадни юзага чиқара олган: 1) Тангри ўз карами билан ёзуқ – гуноҳларимни кечирсин; 2) гуноҳларим Қоф тоғидек улкан, аммо карамининг бир жузи (кофи) уни йўқ қила олади; 3) карамнинг биринчи ҳарфи (коф)ни ёзуқнинг охирги ҳарфи (коф) билан оҳангдош қилиш.

Учинчидан, «*карамининг кофи саркашлик билан ёзуқ кофини ерга наст қилди*» деган ифодада жанговар руҳ сезилиб турибди. Бундай руҳнинг юзага чиқишида *саркашлик* сўзи ва *ерга наст қилмоқ* иборасининг маънолари асос сифатида хизмат қилган. Саркашлик сўзининг *бош бермас, итоатсиз* каби семалари мавжуд бўлиб, Навоий бу сўзни шу сарлавҳада келтириш орқали, бир томондан, гуноҳларнинг келиб чиқишига ишора қилган бўлса, бошқа томондан, дoston мавзуси ва жанговар руҳни тасвирга сингдира олган.

Тўртинчидан, «*карамининг роси ройи оламоро била маъсият айнини кўр этар*» жумласида **ро** (ر) милга, **айн** (ع) эса анъанавий кўзга ташбиҳ қилинган. Карам «ро»сининг шаклан ўткир тиғ ёки милга ўхшашлиги сарлавҳадаги тўрт синоним сўздан **маъсият**ни карамга нисбатан олишга асос бўлган, чунки тўрт синонимдан фақат маъсият сўзида **айн** (ع) ҳарфи бор. Муаллиф **айн**ни кўзга ва **ро** ҳарфини милга ташбиҳ қилиш орқали асосий муддаоси – гуноҳларини кечиришга умидворликни ифодалаган, бундан

<sup>589</sup> «Хамса»да таносубнинг қўлланиши ҳақида қаранг: Ҳаққулов И. «Хамса» бадииятига доир // Алишер Навоий «Хамса»си (тадқиқотлар). – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 112 – 127; Навоий сарлавҳаларида учровчи таносуб ҳақида қаранг: Қурбонов А. «Хамса» сарлавҳалари бадиияти. – Тошкент: MERIYUS, 2016. – Б. 32.



ташқари, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги сиёсий ихтилофлар, дoston мавзуси ҳақидаги ишораларни ҳам усталик билан қистириб ўтган.

Бешинчидан, «*карамининг мими зўр лутф билан хато саҳифасига афв ҳукмини ёзар*» жумласида **мим** (ә) ҳарфининг оғизга ўхшатилишига асосланиб, Навоий Тангри томонидан марҳамат, лутф билан хатолари афв этилишига умидини акс эттиради. Қолаверса, **карам, лутф, хато, афв** сўзлари ўзаро мутаносиб ҳолда ҳамднинг тури (Муножот ҳамд) ва моҳиятини ҳам акс эттирган.

Навоий шу тарика график, фонетик, лексик-морфологик воситалардан тортиб, образ танлаш, жумла куриш ва тасвир услубигача – ҳаммасини ижодий ниятга бўйсундиради. Муножот мазмунини *карам* сўзига таяниб бундай бетакрор тасвирлаш, аввало, Навоийнинг бадий маҳоратидан далолат беради, шунингдек, Навоийнинг сарлавҳаларни ҳам юксак бадий маҳорат билан яратганини тасдиқлайди. Муайян мавзу ёки масалага оид доминант сўзнинг маъноси ва шаклига таяниб асосий фикрни бундай мухтасар, аниқ ва бетакрор бадий тасвирлашни, шунчаки, китобат санъати дейиш камлик қилади. Навоий бу усулдан сарлавҳалардан ташқари асосий қисм ифодасида ҳам фойдаланиб туради. Жумладан, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий мадҳидаги бобларда бу уч адиб ижодининг моҳияти, улар ҳақидаги тасаввурларини доминант сўзларга («**ганж ва низом**», «**хусрав ва ҳинд**», «**жом ва май**») таяниб ифодалайди. Навоийнинг муайян сўз маъноси ва шаклига таянувчи бундай тасвирлари фақат шаклга ёки ташбеҳга асосланган эмас, уларда таносуб, тазод каби тасвирий воситалар биргаликда намоён бўлади ва бундай образли тасвирлар мазмунан бир неча қатламга эга бўлиб, зоҳирий маънодан ташқари ҳам асар мавзуси, ҳам муаллиф нияти билан мутаносиблик ҳосил қилади.

Навоий сарлавҳанавислиги билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат сарлавҳада асосий қисм моҳиятига оид рамзий ишоралар беришдир. Сарлавҳа ва фасл бир бобнинг таркибий қисми сифатида ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзаро алоқадор бўлиб, бири бошқасини тақозо этади. Муаллиф

сарлавҳада назарда тутган маъно асосий матн билан янада тушунарли бўлади. Навоий сарлавҳа ва асосий қисмнинг чуқур мантиқий алоқаси асосида қисмларни ўзаро шундай боғлайдики, буни фақат қайта-қайта ўқиш жараёнида, сарлавҳа мундарижасини асосий қисм билан таққослаш орқали илғаш мумкин. Аслида, Навоий сарлавҳада асосий қисмнинг моҳиятига оид рамзий ишоралар беради, аммо уни бир ўқишда тасаввур қилиш мушкул.

Бунинг ўзига хос намунаси «Меърож» бобида учрайди: *Ул ҳумойи баландпарвоз тайронининг суръати таърифидаким, меърож шабистонида кўзи наргиси била кўнгли гунчаси «ма зоғал басару ва ма тағо» жўйборидин шодобдурур ва тақарруб айвонида муқаввас қошлари «қоба қавсайни ав адно» эътиборидин баҳраёб*<sup>590</sup>. Сарлавҳада икки оят келтирилган, биринчисининг матни тўлиқ: **«Ма зоғал басару ва ма тағо»**, яъни «(Пайғамбарнинг) кўзи (четга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ»<sup>591</sup>. Иккинчиси қисқартирилган тарзда, тўлиқ матни эса қуйидагича: **«Факана қоба қавсайни ав адно»**, яъни «Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди»<sup>592</sup>. А.Қаюмовнинг фикрича, Навоий жуда муҳим деб ҳисоблаган бобларининг сарлавҳаларидагина арабча кўчирмалар келтиради<sup>593</sup>.

Бобнинг сарлавҳасида гап нима ҳақида кетаётгани аниқ бўлса-да, асосий қаҳрамон ошкор этилмай, юқоридаги оятлар орқали ишоралар берилиб, ўқувчининг қизиқиши орттиради. Ҳар икки оят бобда тасвирланиши кўзланган бадийий мақсадга бевосита алоқадор бўлиб, Навоий дастлабки оятни ўз маъносида, иккинчи оятни эса пайғамбарнинг Тангрига қай даражада яқин борганини англатиш учун қўллайди. Бу ўз-ўзидан содир бўлмаган, тасаввуф адабиётида бу оят кўпроқ мазкур маънода талқин этилган бўлиб, унинг **«қоба қавсайн»** ва **«ав адно»** қисмлари алоҳида истилоҳлар

<sup>590</sup> Saddi Iskandariy, – В. 17.

<sup>591</sup> Куръони карим (маъноларининг таржимаси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 526.

<sup>592</sup> Куръони карим (маъноларининг таржимаси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – Б. 526.

<sup>593</sup> Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 56.

сифатида ишлатилади. **Қоба қавсайн** – икки камон ўртаси. Орифлар наздида илоҳий амрда исмлар орасидан қабул қилинганига кўра илоҳий ва асмий курб (яқинлик) мақоми, бу исмлар ибдо, иода, нузул, уруж, фоилият, қобилият кабилар бўлиб, уларни вужуд доираси деб атайдилар. Шунингдек, «қоб» вужуб (вожиб бўлган) ва имкон доирасига ишора, «қавсайн»ни мана шу икки доирага ишора ҳам дейдилар. Агар солиқ борлиқ мақомидан ташқарига кадам қўйса, фоний бўлади, Ҳақ вужудида сингиб кетади ва имкон доираси вужуб доирасига яқинлашади ҳамда вужуб ва имкон бирлик ҳосил қилади<sup>594</sup>. Аммо бу курбнинг зотий эмас, сифатий экани ҳам қайд этилган. Бундан сўнг «**Ав адно**» (янада яқинроқ) мақоми бор. «Қоба қавсайн» Ҳақ билан бирлашишдан иттисол – яқинлик дейилган ажратишнинг (яхшини ёмондан) бақоси билан баробар, «ав адно» эса айни жамдаги зотий аҳадийятдан иборат. «Ав адно»да ажратишлар ва аҳамияти бўлган иккилик соф фано ва комил бутунлик сабабли кул ва Ҳақ орасидан кўтарилади<sup>595</sup>.

Навоий бобда ваҳдати сирф – соф ваҳдатни тасвирлашни мақсад қилган, зеро, меърож тасвири бундай нозик масалага ўз нуқтаи назарини ифодалаш учун жуда қулай вазият эди<sup>596</sup>. Шу боис Навоий сарлавҳада юқоридаги истилоҳлар орқали асосий қисмда ваҳдат масаласини батафсил тасвирлашига дақиқ ишоралар беради.

Меърож тасвиридаги яна бир эътиборга молик жиҳат воқеа-ҳодисани баланд пафосда ифодалаш, тасвирга романтик руҳ беришга интилишдир. Навоийнинг меърожга оид тасвирларида масала моҳиятини қалб қўри билан ифодалаш, ҳайрат туйиш яққол сезилиб туради. Ушбу кайфият меърож тасвирини улуғвор ташбеҳлар билан бошлашидаёқ намоён бўлади:

Не шом ул шабистони фархундафол,

Бўлуб офариниш узориға хол.

Демай холким, гесуйи мушкрес,

<sup>594</sup> سجادی جعفر. فرهنگ اصطلاحات و تعبیرات عرفانی. – تهران: طهوری، ۱۳۷۰. ص. ۶۳۱.

<sup>595</sup> Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 58.

<sup>596</sup> Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётда тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги («Бадоеъ ул-бидоя» девони асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 55.

Қилиб офариниш уза мушкбез<sup>597</sup>.

Яъни, у шом қандай бахтли кечаки, борлиқ жасолига хол бўлиб тушиди. У хол эмас, бутун оламга ёқимли ифор таратувчи сочдир. Навоий дастлабки байтлардаёқ баланд пафосга эга мана шундай гўзал манзара яратади, лекин бу унинг асосий мақсади бўлмай, қора рангга урғу бераётгани ҳам, меърож шабистонини хол ва сочга ўхшатиши ҳам тасодиф эмас. Буларнинг ҳаммаси сарлавҳадаги рамзий ишоралар билан алоқадор.

Шарқда юқоридаги оят воситасида меърожга маънавий камолот дастури сифатида ҳам қарашган, Навоийнинг айна мана шундай қарашга эргашиши дастлабки икки байтда меърож тунини **хол** ва **соч**га ташбеҳ қилинишига олиб келган. **Хол** – солиқлар наздида йўл, завқ аҳли наздида эса ҳақиқий ваҳдат нуқтаси. Сўфийлар истилоҳида касратнинг бошланиши ва интиҳоси бўлган ваҳдат нуқтасига ишорадир. Ғайбий хувиятга (бутун ҳақиқатларни қамраган мутлақ ҳақиқат) ўхшайди, чунки идрок ва шуурдан махфийдир<sup>598</sup>. **Гису** деб хувият оламига бўлган талаб йўлини айтганлар ва ҳаблал матн (маҳкам ип, арқон; Қуръон, илоҳий амрлар) ундан иборатдир<sup>599</sup>. Яъни Навоий меърож тунини холга ўхшатиш орқали бобда Ҳаққа етишиш йўли, ваҳдат тўғрисидаги ҳақиқатларни ёки гисуга ташбеҳ қилганда курбат ҳосил қилишга кўмак берувчи илоҳий амрлар, меърож мўжизаси ҳикматини тасвирламоқчи эканига моҳирона ишора қила олган. Навоий устуворлик берган айна жиҳат унинг меърож боблари оригиналлик касб этишига ҳам хизмат қилган.

Навоий сарлавҳанавислигининг юксак бадий ифода билан боғлиқ яна бир жиҳати энг муҳим – хос ташбеҳнинг сарлавҳага олиб чиқилишидир. «Хос ташбеҳ» сифатида олишнинг бир неча асослари бўлиши керак, жумладан, хос ташбеҳ, аввало, камёб бўлиши зарур, сўнгра ёрқин бўлиши керак, боб мазмунини тўла қамраб олиши ва унга жуда мос тушиши шарт, шунингдек, унда муайян асар моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи

<sup>597</sup> Saddi Iskandariy, – B. 17.

<sup>598</sup> سجادی، - ص. ۳۴۴.

<sup>599</sup> سجادی، - ص. ۶۷۶.

автоинтерпретацион ишораларни акс эттириши ҳам мақсадга мувофиқ. Мазкур мезонларга тўла жавоб берувчи хос ташбеҳлардан бири «Садди Искандарий» достонининг V бобида учрайди:

*«Бу «Хамса» такмилидаким, салавоти хамса адосидек аввал фажр сажадотидин «Сиймоҳум фи вужухиҳим мин асариссужуд» зумрасига кирилди ва зуҳр ракаотидин «Варкау мааррокиин» хайлига қўшулулди ва аср қиёмидин «Ва иқомас-саловот» жамоатига юз қўюлди ва мағриб қироатидин «Икраъ бисми раббикаллази халақ» халқига бош индурулди ва эмди ишо ниятидин отил табъни гафлат уйқусига борғоли қўймайин адосига тарғиб қилилди»<sup>600</sup>.*

(Яъни: Бу «Хамса»ни мукаммал қилиш ҳақидаки, **беш вақт намоз** адосидек аввал **бомдод саждаларидан** «Уларнинг юзларида сажда асоратидан (қолган) белгилари бордир»<sup>601</sup> зумрасига кирилди ва **пешин ракатларидан** «Рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилингиз»<sup>602</sup> хайлига қўшилилди ва **аср қиёмидан** «Намозни мукаммал адо этингиз»<sup>603</sup> жамоатига юзланилди ва **шом қироатидан** «Яратган Роббинг номи билан ўқи»<sup>604</sup> халқига бош индирилди ва энди **хуфтон ниятидан** ялқов табъни гафлат уйқусига кетгани қўймай тугатишга даъват этилди)

Сарлавҳанинг биринчи синтагмасида муаллифнинг асосий фикри ифодаланган, лекин Навоий бу билан қаноатланмайди, у мазмунни бетакрор образли тасвирлар билан янгидан ифодалаш орқали асосий фикрини яна бир карра таъкидлашни мақсад қилади. Айни бадий ниятнинг пайдо бўлиши бевосита муаллифнинг поэтик иқтидори ва салоҳияти билан алоқадор. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр»ни бомдодга, «Фарҳод ва Ширин»ни пешинга, «Лайли ва Мажнун»ни асрга, «Сабъаи сайёр»ни шомга, «Садди Искандарий»ни эса хуфтон намозига ташбеҳ қилишининг ўзиёқ кишини ҳам мафтун этади, ҳам чуқур мушоҳадага чорлайди. Биринчидан, ислоннинг беш

<sup>600</sup> Saddi Iskandariy, – В. 24.

<sup>601</sup> Абдулазиз Мансур таржимаси, «Фатҳ» сураси, 29-оят. – Б. 515.

<sup>602</sup> Абдулазиз Мансур таржимаси, «Бақара» сураси, 49-оят. – Б. 7.

<sup>603</sup> Абдулазиз Мансур таржимаси, «Бақара» сураси, 49-оят. – Б. 7.

<sup>604</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 505.

арконидан бири бўлган намознинг беш вақтига «Хамса»нинг беш достонини қиёслаш – ижодкорнинг бу ишга қандай масъулият билан ёндашгани, уни қандай мартабада тутганини англатади. Иккинчидан, Навоий намознинг фарз экани, бу орқали тўрт вақт намоз ўқилгач, бешинчиси қай даражада шарт бўлса, тўрт дostonдан сўнг бешинчи дostonнинг ёзилиши ана шундай зарурат эканини уқтирмақчи бўлади. Учинчидан, хуфтон намозини адо этиш билан «Садди Искандарий»ни ёзиш ўртасидаги ўхшашликнинг табиий асоси мавжуд бўлиб, бунга хуфтон намозини ўқишдаги эринчоқлик кайфияти асос қилиб олинган, шу орқали муаллиф охири дostonни ёзишдан олдинги ўз руҳий ҳолатини тушунарлироқ ифодалашга эришган. Тўртинчидан, беш вақт намознинг ўзаро силсилавийлиги ёхуд ягона арконга мансублиги «Хамса»нинг ҳам систем характерга эга бадиий комплекс эканини тасдиқлайди. Бешинчидан, Навоийнинг ўз «Хамса»сини намозга, беш дostonни унинг беш вақтига ташбеҳ қилиши фақат шаклий ўхшашликка эмас, балки мазмуний ўхшашликка ҳам таянган бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун, дастлаб, намознинг моҳияти, беш вақт намознинг ўзаро нисбати ҳамда бу атамаларнинг сўфиёна маъноларини билиш талаб этилади. Хуллас, мазкур сарлавҳада уч ташбеҳ юзага чиқаётганини илғаш мумкин, биринчиси, «Хамса»нинг умуман намозга, иккинчиси, беш дostonнинг ўзаро мувофиқ беш вақт намозга, учинчиси, беш дostonнинг намоздаги беш фарзга ўхшатилиши. Буни яхшироқ англаш учун мазкур уч ўхшашликнинг маъноларини муқояса қилиш керак.

Намоз – мўминнинг меърожи (ҳадис), руҳий юксаклиги, тавҳидни мустаҳкамловчи, нажот топтирувчи амал. Абу Ҳомид Ғаззолий шундай ёзади: «Ҳазрати расулуллоҳ с.а.в. айтибдурлар, Ҳақ таоло бандаларига тавҳиддан кейин ўзига намоздан яқинроқ, дўстроқ ҳеч нимарсани фарз қилмади... Зоҳирий намоз ибодатнинг сурати эди. Бас, бу суратнинг ҳақиқати бордур, бу ҳақиқат намознинг руҳидур. Билгилки, намознинг амалларидан ҳар бир амалнинг ва зикрларидан ҳар бир зикрнинг хос (алоҳида) руҳи бордур... Бас, намознинг асл руҳи хушуъ-завқ, шодлиқдур ва

хамма намозда дилни шод тутмоқдур. Намоздан мақсуд дилни Ҳақ таолоға рост тутмоқ, Ҳақ таолони ҳайбати азаати бирла зикрни том ва ҳозирлик бирла адо қилур»<sup>605</sup>. Ибодатларнинг энг муҳими бўлган намоз инсоннинг нафс ва шайтон васваса қилаётган манманлик ва кибр-ҳаво туйғуларидан қутулиб, буюк Парвардигор ҳузурида ўзининг ожиз ва заиф банда эканини тан олишидир<sup>606</sup>. Тасаввуф истилоҳотида эса намоз ботиннинг Ҳаққа юзланиши ва ҳузурида мулозамат (бирга бўлиш, хизмат қилиш), Ҳақ томон бурилиш ва мосиваллоҳдан юз ўгириш, мукошафа, яъни ғайбий сирларни кашф этишда Ҳақ билан бардавомлик ва розу ниёз мақомидир<sup>607</sup>.

Бундай фикрларни бир махражга келтирсак, намознинг тавҳиддан кейин турувчи афзал ибодат экани, усиз диннинг барбод бўлиши, намоз инсон руҳини юксалтириб, тавҳидга олиб бориши, у орқали ботин мосиволлоҳдан юз ўгириб, Ҳаққа юзланиши аён бўлади. Мана шу асосий маъноларни назарда тутиб, намознинг Навоий «Хамса»сига ўхшашлиги ҳақида фикр юритилса, муаллифнинг бу ташбеҳида етарли асослар, чуқур мазмун борлигини илғаш мумкин. Дарҳақиқат, Шарқ адабиётида «Хамса»га адибларнинг ижодий баркамоллиги мезони (намоз – тарозидир) сифатида қарашган. Бошқа томондан, «Хамса» – Навоий ижодининг асосий устунидир. Навоий унда камолотга етакловчи ғояларни ифодалагани ҳам сир эмас.

Масаланинг иккинчи жиҳати шуки, беш вақт намознинг ўзаро нисбатига оид ҳукмларга таяниб, беш дostonнинг ўзаро нисбатини аниқлаш ҳам мумкиндек. Бироқ манбаларда беш вақт намознинг бир-биридан афзаллиги, бирининг савоби бошқасидан кам ёки кўплиги борасида аниқ маълумотлар учратмадик. Бу масалага яқин келувчи баъзи ҳадисларгина мавжуд, уларга таяниб, муайян мулоҳазалар билдириш мумкин, холос. Масалан, Абу Бакр ибн Абу Мусо қилган ривоятга кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар: «Ҳар ким бомдод билан хуфтон намозини ўқиб юрган бўлса,

<sup>605</sup> Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 156 – 160.

<sup>606</sup> Шурунбиллолий Абул Ихлос Ҳасан ал-Вафойй, Шиблий Абу Зайд. Нур ул-изоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 32.

<sup>607</sup> سجادی، - ص. ۷۷۱.

жаннатга киради»<sup>608</sup>. Ҳадисда ҳар икки вақт намознинг бошқаларига нисбатан биров машаққатли экани, уни адо этиш инсондан мустаҳкам ирода талаб этиши назарда тутилган. Бу ҳақиқатларни қуйидаги ҳадислар ҳам тасдиқлайди: «Абу Ҳурайра: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар» – дейдилар: «Мунофиқларга намози бомдод ва намози хуфтондан оғирроқ намоз йўқдир. Иккала намозда қанча савоб борлигини билганларида масжидга эмаклаб бўлса ҳам келгай эрдилар...»<sup>609</sup>. Шунингдек, бомдод ва аср намозлари хусусида ҳам шунга ўхшаш ҳадислар мавжуд. Бир намознинг бошқасидан фарқи ёки устунлиги масаласида мазкур ҳукмларга таянилса, дostonлар ўртасидаги нисбатга доир айрим хосликлар юзага чиққандек бўлади. Шу мантиқдан келиб чиқилса, «Ҳайрат ул-аброр» ва «Садди Искандарий»нинг қолган уч дostonга нисбатан муайян устунликларга эга эканини эътироф этишга тўғри келади. Дарҳақиқат, «Хамса»нинг дастлабки ва охириги дostonлари қолганларига нисбатан мазмундорлиги, қомусий характери билан ажралиб туради, аммо охириги дoston, аслида, ўзидан олдинги тўрт дostonга хос деярли барча хусусиятларни жамлаганини ҳам унутмаслик керак. Афсуски, «Ҳайрат ул-аброр»ни бомдод, «Фарҳод ва Ширин»ни пешин, «Лайли ва Мажнун»ни аср, «Сабъаи сайёр»ни шом, «Садди Искандарий»ни эса хуфтонга оид фикрлар билан бундан ортиқ изоҳлаш мушкул.

Шунингдек, сарлавҳада қайд этилган намоздаги беш фарз ҳақиқати билан беш дoston моҳиятини қиёслаш, улар орасидан уйғунлик топиш ҳам мумкиндек, аммо бу масалага ҳам ниҳоятда объектив ёндошиш зарур. Навоий сарлавҳада бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон намозларининг ҳар бири билан бирга тилга олган *сажда*, *рукуъ*, *қиём*, *қироат* ва *ният* намознинг фарзлари бўлиб, дастлабки тўрт намоз билан тўрт ички фарз, хуфтон билан эса ташқи фарз (ният) тилга олинган. Манбаларда намоз фарзлари, айниқса, рукнлари қатъий тартибга эга, унга кўра, намознинг шартлари: *таҳорат*,

<sup>608</sup> Ал-Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 1 китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – Б. 100.

<sup>609</sup> Саҳиҳи Бухорий, 1 китоб, – Б. 110 – 111.



намозхон ва намоз ўқиладиган жойнинг поклиги, аврат ёпиқлиги, вақтида ўқиш, қиблага юзланиш, ният қилиш; рукнлари: такбир, қиём, қироат, рукуъ, сужуд, қуъуд каби тартибга эга. Эътиборлиси, Навоийнинг юқоридаги сарлавҳасида мазкур тартиб ўзгарган, унда сажда биринчи, рукуъ иккинчи, қиём учинчи, қироат тўртинчи, ният эса бешинчи бўлиб келган. Катта эҳтимол билан бу ўзгартириш бўлиб, бунда Навоийнинг муайян мақсади акс этган бўлиши керак. Намознинг ташқи фарзи бўлган ниятни охириги бўлиб, ички фарзлар билан бирга тилга олиниши ҳам фаразимизни асослайди. Айни мана шу нуқтага таяниб, сарлавҳадаги беш фарз моҳиятини беш дoston моҳияти билан қиёслаб кўриш мумкин. Масалан, намоз ибодатларнинг энг фазилатлиси бўлса, сажда намознинг энг муҳим рукнидир. Пайғамбаримиз с.а.в. сажда ҳақида шундай дедилар: «Банданинг Парвардигорига энг яқин бўлган пайти сажда ҳолатидир. Сажда қилган ҳолда Аллоҳга кўп-кўп дуо қилинглари». Сажда ҳолида жоннинг манманлик ва устунлик даъволарини ташлаб, камтаринлик рамзи бўлган тупроққа тенг жойлашуви Аллоҳ хузурида эътиборлидир<sup>610</sup>. Сўфийлар наздида инсонлик белгилари, аломатларини парчалаш ва унинг муқаддас зот зуҳури доимийлигига сазовор бўлиши(ҳақдорлиги)дан иборатдир<sup>611</sup>. Сужуди қалб эса шуҳуд (кўз билан кўриш, мушоҳада) пайтида банданинг Ҳақда фано бўлиши, шундай кўшилишки, ўз аъзо ва узвларидан беҳабар қолади, Ҳақ мушоҳадаси ва тамошоси унинг бегона нарсаларга юзланишига имкон қолдирмайди<sup>612</sup>. Сажда ҳақидаги ушбу ҳукмлар билан «Ҳайрат ул-аброр» мазмуни ўртасида умумийликлар топиш мумкин.

Ёки ният – хотирда бирор ишга ирода қилиш ва қасддир. Хўжа Насриддин айтади: ниятнинг маъноси қасд бўлиб, қасд илм ва амал ўртасидаги воситадир. Бирор ишга қасд қилинмагунга қадар ундан ўша иш ҳосил бўлмайди. Сайру сулукнинг боши ният, у сайру сулукда шарт, чунки қасд мақсадни муайян (муқаррар) қилади. Ва мақсад, яъни камолнинг ҳосили

<sup>610</sup> Нур ул-изоҳ, – Б. 32.

<sup>611</sup> گوهرين سيد صديق. شرح اصطلاحات تصوف. ج. ٦. - تهران: زوار، ١٣٧٨-١٣٦٨. ص. ٢١٥.

<sup>612</sup> سجادی، - ص. ٣٥٩.

мутлақ комил (Тангри)дан бўлади, ниятдан кейин келади, чунки ният комили мутлақ бўлган Ҳақ таолога қурбат талабини ҳам ўз ичига олади. Ва ният амалдан холи ва шу ҳолида ундан афзалдир, зеро, «Мўминнинг нияти унинг амалидан яхшироқдир» (ҳадис) дейилган. Ният жон қаби, амал эса бадан сингари...»<sup>613</sup>. Ният – амаллар таянувчи асос, унинг ўрни қалбдир. Шу туфайли ниятни «қалбнинг қалби» ҳам дейишади... Абу Толиб Маккий «Қут ул-қулуб»да аҳли байтдан бу ҳақида ҳикматли бир сўз келтирган: «Аллоҳ амали бўлмаган қуруқ лофни ва нияти бўлмаган амални қабул этмас»<sup>614</sup>.

Модомики, *хуфтон* билан бирга фарзлардан *ният* тилга олинган, хуфтон ёки ният «Садди Искандарий»га ташбеҳ қилинган экан, бундан «Хамса»нинг тўқис бўлиши ва мақсаднинг ўталиши учун охириги дostonнинг ёзилиши шарт деган муаллиф қараши англашилади. Навоий охириги дoston ёзилмай қолса, ундан олдинги барча меҳнатлар зое бўлиши, бу худди намознинг сажда, рукуъ, қиём ва қироат қаби амалларини ниятсиз амалга оширганга ўхшаб қолиши, аслида, ниятсиз бу амалларнинг беҳуда эканини таъкидлаган. Намоз ва унинг Навоий тилга олган фарзларининг сўфиёна маъноларини мутаносиб ҳолда дostonлар мазмуни билан қиёслаб кўриш мумкин, лекин Навоий бу фарзларнинг сўфиёна маъноларини эмас, балки уларнинг зоҳирий ўхшашлигини назарда тутган бўлиши ҳам мумкин. Бу фикрлар, ўз навбатида, «Хамса» таркибидаги дostonларнинг бир намоздаги ўзаро чамбарчас боғлиқ беш фарз сингари экани, уларнинг тўрттаси бешинчисисиз, хусусан, ниятсиз қабул қилинмаслиги ёхуд беш вақт намознинг тўрт қисми ўқилиб, бири ўқилмаса, амалнинг ноқис бўлиб қолишини англатади. Шунингдек, ислом асосларидан бири бўлган намоз аслида беш қисмдан таркиб топган ягона аркон бўлганидек Навоий онгли равишда ўз «Хамса»сини беш қисмдан таркиб топган яхлит бадий комплекс сифатида яратган дейишга етарли асослар мавжуд. Навоий сарлавҳада хуфтон ва ниятни «Садди Искандарий»га ташбеҳ қилиб, «ялқов таъни

<sup>613</sup> سجادی، - ص. ۷۷۴ - ۷۷۵.

<sup>614</sup> Uludog‘, - S. 367.

ғафлат уйқусига кетгани кўймаслик» ҳақида сўзлаганда мана шу бутунликка путур етишини истамаслигини ифодалашни мақсад қилган.

Навоий асосий эътиборни «Хамса»ни мукаммал қилишга қаратган ва бу заруратнинг нечоғлик муҳим деб тушунганини тушунтириш учун айнан намоз ва унинг фарзларини ташбеҳ қилишни лозим топган. Модомики, Навоий шу боб орқали «Хамса»ни мукаммал қилиш, бунинг учун охиригидонни ёзиб тамомлаш заруратини айтишни мақсад қилган экан, бунда шу фикрни тушунтириш учун топилган ташбеҳнинг муаллиф фикрига мувофиқлик нуқтаси бўлиши лозим. Хўш, беш вақт намознинг нотугал бўлиши билан «Хамса»нинг битмай қолиши ўртасида қандай мувофиқлик бор ёки Навоий қандай ўхшашлик кўрган? Навоий сарлавҳада айтмоқчи бўлган фикр умумий ҳолатда тушунарли, бироқ нима учун айни намознинг ташбеҳ қилинаётгани, бу орқали муаллиф назарда тутган заруратнинг қай даражада эканини идрок этиш учун ташбеҳларнинг асосини ҳам билиш керак, шундагина Навоий назарда тутаётган заруратнинг қиймати, ташбеҳ танлашдаги маҳорати тўла англашилади.

Қуръоннинг бир неча оятларида намозни мукаммал адо этиш кераклиги таъкидланади: «(Ёв хавфидан) хотиржам бўлсангиз, намозни (мукаммал) адо этингиз. Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз этиб) битилгандир»<sup>615</sup>; Бу ҳақда ҳадислар ҳам бор: «Абуллайс Самарқандий Салмон Форсийдан (р.а.) ривоят қиладилар: «Намоз тарози – ўлчовдир. Ким вафо қилса, унга ҳам вафо қилинади. Ким уриб қолса, Аллоҳ таоло уриб қолувчилар тўғрисида нима деганини биласизлар»; Ҳасан Басрий (р.а.) ривоят қиладилар: Пайғамбар (с.а.в.): «Сизларга ўғирликда инсонларнинг энг ёмонини айтайми?» – дедилар. «Ҳа, айтинг, эй Расулуллоҳ», дейишди. «У одам намозидан ўғирлаган одамдир», дедилар. «Намоздан қандай ўғирлайди?» деб сўрашди. Айтдилар: «Унинг рукуъ ва саждаларини

---

<sup>615</sup> Нисо, 103-оят; Яна қаранг: Бақара, 43-оят, 238-оят; Рум, 31-оят.

мукаммал қилмасдан»<sup>616</sup>. Навоий сарлавҳада беш вақт намоз билан бирга намознинг беш фарзини ҳам қайд этиб боради. Сўнгги ҳадисда эса одамни «ўғриларнинг энг ёмони» деб баҳолашда намоздаги фарзларни чала бажариш асос қилиб олинган, бу нуқтаи назардан қаралса, Навоий сарлавҳада фарзлардан сажда, рукуъ, қиём, кироатнинг маромига етказилгани, фақат ният тўқис эмаслигидан хавотирини билдиради. Яна бир жиҳат шуки, Навоий сарлавҳада фақат намоздаги бир фарзнинг эмас, балки беш вақт намознинг бири (хуфтон) тўлиқ ўқилмай қолаётганидан хавотири борлигига ҳам эътибор қаратган. Ҳолбуки, юқоридаги ҳадисда «ўғриларнинг энг ёмони» деган сифат бутун бир намозни эмас, балки унинг бирор рукнини тўқис бажармасликка нисбатан айтилган эди.

Хуллас, Навоий намоз ва унинг фарзларини мукаммал бажариш қандай муҳим бўлса, яхлит бадий комплекс бўлган «Хамса»ни ўз вақтида мукаммал тугатиш ҳам ана шундай зарурат демоқчи. Аҳамиятлиси, бундай хос ташбеҳни боб ичида бермай, сарлавҳага олиб чиқиш орқали унга алоҳида эътибор қаратишга ҳам ҳаракат қилган. Бордию бундай ўйламаганида уни боб ичида бериши ҳам мумкин эди, ҳолбуки, бобнинг ичида сарлавҳадаги маънолар бошқа ташбеҳлар – тоғ, йўл, оромгоҳ кабилар воситасида қайта ифодаланган.

---

<sup>616</sup> Ас-Самарқандий Ал-Фақиҳ Абу Лайс. Танбеҳ ул-ғофилийн. III китоб. Арабчадан Дилмурод Қўшоқов таржимаси. – Тошкент: Мутаржим, 2003. – Б. 113-114.

#### 4.2. Навоий ижодий индивидуаллигининг ҳикоятларда акс этиши

Ижодий индивидуаллик адабий жараёни ҳаракатга келтирувчи куч ва бадиий ижоднинг муҳим хусусияти сифатида мумтоз асарнинг барча сатҳларида акс этади. Жумладан, Навоий «Садди Искандарий» достонида кўплаб анъанавий ҳикоятларни тасвирлади, лекин уларни асар бадиий тўқимаси ва ўз ижодий концепциясига мувофиқлаштириш жараёнида ўзига хос йўлдан борди. Навоийнинг бадиий маҳоратига далолат қилувчи айна жиҳат шакл ва мазмун билан боғлиқ ҳолда юзага чиқди. Шаклий томон ҳикоятларнинг дoston архитектуроникаси билан муносабатида, мазмуний томон анъанавий ғоя ва талқинларнинг янгилашишида намоён бўлди.

Навоий «Садди Искандарий» достонини ёзиш борасида кўп тўхталган. Бир ўринда асосий муаммолар *нимани ёзиш, қандай ёзиш ва қай тарзда тартиблаш*<sup>617</sup> эканини махсус қайд этган. У мазкур масалалар устида бош қотириб юрар экан, Жомийнинг исқандарнома ёзаётгани, Искандарнинг ҳолоти (ишлари)га эътибор қаратмай, фақат мақолоти (сўзлари)ни қаламга олаётганини эшитади. Жомий тутган йўл «Садди Искандарий» достонини қандай ёзиш борасида Навоийнинг бир қарорга келишига туртки беради<sup>618</sup> ва Навоий шундан сўнг Искандарнинг ҳам ҳолотини, ҳам мақолотини ёзишга қарор қилади. Бу Навоий учун Искандарга оид беҳисоб материални кенгрок камраб олиш имконини берарди.

Айни қарор Навоийга дoston композицияси борасида ҳам бир тўхтамга келишида ёрдам берган. Унга кўра, Навоий дастлаб Искандар қиссасини ҳикоя қилиш ва ортидан *яхши бир баҳона билан* илова сифатида Искандар сўзларини тасвирлашга қарор қилган. Бу фикр «Ҳикмат»лар «Саргузашт»лардан кейин жойлаштирилганини, ўз-ўзидан, асосий боблар композицияси «Саргузашт», «Мулоҳаза», «Ҳикоя» ва «Ҳикмат» тарзида тузилганини тасдиқлайди. Навоий бу орқали дoston таъсирини Искандарнинг ажойиб ҳикматлари, ғаройиб хаёлоти ифодаси билан янада

<sup>617</sup> Saddi Iskandariy, – B. 44.

<sup>618</sup> Saddi Iskandariy, – B. 45.

кучайтиришни кўзлаган. Бу Навоийнинг Искандар қиссасига асосий мақсад деб қарагани, кейинги уч қисмни эса қўшимча восита деб билгани, дostonга «қиссадан ҳисса» сифатида олиб кирганини англатади.

Навоий «Садди Искандарий» дostonига олиб кирган уч илова фаслнинг адабиёт учун энг аҳамиятлиси ва тугал бадий қимматга эга бўлгани, шубҳасиз, ҳикоятлардир. Навоий дostonда ҳикоятларни алоҳида бир линия, мунтазам таркибий қисм сифатида тасвирлаган ва бутун дoston давомида жами ўн саккиз ҳикоятни (биттаси хулоса таркибида) тақдим этган. Навоийга қадар яратилган искандарномаларда ҳам ҳикоятлардан самарали фойдаланиш тажрибаси мавжуд эди. Хусусан, Навоий ўз дostonида ҳикоятларни қатъий принцип ва аниқ мақсад асосида тасвирлаш борасида Хусравдан илҳомланган. Хусрав дostonида ҳикоятларнинг ўрни ўзгарган, миқдори кам бўлса-да, уларни тартиблаш ва ижодий мақсадга бўйсундириш принциплари «Садди Искандарий»да деярли сақланган. Хусравнинг ҳикоятларни қатъий принцип асосида мунтазам тасвирлаш принципи Низомийнинг искандарномасига ҳикоятлар киритиш тажрибасидан келиб чиққан. Е.Э.Бертельс Низомий ва Хусравнинг искандарномаларида ҳикоятларни тасвирлаш принциплари тўғрисида шундай ёзади: «Низомий қайсидир ўринларда кичик ҳикоялар ёки латифалардан фойдаланган, бешинчи дostonига қадар бу усулга мурожаат этган, ўзининг биринчи дostonида ундан кенг фойдаланган. Фақат «Искандарнома»да бундай миниатюралардан фойдаланишда бирор-бир муайян тартиб мавжуд эмас. Шоир қаерда киритиш керак деб ҳисобласа, ўша ерда улар учрайди ва ҳеч қандай айтарли вазифа бажармайди. Амир Хусрав унга мутлақо бошқача ёндашган»<sup>619</sup>. Олимнинг Низомий «Искандарнома»си таркибидаги санокли ҳикоятлар муайян тартиб ва вазифага эга эмас, деган қарашига қўшилиб бўлмайди, чунки Низомий уларни дoston сюжети билан бевосита боғлаб юборган, сюжетнинг таркибий қисмига айлантирган ва бу орқали уларнинг мазмуни, сюжетидан ўз ижодий мақсадлари ифодасида самарали фойдаланган. Бу – Низомийнинг

---

<sup>619</sup> Е.Э.Бертельс. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 349 – 350.

ҳикоятларни тасвирлашига хос аниқ принцип эди. Хусрав эса ўз достонида ҳикоятларни таркибий қисм сифатида алоҳида ажратди ва мунтазамлик бағишлади. Шу маънода, ҳикоятлар тасвирида Хусрав амал қилган ижодий принциплар – ҳикоятларни алоҳида қисм сифатида ажаратиш ва уларни мунтазам тасвирлашдир. Искандарномаларда ҳикоятларни тасвирлаш билан боғлиқ принциплар ўзгариб турган бўлса ҳам, ҳикоятларни тасвирлашдан мақсад (фикрни бадиий-иллюстратив исботлаш) ўзгарган эмас. Ҳикоятларни муайян бадиий асар таркибида тасвирлашдан мақсад Низомий ва Хусравгача ҳам, улардан кейин, жумладан, Жомий ва Навоий маснавийларида ҳам шу мақсадда фойдаланилган. Хусрав, Жомий ва Навоий достонларида ҳикоятлар ўзига хос алоҳида линияни ташкил этган бўлса-да, улар Искандар қиссаси билан билвосита – мазмуни ва мавзусига кўра боғланади.

Навоий «Садди Искандарий» архитектуроникасида ҳикоятларни мунтазам жойлаштириш фикрига Хусрав тажрибаси туфайли келган бўлса-да, салафини айнан такрорлаган эмас. Навоий ҳикоятларни тасвирлаш борасида бир неча жиҳатдан принципиал фарқланиб туради. Масалан, Хусрав композициясида ҳикоятлар иккинчи таркибий қисм сифатида тасвирланган бўлса, Навоий композициясида учинчи таркибий қисм сифатида келади. Ҳикоятлардан мақсад асардаги бирор мавҳум ёки умумий маънони образли ифодалаш, маърифий руҳни кучайтиришдир. Бу фикрни ҳамсанависларнинг искандарномаларда ҳикоят жанри имкониятларидан кўпроқ фойдаланишга интилиш тенденцияси ҳам тасдиқлайди. Низомий «Искандарнома»да бир неча ҳикоятга мурожаат этган бўлса, Хусрав ўн беш ҳикоятни тасвирлашга қарор қилган. Жомий бу жанр имкониятларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратиб, достонига жами йигирма бир ҳикоят киритди. Ҳикоятлар Жомий достонининг деярли ярмини ташкил этади. Ҳикоятлардан фойдаланиш тенденцияси Навоийга қадар тобора ўсиб борган, бу – адиблар искандарномаларнинг маърифий-тарбиявий жиҳатларини муттасил ошириб боришга интилганини билдиради. Навоий «Садди Искандарий»га жами ўн саккизта ҳикоят олиб кирган, ушбу рақам Навоий

салафларининг бу борадаги тажрибаларини сақлаб қолишга урғу берганини кўрсатади, бироқ асарда Навоий тасвирланган ҳикоятларнинг Искандар саргузаштига нисбати тўртдан бир ёки ундан ҳам камроқ. Яъни ҳикоятларнинг Искандар саргузаштига нисбати Хусрав ва Жомийда бўлганидек катта эмас. Қолаверса, Навоий тасвирлаган ўн саккиз ҳикоятнинг бирортаси салафларининг дostonларида учрамайди.

Навоий ҳикоятларни дoston архитектуроникасида ўзидан олдинги ва кейинги қисмлар билан мустаҳкам алоқадорликда жойлаштирган. Ушбу мустаҳкам боғлиқлик, айниқса, мазмун трансформациясида яққол намоён бўлади. Ҳикоятларнинг ёндош қисмлар билан алоқасини тасаввур қилиш учун асосий боблардаги тўрт таркибий қисмнинг мазмуни билан танишиш зарур. Масалан, «Садди Искандарий» дostonи асосий қисмидаги II бобнинг «Саргузашт»ида Искандарнинг туғилишидан тахтга чиққунича бўлган воқеалар баён қилинса, «Мулоҳаза»да ҳиммат ҳақидаги мулоҳазалар тасвирланади. «Ҳикоят»да Искандар ва шохликдан воз кечган шаҳзода воқеаси ҳикоя қилинса, «Ҳикмат»да Искандарнинг Арасту билан мақсадга қандай қилиб етиш мумкинлиги ҳақидаги фалсафий суҳбати келтирилади. Бир қарашда бир боб таркибидаги тўрт фасл ўзаро алоқадор эмасдек. Лекин Навоий уларни шу қадар мустаҳкам алоқалантирганки, ҳатто, мазмунан бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради ва бирини бошқасисиз тушуниб бўлмайди. Хусусан, «Саргузашт»да Файлакус вафот этиб, ўғли Искандарнинг тахтга чиқиши заруратга айлангани тасвирланар экан, Навоий ифодани дунёнинг фонийлиги масаласига буриб, шаҳзода Искандар руҳияти ҳақида шундай ёзади:

Скандар чу кўрди ато маргини,  
Яқин эрди қилғай жаҳон таркини.  
Чу муставли ўлди бу ният анга,  
Ато қилмиш эрди васият анга...<sup>620</sup>.

---

<sup>620</sup> Saddi Iskandariy, – B. 68.



Яъни Искандар отасининг ўлимини кўргач, дунёни тарк этишни истай бошлайди. Маъно кашфида айн ул-яқин даражадаги устоз Нақумоҳисдан тарбия олган ва барча ишларда инсон етиши мумкин бўлмаган даражага етган Искандарда бундай истакнинг пайдо бўлиши, Навоийнинг тасвир мантиғида, жуда табиий чиққан. Аммо Искандар кўнглидаги бу истакни юзага чиқара олмайди, бунга вазият, отасининг васияти ва ҳамият (номус, ғайрат) йўл қўймайди, шу боис тахтни қабул қилади. Бу ерда эътибор берилиши керак бўлган нуқта шуки, Искандар ўз истакларидан бошқаларнинг хоҳишларини устун қўймоқда. Ҳолбуки, дунёнинг фонийлигини назаран англаган, юксак маърифий мақомга етишган Искандарнинг асл мақсади «дунёни тарк этиш» эди. Искандарнинг дунёни бундай идрок этиши замирида эса кучли бир мантиқ ётибди:

Гадоеки қайд ўлғай андин йироқ,

Муқайяд жаҳондордин яхшироқ<sup>621</sup>!

Навоий «Мулоҳаза»да ҳиммат сифати, унинг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдиради. Ушбу фаслнинг сарлавҳасида ҳимматни ҳумо қушига ташбиҳ қилиб, «*ҳар гадога ул соя тушса, салотин анинг гадойидурур ва ҳар шоҳдин соясин олса, гадо анинг қошида шоҳ кўринур*»<sup>622</sup> дейди. Навоийнинг сарлавҳадаёқ ҳимматни ҳумо қушига ўхшатиб, унинг сояси ҳақидаги фикрларни шоҳ ва гадо масаласи билан боғлаб юбориши, шубҳасиз, аввалги фаслнинг якуни билан алоқадор. Лекин бу икки фасл ўртасидаги алоқадорликнинг зоҳирий ифодаси бўлиб, алоқадорликнинг асл даражаси ҳиммат ҳақидаги фикрлардан ойдинлашади. Ҳиммат кўпроқ моҳиятга оид бўлиб, ҳиммат аҳли учун ғино билан фақр бирдек. Улар бу каби тафовутлар зоҳиран иккилик, моҳиятан бир эканидан воқиф, шу боис мартабада саховатпешалардан улуғ ҳисобланадилар<sup>623</sup>. Ҳиммат сўзининг маъно қатлами ҳам кўп: ният, уриниш<sup>624</sup>, саховат, кучли ирода, азм-у

<sup>621</sup> Saddi Iskandariy, – В. 69.

<sup>622</sup> Saddi Iskandariy, – В. 69.

<sup>623</sup> Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. ТАТ. IX жилд. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 2011. – Б. 507.

<sup>624</sup> Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фафур Фулом НМИУ, 1972. – Б. 773.

шижоат, бирор ишга қаттиқ жазм қилиш, футувват<sup>625</sup>; саъй-ҳаракат, мурувват, жавонмардлик каби<sup>626</sup>. Мазкур «Мулоҳаза»да ҳиммат тушунчаси *кечиш ва азму шижоатдаги жасорат* маъносида қўлланган. Ҳиммат, аввало, мардлик, бу қўлдаги нарсани ўзгага беришгина эмас, балки дунёнинг бақосизлигини англаш орқали ундан онгли воз кечиш ва буни бўйинга ола билиш мардлигидир. Ҳимматнинг буюклиги моҳиятни – ҳақиқатни англаш билан боғлиқ, чунки дунёнинг бақосизлигини англаган инсоннинг ҳимматигина ҳар қандай риёдан холи бўла олади. Шу маънода, ҳиммат орифлик, яъни моҳиятни англаш туфайли юзага келадиган бахш эта олиш, воз кеча олиш сифатидир. Бу эса комиллик қасдида мосиволлоҳдан юз буриб, бутун руҳий қувватни ёрга йўналтира олиш жасорати демақдир. Хуллас, ҳимматли инсон дунё қайдларидан устундир.

Шу тариқа, Навоий «Саргузашт»да Файлақус ўлган маҳал Искандарнинг ботинида ҳапқирган «дунёни тарк этиш истаги»га таяниб, Искандар ўзи хоҳламаган ҳолда тахтни қабул қилишга мажбур бўлди ва бу унинг ҳимматидан нишона эди, деган қарашни ифодалайди ва шу фаслнинг лирик хотимасида *«Гадоеки қайд ўлгай андин йироқ, Муқайяд жаҳондордин яхшироқ!»* дея Искандарга хос «истак»нинг мазмунини янада конкретлаштиради. «Мулоҳаза»да эса Искандарга хос мазкур сифат – ҳимматнинг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтиради ва ҳиммат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини шундай хулосалайди: ким ҳимматга эга бўлса, у жаҳондорликни қўйиб, гадолик – фақр (маърифатга талабгорлик)ни истайди<sup>627</sup>. Навоий, дастлаб, «дунёни тарк этиш истаги» замирида «ҳиммат» фазилати турганини қайд этган бўлса, энди ана ўша ҳимматнинг асосида «фақр» сифати ётишини таъкидламоқда. Фақр кўчасининг гадоси – шоҳлар шоҳидир, деган тезиснинг асосида эса пайғамбаримиз с.а.в.нинг «Ал-фақру фаҳрий» ҳадиси туради<sup>628</sup>. Шу тариқа, Навоий «Саргузашт»да «дунёни тарк

<sup>625</sup> Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 139.

<sup>626</sup> Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 82.

<sup>627</sup> Saddi Iskandariy, – В. 72.

<sup>628</sup> Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. – Тошкент: Фан, 2015. – Б. 12.

этиш истаги»га ишора берган бўлса, «Мулоҳаза»да мазкур истакнинг замирида ҳиммат фазилати туришини тушунтиради ва яқунда ҳимматнинг фақр сифатига таянишини айтиб, фақирлар – шоҳларнинг шоҳи, деган қарашни баён қилади.

«Ҳикоят»да эса машҳур жаҳонгир ва уни буюк ҳиммати билан мот қилган фақир воқеаси тасвирланади. Ҳикоятда «дунёни тарк этишни истовчи» шаҳзода Искандарнинг ҳиммати, фақрлиги гадо образида тажассум топган бўлса, унга қарши жаҳонгирлик муддаосидаги шахс қиёфасида жаҳонгир Искандарнинг ўзи гавдаланган. Бу ўринда Навоийнинг Искандар ҳақидаги ҳикоятни келтириши чалғитмаслиги керак. Ҳикоят фабуласининг бу тарзда шаклланиши, Искандарнинг шундай қиёфада тасвирланиши, аслида, қадимий тарихий асосларга эга бўлиб, ушбу воқеа Искандарнинг ҳукмдор сифатидаги юришларидан олинган<sup>629</sup>. Навоийнинг маҳорати шундаки, у ўз исқандарномасининг дастлабки ҳикояти сифатида қадим тарихда ҳақиқатда Искандар билан боғлиқ, айни пайтда, ўз ижодий мақсадига тўла мос бўлган воқеани топа билган. Тўғри, Навоий барча ҳикоятларда бундай қила олмаган, лекин дастлабки ҳикоятни тасвир объекти ва ижодий мақсад билан алоқалантириш ҳам жиддий изланиш, маҳоратни талаб этади. Бу ҳолни салафларда кузатмаймиз.

Навоий сарлавҳадаёқ тасвирланажак ҳикоят аввалги фаслда баён қилинган асосий ғоянинг бадиий-иллюстрацион исботи экани ҳамда ҳикоятнинг бош масаласи, хулосаси тўғрисида аниқ ишоралар беради: *«Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо, балки филҳақиқат, подшолиққа етган гадо ҳикоятиким, Искандар ани мазаллат чоҳидин чиқориб, салтанат коҳига ўлтуртмоқ истади ва ул тож таркин қилиб, бошидин тарки тожи хаёлин чиқормади»*<sup>630</sup>. Сарлавҳада мазмунга аниқ ишора бор: «Искандар била ул гадолиғ ихтиёр этган подшо...» – «аввал подшо бўлиб, сўнг гадоликни ихтиёр қилган одам» дегани, “...балки

<sup>629</sup> Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. редактор А. А. Вигасин. — Москва: Изд-во МГУ, 1993. — С. 47 – 48.

<sup>630</sup> Saddi Iskandariy, – В. 72.

филхақиқат, подшоликқа етган гадо» – «аксинча, аслида, авваллари гадо бўлиб, сўнгра шоҳликка етган инсон» демакдир. Навоий сарлавҳадаёқ дунё мулкани эгаллаш ниятидаги шоҳлик, аслида, гадолик, аксинча, ўткинчи дунёдан кечиб, ҳақиқат оламига талабгорлик, маърифат талаби – шоҳлик эканини таъкидламоқда. Биринчидан, бу аввалги фаслнинг охирида айтилган «кимга ҳиммат ёрлик қилса, у шоҳликни қўйиб, гадолик истади; Худо фақр қўйи гадоларини шоҳлар шоҳи қилган» деган хулосага тушунтириш ва асос вазифасини бажарган. Иккинчидан, ҳикоятда тасвирланажак бош масала – шоҳ ва гадо зиддияти борасидаги ечимни, муаллифнинг позициясини акс эттирган. Учинчидан, дунё, шоҳ ва гадо масаласига бундай ёндашув ушбу ҳикоятгина эмас, шоҳлик масаласига бағишланган дostonнинг методологик асосини ташкил этувчи қарашдир<sup>631</sup>.

Навоийнинг шоҳ ва гадо зиддиятига оид баҳолари<sup>632</sup> замирида ҳиммат ва ҳиммат қаратилган объект турибди. Дунёвий ўлчамларда шоҳ ва гадо деб аталувчи шахслар айни мана шу нуқтада бир-бирдан жиддий фарқ қилади: шоҳнинг ҳиммати ўткинчи дунё мулкани эгаллашга қаратилган, гадонинг ҳиммати эса абадий оламни эгаллашга қаратилган. Дунё – фоний, демак, унинг мулкига эгалик, молига ҳавас ҳам ўткинчи. Унга ошиққанлар суратга боқувчи, маънидан беҳабар кишилар. Ҳикоятдаги шоҳ Искандар мана шу тоифадаги одамларнинг типик образи. Аммо гадо маърифат талабгори. У – огоҳ. У – ориф. Безавол мулклар манбаси бўлган Ҳақ даргоҳи толиби. Ошиқ учун Ёрдан бошқасини иташ Ёрдан ўзга нарсани устун қўйиш билан баробар, фақат Унгагина ниёзманд бўлиш – энг тўғри йўл. Ҳикоятда ҳам «Мулоҳаза»да бўлгани каби ҳиммат воситасида суратга эмас, маънога қараш лозимлиги таъкидланмоқда. Ҳикоят қаҳрамони бўлган гадо кўтариб келган икки суяк шаклга эмас, маънога қараш кераклигини уқтирувчи кучли риторик сўроқдир. Навоий ҳам ҳикоятда мана шундай маъноларни ифодалашни, ҳиммат, фақр сифатларининг моҳиятини бадиий тасвирлашни

---

<sup>631</sup> Saddi Iskandariy, – B. 72 – 75.

<sup>632</sup> Saddi Iskandariy, – B. 75.

мақсад қилган. Ҳикоятда ифодаланган мазкур маънолар, бир томондан, аввалги фаслдаги фикр-мулоҳазалар билан алоқадорликни таъминлаган бўлса, бошқа томондан, ўзидан кейин келувчи «Ҳикмат»нинг асосий баҳс масаласини белгилаб беради.

«Ҳикмат»да Искандар ва Арастунинг қуйидаги фалсафий савол-жавоби берилади. Искандарнинг саволлари:

- 1) мақсадга қайси мақом яқин ва у мақом сари қандай бормоқ муносиб?
- 2) ҳосили яхшилик бўлган иш қайси?

Искандарнинг дастлабки саволида тилга олинган «мақсад»дан мурод – Ҳақ даргоҳи; «мақом»дан мурод – инсондаги сифатлар ва улар уйғунлашган руҳий даража, маърифий савиядир. Булардан келиб чиқиб, Искандарнинг илк саволини шундай тушуниш мумкин: «Ҳақ даргоҳига қандай хулқли киши муносиб ва бундай хулққа соҳиб бўлиш учун қандай йўл тутмоқ керак?».

Арастунинг жавоблари:

- 1) «Халқдин ўзни фард айламак, фано кўйи йўлинда гард айламак»;
- 2) «Ул кишиким тавонгардурур, анга хайр кўпрак муяссардурур»<sup>633</sup>.

«Ҳикмат»нинг қолган қисмида Арасту тилидан мазкур икки жавоб шарҳланади, фалсафий-ахлоқий асослари кўрсатиб берилади.

«Ҳикмат»да Искандар томонида саволларнинг айнан *Ҳақ даргоҳига муносиб бўлишининг энг тўғри йўли* ва *агар киши ўша йўлдан юрмаса ёки шундай хулққа эга бўлмаса, қандай йўл тутуши керак* тарзида қўйилиши, шубҳасиз, ҳикоятда тасвирланган Искандар ва гадо диалогидан ўсиб чиққан. Биринчидан, ҳикоятдаги шоҳ ва гадо зиддияти тасвиридан асл мақсад – Ҳақ даргоҳига ким муносиброқ, шоҳнинг йўли тўғрими, гадонинг тутуми тўғрими деган масалани кўтариш эди. Навоий бу саволнинг жавобини турли образли ифодалар билан ҳикоятнинг ўзида ҳам берган, фақат «Ҳикмат»да ана ўша масала савол шаклида конкрет қўйилди ва файласуф тилидан аниқ жавоби ҳам берилди. Биринчи савол икки қисмдан иборат бўлгани боис, унинг жавоби ҳам икки қисмдан иборат: «Ҳақ даргоҳига қандай хулқли киши

---

<sup>633</sup> Saddi Iskandariy, – B. 75 – 76.

муносиб?» – «Фано кўчасида ўзлигини гардга айлантирган шахс»; «бундай хулққа сохиб бўлиш учун қандай йўл тутиш керак?» – «халқдан ўзини фард айлаш керак». Ҳикоятнинг бош қаҳрамони бўлган гадонинг атвори ушбу жавобларга тўла мувофиқ келади – у ўзини халқдан айирган, ёлғиз яшайди ҳамда фақрдан кейинги маънавий-руҳий мақом – фано (комиллик)га эришиш йўлида ўзлигидан воз кечган, яъни фано кўчасида ўзини гард айлаган, ўзлигини йўқ қилган. Иккинчидан, ҳикоятда кўрдикки, Искандар ҳукмдор сифатида гадонинг йўлидан юрмаган, унинг ахлоқига ҳам эга эмас, шу боис гадонинг ҳимматига тан беради ва ўзи тутган йўл, жаҳонгирлигини тақдир билан изоҳлайди. Бу орқали ўзининг ҳукмдорлиги ҳам мутлақо мазмунсиз ва беҳуда эмаслиги, бу дунёда ҳамма бирдек бўла олмаслиги, дунёнинг тартиби бундай эмаслигига ишора қилади. «Ҳикмат»да берилган иккинчи савол айтилган мана шу нуқтадан ўсиб чиққан бўлиб, у «шоҳлар, қудрат ва имкониятга эга бўлган кишилар хайрдан, Ҳақ даргоҳидан бенасибми?» деган мазмунга эга. Шу боис иккинчи савол «ҳосили яхшилик бўлган иш қайси?» тарзида мухтасар қўйилган ва «Ул кишиким тавонгардурур, анга хайр кўпрак муяссардурур» дея аниқ жавоби ҳам берилган. Яъни имконияти кенг одам кўпроқ хайр қилиши мумкин, савобу эзгу амалларни кўп қилган одамда эса «кўпрак ўлғай умиди вусул»<sup>634</sup>. Шу тариқа, гўё гадо билан суҳбатдан сўнг ҳикоят қаҳрамони Искандарнинг кўнглида пайдо бўлган иккиланиш, ўз тақдиридан норизолик кайфияти тақдир, ҳеч бир иш беҳикмат эмаслиги, дунёда ҳамма бирдек бўла олмаслиги, фақирлардан бошқалар ҳам эзгу ишларни кўп қилиш орқали хайрдан – Ҳақ висолидан умидвор бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фалсафий-ирфоний мулоҳазалар, ҳаётбахш ғоялар орқали ҳал этилади. Аслида, буларнинг ҳаммаси асарнинг бош қаҳрамони Искандарнинг қалбидан кечган «дунёни тарк этиш истаги»нинг изоҳлари, шарҳларидир. «Ҳикмат»нинг фақру фано масалалари билан боғланиб кетиши, жавобларнинг шундай тус олиши бевосита «Ҳикоят» ва унинг мазмуни билан боғлиқ.

---

<sup>634</sup> Saddi Iskandariy, – B. 75.

Шу тарзда «Садди Искандарий» достони асосий қисмининг ҳар бир боби мазкур тўрт таркибий қисмининг мустаҳкам мазмуний боғланишлари асосида ташкил топади. Бир бобни ташкил этувчи тўрт фасл – саргузашт, мулоҳаза, ҳикоят ва ҳикмат – бир мавзу остида бирлашишдан ташқари, яхлит системага айлантирилади, шу боис бири бошқасини тақозо этади. Ҳикоятларнинг ушбу системадаги функцияси шуки, улар икки томонлама – ўзидан олдинги ва кейинги қисмлар билан алоқани таъминлайди. Ўзидан олдинги қисм – «Мулоҳаза»да ифодаланган қарашни янада ривожлантириб, образли тарзда бадиий акс эттиради ҳамда ўзидан кейинги қисм – «Ҳикмат»нинг баҳс масаласини белгилаб беради, унга асос вазифасини бажаради. Достоннинг ҳар бир боби мураккаб система, ҳикоятлар эса ушбу системада муносиб ўринга эга, буни «Ҳикмат»да муҳокама этилган конкрет саволларни «Саргузашт» ёки «Мулоҳаза» билан тўғридан-тўғри боғлаб бўлмаслиги ҳам тасдиқлайди. Бу – уларнинг бир-биридан ўсиб чиқиши, бир ғоя бирлаштириб турса ҳам, уларда бир фикр айнан такрорланмаслиги, бир ғоя ҳар сафар ривожлантирилиб, тафсилотлар билан бойитилиб, муҳим жиҳатга устуворлик бериб борилиши ҳақидаги фикримизни тасдиқлайди.

Буларнинг ҳаммаси бир бобни ташкил этувчи тўрт қисм, хусусан, ҳикоятларнинг бу жараёнда тутган ўрни, вазифаси ҳақида эди. Энди масаланинг бошқа бир жиҳати, яъни бир бобнинг ўзидан кейинги боб билан муносабати масаласи ҳам борки, достон ва муаллифнинг ижодий ниятини тушунишда мазкур жиҳатни ҳам инобатга олиш зарур. Навоий яратган композицияда бир боб ўзидан кейинги боб билан мустаҳкам алоқадорликка эга, фақат бу алоқадорлик ҳар бир бобнинг «Саргузашт» қисмлари ўртасида юзага чиқади ва бутун асар давомида вертикал давом этади. Яъни бир боб таркибидаги «Саргузашт» ўзидан олдинги «Саргузашт»нинг давоми, улар ўзаро изчилликка эга. Ҳар бир «Саргузашт» кетидан илова қилинган уч қисм – «Мулоҳаза», «Ҳикоят» ва «Ҳикмат»лар эса фақат ўзи мансуб бўлган «Саргузашт» билан горизонтал боғланади. Илова фасллар бир-бири билан вертикал боғланишга эга эмас. Масалан, бир боб таркибида келган ҳикоят

кейинги бобдаги ҳикоят билан алоқадор эмас. Уларнинг дoston композицияси, боб структурасида бажарган вазифаси ва тутган ўрни ўхшаш, холос. Навоий «Садди Искандарий» достони асосий қисмини ташкил этувчи ҳар бир бобни мана шу структура ва қонуниятлар асосида тартиблаб боради. Биз юқорида II боб мисолида бу системанинг мазмуний ва шаклий деталлари қай тартибда ишлашини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Қолган боблар ҳам шу қонуният асосида тартибланган.

*Навоий ижодий индивидуаллигининг мазмун билан боғлиқ жиҳати ҳам анъанавий ҳикоятлар тасвирида акс этади.* Навоийнинг ҳикоянавислик маҳорати текширилган кам сонли ишларда, асосан, Навоийнинг ҳикоя яратиш маҳорати турли шаклий-стилистик унсурлар фонида ўрганилган. Буларнинг ҳаммаси ҳикоятлар таҳлилидаги биринчи муҳим жиҳатга тааллуқли. Навоийнинг ҳикоянавислик маҳорати тадқиқида иккинчи бир муҳим жиҳат борки, унинг тадқиқи Навоийнинг ижодий салоҳияти ҳақида конкрет тасаввур бериши билан аҳамиятли. Бу ҳикоятлар мазмунида Навоийга хос ижодий индивидуаллигининг акс этишидир. Навоий тасвирлаган ҳикоятларнинг аксари анъанавий характерга эга, шу боис таҳлилда адиб уларни тайёр қабул қилганми ёки мазмун-мундарижасига янгиликлар киритганми, деган мураккаб масала кўндаланг тураверади. А.Н.Веселовский бу ҳақда айтадики, «тарихий поэтиканинг вазифаси, менинг тасаввуримда, шахсий ижод жараёнида анъаналарнинг роли ва чегарасини кўрсатиб беришдан иборат»<sup>635</sup>. Шу боис анъана доирасида намоён бўлувчи ижодий ташаббусни аниқлаш – таҳлилнинг асосий мақсади бўлиши керак. Буни аниқламай туриб анъанавий характерга эга адабий материални баҳолаш янглиш талқинларга олиб боради. Зеро, анъанавий характерга эга адабий матндаги конкрет муаллифга хос «ўринлар», «киритмалар» аниқлаб олинсагина, муаллифнинг ижодий шахсияти, дунёқараши тўғрисида объектив тасаввур шаклланади. Шу тасаввурлар асосида чиқарилган хулоса ва шу мезонга таянган баҳогина ижодкор ҳақида реал билимлар бера олади.

<sup>635</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – С. 300.



Хусусан, юқорида «Искандар ва гадо» ҳикоятининг асл моҳияти, ҳикоятда акс этган асосий бадиий-фалсафий талқинлар ҳақида гапирдик. Аммо шу ҳикоят матнига, ундаги мазкур ҳайратомуз ғояю талқинлар ифодасига таяниб, Навоийга баҳо бериш, унинг маҳоратини асослаш қанчалик тўғри? Анъанавий ҳикоятдаги талқину тафсилотларнинг, мазмуннинг қанча қисми Навоийга тегишли? Шубҳасиз, Навоийнинг ҳикоянавислик маҳорати тадқиқига бағишланган ишлар ушбу саволларга ҳам жавоб бериши зарур. Анъанавий матн таркибидан конкрет ижодкорга тегишли «улуш»ни аниқлашнинг, юқоридаги саволларга жавоб топишнинг энг ишончли йўли эса генетик ва қиёсий таҳлилдир. Қуйида «Садди Искандарий» достонининг биринчи ва концептуал аҳамиятга молик «Искандар ва гадо»<sup>636</sup> ҳикоятини тадқиқ этиш орқали Навоийнинг бу ҳикоятдаги ижодий ташаббусини аниқлаш, шу асосда Навоийнинг ижодий оригиналлиги, ҳикоянавислик маҳоратини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

«Искандар ва гадо» ҳикояти достонни тушунишда шу қадар муҳим аҳамият касб этадики, у орқали Навоийнинг ўз олдига қўйган адабий мақсади, идеаллари ва бош қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини аниқ илғаш мумкин. Бу ҳикоят «Садди Искандарий» достонининг рамзий калити. Ҳикоят, дастлаб, икки катта қисмга ажралади, ўз навбатида, бу қисмлар ҳам иккитадан ички қисмлардан ташкил топган. Бундай бўлақларга ажратишда воқеалар ривожининг бурилиш нуқталари, янги образ, мотивларнинг пайдо бўлиши, генетик ва қиёсий кузатиш натижалари асос бўлди. Аниқ тасаввур этиш учун бундай тузилишни жадвалда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

### Ҳикоятнинг I қисми

#### 1-жадвал

I. (1) Искандар Мағриб заминини фатҳ этар экан, у ернинг бир ҳукмдори жангда ҳалок бўлади. Искандар ўрнига шу ерлик, шоҳлик ишидан хабардор кишини ҳукмдор қилиб тайинлашни истайди. Одамлардан суриштириб, подшозодалардан бўлган, аммо тахтни тарк этиб, қабристонда фақирона ҳаёт кечирувчи гадо ҳақида эшитади.
(2) Искандарнинг ҳузурига келтиришганида, гадо иккита сўнгакни кўтариб олган эди. Искандар бу суяклар ҳикматини сўрайди, гадо неча замонлардан бери қай бири шоҳниқию қай бири гадоники эканлигини ажрата олмаслиги, модомики, ўлгач ҳамма бир

<sup>636</sup> Бундан кейин ушбу ҳикоятни «Искандар ва гадо» ҳикояти деб атаймиз.

хил экан, тирикликда низолашишларини тушуна олмаслигини айтади. Гадонинг оқиллигига қойил қолган Искандар агар ҳиммати ҳам буюк бўлса, шу юртга ҳукмдор қилмоқчилигини айтади.

## Ҳикоятнинг II қисми

2-жадвал

II. (1) Гадо ҳиммати борлиги, аммо Искандар ўйлаганидек паст эмаслиги, унинг ҳиммати тўрт нарса: абадий ҳаёт, қариллиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик, ғами йўқ шодлик тилашини айтади.

(2) Искандар гадонинг юксак истакларини бажара олмаслигидан ва буюк ҳиммат соҳиби бўлган гадога таклиф қилган ҳақир нарсасидан уялади ва гарчи тақдир мени азиз қилган бўлса ҳам, сенга ҳимматни меникидан баландроқ берди, бироқ мен ҳам тақдир измидаги одамман, дейди<sup>637</sup>.

Жадвалда кўрсатилган рим ва араб рақамлари ҳикоятнинг алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган қисмларини билдиради, бизнингча, мана шу қисмлар ва улардаги детал ва мотивлар қўшилишидан «Искандар ва гадо» ҳикоятининг Навоий тасвирлаган версияси ҳосил бўлган ва ҳикоятнинг ҳар бир қисми ўз келиб чиқиш тарихига эга.

**Ҳикоятнинг биринчи қисми генезиси.** Навоий тасвирлаган «Искандар ва гадо» ҳикоятининг биринчи (I) қисми тарихий воқеа асосида шаклланган бўлиб, уни рим тарихчиси Квинт Руф (ваф. милодий I аср) ўз асарида ёзиб қолдирган<sup>638</sup>. Бу воқеа Александр дастлабки жангда Дорони мағлуб этгач, Сидонда содир бўлади. Руф қайд этган тарихий воқеада Навоий тасвирлаган ҳикоят билан қуйидаги параллелларни кузатиш мумкин:

3-жадвал

№	Воқеалар кетма-кетлиги	
	Руф асарида	Навоий достонида
1	Александр Сидон шаҳрининг Доро томонидан тайинланган ва доропараст ноиб Стратион тахтдан тушириб, ўрнига сидонликлар сулоласидан чиққан ҳукмдорни тайинламоқчи бўлади	Искандар Мағрибни фатҳ этар экан у ернинг ҳукмдори жангда ҳалок бўлади, шу боис одатига кўра Искандар ерли аҳолидан бўлган подшоҳзодалардан бирига тахтни топширмоқчи бўлади
2	Александр дўсти Гевестионни бу ишга масъул этиб тайинлайди, Гевестион сидонлик дўстларидан бирини тахтга чиқаришни хоҳлайди, аммо улар сидонликлар одати бўйича шоҳнинг авлоди бўлганларгина тахтга чиқиши кераклигини	Скандар чу фаҳм этти хасмин қатил, Анга мулки ичра тилатти адил. Дедиким: «Бу кишвар салотинидин, Хабарлик жаҳонбонлик ойинидин, Қолибму экин бир анингдек киши Ки, қилсам ружуъ анга бу мулк иши?»

<sup>637</sup> Saddi Iskandariy, – B. 72 – 75.

<sup>638</sup> Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. редактор А. А. Вигасин. — Москва: Изд-во МГУ, 1993. – С. 47 – 48.

	айтишади	Ани элга шоҳ айласам мустақил Ки мулк ўзгага бўлмаса мунтақил»
3	Гефестион сидонликлардан чиққан хукмдорларнинг авлоди ҳақида сўрайди ва у ерликлар Абдалоним исмли кишини айтишади. У қирол оиласи билан узоқ қариндошлик орқали боғланган, аммо қашшоқлик туфайли камтарона боғини парваришларди. Камбағаллигининг сабаби эса ҳалоллик, қаноат эди	Искандар халойиқдан подшоҳлик қила оладиган кимдир борми, деб сўраганида халойиқ фақат битта шундай киши борлиги, аммо у тахтни тарк этиб, халққа аралашмай қабристонда яшаши, элни фано сари тарғиб этувчи насихатлар айтиб юриши ҳақида хабар беришади
4	Гефестионнинг топшириғи билан бир неча киши бориб, жулдур кийимдаги Абдалонимни шоҳона кийинтириб, саройга олиб келишади	Искандар топшириғи билан уни топиб келтиришади: Яланг эрди бошу, аёғи яланг, Яқо чокидин кўкси доғи яланг
5	Александр дарҳол уни чақиртириб, унга узоқ тикилди. «Сенинг ташқи кўринишинг, – деди у, – зотинг шарафли эканига зид эмас, лекин менга қашшоқлигингга сабру қаноат билан чидаганинг ҳақида билиш кизикрок. Абдалоним жавоб берди: «Қироллик ҳокимиятига ҳам шундай қатъият билан чидай олсам, яхши бўлади! Мен хоҳишларимни доим ўз кўлларим меҳнати билан қондирганман; ҳеч нарсам йўқ, мен ҳеч қачон ҳеч нарсага муҳтож эмасман»	Жаҳон шуғли гардига силкиб этак, Тутуб ики илгига ики сўнгак. Скандар анга эҳтиром айлади, Ўз оллинда олий мақом айлади. Деди: «Бу сўнгаклардин афсона айт, Не сўрсам, жавобин анинг ёна айт!» Деди: «Гўрлардин қилурда гузар, Неча бу сўнгакларга солдим назар. Замиримға лекин ниҳон қолди бу Ки, шахнинг қаюдур, гадонинг қаю? Чу ўлганда бирдур бу ики мато, Тирикликда невчун қилурлар низо?»
6	Александр Абдалонимнинг бу сўзларидан қалбининг олижаноблигига ишонч ҳосил қилди; Александр унга Стратионинг барча қироллик мулкинигина эмас, балки Форс ўлкасининг кўп қисмини топширди, бундан ташқари, шаҳарга туташ ҳудудларни унга бўйсундирди	Келиб бу каломи Скандарга хуш, Деди: «К-эй забоновари боркаш, Сени топтим асру бийик нукталиқ, Агар бор эса ҳимматинг ҳам бийик. Сени кишварингда қилай аржуманд, Бериб шоҳлиғ, поянг айлай баланд»
7		Деди: «Ҳиммат ўлмиш манга ҳамнишаст, Сен истардек эрмас, вале асру паст Ки, тарк айлабон фақр сармоясин, Писанд этгамен шоҳлиғ поясин?! Эмас рубъи маскунга рағбат манга, Тилар тўрт сармоя ҳиммат манга: Бири андин ўлди хаёти абад Ки, йўқтур анинг интиҳосиға ҳад. Яна бир: йигитликки топмай халал, Қарилик била бўлмағай ул бадал. Яна бир: ғинойи муаббадурур Ки, оллинда ифлосқа раддурур. Яна: шодлиғким, йўқ онинг ғами, Адам бўлғай ул сурнинг мотами»
8		Скандарни ҳайрат забун айлабон, Деди, бош уётдин нигун айлабон Ки: «Эй фаррухойин-у фархундарой, Бу уқдангдин ул бўлди мушкулкушой Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлик,

	Санга фақр берди, манга шоҳлик, Агарчи мени айлади аржуманд, Санга берди ҳимматни мендин баланд»
--	--

Жадвалдан Навоий тасвирлаган «Искандар ва гадо» ҳикояти биринчи қисмининг сарчашмаси Руф ёзиб қолдирган тарихий воқеа билан алоқадор ҳолда ривожлангани кўриниб турибди. Ҳар икки эпизодда воқеалар ривожи, тарихий макон ва замон бир хил. Ҳар икки воқеликни Александр шахси бирлаштириб турибди, фақат тарихий воқеликнинг адабиётга трансформацияси жараёнида дин, дунёқараш каби бир қанча омиллар таъсирида янгича талқинлар юзага келган. Оригинал воқелик ва бадиий трансформация ўртасида сюжет композицияси ва «қаноат» тушунчаси билан боғлиқ алоқа сақланиб қолган бўлса-да, воқеадан кўзланган мақсад, талқин ва хулосалар жиддий ўзгаришга учраган.

Навоий ҳикоятининг Искандар томонидан гадога тахт таклиф этилишигача бўлган қисми тарихий воқелик асосида шаклланган, чунки шу ерга қадар тарихий воқелик ва ҳикоят ўртасида параллеллик сақланган, бироқ ҳикоятнинг давоми ва якуни Руф қайд этган тарихий воқеликка мувофиқ эмас. Ушбу қиёс прототиплар борасида қуйидагиларни айтишга имкон беради: ҳикоятдаги Искандар бу – Александр, Навоий воқеа содир бўлган жой сифатида тасвирлаган «Мағриб замин» бу – қадимги Сидон шаҳри<sup>639</sup>; ҳикоятда жангда ҳалок бўлди дейилган шоҳ бу – Стратио; ҳикоятда Искандар вафот этган шоҳга нисбатан адолатли бўлиши, юртини бегоналар эгалламаслиги учун унинг авлодидан бўлган шаҳзодани тахтга чиқаришни хоҳлайди – Александр ҳам Сидонга сидонликлардан чиққан подшоҳзодани тайинлаш орқали адолатни тиклашни истайди; ҳикоятда халқ қабристонда яшовчи шоҳлар сулоласининг вакили ҳақида хабар беради – сидонликлар Александрнинг истагини билгач, унга шу ерлик қадимий сулола вакиллари билан бўлган, ҳалоллиги туфайли қашшоқликка учраган Абдалоним

<sup>639</sup> Сидон – қадимги Финикия шаҳарларидан бири, Ўртаер денгизининг Ливияга қараган шарқий соҳилида жойлашган.

хақида хабар беришади, яъни Навоий ҳикоясида исми кўрсатилмаган гадонинг тарихий прототиби – Абдалонимдир<sup>640</sup>.

Навоий ҳикоятининг шу жойида тафсилотлар ифодасида қисман ўзгариш сезилади. Бу Руф ва Навоий ўртасидаги боғланишлар силсиласида ҳозирча бизга номаълум бошқа манбалар ҳам бўлиши мумкинлигини истисно этмайди. Бироқ ҳар икки матн ифодасида асосий мантиқ излари анча ёрқин сақланиб қолган: Навоийда гадо сўнгаларнинг ҳикматини изоҳлаш билан Искандарни хайратда қолдирса, Руфда қашшоқ киши сабрлилиги, эҳтиёжсизлиги билан Александрни қойил қолдиради. Ҳар икки эпизодда подшоҳ фақирнинг қаноатига тан беради ва унга шоҳлик таклиф этади. Шу ўринда асл тарихий воқеликда бўлмаган, лекин Навоий ҳикоясида муҳим вазифа бажарган сўнгалар мотивининг ҳикоятга қандай қўшилганини изоҳлаб кетиш зарур.

(2) Хўш, сўнгалар детал-мотиви шарқ адабиётида Навоийга қадар кимларнинг асарларида учрайди? «Искандар ва гадо» ҳикояти худди шу шаклда Навоийга қадар шарқ адабиётида мавжуд эдими? Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Навоий тасвирлаган ҳикоят композицияси Навоийга қадар Шарқ адабиётида шаклланиб улгурган ва унда сўнгалар мотиви ҳам мавжуд бўлган. «Искандар ва гадо» ҳикояти шу шаклда Шарқ адабиётида Навоийга қадар Жомий<sup>641</sup>, Туртуший<sup>642</sup>, Фотик<sup>643</sup> асарларида учрайди, лекин уларда айнан икки сўнгал деталлари эмас, умуман, суяклар деталлари мавжуд эди. Ғазолийнинг «Насихат ул-мулук» асарида эса сўнгалар детал-мотиви икки

---

<sup>640</sup> Бу воқеани Помпей Трог (мил. авв. I аср) ҳам қайд этган. Юстин «Филипп тарихи» китобида шундай ёзади: «(Александр) кейин Сурияга бориб у ерларни бўйсундирди, яна бир қанча жойларни эгаллади, Сидонга зодгонлар қолиб, қуриган қудуқларни тозалаш, боғларни қўғориш ишларида ишлаган, гадодек ҳаёт кечирувчи Абдолонимни ҳукмдор қилиб тайинлайди ва бу орқали унга берилган мансаб шоҳнинг марҳаматидан эмас, балки унинг насл-насаби туфайли эканини кўрсатмоқчи бўлди» [Юстин Марк Юниан. Эпитома сочинения Помпея Трога «Historiae Philippicae» / Пер. с лат. А. А. Деконского, М. И. Рижского; Под ред. М. Е. Грабарь-Пассек; Комментарии К. В. Вержбицкого, М. М. Холода; Вст. ст.к. К. Зельина. – СПб.: Издательство С.–Петербургского университета, 2005. – С. 99 – 109].

<sup>641</sup> Чомӣ Абдурахмон. Осор. Дар ҳафт чилд. Чилди 5. Лайлӣ ва Мачнун. Хирадномаи Искандарӣ. Ба чоп ҳозирқунанда А. Афсаҳзод. – Душанбе: Адиб, 1988. – С. 351 – 354.

<sup>642</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 307.

<sup>643</sup> Fâtik Mübeşşir ibn. Muhtaru'l-hikem ve mehasinu'l-kelim. Çeviren: O.Güman. – İstanbul: Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2013. – S. 456 – 458.

бош чанок билан алмашган<sup>644</sup>. Мазкур мотив ва ҳикоят Навоийга қадар сайёр характер касб этиб улгурган, шубҳасиз, ҳикоятнинг асослари Ғаззолий, Туртуший ёки Фотик томонидан яратилмаган, уларга ҳам аввалги манбалардан кўчиб ўтган. Бир ҳикоятнинг бир вақтда ҳам Жомий, ҳам Навоийда учрашини эса *таворуд*<sup>645</sup> билан изоҳлаш мумкин.

Руф тарихида воқеа Александр томонидан Абдалонимга мамлакат ҳукмдорлигининг таклиф этилиши, унга янги ҳудудлар кўшиб берилгани ҳақидаги хабар билан яқунланади. Абдалоним тахтни қабул қилади ва воқеа шу ерда ўз ниҳоясига етади. Навоий ҳикоятида эса сюжет давом этади, воқеаларининг кейинги ривожини жиддий фарқ қилишига қараганда, ҳикоятнинг иккинчи қисми бошқа тарихий асослардан келиб чиққан.

**Ҳикоятнинг иккинчи қисми генезиси.** Навоий тасвирлаган ҳикоятнинг иккинчи (II) қисми яна иккита ички бўлакка ажралади: 1. Гадонинг Искандардан тўрт истакни (абадий ҳаёт, қарилиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик, ғами йўқ шодлик) сўраши эпизоди. 2. Искандарнинг гадо ҳиммат бобида устун эканини тан олиши, уялиши ва ўзи ҳам тақдир измида эканини айтиб, ўзини оқлаши, охир-оқибат гадонинг шоҳликни қабул қилмаслиги эпизоди. Изланишлар шуни кўрсатдики, Навоий тасвирлаган ҳикоятнинг мазкур қисмлари замирида Александрнинг Ҳиндистонда браҳманлар – гимнософистлар<sup>646</sup> билан тарихий учрашуви, суҳбатлари ётади.

Антик давр тарихчиларидан Мегасфен (мил.авв. 350 – 290) браҳманлар турмуш тарзи, ахлоқи ва қарашлари ҳақида ёзар экан<sup>647</sup>, Александр ва Манданис ўртасидаги бир воқеани баён қилади: Александр Манданисни хузурига чорлайди, келса, тухфалар бериши, йўқса, жазолашини айтади. Манданис бормайди, чунки у нафсини ҳеч нима билан қондира олмайдиган

<sup>644</sup> غزالی محمد. نصیحت الملوك. – تهران: مجلس، ۱۳۱۷. ص. ۳۷-۳۹.

<sup>645</sup> Ражабова Б. Муштарак адабий ҳодисалар. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – Б. 116 – 120.

<sup>646</sup> Гимнософистлар (юнонча, «яланғоч файласуфлар») – маънавий такомил йўлида баданни халақит берадиган кераксиз ташвиш сифатида кўрувчи, кийимга эътиборсиз хинд аскет-файласуфларининг юнонча номи.

<sup>647</sup> Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877. – P. 97 – 105.

одамнинг бирор совғасини хоҳламасди. Жавоб берадики, тирик бўлса, унга хинд ерларидаги мевалар кифоя, агар ўлдирилса, оғир ҳамроҳи, қариган танасидан озод бўлади ва янги ҳаётга эришади. Александр хинд донишмандининг бу фикрларига қойил қолиб, уни жазолашдан воз кечади<sup>648</sup>. Арриан ҳам бу мулоқотни худди шундай ёзган<sup>649</sup>. Лекин Мегасфен ва Арриан Александрнинг браҳманларга берган ўн саволини қайд этган эмас. Савол-жавоб эпизоди тарихий манбалардан Плутарх асарида учрайди<sup>650</sup>. Бу эпизод кейинчалик Талмуд адабиётида қайта ишланган<sup>651</sup>, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясига ҳам ўтган. Псевдо-Каллисфендаги қайта ишлаш, асосан, эпизоднинг сўнгида содир бўлган, яъни файласуфлар ўнта саволга жавоб бергач, Александр уларга миннатдорчилик ифодаси сифатида «хоҳлаган нарсангизни сўранг, сизга бераман» дейди. Браҳманлар эса ўлимсизлик сўрашади<sup>652</sup>. Суҳбатнинг мана шу нуқтадан кейинги қисми тарихий манбаларда учрамайди. Мегасфен, Арриан, Плутарх ва Талмудда воқеа Александрнинг ё браҳман фикрлари, ё уларнинг жавобидан ҳайратланиши ва совғалар бериб, озод қилиши билан тугайди. Уларда айнан Псевдо-Каллисфенда қайд этилган якунни кўрмаймиз. Псевдо-Каллисфенда воқеа сўнгида буюкликка даъвогар шохнинг оддий одам томонидан мот қилиниши, инсоний ожизлик, ўлим ва абадийлик мотивларини конкрет ифодалашга уруниш мавжуд. Айни ҳолат «Искандар ва гадо» ҳикоятининг иккинчи қисмига Александр ва браҳманлар суҳбатининг Псевдо-Каллисфенда қайд этилган версияси трансформация бўлган деган фаразимизни тасдиқлайди.

Мазкур эпизод кейинги давр искандарномалари учун кўп жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, у Шарқдаги турли манбаларда кўплаб ўзгаришларга

---

<sup>648</sup> Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877. – P. 106 – 107.

<sup>649</sup> Арриан, Флавий. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеевко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962. – С. 213.

<sup>650</sup> Плутарх. Сайланма. Искандар Макдунли. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 80 – 81.

<sup>651</sup> Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019. – P. 453 – 454.

<sup>652</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 92 – 94.

учраган. «Александр ва браҳманлар суҳбати» эпизоди Псевдо-Каллисфен анъанасидан шарқ адабиётига трансформация бўлган ва илк бор Фирдавсий Искандарномада батафсил тасвирланган<sup>653</sup>. Фирдавсий версиясидаёк Искандардан сўралажак *истак* трансформацияга учраб, уларнинг миқдори иккитага етган (ўлимсизлик ва қарилиги йўқ йигитлик)<sup>654</sup>, кейинчалик ҳар икки *истак* Навоий версиясида ҳам сақланиб қолган.

Сурёний версиясида қайд этилган эпизод Навоий ҳикояти билан бир неча асос параллелларга эга:

- 1) шоҳ донишманд(лар) билан учрашади;
- 2) шоҳ ва донишманд(лар) ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади;
- 3) донишманд оқиллиги билан шоҳни ҳайратда қолдиради;
- 4) шоҳ унга бирор нарса таклиф этади ёки ундан истагини сўрайди;
- 5) донишманд у бажара олмайдиган *истак*ни айтади;
- 6) шоҳ бажара олмаслигини билдиради;
- 7) донишманд бу учун шоҳни маломат қилади;
- 8) шоҳ ўз аҳволи, ҳукмдорлигини тақдир воситасида оқлайди.

Мана шу саккиз асос Псевдо-Каллисфендаги эпизод ва Навоий тасвирлаган ҳикоятда такрорланган ва бу уларнинг генетик алоқадорлигини тасдиқлайди. Айни ҳолат Псевдо-Каллисфендаги ушбу эпизоднинг Шарқдаги Искандар қиссалари, жумладан, «Садди Искандарий»га бевосита ёки билвосита (Фирдавсий орқали) трансформацияси ҳақида сўз юритиш мумкинлигини ҳам англатади. Юқоридаги саккиз умумий асосдан дастлабки тўрттаси «Искандар ва гадо» ҳикоятининг дастлабки қисмига, қолган тўрттаси ҳикоятнинг иккинчи қисмига тааллуқли. «Александр ва браҳманлар суҳбати», бизнингча, «Искандар ва гадо» ҳикоятининг кўпроқ иккинчи қисмига асос бўлган.

Хусусан, кейинги тўрт асосни олсак. (5) Псевдо-Каллисфенда браҳманлар Александрдан фақат ўлимсизлик (абადийлик)ни сўрашса, Навоий

<sup>653</sup> Фирдавсий, А. Шохнома: Иборат аз IX чилд. Чилди VII. Таҳияи К. Айнӣ, З. Аҳрорӣ, Б. Сирус. Ҳайати таҳ.: М. Осимӣ, К. Айнӣ, З. Аҳрорӣ, А. Маниёзов ва диг.: – Душанбе: Адиб, 1989. – С. 95 – 101.

<sup>654</sup> Фирдавсий, – С. 100.



достонида гадо Искандарга тўрт нарса: абадий ҳаёт, қарилиги йўқ йигитлик, туганмас бойлик ва ғами йўқ шодлик хоҳлашини айтади. Псевдо-Каллисфендаги «абадий ҳаёт» ҳақидаги истак Навоийда ҳам айнан сақланиб қолган, фақат ёнига шу мазмундаги уч янги истак қўшилган.

Шу ўринда мазкур «янги уч истак» Навоий тасвирлаган ҳикоятга қаердан қўшилган деган савол пайдо бўлиши табиий. Бизнингча, Александр ва браҳманлар учрашувида браҳманлар томонидан айтилган битта истакнинг кейинчалик тўртта истакка айланиши алоҳида трансформация жараёнини бошдан кечирган. Мисол учун, Фирдавсий достонида бу «истак»нинг сони иккита (ўлимсизлик ва қарилиги йўқ йигитлик)га етган. Навоий ҳикоятидаги гадонинг тўрт истаги «Мухтор ул-ҳикам»да Арастуниг фалсафий ўғитлари сифатида ҳам қайд этилган: *туганмас бойлик, сўнгсиз ҳаёт, завол билмас ҳукмронлик ва ўзгармас абадият талаб эт*<sup>655</sup>. Фотик тасвирлаган «Искандар ва гадо»<sup>656</sup> ҳикоятида истаклар сони бештага етган: абадий ҳаёт, қарилиги йўқ йигитлик, камбағаллиги йўқ бойлик, ҳеч бир ёқимсиз нарса бўлмаган саодат ва хасталиги бўлмаган соғлик. Эътиборлиси, «Мухтор ул-ҳикам»да Арастуниг ҳикмати сифатида кўрсатилган тўрт мақсаддан бири бўлган «завол билмас ҳукмронлик» Навоий версиясида «ғами йўқ шодлик» билан алмашган. «Ғами йўқ шодлик» детали, умуман, Навоийдаги тўрт истак айни шаклда бунгача фақат Туртуший ва Жомийда мавжуд. Бизнингча, браҳманларнинг ягона истаги, Арастуниг тўрт ҳикмати кейинчалик шарқ ҳикмат адабиётига трансформация бўлган ва шу жараёнда қайта ишланган, сўнгра «Искандар ва гадо» типидagi ҳикоятларга киритиб юборилган.

(6) Псевдо-Каллисфенда Александр браҳманларнинг истагини эшитгач, «Мен абадийлик устидан ҳукмрон эмасман, чунки ўзим ўлиб кетувчиларданман» деб жавоб беради ва бу билан ўзининг ҳукми ўтмайдиган ишлар ҳам борлигини тан олади. Навоий эса Искандарнинг бу ҳолатини шундай тасвирлайди:

<sup>655</sup> Fâtik Mübeşşir ibn. Muhtaru'l-hikem ve mehasinu'l-kelim. Çeviren: O.Güman. – İstanbul: Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2013. – S. 364.

<sup>656</sup> Fâtik, – S. 458.

Скандарни ҳайрат забун айлабон,  
Деди, бош уётдин нигун айлабон.

Мазкур байтдаги «забун айлабон», «хайрат», «уётдин» ва «бош нигун айлабон» каби сўз ва бирикмалари Искандарнинг ҳам ўз ожизлигини, гадодек оддий (фоний) одам эканлигини тан олгани ифодасидир.

(7) Псевдо-Каллисфенда Александр брахманларга уларнинг истакларини бажара олмаслигини айтгач, брахманлар «Модомики ўлар экансиз, бу урушлар ва жанглари нима учун? Бутун дунёни эгаллаб олганингизда уни қаерга ҳам олиб борардингиз? Сиз ўлиб кетувчи бўлганингиз учун барибир бошқаларда қоладику?!» деб маломат қилишади. Навоий версиясида айнан Псевдо-Каллисфендаги каби маломатлар баён қилинмайди, аммо ўзига катта баҳо берган ҳукмдорга оддий одам эканлигини, ҳатто ҳиммат бобида гадодан пастлигини уқтириш воқеалар мантиғига юклатилган. Умуман, ҳар икки асарда ҳар нарсага қодирликни даъво қилувчи ҳукмдорнинг нақадар ожизлигини билдириб қўйиш учун «иложсиз» нарсалар сўралади ва шу орқали унга оддий одам экани эслатиб қўйилади.

(8) Маломатга учраган шоҳнинг ўзини оқлаши ҳам ҳар икки асарда бир хил кечган. Псевдо-Каллисфенда Александр брахманларга ўзи ҳам тақдир измида экани, Яратган унга шундай вазифа буюргани, қолаверса, ҳамма бир хил бўла олмаслиги, охир-оқибат ҳамма ҳеч вақосиз кетишини айтади<sup>657</sup>. Навоий версиясида ҳам Искандар ўз ишларини тақдир туфайли деб изоҳлайди ва гадо ҳиммат бобида ўзидан улуғлигини тан олади, бу ҳам тақдир туфайли эканини айтади. Ва сенга ҳиммат, менга шоҳлик берди дейиш орқали Аллоҳ одамларни ҳар хил қилиб яратгани, бу олам тартиботи эканига ишора қилади<sup>658</sup>.

Ушбу ҳикоят мавзуси тарихида шу қадар муҳим аҳамият касб этганки, ҳатто, унинг мисолида мазмун – қарашлар, талқинлар трансформацияси

<sup>657</sup> Pseudo-Callisthenes, – P. 92 – 94.

<sup>658</sup> Saddi Iskandariy, – B. 75.

тўғрисида гапириш мумкин. Яъни «Искандар ва гадо» ҳикоятида антик манбаларда Александр билан боғлиқ ҳолда такрор ва такрор учровчи *инсон қизиқишларининг чексизлиги, беҳудалиги ва эҳтиёжсизлик (қаноат)* ҳақидаги тасаввурларнинг таъсири сезилади. Мазкур мотивлар кейинчалик шарқ исқандарномаларида «Искандар ва гадо» типидagi ҳикояту эпизодлар оммалашшига сабаб бўлган. Бу фикрни мавзу тарихидаги энг ишончли тарихий манба бўлган Арриан асари асосида тушунтириш мумкин. Аррианнинг ёзишича, Александр ҳинд сафаридан Персеполисга қайтиб келганида Фурот ва Дажла орқали Форс денгизининг бошқа денгизларга қўшилиш жойини кўришни хоҳлаган. Айримлар, Александрнинг яна бошқа режалари ҳам бўлганини ёзишган ва айни мана шу режалар римликларни ташвишлантира бошлаган. Арриан ҳам бу борада римликлар каби ҳинд софистларининг қуйидаги фикрларига қўшилишини айтади: «Александр уларни очик ҳаво остида ўтлоқдан, одатда, улар вақтларини ўтказадиган жойдан топди. Подшоҳ ва унинг қўшинларини кўриб, улар турган жойларида депсиниб оёқларини ура бошладилар. Александр таржимонлар орқали бу нимани англатишини сўраганида, шундай жавоб беришди: «Қирол Александр, ҳар ким оёқлари остида қанча ер бўлса, шунча ерга эгалик қилади. Сиз ҳам бошқалар билан бирдек одамсиз, фақат беҳаловат ва мағрур; уйдан чиқиб, ҳаловат билмаганингиз ва бошқаларга ҳам тинчлик бермаганингиз туфайли жуда кўп жойларни босиб ўтдингиз. Яқинда сиз ўласиз ва кўмиш учунгина етарли ерга эга бўласиз»<sup>659</sup>. Шунга ўхшаш ҳолат Истмада Диоген билан ҳам содир бўлган: «Диоген куёшда ётарди, Александр ва одамлари унинг олдига келиб тўхтади ва Александр «сенга бирор нарса керакми?» деб сўради. Диоген битта нарса керак, деб жавоб берди: Александр ва ҳамроҳлари четга чиқиб, куёшни тўсмасин»<sup>660</sup>. Арриан

---

<sup>659</sup> Арриан, – С. 212 – 213.

<sup>660</sup> Арриан, – С. 213.

Александр ва ҳинд софистлари сардори Дандамий ўртасида бўлиб ўтган шу мазмундаги воқеани ҳам ёзиб қолдирган<sup>661</sup>.

Диққат қилинса, Александр билан боғлиқ ҳар уч ҳолат замирида *дунё ташвишларининг беҳудалиги* ва *қаноат* масаласи ётибди. Уч эпизоддаги уч қаҳрамон: софист, Диоген ва Дандамийни бир нарса – қаноат (эҳтиёжсизлик) бирлаштириб турибди. Уларнинг назарида, Александр дунё учун ғам чекувчи, беҳуда ишлар билан андармон ва шон-шарафга кўнгил берган шахс. Айтиш мумкинки, қадим тарихдаги айни тасаввур ва мантиқ шарқ исқандарномаларига ҳам кўчиб ўтиб, турлича бадийий трансформацияга учраган. Уларда тасвир, тафсилот ва композиция ўзгарган, бироқ моҳият сақланиб қолаверган. Хусусан, Навоий ҳикоятдаги гадо образининг прототиплари ҳинд софистлари, Диоген ёки Дандамий дейиш мумкин. Чунки ҳинд софистларининг охир-оқибат қабр учун етарли бўлган ергагина эга бўласан дейиши, Диогендаги буюк бир эҳтиёжсизлик ва унинг қуёш нурини тўсмаслик ҳақидаги илтимосининг дунёдаги ҳамма нарса арзимас деган маънони англатиши, Дандамийнинг эса сен ҳам ҳамма билан бир хил бандасан, инсон вужуд интилишларидан устун туриши кераклиги ҳақидаги танбеҳи – буларнинг ҳаммаси Навоий тасвирлаган ҳикоятдаги фақир образида жамланган. Ушбу истакларда мазмунан уйғунлик мужассам: дунё ташвишлари беҳудалигини англашдан ҳосил бўлган буюк қаноат, эҳтиёжсизлик ва фақат Яратганга муносиб бўлиш учун интилиш. Фақат Навоий версиясига келиб тафсилотлар алмашган. Барҳманлардаги бандасидан «ҳеч нарса» истамаслик Диогенда ҳам, Дандамийда ҳам, Навоий қаҳрамонида ҳам турлича ифодалар билан сақланиб қолган. Аксинча, браҳманлар ҳам, Навоий қаҳрамони ҳам фақат Яратгандан сўровчи ва Унга интилувчи қаҳрамонлар бўлиб, уларни айни жиҳат умумлаштириб туради.

---

<sup>661</sup> Арриан, – С. 213.

### 4.3. Достоннинг айрим услубий хусусиятлари

Муаллиф тўғрисидаги ёрқин тасаввурлар, аввало, асарнинг оригинал жиҳатлари асосида шаклланади. Ижодий оригиналликни аниқлашнинг ишончли йўлларида бири эса асарнинг услубий хусусиятларини тадқиқ этишдир. Услуб – ёзувчи шахсияти, ғоявий-эстетик позицияси ва тафаккур тарзининг инъикосидир. Буларни шакллантирадиган асослар эса манбалар ва мавжуд тажриба (анъана)дир. «Садди Искандарий» достони генезисини тадқиқ этиш жараёнида мазкур асоснинг икки ядроси – манбалар ва мавжуд анъанани ўргандик. Қолаверса, масалага генетик ва қиёсий ёндашув Навоий достонни қандай ёзган, деган умумий масаланинг муайян жиҳатларини тасаввур қилиш имконини берди. Ушбу фаслда Навоийнинг ифода тарзига хос ана шундай айрим барқарор жиҳатлар хусусида тўхталамиз.

Алишер Навоий юксак бадиий маҳорат эгаси сифатида асарларида тасвирнинг турли йўлларида самарали фойдаланган. Улардан бири *поэтик вариация* бўлиб, «аслида бу ҳодиса туркий халқлар фольклорида анча қадимий анъаналарга эга... Унинг моҳиятини шаклий ўзгартишлар, алоҳида унсурлар орасидаги муносабат ва алоқаларнинг ранг-баранглиги ташкил этади»<sup>662</sup>. Бунда бир фикр ёки умумий асос қисман ўзгаришга учраган турли поэтик ифодалар – вариациялар орқали тасвирланади. Турли поэтик тасвирлар ўзаро тенглик ва параллеллик муносабатларида бўлади. Поэтик вариация, аввало, ифода такроридан қочиш туфайли юзага келади, яъни бир мавзу ёки объектни қайта тасвирлашга тўғри келганда бир нарсанинг турли поэтик ифодалари юзага келади. Иккинчи сабаб муайян фикрни таъкидлаш мақсадидир, яъни муаллиф бирор мавзу ёки воқеликка оид бир неча поэтик ифодани бир ўринда кетма-кет келтириш орқали фикр ва мазмун таъкидига эришади.

Поэтик вариация ҳодисаси икки хил воқе бўлади. Биринчиси, поэтик вариацияни ташкил этган ифодалар мазмунан ўзаро тенг бўлади, иккинчиси,

---

<sup>662</sup> Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: BAYOZ, 2013. – Б. 67.

умумий мазмуннинг турли қирраларини акс эттиради, лекин улар барибир объектнинг ягона маъноси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади. Поэтик вариациянинг биринчи тури Навоий ижодида жуда кўп учрайди, жумладан, «Садди Искандарий»да Муҳаммад а.с. нинг ломаконга кадам қўйиб, ўзликдан халос бўлгани шундай тасвирланади:

- (1) Не тўрт аслдин кўнглига ёрлик,  
Не олти тарафдин хабардорлик.
- (2) Ҳам олтию ҳам тўрт мавқуф эди,  
Анинг хоотири бирга машъуф эди.
- (3) Бўйидин вужуди либосин сўюб,  
Бошидин таайюн ливосин қўюб.
- (4) Вужудин адам гарди айлаб соғинч,  
Вужуд-адамдин бўлуб кўнгли тинч.
- (5) Ўзидин чу жонида қолмай нишон,  
Солиб ўзни жонон сори жонфишон.
- (6) Ўзидин ўзин токи қилмай халос,  
Қила олмайин ўзни жононға хос<sup>663</sup>.

Байтларда бир фикр (ўзликдан халос бўлиш) олти хил ифодаланган. Поэтик вариациянинг иккинчи тури ҳам Навоий ижодида кўп учрайди. Масалан, Навоий сўз ҳақида шундай ёзади:

- Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,  
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул...<sup>664</sup>.  
Башар табъининг ишвагар дилбари,  
Назардин ниҳон, ул сифатким пари<sup>665</sup>.

Дастлабки байтда сўз *жон жавҳари* ва *оби ҳайвонга*, кейинги байтда эса *ишвагар дилбарга* ўхшатилмоқда. Айти пайтда бир объект моҳиятига оид муаллиф тушунчаларининг турли поэтик ифодалари яратилмоқда. Бирок Навоий фақат ушбу поэтик ифодалар билан чекланиб қолмайди, у бу байтлар

<sup>663</sup> Saddi Iskandariy, – В. 21 – 22.

<sup>664</sup> Saddi Iskandariy, – В. 29.

<sup>665</sup> Saddi Iskandariy, – В. 30.

остида сўзнинг *жавҳари жон*, *оби ҳайвон*, *ишвагар дилбар* эканлигини поэтик асословчи тасвирлар яратади. Натижада бир нарса (сўз)нинг мавҳум моҳиятини равшанлаштирувчи поэтик лавҳалар тизмаси ҳам юзага келади. Поэтик вариация бир қарашда мазмуний такрорга ўхшаса-да, уларда умумийликдан ташқари хусусийлик ҳам бўлади. Поэтик вариациядаги хусусийлик, аввало, шаклда юзага чиқади, шаклдаги турфалик кўпинча мазмунда ҳам акс этади. Шу маънода, поэтик вариациядан мақсад фақат бир фикрни таъкидлаш эмас, балки тасвир объектининг турли маъно кирраларини қамраб олиш ёхуд муаллиф қарашларини кенгроқ очиб бериш ҳамдир. Поэтик вариациянинг шаклан (тафсилотларда) турфа хиллиги муайян маънони таъкидлаш жараёнида сийқаликдан қутулишга имкон берса, мазмундаги хослик тасаввур мукамаллигига хизмат қилади. Аммо мазмундаги хослик, алалоқибат, яхлит маънони ифодалашга олиб келади. Масалан, юқорида Навоий сўзнинг моҳиятини тушунтириш учун уч хил поэтик вариациядан фойдаланганини кўрдик. Сўзнинг *жавҳари жон* экани тасвирланган лавҳага диққат қилинса, асосий эътибор сўзнинг мавжудлик (ҳам дунё, ҳам инсон) асосида туриши ҳақидаги ҳақиқатлар ифодасига қаратилади. Сўзнинг *оби ҳайвон* экани тасвирланган лавҳада эса сўзнинг маъноси, таъсир кучи диққат марказида туради. Сўзнинг *ишвагар дилбар* экани тўғрисидаги тасвирда бўлса сўзнинг шакл-шамойили, малоҳати ҳақидаги тасаввурлар акс этган. Мазкур поэтик вариациялар сўзга хос бўлган ўзаро алоқадор турли хусусиятларни ифодалаган бўлса-да, уларни ягона тасвир объекти (сўз) ва унинг мазмунини биргаликда яхлит ифодалаш вазифаси умумлаштириб туради.

Поэтик вариация сарлавҳа ва асосий қисм муносабатида қонуният ўлароқ намоён бўлади, чунки Навоий бунда ҳар сафар айнан бир мазмун (маъно)ни турли поэтик тасвирлар билан беришга «мажбур» бўлади. Айтиш мумкинки, у буни ҳар сафар маҳорат билан уддалайди. Жумладан, юқорида кўриб чиқилган сўз ҳақидаги фаслнинг сарлавҳасига эътибор қаратайлик: «Сўз таърифида бир неча сўзким, офариниш дарёсидин бурунғи чикқон

гавҳари серобдурур ва хилқат сипехридин аввалғи тулуъ этган ахтари пуртоб»<sup>666</sup>. Мазкур сарлавҳада сўз ҳақида *яратилиши дарёсидан аввал чиққан соф гавҳар* ва *яртилиши осмонининг илк балқиган ёрқин юлдузи* каби поэтик ифодалар яратилган бўлиб, улар асосий қисм таркибидаги сўзга оид поэтик вариациялар, айниқса, *жавҳари жон* билан маънодош. Лекин сўзни *жавҳари жон*, *оби ҳайвон*, *ишвагар дилбар* сифатида тасвирлашга нисбатан юксак савияда чиққан ва муҳим аҳамият касб этган. Шу тариқа, Навоий сарлавҳа ва бобни шакллантирар экан ҳар сафар янги поэтик вариациялар яратиб боради.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, поэтик вариация ҳодисаси кўпроқ назарий характердаги фаслларда учрайди, чунки бундай ўринларда мавҳум фикрни образли тасвирлаш, поэтик манзара яратиш орқали тушунарлиликка эришиш зарурати ортади. Шу боис Навоий бундай ўринларда поэтик тасвирлар беришга кўпроқ ҳаракат қилади. Поэтик вариация боб ёки фасл таркибида жуда мухтасар ва содда шаклда намоён бўлса, сарлавҳа ва фасл ўртасида бироз мураккаб шаклда намоён бўлади.

Поэтик вариациянинг янада мураккаброқ кўриниши бир мавзу ва масала тасвирига бағишланган анъанавий бобларда намоён бўлади. Навоий бундай вазиятда ҳар сафар ўз-ўзини такрорламасдан поэтик қайта тасвирлаб боради. Поэтик вариация бу каби ўринларда кенгроқ аспектда намоён бўлади. Масалан, Навоий беш дoston дебoчасида меърож воқеасини қайта-қайта тасвирлар экан, ҳар сафар янги ифодалар топишга интилади. Навоийнинг меърож воқеасига оид тасвирлари аниқ композицияга эга бўлиб, ушбу тузилиш ҳам ҳар сафар такрорланади: сарлавҳа, кеча (шом) тасвири, пайғамбар ҳолати тасвири, Жабройилнинг келиб хабар етказиши ва Буроқ тасвири, кўтарилиш (саккиз қават осмондан ўтиши) тасвири, Аршга чиқиш тасвири, ломакoн ва ўзлик йўқoлиши тасвири, тавҳид тасвири, қайтиш тасвири. Мазкур тўққиз жиҳат меърож тасвири композицияси асосини ташкил этади ва такрорланади, Навоий эса ҳар сафар мана шу тўққиз асос

---

<sup>666</sup> Saddi Iskandariy, – B. 29.



учун бетакрор ифодалар топишга мажбур бўлади. Навоий оригинал ижодкор ва истъдод соҳиби сифатида бундай ижодий мушкулотни енгиб ўта олган.

Навоийнинг мазкур такрорланувчи воқелик ва композиция доирасида яратган поэтик вариациялари жуда кўп, уларнинг ҳаммасини бу ерда кўрсатиб бериш имконсиз. Шу боис бу ўринда мисол учун шоирнинг муайян бир ҳолат тасвирида ижодий оригиналлик кўрсатишини таҳлил қилиш билангина чекланамиз. Юқорида қайд этилган тўққиз композицион асоснинг иккинчиси, яъни *шом тасвири* Навоийнинг поэтик вариация яратиш маҳоратини яққол кўрсатиши билан характерли. Навоий меърож воқеасини ёзар экан, дастлаб, у рўй берган кеча – шомнинг бадиий тасвирини беради.

«Ҳайрат ул-аброр»да:

Бир кеча зулматқа қолиб коинот,  
Меҳр ниҳон ўйлаки айнул-ҳаёт.  
Гарчики ул чашма назардин қочиб,  
Хизр кўк узра қатаротин сочиб.  
Тун қилибон гардини анбар сиришт,  
Бутратибон ерга насими биҳишт.  
Ер курави шакл ила мижмар бўлуб,  
Кеча саводи анга анбар бўлуб.  
Ўт киби ер мижмари остида меҳр,  
Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр.  
Ёғибон орому сукун ёғини,  
Паст қилиб ҳодиса туфроғини<sup>667</sup>.

«Фарҳод ва Ширин»да:

Ул ақшомким, юзига лубати Чин,  
Эшиб марғула ёйди зулфи мушкин.  
Насим ул мушк исин бутротти ҳар ён,  
Ҳаво раънолариға сотти ҳар ён.

<sup>667</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 31.

Ёшунди мушк ичинда Чин ғазоли,  
Дема Чинким, фалак заррин ғазоли...  
Қуёш сўғи иши киргач ароға,  
Фалак луъбатлари кирди қароға.  
Не сўғу не қаро, иқбол шоми,  
Жаҳоннинг асру фаррухфол шоми,  
Бўлуб ҳар шабнами Ноҳид янглиғ,  
Ёруб ҳар ахтари хуршид янглиғ<sup>668</sup>.

«Лайли ва Мажнун»да:

Бу шомға истасанг ниҳоят,  
Ул шомдин айлагил ҳикоят.  
Ким ранги эди чу мушки ноби,  
Ҳар юлдузи рашки офтоби...  
Гардун чиқориб кеча палосин,  
Давронға ёпиб саҳар либосин.  
Тун даҳр юзидин оритиб менг,  
Кундузни ўзига тутмаин тенг.  
Кундуз уёлиб бу ҳолатидин  
Ким, ерга кириб хижолатидин,  
Бу ишга кулуб сипеҳри хазро  
Ким, тишларин айлаб ошкоро<sup>669</sup>.

«Сабъаи сайёр»да:

Ул кечаким эди абир сиришт,  
Қадр аро ғайрати саводи биҳишт,  
Ҳур гисуларин жаҳонға очиб,  
Анбару мушкин осмонға сочиб.  
Гисуйи мушкбў жаҳонни тутуб,  
Мушкининг атри осмонни тутуб.

<sup>668</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 278.

<sup>669</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 657 – 658.

Ҳалқаи зулфдин рухи анвар,  
Ҳарён ул тунда кўргузуб ахтар.  
Йўқки, ҳавро ёйиб жаҳон уза дом,  
Юз сори ҳалқа мўйи мушкинфом.  
Сувдек ул дом ичинда чеҳра очиб,  
Қатра хайлардин анда дона сочиб  
Ким, чу давлат қуши буён етгай,  
Бу суву дона бирла сайд этгай<sup>670</sup>.

«Садди Искандарий»да:

Не шом ул шабистони фархундафол,  
Бўлуб офариниш узорига хол.  
Демай холким, гесуйи мушкрес,  
Қилиб офариниш уза мушкбез.  
Чу онинг бўлуб ошкоро иси,  
Жаҳонни тутуб мушкисоро иси.  
Тааний била жунбиш айлаб насим,  
Ёйиб мушк зимнида авроқи сим.  
Не симин варақ, балки юз ламъа нур,  
Қилиб ул шабистонда ҳар ён зуҳур<sup>671</sup>.

Навоий беш дoston таркибидаги беш меърожномани ушбу тасвирлар билан бошлайди. Уларда ягона ҳолат – кун кетиб, кеч киргач осмонда юлдузлар пайдо бўлгани тасвирланган. Фақат бу оддий кеча эмас, балки Муҳаммад а.с. уружи содир бўлган шом, шу боис Навоий уни кучли эҳтирос ва мистик кайфият билан тасвирлаган. «Садди Искандарий»да бу борадаги тасвир ҳадди аълосига етказилган: у қандай бахтиёр кечаки, олам юзига хол бўлиб тушди, хол дема, у мушк сочувчи, балки коинот узра хуш ифор таратувчи сочдир; унинг иси ошкор бўлгач, насим оҳисталик билан эсиб,

<sup>670</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 893 – 894.

<sup>671</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 1213.

мушк зимнида кумуш япроқларни ҳам ёйди, улар кумуш япроқлар ҳам эмас, балки у кеча ҳар ёнда зоҳир бўлган юзлаб шуълали нурлардир... .

Кун кетиб, кеч киргач тиниқ осмонда юлдузлар пайдо бўлиши ҳолатини беш дostonда беш хил поэтик қайта яратиш, яратганда ҳам бундай хайратангез, оригинал тасвирлар билан ифодалаш Навоий бадий маҳоратининг олий даражасига далолат қилади. Мазкур поэтик вариация муаллифнинг хаёлотини, тафаккури жуда кенглиги ва сўз бойлиги катталигини ҳам тасдиқлайди. Навоий такрорий мазмун ва воқеликни катта маҳорат билан гўзал поэтик лавҳаларга айлантира олган, меърож воқеасининг қолган қисмлари тасвирида ҳам бетакрор ифодалар топган ва ҳар сафар янгидан-янги бадий кашфиётлар қилишга эришган.

Хуллас, Навоий яратган беш меърожномани муаллифнинг дунёқараши ва услуби, бир мавзу ва мазмун, ягона композиция, шунингдек, ташбеҳ ва ташхис бирлаштириб туради ва шулар туфайли типологик тасвирлар юзага келаверади. Айни пайтда, уларни уч умумий жиҳат фарқлаб туради: 1. тасвирни асар мавзуси ва мазмунига мувофиқлаштириш; 2. лексик ифодани алмаштириш; 3. поэтик тасвирни янгилаш. Навоий ҳар сафар мана шу уч жиҳатни янгилаб бориш орқали оригиналлик кўрсатади. Жумладан, кеч кириши тасвирида асар мавзуси ва мазмунига мувофиқлаштириш ҳам, лексик ифодани алмаштириш ҳам, поэтик тасвирни янгилаш ҳам мавжуд. Навоий услубига хос поэтик вариация ҳодисаси табақаланиш хусусиятига ҳам эга бўлиб, уларнинг баъзилари мураккаб, баъзилари содда. Поэтик вариациянинг хилма-хиллиги ижодкор фикрининг исталган савиядаги китобхонга етиб боришига замин яратади.

Навоийнинг тасвир услубига хос умумий хусусиятлардан яна бири *изчиллик*дир. Навоий исталган фикр ифодасида *изчиллик*ка – ифода мунтазамлиги ва тадрижийлигига, қисмлар узвийлиги ва мантиқий алоқадорлигига, ички зиддиятдан хоиликка қатъий риоя этади. «Садди Искандарий» достонида *изчиллик* бузилган ўринни топиш мушкул. *Изчиллик* Навоийнинг тасвир йўсинида аниқ акс этади. Мисол учун «Садди

Искандарий»нинг илк боби Тавҳид ҳамда айни ҳолатни кузатиш мумкин. Навоий ушбу бобда тасвири Тангри зоти ва унинг пинҳонлигидан, адам тасвирдан бошлайди ва секин-аста дунёнинг яратилиш сабаби (жамолини ошкор этиш ва маҳбублик иши учун ошиқнинг зарурати), яратиш воситаси (Кун) ва яратиклар: малак хайли, қатма-қат жойлашган тўққиз гунбаз, тўрт унсур (сув, тупроқ, ҳаво, олов), етти (сайёра) ота ва тўрт она (сув, тупроқ, ҳаво, олов) дан пайдо бўлган уч фарзанд (жамотот, наботот, ҳайвонот) ҳақида тўхталади, сўнгра кўнгли сирлар хазинаси, юзи Ҳақ зотининг ойнаси бўлган инсон яратилгани, оламни яратишдан мақсад одам экани, диққат қилинса, «ошиқу ишқу маъшук» ҳам ўзи эканини айтади. Шу тариқа Навоий адамдан бошлаб инсон яратилишигача бўлган жараёни изчил тасвирлайди<sup>672</sup>. Тавсиф наътда ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин. Навоий ифодани Нури Муҳаммадиядан бошлаб, Муҳаммад а.с. ҳақида илоҳий китобларда келган башоратлар, пайғамбарнинг туғилиши, пайғамбар сифатида танланиши, пайғамбарлигининг далиллари, Ҳақ сирридан воқиф этгани, ташқи қиёфаси, динни ёйиши ва ислом тушгач бошқа динларнинг ҳалал топиши ҳақидаги фикрлар билан яқунлайди. Шу тариқа, Навоий масалани бошдан охир тадрижий ифодалаб боради ва мукамал тасаввур шакллантиради.

Навоий амал қилган изчиллик боблар жойлашувида ҳам, дoston композициясида ҳам, сюжет ривожидида ҳам намоён бўлади. Хусусан, Навоий кетма-кет келувчи бобларни албатта аниқ ишоралар билан боғлаб боради, бунда муайян бобнинг охирида ҳам тегишли боб билан, ҳам навбатдаги боб билан алоқадор фикрларни ифодалайди ва шу орқали боблар ўртасида изчиллик юзага келтиради. Жумладан, муножот ифодаланган II бобнинг охирида шундай ёзади:

Агар қилмадинг зуҳду тоат насиб,  
Ҳабибингдин этгил шафоат насиб<sup>673</sup>.

---

<sup>672</sup> Saddi Iskandariy, – B. 5 – 10.

<sup>673</sup> Saddi Iskandariy, – B. 14.

Байтдаги муножот, Аллоҳга мурожаат оҳанги байт «Муножот» бобда келгани билан изоҳланса, байтда айнан «ҳабибингдин шафоат насиб эт» дея сўралиши кейинги боб наът экани билан изоҳланади. Навоий шу тарзда боблар ўртасида изчилликни юзага келтириб боради, натижада китобхонда саволлар пайдо бўлмайди. Навоий ушбу принципга асосий қисмдаги боблар жойлашувида ҳам амал қилади. Навоий дoston архитектуроникасидан ўрин олган ҳар бир бобни, асосий қисмни ташкил этган бобларни ва уларнинг таркибидаги фаслларни ўзаро алоқалантириб бориш орқали мустаҳкам изчилликни таъминлайди. «Садди Искандарий» асосий қисмини ташкил этган ҳар бир бобнинг тўрт фаслдан таркиб топиши ва бу структуранинг мунтазам такрорланишининг ўзиёқ Навоийнинг тасвир услубига изчиллик хос эканини англатади. Аслида, Навоий тасвиридаги шаклий ва структуравий изчилликнинг асосида фикрий изчиллик ётади, яъни Навоий ўз фикрларини ўзаро алоқадорликда ифодалашга мойил.

Навоийнинг тасвир услубига хос изчилликнинг бир шакли *композицион фикрлаш*да кўзга ташланади. Яъни Навоий ҳамиша ўз фикрини муайян композиция асосида тақдим этади. Бу хусусият бутун асарга нисбатан ғоя миқёсида, бир бобга нисбатан муайян фикр ёки масала миқёсида намоён бўлади. Масалан, Навоий сўзни таърифлаб шундай ёзади:

Башар зотида жавҳари жон ҳам ул,  
Ўлук жисмида оби ҳайвон ҳам ул<sup>674</sup>.

Навоий ушбу байтда сўзни жавҳари жонга ва оби ҳайвонга ўхшатади ва бундан кейинги байтларда нима учун шундай ҳисоблашини тушунтиришни ният қилади. Даствлаб, жавҳари жон ташбеҳи хусусида тўхталади:

Буким жавҳари жон дедим отини,  
Қилай жон била бу сўз исботини<sup>675</sup>.

Яъни Навоий аввалги байтда сўзни биринчи бўлиб жавҳари жонга ташбеҳ қилгани учун, даствлаб, шу фикрни асослашга киришади ва бу борада

---

<sup>674</sup> Saddi Iskandariy, – В. 29.

<sup>675</sup> Saddi Iskandariy, – В. 29.

бир неча байт ёзади. Сўнг оби ҳайвон ташбеҳини изоҳлашга киришади<sup>676</sup>. Шу тариқа Навоий дастлабки байтдаги ташбеҳлар кетма-кетлигига мувофиқ уларни бирма-бир изоҳлаб боради ва муайян масалага оид фикрини аниқ композиция асосида тақдим этади, натижада муайян тасаввур ёки фикр китобхонга осон ва тушунарли тарзда етиб боради.

Навоий услубига хос бўлган фикрни муайян композицияда тақдим этиш «Садди Искандарий» асосий қисмининг илк бобида ҳам аниқ намоён бўлган. Навоий Ажам шоҳларининг иккинчи табақаси ҳақида ёзар экан, фикрларининг сўнгида Искандар шу сулола даврида ўтгани, лекин бу ҳақда ўз ўрнида айтишини таъкидлаб, кейинги масала тасвирига ўтиб кетади. «Оғози дoston» бобида эса юқоридаги қайдини назарда тутиб ёзади:

Бу мужмалки васф айладим зотини,  
Қилай эмди борининг исботини<sup>677</sup>.

Яъни, бу мужмални тафсилотлар билан исбот қилай, деб Искандар насабига оид талқинларни тасвирлай бошлайди. Навоий кўпинча мана шу тарзда композицион яхлитлик андозалари асосида фикрлайди, яъни қайси фикрни қаерда ва қандай ёзишни режалаштиради ва шу асосда тасвир яратади. Энг камида Навоийнинг ифодалари *мужмал* ва *тафсилот*дан иборат бўлади ёки фикр ва изоҳ (шарҳ, исбот) каби структурада акс этади.

Навоийнинг ўз фикрини муайян композиция асосида тақдим этиши дoston сюжети қурилишида ҳам намоён бўлган. Жумладан, Навоий «Садди Искандарий» дostonида, аввало, Доро ва Искандар можаросини тасвирлайди. Сюжетнинг бу қисми ҳам, аслида, Навоий томонидан режалаштирилган бўлса-да, бу ўринда табиий мантиқ устуворлик қилган, чунки Искандар тарихини, мавзуни бу тўқнашувсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Аммо дoston сюжетининг қолган қисмлари, шубҳасиз, Навоий томонидан аниқ режа – композиция асосида шакллантирилган. Навоий Искандар ишларининг ҳаммасини бир асарга сиғдириш имконсиз деб ҳисоблаган, шу боис «Садди

---

<sup>676</sup> Saddi Iskandariy, – B. 29.

<sup>677</sup> Saddi Iskandariy, – B. 63.

Искандарий» достони сюжети учун Искандар саргузаштининг муайян қисмларини саралаб олган, бунда асосий мезон ҳақиқатни тасвирлаш бўлган, яъни Навоий ўзи энг тўғри деб билган воқеаларни асарига киритишни мақсад қилган ва кўпроқ мавзу тарихида муҳим бўлган жиҳатларга эътибор қаратган. Аини пайтда, ўзининг ушбу саралашини мантиқий асослаш ва тасвирда изчилликни таъминлаш учун Дорони таслим этган Искандарнинг дунё шоҳларига мактуб йўллаши эпизодидан фойдаланган. Искандар барча шоҳларга ўзига бўйсунитишни буюриб, хатлар юборади, аммо фақат Кашмир, Ҳинд ва Чин ҳукмдорлари бу таклифга рози бўлмади, натижада Искандар мана шу уч мамлакатга ҳарбий юриш қилади. Навоий бу ўринда яхши бадиий мантиқ яратиб, Искандар юришларини олдиндан кафолатлай олган. Навоий ўз услубига мувофиқ қаҳрамонининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳам ҳаётӣ, ҳам бадиий мантиқ билан асослаб боради. Натижада ўз тасвирининг изчил ва ишончли чиқишига, китобхонга тўлиқ етиб боришига эришади.

*Асослаш ёки изоҳлаш* ҳам Навоийнинг ифода тарзига хос яна бир такрорланувчи хусусият бўлиб, изчилликни юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда аввал муайян тезис қайд этилади ва ортидан у турли тафсилотлар билан асослаб берилади. Баъзан мужмал ёки ўта мавҳум тасвирлар шоирнинг ўзи томонидан изоҳланади. Бундай ифода тарзи шаклан шоир фикрларини муайян композиция билан ифодалашга мойил эканини кўрсатса, мазмунан Навоийнинг бадиий тасвир услубида илмий услубга хос хусусият мавжудлигини англатади. Навоийнинг ифода тарзига хос ушбу хусусият назарий характердаги бобларда яққол намоён бўлади. Масалан, «Садди Искандарий» достонининг «Муножот» бобида бу ҳодиса аниқ кўринган. Бобда дастлаб масалага оид асосий тезис (Акрам ул-акрамин) баён қилинган, сўнгра шу назарий хулоса турли тафсилотлар билан далилланган. Ёки баъзан образли шаклда, фасоҳат билан айтилган фикрлар нима ҳақида эканини Навоийнинг ўзи изоҳлаб, тасвирнинг мазмунини очиб беради. Жумладан, V бобда «Хамса»ни тоши итигу йўли бўртоғ буюк тоғга,



хамсанависликни эса ана ўша тоққа чиқишга ўхшатиб, фикрларини образли тасвирлайди, кейин айтганлари киноят экани эслатади:

Бу дostonки сурдум киноятдурур,  
Ғараз андин, ушбу ҳикоятдурур<sup>678</sup>.

Сўнг аввалги бадий тасвирлари нима ҳақида эканини содда қилиб изоҳлаб беради. Ёки «Иноят қуёши васфидаким...» деб бошланган (VIII) бобда ҳам Навоий аввал инсонга иқболнинг ёрлик қилиши, бунинг улкан саодат экани ҳақида умумий фикрларини образли ифодалайди. Сўнгра қарийб икки саҳифа давом этган ифодани тўхтатиб, шундай ёзади:

Бу мужмалки килк этти таъвил ани,  
Эшитсанг қилай эмди тафсил ани<sup>679</sup>.

Навоий шундан сўнг Тангри унга қандай мададкорлик қилганини ўз ҳаёти, ижоди мисолида конкрет изоҳлаб беради. Булар Навоийнинг тасвир услубига асослаш ёки изоҳлаш хусусияти хос эканини кўрсатади.

Бу хусусият дostonнинг аксар сатҳлари: бобнинг сарлавҳаси ва асосий қисми, бобнинг назарий қисми ва илова қилинган ҳикояси, дебоचा ва асосий қисм, масала (мавзу) ва тафсилотларда намоён бўлади. Навоий ифодасига хос ушбу хусусиятнинг турли даражаларда намоён бўлувчи ноодатий шакллари ҳам бор, лекин уларнинг моҳиятини ҳам асослаш ташкил этади. Жумладан, «Садди Искандарий»нинг ҳар бир асосий боби тўрт қисм: «Саргузашт», «Мулоҳаза», «Ҳикоят» ва «Ҳикмат»лардан таркиб топган бўлиб, ушбу тўрт қисмнинг охирги учтаси биринчи қисмнинг муайян жиҳатини асослаш, шарҳлаш учун хизмат қилади. Айни пайтда, охирги уч қисм ҳам ўзаро ана ўша қонуният асосида тартибланган, яъни «Мулоҳаза» фаслида бирор назарий масала таҳлил этилса, ҳикоят унга далил сифатида келтирилади, ўз навбатида, ҳикоятнинг хулосаси «Ҳикмат»да фалсафий жиҳатдан ҳам асосланади. Шу тариқа, Навоий тасвир услубига хос муайян концепция ва исбот келтириш, асослаш (изоҳлаш) хусусияти, навоийшунос Ё.Исҳоқов

---

<sup>678</sup> Saddi Iskandariy, – В. 26.

<sup>679</sup> Saddi Iskandariy, – В. 39.

таъкидлаганидек, дostonларнинг умумий архитектуроникасини ҳам белгилаган, яъни «дostonлар (сюжетлилари) икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда, традицион ҳамду наътдан ташқари авторнинг ғоявий-эстетик концепцияси ҳам баён қилинади. Иккинчи қисм эса муайян концепциянинг бадий иллюстрациясидан иборат. Биринчи ва охириги дostonда эса мана шу масалада ўзига хослик мавжуд (концепция ва исбот дoston ичида ҳам берилди)»<sup>680</sup>.

«Садди Искандарий» дostonида изчиллик нафақат ифодада, шаклда, балки мазмунда ҳам намоён бўлади. Яъни **мантиқий изчилликка** қатъий риоя этиш – Навоийнинг тасвир услубига хос хусусиятдир. Аслида, мантиқий изчиллик шаклий изчилликни келтириб чиқаради. Хусусан, асосий қисмдаги бобларни ташкил этувчи ҳар тўрт қисм шаклан изчил, бу изчилликни юзага келтирган омил эса, шубҳасиз, мазмуний изчилликдир. Яъни ҳар тўрт қисм ўзаро мазмунан жуда мустақкам алоқалантирилган, бири бошқасини тўлдиради ва ривожлантиради. Бир бобни ташкил этувчи тўрт фасл бир мавзу остида бирлашишдан ташқари, яхлит системага айлантирилади, шу боис бири бошқасини тақозо этади. Хуллас, «Садди Искандарий» дostonида мантиқий изчилликка бўйсундирилмаган бирорта ўринни топиб бўлмайди.

Навоийнинг тасвирда мантиқий изчилликка қай даражада амал қилиши сюжет яратиш мисолида яққол намоён бўлади. Қолаверса, муайян ижодкорнинг услуби қиёсий аспектда аниқроқ кўрингани боис бир эпизоднинг икки ижодкор томонидан амалга оширилган тасвирини солиштириш конкрет тасаввур бера олади. Жумладан, Искандарнинг Чин юртига сафари Низомий ва Навоий искандарномаларида тасвирланган бўлиб, бу эпизод икки ижодкорнинг мантиқий изчилликка қай даражада амал қилишини кўрсатувчи муҳим нуқтадир. Ҳар икки ижодкор тасвирида хоқоннинг Искандар ҳузурига элчи қиёфасида боришидан муаммо ҳал бўлгунга қадар аниқ фарқлар мавжуд, хусусан, хоқоннинг элчи қиёфасида

---

<sup>680</sup> Исҳоқов Ё. «Хамса» поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: Фан, 1985. 1-сон.

Искандар билан учрашиши масаласида. Низомий хоқоннинг ўзи боришга қарор қилгани ва элчи қиёфасида саҳарда йўлга тушганини қайд этган, лекин хоқоннинг ўз аркони билан буни маслаҳат қилган-қилмагани, бошқалар билиб қолмаслиги учун қандай йўл тутгани, бу ишнинг махфийлиги каби масалалар очиқ қолган. Навоий тасаввурига кўра, давлат раҳбарининг бундай нозик ҳаракатлари ўз аъёнларидан ҳам қаттиқ сир тутилиши лозим. Шу боис Навоий эпизод тасвирида хоқон образининг ёнига хос маҳрам персонажи ва бир кун ҳеч кимни қабул қилмаслик ҳақидаги эълон, ўз одамлари таниб қолмаслиги учун тонг қоронғусида йўлга чиқиш каби деталларни қўшади, натижада хоқоннинг хатти-ҳаракати борасида ҳеч қандай саволга ўрин қолмайди. Искандар ва хоқоннинг музокарадан кейинги ҳаракатлари борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Навоий мантиқий изчилликка риоя этиб, икки шоҳ ўртасидаги сирнинг хоқон ташаббуси билан қаттиқ муҳофаза этилганига эътибор қаратади. Низомий келишувдан сўнг хоқоннинг ўз қўшини томон кетганини қайд этса, Навоий талқинида хоқон Искандардан сирнинг ошкор бўлмаслиги учун ўзига бошқалар олдида элчидек муносабатда бўлиши, уни кечкача сақлаб, кейин рухсат беришини сўрайди ва хоқон кеч тушгач, ўз саройига етиб келади ва тайинлаб кетган хос маҳрами билан ишларни келишилгандек давом эттиради. Яъни Навоий хоқоннинг элчиликка боришидан аввалги тасвирларда яратган бадиий мантиғи билан элчиликнинг якунида яратилган бадиий мантиқ ўртасида изчилликни таъминлайди. Улар бири биридан келиб чиқади ва китобхонга тушунарсиз ўрин қолдирмайди.

Бу жиҳатдан хоқоннинг Искандар ҳузурида элчи қиёфасида туриши тасвири айниқса эътиборли. Низомий сюжетида<sup>681</sup> элчи (хоқон) махфий топшириқ билан келгани, хабарни фақат шоҳгагина етказиш тайинланганини айтгач, Искандар элчининг оёқларини боғлаш ва ўзига қилич беришларини буюради. Бир қарашда, бу табиий ва Искандарнинг ўта оқиллигини

---

<sup>681</sup> Ганчавӣ, – С. 203 – 225.

кўрсатади. Навоий талқинида<sup>682</sup> эса оёқ-қўлни боғлаш фикри элчининг тилига кўчирилади ва Навоий ушбу кичик ўзгартириш орқали элчининг алдамаётганини асослашга ҳам эришади. Навоий томонидан эпизодга киритилган иккинчи ўзгартириш элчининг ўзини банди қилиш тўғрисидаги таклифига Искандарнинг эътироз билдиришидир. Навоий бу орқали ўз қаҳрамонининг нақадар довюрак эканини кўрсатишдан ташқари, аввалроқ Искандарнинг жасурлиги тўғрисида хоқон эшитган мишмишларни тасдиқлаш ва Искандарнинг хоқонга элчи юбормагани бежиз эмаслигини асослашнинг уддасидан чиқади. Бироқ Навоий Низомий устун қўйган эҳтиёткорликни ҳам нотўғри деб билмайди, шу боис сюжетга Арасту бошчилигидаги ҳақимлар персонажини киритиб, уларнинг илтимоси билан элчининг банди қилинишига эришади. Ҳар икки ижодкор тасвирининг натижаси бир хил – элчи банди ҳолда, Искандар эса қилич билан ўтиради, аммо мазкур натижанинг юзага келиши, ифода мантиғи турлича ва айти шу тафовутда ижодкорларнинг услуби намоён бўлган.

Хуллас, Навоий фақат кучли бадий мантиқ яратиш билан чекланиб қолмай, ҳар доим улар ўртасида мустаҳкам изчилликни ҳам юзага келтириб боради ва бирор жиддий саволга ўрин қолмайди. Айти мантиқий изчиллик ифода изчиллигини келтириб чиқарган, натижада Навоий ўз ижодий ниятини мукамал амалга ошира олган ва мақсади китобхонга тўла тушунарли бўлишига эришган. Навоий тасвир услубига хос ушбу хусусият шоир анъана доирасида кўрсатган оригиналликларнинг ҳам асосида туради.

Навоий тасвир услубига хос етакчи хусусиятлардан яна бири *мутаносиблик*дир. Навоий «Бадойи ул-бидоя» деб очасида ўз тасвир услуби билан боғлиқ мазкур жиҳатни шундай қайд этади: «Ва агар аҳёнан матлаъ махсус навъда воқий бўлгон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлик қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлик қилибдурур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва

---

<sup>682</sup> Saddi Iskandariy, – B. 236 – 260.

мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлае воқиб бўлса, аксар андоғ бўлгайким, мақтағача сурат хайсиятидин мувофик ва маъни жонибидин мутобик тушкай»<sup>683</sup>. Навоий бу ўринда ғазалнинг матласида ифодаланган фикрни мақтасига қадар ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатидан мутаносиб ривожлантириш, аввалу охирни мувофиқлаштириш ўз услубига хос хусусият эканини қайд этмоқда. Навоий ушбу муҳим фикрни ғазалнавислик мисолида айтган бўлса-да, у қонуният ўлароқ Навоийнинг эпик ижодида ҳам намоён бўлади. А.Рустамов Навоийнинг тасвир услубига хос ушбу хусусиятни *уйғунлаштириш* деб номлаб, унинг муайян жиҳатларини нуктадонлик билан кўрсатиб берган<sup>684</sup>. Бизнингча, мутаносиблик қонунияти «Садди Искандарий» достонида ҳам намоён бўлган ва Навоий аксар ҳолларда бир фикрни боб миқёсида, дoston миқёсида, ҳатто, дostonлар аро ривожлантириб боради ҳамда буни ҳамиша муқаддима ва хотиманинг мутаносиблиги, аввалу охирнинг мувофиқлиги тасдиқлаб туради. Навоий ҳар доим ҳар қандай фикр ва тасвирни мутаносиб тасвирлайди, умуман, асарни юксак таносуб билан яратади. Бу қонуният – лирик асарларида ҳам, эпик асарларида ҳам сарлавҳалардан тортиб бутун туркумларгача амал қилади.

Навоий услубига хос мутаносибликнинг боб миқёсида юзага чиқишига дostonдаги Тавҳид ҳамд яхши мисол бўла олади. Эпик ҳамдлар кўламдорлик, вазмин ифода, образлар системаси билан лирик ҳамдлардан фарқланади. Навоий тавҳид ҳамднинг дастлабки уч байтида Аллоҳнинг ваҳдонияти тўғрисида сўзласа, тўртинчи байтдан юзинчи байтга қадар ал-Холик сифатини васф қилади. Салкам юз байт давом этувчи холиклик сифати эпик поезияга хос тадриж орқали тасвирланган. Тасвир йўналиши олам меҳвари, балки субстанциясига қараб боради. Навоийнинг тавҳидга оид тасвирлари яхлит тизим характериға эға, унда Тангрининг мутлақ фармонраво эканини қайд этгач, афлокнинг яратилиш сабаби, яратиш жараёни, яратиш мақсади

<sup>683</sup> Навоий А. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 1-т. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 22.

<sup>684</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 146 – 147.

ҳамда моҳияти дастурдек тасвирланади. Бир қарашда, Навоий бобнинг аввалида Аллоҳнинг ваҳдониятини тилга олиб, қолган қисмида холиқлик сифати тасвирига эътибор қаратгандек туюлади, бироқ тасвир якунида бутун тафсилотлар ваҳдоният сифати билан туташтирилади. Дастлабки уч байтда Яратганнинг воҳидлиги тўғрисида назарий қарашларини ифодалагач, исломий космогоник системани қатъий тартибда тасвирлаш орқали уни амалда исботлайди ва якунда офаринишнинг моҳияти Аллоҳнинг ваҳдониятини тасдиқловчи асосий далил эканини кўрсатиб беради. Мазкур қарашларнинг таянч нуқтаси ишқ бўлиб, Навоий бобда ҳақиқий ишқ, Тангри ва инсон муносабати дунёнинг моҳиятини ташкил этишини кўрсатиб беради. Яъни Тангрининг биру борлиги эътирофидан бошланган фикр охир-оқибат «ошиқу ишқу маъшук ҳам» ўзи экани ҳақидаги хулоса билан туташтирилади. Бу – Навоий боблар доирасида ҳам аввалу охири мувофиқлаштириш принципига амал қилганини тасдиқлайди.

Навоий услубига хос мутаносибликнинг дoston миқёсида юзага чиқишини «Садди Искандарий» дostonининг илк байти мисолида кузатиш мумкин.

Худоё, мусаллам худолик санга,  
Биров шаҳки, даъби гадолик санга<sup>685</sup>.

Яъни, эй Худо, ҳукмдорлик сенгагина хос, биров шоҳ бўлса-да, одати сенга гадолик қилишдир.

Навоий байтда кўзлаган асосий мақсад Тангрининг биру борлигини таъкидлаш, шу боис ундалма дастлабки мисранинг бошига чиқарилган. Тавҳид ҳамд бўлгани учун ваҳдоният тасвирининг бўлиши табиий, худди шу каби асарнинг биринчи байтидаёқ ваҳдониятнинг ал-Малик, яъни ҳукмдорлик сифати билан боғлаб баён қилиниши асар мавзуси, мундарижаси билан алоқадор. Навоий байтда зимдан илоҳий ва дунёвий ҳукмдорликни қарама-қарши қўйган. Ушбу зиддият зимнида байтга шоҳ ва гадо тушунчаларини ҳам олиб кирган ва ўзининг бутун асар давомида тасвирлаган

---

<sup>685</sup> Saddi Iskandariy, – B. 5.

асосий адабий-эстетик концепциясига қойилмақом ишора қилишнинг уддасидан чиққан. Навоий чинакам шохлик мутлақ эҳтиёжсизлик, ҳар қандай эҳтиёжмандлик эса гадоликдир, деган қараш тарафдори эди ва бутун дoston давомида Искандар образини мазкур идеалга мослаб талқин этишга интилади, Искандарни «тахтда ўтирган гадо» образида гавдалантиришга ҳаракат қилади. Ҳатто, «Садди Искандарий» дostonи асосий қисмининг II бобида («Шох ва гадо» ҳикояти, ундан кейинги «Ҳикмат»даги фалсафий муҳокамада) «шох устунми ёки гадо?» деган масалани конкрет қўйиб, фано тариқидаги фақир ҳою ҳавас илинжидаги шохдан устун, деган ечимни ҳам беради. Навоий ўзининг мазкур дунёқарашини дoston давомида бош қаҳрамон – Искандар образига сингдириб боради. Дostonда Искандар амалга оширган барча ишларнинг мазмун-моҳияти мазкур маърифий мезон доирасидан четга чиқмайди. Шу тариқа Навоий дастлабки байтдаёқ асар давомида тасвирланадиган икки асосий тезис (шох ва гадо)ни маълум қилади ва барча воқеалар тизимини шу асосга қургани ҳақида моҳирона ишора қилади. Навоий шу тариқа бутун дoston дунёнинг ўткинчилигини англаган, маърифатли ҳукмдор ҳақида экани, аниқроғи, асар фано концепцияси асосига қурилганини биринчи байтдаёқ ифодалаб берган ва ушбу концепцияни бутун дoston давомида турли тафсилотлар орқали тасвирлаб борган. Дoston сюжетининг поёнидаги икки детал: жаҳонгир Искандарнинг кимсасиз саҳрода гадодек вафот этиши ва тобутдан қўлини чиқариб қўйишларини васият қилиши – муаллиф илк байтда ифодалаган дунё ва дунёга шохликнинг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг мутаносиб якуни ва тасдиғи вазифасини бажарган. Шу маънода, Навоийнинг бароати истихлоли жуда муваффақиятли чиққан бўлиб, унда муаллифнинг асардан кўзлаган бош ғояси аниқ билиниб туради, кейинги қисмларда тадрижий ривожлантирилади ва сюжет хотимаси билан ўзига хос мувофиқлик ҳосил қилади.

Навоий услубига хос мутаносибликнинг дostonлар аро юзага чиқишига «Ҳайрат ул-аброр» ва «Садди Искандарий» дostonларидаги мутаносиб

нуқталар намуна бўла олади. «Хайрат ул-аброр» достони, яъни «Хамса»нинг фотиҳа боби қуйидаги байт билан бошланади:

Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим,  
Риштаға чекти неча дурри ятим<sup>686</sup>.

«Садди Искандарий» достони, яъни «Хамса»нинг хотима бобининг сарлавҳаси эса қуйидагича бошланади: “Бу маодин жавоҳирин эҳтимом била назм силкига тортмоқнинг тақрири...”<sup>687</sup>. «Хамса» фотиҳасининг «бир қанча дурри ятимни ипга териш» тарзидаги ифода билан бошланиб, хотимасининг “маъданлар жавҳарларини диққат билан назм қаторларига териш» тарзидаги тасвир билан яқунланиши, бир қарашда, тасодифдек туюлиши мумкин, аммо бундай ҳолат такрорланавергач, бу – Навоий тасвир услубига хос хусусият экани англашилади.

Мутаносибликнинг «Хамса» миқёсида намоён бўлишига бошқа мисоллар ҳам бор. Жумладан, «Хайрат ул-аброр»нинг дастлабки боби ва «Садди Искандарий»нинг охириги боби ўртасидаги ҳайратангез мутаносиблик бу борада диққатга молик. К.Муллахўжаеванинг таъкидлашича, «Хайрат ул-аброр»нинг илк бобидан бошлаб бутун «Хамса»га ишоралар мавжуд<sup>688</sup>. Навоий «Хайрат ул-аброр»нинг дастлабки бобида «Фотиҳа» сурасининг биринчи ояти «Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим» хусусида сўзлаб, унинг ҳарфларини дурга, ёзилишини ришта, каманд, банд, жон суви оқувчи ариқ, илоҳий хазинанинг аждаҳосига ташбеҳ қилади-да, сўнгра булар мажоз экани, аслида, у ваҳдат хазинасига олиб борувчи йўл экани, аммо бу йўл жуда олис ва машаққатларга тўла экани, уни босиб ўтувчилар тавфиқ нуқтаи назаридан аҳли рад ва аҳли қабулга бўлинишини айтади. Оятнинг арабий ифодасига таяниб, ҳар бир ҳарфини рад қилинганлар ва қабул қилинганлар нуқтаи назаридан шарҳлаб чиқади. Боб сўнгида бу мулоҳазалар нима ҳақида эканига ишора ҳам беради:

<sup>686</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 7.

<sup>687</sup> Saddi Iskandariy, – В. 408.

<sup>688</sup> Муллахўжаева К. Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил... («Хайрат ул-аброр» муқаддимасига бир назар) / Бадий уммон қатралари. – Тошкент: ВАҲОЗ, 2015. – Б. 22.



Истабон, эй ҳаста Навоий, наво,  
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,  
Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,  
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил кадам<sup>689</sup>.

Навоий бу фикрларни бадиий асар, «Хамса» ёзиш арафасида – дебочада баён қилмоқда, шу боис ушбу оятнинг моҳиятига доир шоир карашларига дахл этмаган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу байтлар, аввало, «Хамса» ёзиш билан алоқадор. Навоий бу бобда хамса ёзишни узун ва машаққатли йўлга ўхшатиб<sup>690</sup>, бу йўлни қатъ этишни, яъни «Хамса» ёзишни истаганлар ўз иродаларининг тақдир ҳукмига мувофиқ келган ёки келмаганига кўра рад этилганлар ва қабул этилганлар – хамса ёза олган ва ёза олмаганларга ажралгани, ўзининг эса қай томонда бўлишини билолмай, хавотир аралаш «Бисмиллоҳ» дея йўлга кадам қўяётганини образли ифодалаган. Бу сафарнинг моҳияти ижодкорнинг у орқали ваҳдат манзили – мақсадга етиб боришидир. Дарҳақиқат, Навоий беш дoston зимнида илоҳий муҳаббат, тавҳид ғояларини куйлади, сўнгги дostonнинг охири буюк Искандарнинг бақога риҳлат этиши, ваҳдат ҳосил қилиши билан яқунлангани ижодкор назарда тутган улкан миссиянинг ўзига хос якуни бўлса, ажабмас. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»нинг дастлабки бобида хамса ёзиш, яъни бу узоқ йўл охир-оқибат ваҳдат хазинасига олиб боришини қайд этади. «Садди Искандарий»нинг V боби сарлавҳасида эса хамса таркибидаги беш дostonнинг беш вақт намозга ўхшатилиши мазкур қараш билан тўла мувофиқ, яъни намоз ибодатларнинг саййиди сифатида тавҳидни мустаҳкамловчи, тавҳидга олиб борувчи асосий амал бўлиб, у тўқис бўлгандагина мақсад ҳосил бўлади. Лекин Навоий «Хамса»нинг дастлабки бобида назарда тутган *ваҳдат манзили* илоҳий муҳаббат ёки тавҳид ғояларидан кўра кўпроқ «Хамса»ни муваффақиятли яқунлаш ва устозлар эътирофига сазовор бўлиш масаласи билан алоқадор. Навоий катта меҳнат ва

<sup>689</sup> Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – Б. 10.

<sup>690</sup> «Садди Искандарий»нинг V бобида хамсанавислик йўл, тоши итик, сўкмоғи бўртоғ, чиқиб бўлмас улкан тоққа ва ҳар бир дoston ундаги бир оромгоҳга ўхшатилади.

шараф билан улуғ муддаосига етишган, «Садди Искандарий»нинг охири – хамсанавислик йўлининг якунида, Жомий ҳузурида салафлар арвоҳи билан ғайбий учрашуви тасвирланган лавҳа ушбу мақсадга эришилганининг ифодасидир. Навоий бу ғайбий ҳолатдан ҳушига келгач, пирига кўрган нарсаларини айтиб бера олмайди, шунда Жомий айтадики, ҳозир сенга насиб этган Тангри эҳсони бошқа кишиларга насиб этмади, шу боис Тангрининг тавфиқига шукр қил. Навоий Жомий сўзларидан сўнг шундай ёзади:

Ўпуб ерни, кўйдум чу ташқори гом,  
Дегайсен: менинг эрди олам тамом!  
Манга «Хамса» такмили бир ён эди,  
Бу мақсуд таҳсили бир ён эди.  
Не тил бирла дей шукр Маъбудума  
Ки, еткурди охир бу мақсудума<sup>691</sup>.

Навоий ўзи учун «Хамса»ни мукаммал тугатиш мақсади бир ён бўлганини айтар экан, «Бу мақсуд таҳсили бир ён эди» дея ўз «Хамса»сининг салафлар томонидан эътироф этилишига ишора қилади. Яъни «бу мақсуд таҳсили бир ён эди» деганда ўзи ният қилган тавҳид мартабаси – салафлар даврасига кўшилгани, уларга етишганини назарда тутди. Навоийнинг кейинги байтлардаги Ҳақ муродини бергани борасидаги таъкидлари ҳам «Хамса»нинг тугалланишига билвосита алоқадор бўлиб, аслида, Навоийнинг иккинчи ва асосий нияти – «Хамса»сининг устозлар томонидан эътироф этилгани ҳақидаги фахриядир.

Мазкур талқинимизни Навоийнинг куйидаги қайдлари ҳам тасдиқлайди: «...ҳам жавоҳир пири дарёзамир равшан кўнглига ер тутқоннинг баёни ва ҳам махозин шуаройи шеърий сарир муқаддаса арвоҳига қабул тушганнинг тибёни»<sup>692</sup>. Бу «Садди Искандарий» достонининг охирги, салафлар билан ғайбий учрашув тасвирланган бобининг сарлавҳасидан кўчирма. Навоий *жавоҳир, махозин (ҳазиналар)* деганда ўз

<sup>691</sup> Saddi Iskandariy, – В. 422.

<sup>692</sup> Saddi Iskandariy, – В. 408.

«Хамса»сини назарда тутади ва бешлиги устозларига қабул тушганини эслатади. Сарлавҳадаги *қабул тушгани* бирикмаси, шубҳасиз, «Ҳайрат ул-аброр»нинг фотиҳа бобида акс этган *аҳли қабул* ва *аҳли рад* ҳақидаги фикрлар билан алоқадор бўлиб, Навоийнинг ўзи яқунда аҳли қабул томонида бўлганини таъкидламоқда. Навоий даҳоси мана шундай ҳайратангез бадиий уйғунликлар ҳосил қилган. Хуллас, Навоий тасвир услубига хос мутаносиблик бутун «Хамса» ёки достонлар аро сатҳда ҳам намоён бўлади ва китобхонни мушоҳадага чорловчи уйғунликлар ҳосил қилади.

Ҳар нарсанинг моҳияти унинг зидди билан аён бўлади, шу боис Навоий ўз фикрлари ифодасида зиддиятдан такрор-такрор фойдаланади, бу орқали фикр тиниқлиги ва ифода жозибадорлигига интилади. Навоий услубига хос хусусиятлардан бири бўлган *ифода ёки баённинг зиддиятга асосланиши* шоир ижодини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Навоий одатда фикр ифодасида зид қутбларни ёнма-ён қўйиб боради, бир жиҳатнинг қарама-қарши томонларини акс эттиради ва бу орқали фикрни таъкидлашга, ёрқин тасаввур ҳосил қилишга эришади. Жумладан, бобдаги зиддият сарлавҳада сиқик ҳолда, жуда аниқ акс этади ва жумла қурилишида иштирок этган лексика ушбу зиддиятни конкрет кўрсатади. Сарлавҳаларда зиддият муайян жумла ёки сўзлар, баъзан мазмун орқали юзага чиқса, асосий қисмда улар турли тафсилотлар, лавҳалар ва поэтик тасвирлар воситасида юзага чиқади, шу боис асосий матнда акс этган зиддиятни илғаш бироз қийин, лекин асосий матннинг мундарижасини акс эттирувчи сарлавҳаларда айни жиҳат юзада қалқиб туради.

Жумладан, Навоий «Садди Искандарий» достони асосий қисмининг III бобидан ўрин олган «Саргузашт»га шундай сарлавҳа кўяди: *«Искандарнинг салтанат тожидин саркашлик қилиб, хилофат тахтидин аёқ тортқони ва Рум аҳли бошларин оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт поясин баланд қилиб, тож қадрин аржуманд қилгонлари ва анинг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб, жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг*

зулматдек олам юзидин қироқ тутқони»<sup>693</sup>. Ушбу сарлавҳанинг ифода тарзи тўлиқ зиддиятга асосланган. Дастлабки жумланинг ҳар икки қисми яхлит ҳолда ўзаро зид, бу зиддиятни эса «салтанат тожи» ва «хилофат тахти», «саркашлиқ қилмоқ» ва «аёқ тортқони» каби бирликлар юзага келтирган. Аслида, зиддиятни юзага чиқараётган бирликлар мазмунан маънодош, яъни «саркашлиқ қилмоқ» ва «аёқ тортқони» бирикмалари бир маънони – Искандарнинг ҳукмдорликни қабул қилишни истамаганини англатади, лекин ушбу маънодошлик зид ифода билан тақдим этилади. Натижада ифода гўзаллашган, баён бадийлик касб этган ва маъно таъкид олган. «Рум аҳли бошларин оёғига қўюб, анинг мақдамидин тахт поясин баланд қилиб, тож кадрин аржуманд қилғонлари» жумласида ҳам «бош» ва «оёқ», «мақдам» ва «баланд қилиш», «аржуманд қилиш» каби зиддиятли ифодалар мавжуд. «...анинг адли айнининг қуёши била зулм шомининг хуффошин кўр этиб, жаҳонни ёрутқони ва зулм аҳлининг зулматдек олам юзидин қироқ тутқони» жумлаларида ҳам «адли айнининг қуёши» ва «зулм шомининг хуффоши», «жаҳонни ёрутқони» ва «зулматдек олам юзидин қироқ тутқони» каби зиддиятли ифодалар мавжуд. Навоийнинг зиддиятга асосланган ифодаси шу қадар мураккабки, у мазмун, воқелик, жумла ва бирикмалар даражасидан ташқари сўзлар миқёсида ҳам давом этади, ҳатто, зиддият муайян бирикмаларнинг ўзларидан ташқари улардаги ҳар бир сўз нисбатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Жумладан, юқоридаги «адли айнининг қуёши» ва «зулм шомининг хуффоши» зиддиятида айни шу ҳолат содир бўлган, яъни дастлабки бирикманинг ҳар бир сўзи мутаносиб равишда кейинги бирикманинг ҳар бир сўзи билан зидлаштирилган: «адл» – «зулм», «айн» – «шом», «қуёш» – «хуффош». Зиддиятдаги мутаносибликнинг бу даражаси, шубҳасиз, ноёб ҳодиса.

Навоийнинг зиддиятга асосланган ифода тарзида антонимия билан бирга контекстуал зиддият ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу табиий, чунки зиддиятни фақат лексик антонимлар билан ифодалаш ижодкорни бирмунча

---

<sup>693</sup> Saddi Iskandariy, – В. 76.

чеклаб кўяди, контекстуал зиддият эса кенг имкониятлар беради, ижодкор улар орқали ўз фикрини равшанроқ ифодалаш имконига эга бўлади. «Садди Искандарий» достонининг аксар боблари (II, III, IV, V) ва уларнинг сарлавҳаларида Навоий тасвир услубига хос айтилган хусусият намоён бўлган.

Навоий тасвир услубига хос хусусиятлардан яна бири *мўътадиллик* бўлиб, Навоий ижод жараёнида доим олтин ораликни топишга ҳаракат қилади. А.Рустамов Навоийнинг тасвир услубига хос бу принцип ҳақида шундай ёзади: «Бу – икки қарама-қаршиликнинг қоқ ўртаси бўлиб, гўзаллик ва етукликнинг энг олий нуқтасидир, бошқача қилиб айтганда, ортикчалик ҳам, камчилик ҳам йўқ ҳолат. Масалан, сахийлик исроф билан хасисликнинг ўртасида... Навоий мана шу эътидол тарафдори»<sup>694</sup>. Навоий ижоди синчиклаб кўздан кечирилса, унинг ҳамиша бадий етукликнинг олий нуқтаси – мўътадилликка интилгани намоён бўлади. Жумладан, Навоий услубига хос мўътадиллик «Садди Искандарий» достонининг муҳим ўринларида ўзига хос тарзда намоён бўлган.

Искандар ҳақида асар ёзиш анъанаси Навоийга қадар узоқ (қарийб XX асрлик) тарихга эга бўлиб улгурган эди. Бу давр мобайнида Искандар мавзусига турли жабҳалардан ва турли мақсадларда ёндашилди. Биргина шарқ адабий анъанасида талқин ва ёндашувлар хилма-хиллик касб этди. Баъзилар қуруқ Искандар тарихини турли сохта афсоналар билан қориштириб тасвирлаган бўлса (Фирдавсий), баъзилар Искандарнинг ҳақиқий тарихини ёзишга интилди, шу билан бирга Искандар ҳақидаги диний ва фольклорга оид қарашларни қориштириб юборди (Низомий). Баъзилар анъанавийликдан қочиб Искандарга нисбат берилган сохта тарихни ёзди, шу билан бирга мавзу баҳонасида турли ижтимоий-ахлоқий қарашларини баравар тасвирлашга интилган бўлса (Дехлавий), баъзилар Искандар мавзуси ва номидан фойдаланиб, қисман Искандарга нисбат берилган ҳикматларни, асосан, ўзининг ахлоқий-дидактик қарашларини

---

<sup>694</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 27.

тасвирлади, натижада Искандар тарихи асосий пландан ортга сурилиб кетди (Жомий). Навоий даврига келиб шарқда искардарнома ёзиш анъанасининг реал манзараси мана шундай кўриниш олган эди. Шу боис Навоий узок кузатиш ва таҳлиллардан кейин мавжуд адабий анъанага муносабатда мўтадил йўлдан юришга қарор қилади. Унинг ўзи бу ҳақда «Садди Искандарий»да шундай ёзади:

Ки, фарзоналар деб кўп афсона ҳам,  
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам.  
Қадам урсам ушбу ики йўлга мен,  
Неким борча дебдур, демиш бўлғамен<sup>695</sup>.

Яъни, фарзоналар – Низомий ва Деҳлавий Искандарнинг афсонасини айтган, бу фарзона – Жомий Искандарнинг ҳикматли сўзларини назм қилган, Навоий эса мана шу икки йўлни бирлаштириш орқали учинчи бир йўл – мўтадил йўл тутишни мақсад қилган. Табиийки, Навоий суянган ушбу мўтадиллик дoston композицияси қандай бўлиши ҳамда бу композицияда қайси адабий материаллар жойлаштирилишини ҳам белгилаб берган. Яъни «Садди Искандарий» дoston композициясининг «Саргузашт», «Мулоҳаза», «Ҳикоят» ва «Ҳикмат» тарзида тузилиши айнан мўтадилликка риоя қилишнинг натижаси, чунки Навоий дoston композициясини шундай қисмлардан иборат қилмаса, мавжуд икки йўлни бирлаштира олмасди. Хусусан, Навоий «Саргузашт»да Искандар тарихини анча батафсил тасвирлаган, чунки Низомий ва Деҳлавий Искандар қиссасига кўп эътибор қаратган. «Мулоҳаза»да муайян масалага оид назарий қарашлар, фикр-мулоҳазаларини баён қилган, чунки Низомий дostonида махсус “Андарз”лар, Хусрав дostonида панд-насихат руҳидаги махсус боблар мавжуд эди. «Ҳикоят»ларда муайян масалага мос ва салафларида учрамайдиган янги ҳикоятлар келтиради, чунки Низомий, Деҳлавий ва Жомий ўз дostonларига кўплаб ҳикоятларни киритган эди. «Ҳикмат»ларда эса тегишли масалага мувофиқ фалсафий муҳокамалар, Искандар ва Арастунинг савол-жавоблари

---

<sup>695</sup> Saddi Iskandariy, – B. 45.

берилади, чунки Жомий ўз достонида асосий эътиборни Искандар ва унинг атрофидаги файласуфларнинг турли мавзулардаги пурҳикмат сўзлари тасвирига қаратган эди. Навоий ўзигача мавжуд бўлган адабий анъанадаги икки йўлнинг ўртаси – мўътадилликни танлагани боис «Садди Искандарий» композицияси ва адабий материали ҳозирги кўринишга келган.

Навоий услубига хос мўътадиллик муайян масала талқинида ҳам акс этади. Жумладан, Навоий достонда шоҳ ва гадо муносабатини бадиий талқин этар экан, айнан мўътадил ёндашув орқали салафларига нисбатан оригиналлик кўрсатишга эришади. Шоҳ ва гадо зиддияти талқини шарқ адабиётида кўп асирлик тарихга эга, бу масалада махсус асарлар ҳам ёзилган. Аксар шарқлик ижодкорларнинг шоҳ ва гадо зиддиятига оид позицияси шуки, дунё мулкани эгаллаш илинжидаги шоҳлик, аслида, гадоликдир, ҳақиқат оламига талабгорлик, маърифат талаби ва бу йўлда ўткинчи дунёдан воз кеча олиш – чинакам шоҳликдир<sup>696</sup>. Навоий ушбу қарашларни рад этмаган ҳолда масалага мўътадил ёндашиб, ўзига хос ечим тақдим этади ва мазкур концепцияни Искандар мисолида тасвирлаб берди. Яъни Навоий сувратда шоҳ, сийратда гадо ҳукмдорни истайди. Навоийнинг идеалига кўра, давлат бошлиғи кичик жангда ҳам, катта жангда ҳам ғолиб бўлиши керак. Ана шунда зоҳир ва ботин ўртасидаги тафовут йўқолади, шундай одамгина одил подшоҳ бўлишга қодир. Навоий «Садди Искандарий» достони асосий қисмининг II бобидаги «Ҳикоят» ва «Ҳикмат»да шоҳ ва гадо масаласини бадиий талқин этар экан масалага айнан мўътадил ечим кўрсатиш орқали салафларига нисбатан оригиналлик кўрсатади. Хусусан, Навоий «Искандар ва гадо» ҳикояти сўнгида салафларида учрамайдиган детални тасвирлайди:

Скандарни ҳайрат забун айлабон,  
Деди, бош уётдин нигун айлабон  
Ки: «Эй фаррухойин-у фархундарой,  
Бу уқдангдин ул бўлди мушкулкушой

<sup>696</sup> Attor Farididdin. *Polhiynoma*. – Toshkent: Musiqa, 2007. – B. 237; Attor Fariduddin. *Manṭiq ut-tayr*. – Toshkent: Faḡur Fulom NMIU, 2006. – B. 103; Чомӣ А. *Хирадномаи Искандарӣ*. Осор. Чилди панҷум. – Душанбе: Адиб, 1988. – С. 350 – 354.

Ки, бу дайр аро топсанг огоҳлик,  
Санга фақр берди, манга шоҳлик.  
Агарчи мени айлади аржуманд,  
Санга берди ҳимматни мендин баланд»<sup>697</sup>.

Яъни, Искандар гадо билан суҳбат сўнгида унинг ҳиммат бобида ўзидан устун эканлигини тан олади, лекин ўзи ҳам тақдир измидаги одам экани, қисматига шоҳлик битилганини таъкидлайди. Айни иқроор ва таъкид Навоийнинг салафларида ҳам, айни ҳикоятнинг бошқа версияларида ҳам учрамайди. Навоий Искандар тилидан келтирган бу сўзлар чуқур маънога эга бўлиб, у ҳеч бир иш беҳикмат эмаслиги, дунёда ҳамма бирдек бўла олмаслиги, фақирлардан бошқалар ҳам эзгу-савобли ишларни кўп қилиш орқали хайрдан – Ҳақ висолидан умидвор бўлиши мумкинлигини англатади.

Навоий шу тариқа шоҳ ва гадо муносабати масаласига мўътадил ёндашади ва салафларининг «гадо шоҳдан устун» деган кескин қарашини рад этмаган ҳолда «шоҳлар ҳам тақдир измидаги одамлар, агар ҳукмдор маърифатли бўлса, Ҳақ марҳаматидан умидвор бўлиши мумкин» деган мўътадил ечимни тақдим этади. Атор ва Жомий шоҳ ва гадо масаласида қатъий фикрда, ҳатто, Фотик, Ғаззолий, Туртушийлар қарашлари ҳам ортодоксал характерда, бироқ Навоий шоҳ ва гадо масаласида ораликни топишга интиланган, шу боис кейинги «Ҳикмат»даги саволлар ва уларга берилган жавоблардан бири гадоларга мос келса, иккинчиси шоҳларга мос, яъни ҳар иккиси ҳам беҳуда умр ўтказмаслигини асослашга ҳаракат қилади. Бу – Навоийни салафларидан фарқлаб турувчи, айни пайтда, фикр ва талқин бобида ҳам мўътадилликка риоя этганини исботлайди. Албатта, Навоийнинг мазкур ҳаётбахш хулосаси улкан ҳаётий тажриба, ўқиб-ўрганиш ва дунёнинг моҳиятини чуқур фалсафий идрок этиш маҳсули. Шунингдек, ушбу хулосада нақшбандия таълимоти ғояларининг таъсири ҳам сезилади.

---

<sup>697</sup> Saddi Iskandariy, – B. 75.



#### IV БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати асарларининг турли ўринларида хилма-хил намоён бўлади, бироқ уларни ягона муаллифга тегишлилик ва муштарак жиҳатлар бирлаштириб туради. Хусусан, Навоий «Садди Искандарий» достонини юксак бадиий савияда яратди, унинг ҳар бир қисми – сюжети, образлари, композицияси, иловалари, тили, услуби – ҳам поэтик, ҳам мазмун жиҳатидан анъанага янгилик бўлиб қўшилди. Навоий тасвир бобидаги мавжуд ҳолатни ривожлантирди.

2. Навоий сарлавҳанавислигига хос бир нечта барқарор хусусиятлар мавжуд, уларни белгилаш асарни тушуниш ва ижодкор маҳоратини тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Навоий сарлавҳалари учун энг умумий қонуният – бобдаги воқеалар мундарижасини ифодалашдир. Ўз навбатида, сарлавҳалардаги боб мундарижаси тасвирида уч жиҳат: тафсилотлар мундарижасини кўрсатиш орқали ўқувчини уларга тайёрлаш ёки тасвир йўналиши билан таништириш, ҳар сафар боб мундарижасини оригинал поэтик ифодалар билан қайта яратиш ва сарлавҳанинг боб мундарижасини тўлиқ акс эттирмаслиги такрорланади.

3. Навоий сарлавҳанавислигининг композицияси билан алоқадор икки хусусияти мавжуд. Бири, сарлавҳанинг *тасвир* ва *изоҳдан* иборат бўлиши, иккинчиси, сарлавҳанинг тегишли боб ёки асар композициясига мослашиши. Навоий сарлавҳаларига хос энг умумий қонуниятлардан яна бири юксак бадиий ифодадир. Навоий сарлавҳага ахборот беришдан ташқари, мазмунни янгича образли ифодалаш, эстетик завқ бериш, бадиий маҳоратни намоён этиш сингари функцияларни ҳам юклаган. Навоийнинг сарлавҳа яратишдаги маҳоратини кўрсатувчи жиҳатлар сифатида доминант (ёки бир) сўзга таяниб бутун мазмунни образли тасвирлашга интилиш, сарлавҳада асосий қисм моҳиятига оид рамзий ишоралар бериш, хос ташбеҳнинг сарлавҳага олиб чиқилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Салафлар сарлавҳанавислигидан Навоий сарлавҳанавислигини фарқлаб турувчи энг асосий жиҳат ҳам айнан юксак бадиий ифодадир.

4. Навоий дostonга олиб кирган уч илова фаслнинг адабиёт учун энг аҳамиятлиси ва тугал бадий қимматга эга бўлгани, шубҳасиз, ҳикоятлардир. Ҳикоятлардан фойдаланиш тенденцияси Навоийга қадар ўсиб борган, яъни адиблар исқандарномаларнинг маърифий-тарбиявий жиҳатларини муттасил ошириб боришган. «Садди Искандарий»га ўн саккиз ҳикоятнинг киритилгани Навоий салафларининг тажрибаларини сақлаб қолишга урғу берганини англатади, бироқ Навоий ҳикоятларининг Искандар саргузаштига нисбати катта эмас. Навоий «Садди Искандарий» архитектуроникасида ҳикоятларни мунтазам жойлаштириш фикрига Хусрав таъсирида келган бўлса-да, салафини айнан такрорлаган эмас.

5. Навоий ҳикоятларни дoston архитектуроникасида шундай жойлаштирганки, улар ўзидан олдинги ва кейинги қисмлар билан мустаҳкам алоқадорлик ҳосил қилган. Ушбу боғлиқлик, айниқса, мазмун трансформациясида яққол намоён бўлган. Бир боб таркибидаги тўрт фасл мазмунан бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради ва бирини бошқасисиз тушуниб бўлмайди. Ҳикоятларнинг ушбу системадаги функцияси шуки, улар икки томонлама – ўзидан олдинги ва кейинги қисмлар билан алоқани таъминлайди. Буни «Ҳикмат»да муҳокама этилган конкрет масалаларни «Саргузашт» ёки «Мулоҳаза» билан тўғридан-тўғри боғлаб бўлмаслиги тасдиқлайди.

6. Навоий ҳикоянавислигининг кам ўрганилган жиҳати бу – ҳикоятларда Навоийнинг ижодий индивидуаллиги қандай акс этганини аниқлашдир. Ушбу масала тадқиқигина Навоийнинг ҳикоянавислик маҳорати ҳақида конкрет ва объектив хулосалар бера олади. Алишер Навоий ижодининг мазмун-моҳияти фақат унинг ўзига, мавжуд матнга таяниб таҳлил этилса, олинган хулосаларни ишончли дейиш қийин. Зеро, Навоий даври адабиёти анъанага таянган адабиёт эди. Бу вазиятда муаллифга хос оригиналликни аниқлашнинг энг яхши йўли – генетик таҳлил бўлиб, бу орқали бадий ҳодиса кечмишини кузатиш ва муайян ижодкор унга ўзидан нима қўшганлигини аниқлаш мумкин.

7. Навоий тасвир услубига хос етакчи хусусиятлар, аввало, муаллифнинг ижодий тафаккур тарзи, дунёқарашининг ифодасидир. Навоийнинг тафаккур тарзи, дунёқарашини эса XV аср илмий-адабий, маданий-маърифий муҳити, ислом таълимоти, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит шакллантирган.

8. Навоийнинг ифода тарзига хос бир қанча каноник тамойиллар мавжуд бўлиб, улардан бири поэтик вариациядир. Бунда бир фикр ёки умумий асос қисман ўзгарган турли поэтик ифодалар – вариациялар орқали тасвирланади. Поэтик вариация, аввало, ифода такроридан қочиш ҳамда муайян фикрни таъкидлаш мақсади туфайли юзага келади.

9. Навоий тасвир услубига хос хусусиятлардан яна бири изчилликдир. Навоий исталган фикр тасвирида ифода мунтазамлиги ва тадрижийлигига, қисмлар узвийлиги ва мантикий алоқадорлигига, ички зиддиятдан холиликка қатъий риоя этади. Навоий тасвирига хос изчилликнинг бир шакли **композицион фикрлашда** кўзга ташланса, яна бири **асослаш ёки изоҳлашда**, бошқа бири **мантикий изчилликда** намоён бўлади.

10. Навоий тасвир услубига хос мутаносиблик қонунияти «Садди Искандарий» достонида ҳам акс этган ва Навоий аксар ҳолларда бир фикрни боб миқёсида, дoston миқёсида, ҳатто, дostonлар аро ривожантириб боради ҳамда буни ҳамиша муқаддима ва хотиманинг ўзаро мутаносиблиги тасдиқлаб туради. Навоий ҳар қандай асарни юксак таносуб билан яратади.

11. Навоий тасвир услубига хос хусусиятлардан яна бири ифода ёки баённинг зиддиятга асосланиши бўлса, бошқаси *мўътадиллик*дир. Навоий ижод жараёнида ҳамиша бадий етукликнинг олий нуқтаси – мўътадилликка интилади. Эътидол «Садди Искандарий»нинг муҳим ўринларида ўзига хос тарзда намоён бўлган. Ушбу хусусият дoston композицияси ва адабий материалида ҳам, муайян масала талқинида ҳам акс этган. Жумладан, Навоий шоҳ ва гадо муносабатининг бадий талқинида айнан мўътадил ёндашув орқали салафларига нисбатан оригиналлик кўрсатган.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Адабий ҳодисалар генезиси ва поэтикасини ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш адабий жараён қонуниятлари, адабий муносабатлар мазмуни, муаллифнинг ижодий оригиналлигини идрок этиш, охир-оқибат, дунё адабиёти тараққиётининг мантиғини тушунишга олиб боради. Муайян асар генезисини текшириш эса илк манбаларни кўрсатишдангина иборат эмас, балки асар мавзуси, сюжети, образлари ва ундаги бадиий талқинларнинг тарихий-адабий эволюциясини текшириш ҳамдир. Шу боис ижодкор ёки асар мавжудлигининг асоси бўлган ижодий оригиналлик генетик ва поэтик ёндашувлар уйғунлигидагина конкрет намоён бўлади.

2. Искандар мавзуси синкретик табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари турли характердаги жуда қадимий сарчашмаларга бориб туташади: Искандарнинг жаҳонгирлиги тасвири тарихий манбаларга, пайғамбар ёки валийлиги тасвири диний манбаларга, донишмандлиги тасвири фалсафа ёхуд ҳикмат адабиётига ҳамда айрим бошқа мотивлар фольклорга алоқадор.

3. Бутун дунёда адабий шон-шараф қозонган, адабий анъана юзага келишига сабаб бўлган Александр ҳақидаги илк хабарлар Библияда келган деб ишонилади. Библияда мавзунинг икки асоси – Александр ва Гог ва Магоглар ҳақида хабарлар мавжуд. Александрга оид хабарларнинг баъзилари башорат характерига, баъзилари тарихий хусусиятга эга. Гог ва Магогга оид хабарлар эса тўлиқ апокалиптик характерда. Библияда Александрнинг Гог ва Магоглар билан алоқаси қайд этилмаган. Уларнинг алоқадорлиги тўғрисидаги тасаввурлар милоддан кейинги даврларда пайдо бўлган ва мавзунинг кейинги тасвирлари, талқинларини юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этган.

4. Антик тарихчилар Александр ҳақида махсус асар ёзиш анъанасини илк бор эллинизм даврининг охирида бошлаб беришган. Мазкур анъана кейинчалик адабиётга ҳам ўта бошлаган. Ушбу тарихий манбалар Талмуд адабиётидаги эпизодлар, Псевдо-Каллисфен анъанаси, Шарқда яратилган

Искандар ҳақидаги қиссалар, хусусан, хамсанавислик доирасида яратилган искандарномаларнинг ҳам илк сарчашмасидир. Мазкур асарлар мавзунинг Фарбу Шарқдаги кейинги тақдирини тўғри тушуниш, мавзудаги тарихий ўзгаришларни тадқиқ этиш имконини беради. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима чегарасини белгилашда мезон сифатида хизмат қилади.

5. Псевдо-Каллисфен тарихий воқеаларга таянган, айти пайтда уни жиддий қайта ишлаган ва миср мифологияси билан қолиплаган, мисрликлар мафкураси асосида яратилган тарихий-афсонавий ва фольклор характериға эға қиссадир. Унинг сурёний версияси Шарққа кучли таъсир кўрсатган. Бу таъсир тарих, тафсир ва адабиётда ўзига хос тарзда намоён бўлган.

6. Ислон таълимоти мавзунинг Шарқдаги ривожига жиддий таъсир кўрсатган. Хусусан, «Каҳф» сураси (18: 60 – 98) мавзу ва анъананинг Шарқдаги эволюциясида бурилиш ясаган. Мавзу ислон таъсирида янги сюжет линиялари, образлар, эпизодлар ва мотивлар билан бойиган.

7. Зулқарнайн қиссаси мавзунинг Шарқдаги асосини ташкил этса ҳам, аслида, Искандар мавзусига янглиш тарзда кўшиб юборилган. Зулқарнайн қиссасини Александрға нисбат бериш, икки қиссани қориштириш жараёни «Каҳф» сураси нозил бўлганидан кейин кўп ўтмай бошланган, бунинг илк ташаббускорлари христиан доира вакиллари бўлишган. Ҳолбуки, Александр ва Зулқарнайн бир шахс эмас. Зулқарнайн қиссасини Александрға нисбат бериш тенденцияси икки шахс фаолиятидаги айрим ўхшаш жиҳатлар ва Александр ҳақидаги икки сохта христиан афсонаға асосланган.

8. Илк шарқ тарихчилари ва муфассирлари Псевдо-Каллисфен ривоятлари ва христиан афсоналарини чинакам тарихдек қабул қилишган, натижада сохта асослар нотўғри тасаввурларни келтириб чиқарган ва бундай қарашлар тариху тафсирларда кенг ёйилган. Искандар ва Зулқарнайнни битта шахс деб тасаввур қилишнинг асосий сабаби – Александрнинг ҳақиқий тарихидан беҳабарлик ва Псевдо-Каллисфен анъанасига таянишдир. Асл тарихдан оз бўлсада хабардор бўлган тарихчи ва муфассирлар икки анъанани кўшишға қарши чиқишган.

9. Шарқлик адиблар муфассир ҳамда муаррихлар хулосасига таянган, ҳақиқат бобида уларга эргашган. Манбаларга хос хусусиятлар шарқ адабиётига таъсир кўрсатиб, Искандар қиссаси ва образининг асосий адабий талқинларини белгилаб берган. Шарқ эпик шеъриятида Искандар мавзусининг ривожини ва етакчи тенденциялари, асосан, хамсанавислик анъанаси доирасида яратилган искандарномаларда намоён бўлади. Низомий манбалар, композиция ва сюжет масаласида Фирдавсий анъаналарини янгилаган, талқин борасида жиддий ўзгартиришларга қўл урган ва мавзунинг хамсанавислик анъанасидаги кейинги ривожини белгилаб берган.

10. Хусрав ва Жомий ўз дostonларини Низомий «Искандарнома»сига нисбатан олган, шу боис улар сюжет бобида Низомий ишларини янгилаш мушкул эканини яхши англаган ва мавзунинг муайян томонларига устуворлик бериш орқали оригиналлик кўрсатишга асосий эътиборни қаратишган. Хусрав кашфиётни композиция борасида намоён этишга ҳаракат қилган. Алоҳида-алоҳида қисмлар яхлитлигига таяниш асосидаги тадрижийликка эришиш искандарноманавислик тарихида мутлақо янги ҳодиса сифатида намоён бўлган. Жомий эса Искандарнинг ҳолотидан воз кечиб, мақолотини тасвирлашга асосий эътиборни қаратган. Бу салафларда учрамайдиган янги адабий ҳодиса сифатида намоён бўлган. У анъанавий сюжетдан эркин фойдаланиш ҳамда ахлоқий-дидактик жиҳатга урғу бериш имконини кенгайтирган.

11. Анъана доирасида салафларни такрорламаслик ҳамда «хамса такмили» билан жиддий шуғулланиш иштиёқи Навоийни янгиликлар қилишга ундаган. Аслида, Хусрав достони композициясининг бу шаклга келиши ёки Хусрав ва Жомий искандарномаларининг ҳажман қисқариб кетиши ҳам мана шу тенденция билан алоқадор. Услуб нуқтаи назаридан Фирдавсий искандарномаси чинакам жангнома, Низомийдан бошлаб хамсанависликда Искандар тўғрисида қисса ёзиш анъанасига лирик ва дидактик руҳ кириб кела бошлаган. Хусрав маснавийсидан мавзунинг жангномалик хусусияти сусайиб, маърифий-дидактик руҳ устунлик қила

бошлаган. Жомий талқинида эса ахлоқий-дидактик характер тўлик устуворликка эришган. Генезисига кўра тарихийлик ва жангномалик хусусиятлари етакчи бўлган мавзу Навоий даврига келиб ахлоқий-дидактик характер касб этган.

12. Навоий, аввало, масалага ёндашувни ўзгартирди – мавзунинг нисбатан қадимий ва табиий қамровига мос Искандар тарихини тасвирлашни кўзда тутди. Бундай ижодий ният тасвирда тарихий қатламнинг бош планга чиқишини тақозо этган. Бу борада салафлари ишларини такрорламаслик учун мавжуд сюжет ва образлар тасвирини такомиллаштириш, янги қисмларни қўшиш ва оригинал адабий-эстетик концепцияга бўйсундириш йўлидан борган.

13. Навоий Искандар қиссаси талқинида тасвирларининг тарихий ҳақиқат билан мувофиқ бўлишига кўпроқ эътибор қаратган. «Садди Искандарий»ни ёзишда Низомий, Хусрав дostonлари, Жомий маслаҳатига таянишдан ташқари маълумотларни тарихий асарлар билан солиштириб, ҳақиқатга яқинлиги ва манбанинг ишончлилики даражасига кўра саралаб борган. У яратган сюжет, асосан, Псевдо-Каллисфеннинг сурёний версиясига таянади. Навоий зарур деб ҳисоблаган ўринларини ўзгартирган, тарихий-ҳаётий ҳамда бадиий мантиқ нуқтаи назаридан янгилаб борган.

14. Навоий Низомий ва Хусравнинг Искандар қиссасини айтгани, Жомийнинг эса Искандар ҳикматларига эътибор қаратганини мавзу тарихидаги икки хил ёндашув сифатида кўрган ва уларни синтезлаш орқали янги ёндашув – учинчи йўлни бошлаб берган. Дарҳақиқат, мавзунинг Навоийгача бўлган адабий ривожда жаҳонгирлик ва фалсафий-дидактик жиҳат мувозанати таъминланган, муаллифнинг ижодий муносабати тўла-тўқис акс этган асар яратилмаган. Навоий бундай ёндашув орқали нақафат мавзунинг адабий ривожда янгилик қилган, балки янги версияга асос солган.

15. Навоий «Садди Искандарий» дostonини юксак бадиий савияда яратган. Бу, аввало, талқин масаласида намоён бўлган, тасвир борасидаги

Ўзгартиришлар эса мутлақ оригиналлиги билан характерланади. Достон поэтик бутунлигининг барча қисмларида Навоийнинг ижодий индивидуаллиги конкрет намоён бўлган. *Поэтик вариация, изчиллик* (композицион фикрлаш, асослаш ёки изоҳлаш, мантиқий изчиллик), *мутаносиблик, зиддиятга асосланган ифода* ва *муътадиллик* каби каноник хусусиятлар эса Навоий тасвир услубига хос умумий жиҳатларни намоён этган. Ўз навбатида, Навоий тасвир услубига хос мазкур хусусиятлар муаллифнинг ижодий тафаккур тарзи, дунёқараши асосида шаклланган ва Навоийнинг буюк ижодкорлиги намунаси сифатида намоён бўлган.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

2. Мирзиёев Ш.М. «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарор // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020, 07/20/4865/1395-сон.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

4. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ҳалқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзuidaги ҳалқаро конференция иштирокчиларига йўлланган табрик // Халқ сўзи, 2018 йил, 8 август.

### II. Илмий-назарий адабиётлар

#### 1) Миллий нашрлар

5. Abdurahmonov A. Turk adabiyotining qadimgi davri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2005. – 376 б.

6. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. – Тошкент: Фан, 1970. – 141 б.

7. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Асарлар. Беш томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1968. – 488 б.

8. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий. Асарлар. Беш томлик. Т.5. 1к. – Тошкент: Фан, 1973. – 592 б.

9. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон. Асарлар. Беш томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1965. – 538 б.

10. Бойназаров Ф. Искандар Зулқарнайн. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 256 б.
11. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Тошкент: Adabiyot, 2021. – 256 б.
12. Жалолов Т. «Хамса» талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 152 б.
13. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 356 б.
14. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 495 б.
15. Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Тошкент, 2015. – 423 б.
16. Ismoilov I. Navoiy ijodida Iskandar obrazi talqinlari. – Toshkent: BAYOZ, 2020. – 128 b.
17. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 120 б.
18. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: O‘ZBEKISTON, 2014. – 320 б.
19. Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 96 б.
20. Комилов Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 320 б.
21. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2015. – 431 б.
22. Муллаҳўжаева К. Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил... («Хайрат ул-аброр» муқаддимасига бир назар) / Бадий уммон қатралари. – Тошкент: BAYOZ, 2015. – 112 б.
23. Муҳиддинов М. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 86 б.
24. Нарзуллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литератур народов Советского Востока. – Тошкент: Фан, 1988. – 135 с.

25. Плутарх. Сайланма. Искандар Макдунли. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2006. – 7 – 93-б.
26. Ражабова Б. Муштарак адабий ҳодисалар. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2019. – 180 б.
27. Рамазонов Н. Навоий ижодида фақр талқини ва фақир образи. – Тошкент: Фан, 2015. – Б. 12.
28. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б.
29. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.
30. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.
31. Собиров М. Халқ ҳикоятлари Навоий ижодида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1968. – 38 б.
32. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 414 б.
33. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 376 б.
34. To‘xliyev V. Navoiyshunoslik. – Toshkent: BAYOZ, 2021. – 262 б.
35. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: BAYOZ, 2013. – 114 б.
36. Шарафуддинов О. Алишер Навоий. – Тошкен: Ўздавнашр, 1948. – 79 б.
37. Шарипов М. Навоий ва адабий алоқалар. – Тошкент: Фан, 1968. – 251 б.
38. Шарипов Ш. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 95 б.
39. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 112 б.
40. Эркинов А. Навоий – пейзаж устаси. – Тошкент: Фан, 1988. – 64 б.

41. Эркинов С. Навоий «Фарход ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – 276 б.
42. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 144 б.
43. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. I том. Энг қадимги даврлардан XV асрнинг иккинчи ярмигача. – Тошкент: Фан, 1977. – 328 б.
44. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. – Тошкент: Фан, 1977. – 328 б.
45. Қаюмов А. Навоий «Хамса»си. Асарлар. Т. I, К.2. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2008. – 400 б.
46. Қаюмов А. Садди Искандарий. – Тошкент: Фан, 1975. – 196 б.
47. Қаюмов А. «Хамса» сарлавҳалари. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – 384 б.
48. Қурбонов А. «Хамса» сарлавҳалари бадиияти. – Тошкент: MERIYUS, 2016. – 188 б.
49. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963. – 173 б.
50. Ҳасаний М., Умаров М. Искандар Зулқарнайн тилсимотлари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 40 б.
51. Ҳомидий Ҳ. «Авесто»дан «Шоҳнома»га. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 320 б.
52. Ҳомидий Ҳ. Навоий ижодида Фирдавсий анъанаси. – Тошкент: Фан, 1985. – 32 б.

## **2) Хорижий нашрлар**

53. Abbasov Ə. Nizami Gəncəvinin "İsgəndərnamə" poeması. – Bakı: Azərb. SSR EA Yaxın və orta şərq xalqları institutu nəşriyyatı, 1966. – 197 s.
54. Абдуқодиров А. Адабий алоқа, анъана ва маҳорат. – Хучанд: Нури маърифат, 2017. – 115 с.

55. Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. – Хўжанд: Р. Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1996.
56. Абдуқодиров А. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. – Хуҷанд: Нури маърифат, 2014. – 208 с.
57. Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. – Хўжанд, 1994.
58. Азаде Р. Низами ва онун поезија сәләфләри. – Бақы: Елм, 1999. – 278 с.
59. Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – Москва: Наука, 1985. – 332 с.
60. Ancient India as Described by Megasthenes and Arrian. A Translation of the Fragments of the Indika of Megasthenes Collected by Dr. Schwanbeck, and of the First Part of the Indika of Arrian, by J. W. McCrindle, M.A. – London: TRUBNER & Co, 1877. – 230 p.
61. Арриан. Поход Александра. – Москва: Наука, 1962. – 382 с.
62. Аристотель. Никомахова этика. Переводчик(и): Брагинская Нина В. – Москва: «Издательство «ЭКСМО-Пресс», 1997. – 395 с.
63. Араслы Н. Низами ва түрк әдәбијаты. – Бақы: Елм, 1980. – 208 с.
64. Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Дехлавӣ. – Душанбе: Дониш, 1957. – 278 с.
65. Berg G. Descriptions and Images – Remarks on Gog and Magog in Nizami’s Iskandar Nama, Firdawsi’s Shah Nama and Amir Khusraw’s A’inayi Iskandari // A Key to the Treasure of the Hakim. – Leiden: Leiden University Press, 2011. – 304 p.
66. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 499 с.
67. Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – Москва: Наука, 1956. – 261 с.
68. Browne E.G. A Literary History of Persia. Vol. II. – New York: Charles Scribner’s Sons, 1906. – 568 p.

69. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1989. – 406 с.
70. Веселовский А.Н. Разыскания в области духовного стиха. IX – XVII вв. Вып. 5. – Санктпетербургъ: Типография императорской АН, 1889. – 486 с.
71. Wright W. A short history of Syriac literature. – London – Cambridge: At the university press, 1894. – 296 p.
72. Геродот. История в девяти книгах. – Ленинград: Наука, 1972. – 600 с.
73. Gog and Magog in Early Syriac and Islamic Sources. Edited by Emeri van Donzel, Andrea Schmidt. – Leiden – Boston: Brill, 2009. – 298 p.
74. Gutas Dimitri. Greek Philosophers in the Arabic Tradition (Variorum Collected Studies Series: CS698). – New York: Routledge, 2016. – 335 p.
75. Gutas Dimitri. Greek Thought, Arabic Culture. The Graeco-Arabic Translation Movement in Baghdad and Early 'Abbasid Society. (2nd-4th / 8th-10th centuries). – London and New York, 1998. – 248 p.
76. Green Peter. Alexander of Macedon, 356-323 B.C.; A Historical Biography. – Berkeley-Los Angeles-London: University of California Press, 2013. – 668 p.
77. Green Peter. Alexander The Great and the Hellenistic Age. – London: The Orion Publishing Group, ltd., 2007. – 269 p.
78. Green Peter. The Greco-Persian Wars. – Berkeley – Los Angeles – London: University of California Press, 1998. – 384 p.
79. Грифцов Б.А. Психология писателя. – Москва: Художественная литература, 1988. – 462 с.
80. Diogen Laertios. Ünlü Filozofların Yaşamları ve Öğretileri. Çeviren: Candan Şentuna. – İstanbul: Şubat, 2013. – 544 s.
81. Диодор С. Историческая библиотека. Дополнения. Поход Александра. Перевод с древнегреческого М.Е. Сергеенко. – Москва – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1962. – С. 339.

82. Dowden Ken. Pseudo-Callisthenes, The Alexander romance. Anthology of Ancient Greek Popular Literature. Edited by William F. Hansen. Bloomington: Indiana University Press, 1998. – P. 163 – 248.

83. Doufikaer-Aerts Faustina. Alexander Magnus Arabicus. A Survey of the Alexander Tradition through Seven Centuries: from Pseudo-Callisthenes to Suri. – Paris – Leuven – Walpole: Peeters, 2010. – 416 p.

84. Kłęczar Aleksandra. Alexander in the Jewish tradition: From Second Temple Writings to Hebrew Alexander Romances. Brill's Companion to the Reception of Alexander the Great. Chapter 15. Edited by K.R.Moore. – Leiden – Boston: Brill, 2018. – 879 p.

85. Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – Москва: Наука, 1972. – 190 с.

86. Миннегулов Х. Татарская литература и Восточная классика. – Казань: Изд. Казанского университета, 1993. – 384 с.

87. Nöldeke Theodor. Beiträge zur Geschichte des Alexanderromans. – Wien: In Commission bei F. Tempsky, 1890. – 56 б.

88. Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. редактор А. А. Вигасин. – Москва: Изд-во МГУ, 1993. – 464 с.

89. Rufus Quintus Curtius. The History of Alexander. Translator John Yardley. – London: Penguin Classics, 1984. – 348.

90. Seyed-Gohrab, F. Doufikaer-Aerts, S. McGlinn. Embodiments of Evil: Gog and Magog. – Leiden: Leiden University Press, 2011. – 165 p.

91. Stoneman Richard. Alexander the Great: A Life in Legend. – New Haven / London: Yale University Press, 2008; The Alexander Romance in Persia and the East. Edited by Richard Stoneman, Kyle Erickson, Ian Netton. – Groningen: Barkhuis Publishing – Groningen University Library, 2012. – 420 p.

92. The History of Alexander the Great, being the Syriac Version of the Pseudo-Callisthenes. Edited from five manuscripts, with an English translation and

notes by Ernest A. Wallis Budge. – Cambridge: At the University press, 1889. – 680 p.

93. Fâtik Mübeşşir ibn. Muhtaru'l-hikem ve mehasinu'l-kelim. Çeviren: O.Güman. – İstanbul: Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2013. – 686 s.

94. Фаркони Д. Александр Македонский: завоеватель мира. – Москва: Ниола-пресс, 2008. – 128 с.

95. Флавий Иосиф. Иудейские древности. В 2 т. Т.І. Кн. 1-12. – Москва: «Ладомир», 2002. – 784 с.

96. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. – Ленинобод: 1967. – 54 б.

97. Юстин Марк Юниан. Эпитома сочинения Помпея Трога «Historiae Philippicae» / Пер. с лат. А. А. Деконского, М. И. Рижского; Под ред. М. Е. Грабарь-Пассек; Комментарии К. В. Вержбицкого, М. М. Холода; Вст. ст.к. К. Зельина. – СПб.: Издательство С.– Петербургского университета, 2005. – 493 с.

### 3) Араб графикасидаги нашрлар

98. بیضاوی عبدالله بن عمر. نظام التواریح. – تهران: بنیاد، ۱۳۸۲. ۱۴۰ ص.

99. بلعمی ابو علی محمد بن محمد. تاریخ بلعمی. جلد دوم. – تهران: تابش، ۱۳۵۳. ۶۳۱ ص.

100. بناکتی. تاریخ بناکتی. – تهران: داورپناه، ۱۳۴۸. ۵۹۳ ص.

101. گردیزی عبد الحی بن ضحاک. زین الاخبار. – تهران: ارمغان، ۱۳۶۱. ۷۳۳ ص.

102. گوهرین سید صادیق. شرح اصطلاحات تصوف. ج. ۶. – تهران: زوار، ۱۳۷۸-۱۳۶۸. ص. ۲۱۵.

103. دهلوی امیر خسرو. آیینہ سکندری. متن انتقادی. با تصحیح و مقدمه جمال میرسیدوف. – مسکو: شعبه ادبیات خاور، ۱۹۸۸. ۷۳۳ ص.

104. دنیوری احمد بن داود. اخبار الطوال. ترجمه صادق نشات. – تهران: بنیاد فرهنگ ایران، ۱۳۶۱. ۲۸۵ ص.

105. ابن اثیر علی بن محمد. تاریخ کامل. ج. ۱. – تهران: اساطیر، ۱۳۷۰. ۴۴۶ ص.

106. ابن بلخی. فارسنامه. – تهران: اساطیر، ۱۳۸۴. ۱۹۹ ص.

107. اصفهانی حمزه. تاریخ پیامبران و شاحان. ترجمه حنجر شعار. – تهران: خواجه، ۱۳۴۶. ص. ۲۵۲.



108. مسعودی علی بن الحسین. مروج الذهب. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۱. - تهران: شرکت انتشارات علمی و فرهنگی، ۱۳۷۴. ۷۸۵ ص.
109. میرخواند محمد بن خاوندشاه. روضت الصفا. ج. ۱. - تهران: پیروز، ۱۳۳۸. ۸۱۲ ص.
110. مسکویه محمد بن محمد بن یعقوب. تجارب الامم. الجزء الاول. - بیروت - لبنان: دار الکتوب العامیه، ۱۴۲۴. ۳۸۳ ص.
111. مستوفی حمدالله. تاریخ گزیده. - تهران: امیر کبیر، ۱۳۳۹. ۶۴۲ ص.
112. نوایی علی شیر. سد اسکندری. علمی تنقیدی متن. توزوچی موجوده شاکر قیزی حمیداو. - تاشکند: ۱۹۹۳. ۹۹۴ ص.
113. نظامی الیاس بن بوصف. اقبالنامه. متن علمی و انتقادی. تصحیح: برات زنجانی. - تهران: انتشارات دانشگاه تهران. ۱۳۸۱. ۵۴۶ ص.
114. نظامی الیاس بن بوصف. شرفنامه. متن علمی و انتقادی. تصحیح: برات زنجانی. - تهران: انتشارات دانشگاه تهران. ۱۳۸۰. ۹۵۶ ص.
115. نولدکه تئودور. حماسه ملی ایران. ترجمه بزرگ علوی. - تهران: ارجنگ، ۱۳۲۷. ۱۷۵ ص.
116. نعمانی پروفیسور شبلی. شعر العجم. ترجمه گیلانی. - تهران: چاپخانه علمی، ۱۳۱۶. ۲۶۹ ص.
117. پیرنیا حسن. تاریخ ایران باستان. ج. ۱. - تهران: موسسه انتشارت نگاه، ۱۳۸۴. ۷۴۰ ص.
118. راوندی محمد بن علی. راحة الصدور و آية السرور. - تهران: اساطیر، ۱۳۸۵. ۶۴۸ ص.
119. سجادی جعفر. فرهنگ اصطلاحات و تعبيرات عرفانی. - تهران: طهوری، ۱۳۷۰. ۸۱۲ ص.
120. ثعالبی عبدالملک بن محمد. تاریخ ثعالبی. ترجمه محمد فضائلی. - تهران: نقره، ۱۳۶۸. ۵۲۰ ص.
121. صفوی سید حسن. اسکندر و ادبیات ایران. - تهران: امیر کبیرز، ۱۳۶۴. ۴۰۷ ص.
122. صفا ذبیح الله. حماسه سرایی در ایران. - تهران: پیروز، ۱۳۳۳. ۶۷۷ ص.
123. طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۱. - تهران: اساطیر، ۱۳۷۵. ۳۶۵ ص.
124. طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. - تهران: اساطیر، ۱۳۶۲. ۷۸۸ ص.

125. طبری محمد بن جریر. ترجمه تفسیر طبری. ج ۴. به اهتمام حبیب یغمای. - تهران: دانشگاه تهران، ۱۰۷۶، ۱۳۵۶ ص.
126. خردادبه عبیدالله بن عبدالله. مسالک و ممالک. ترجمه سعید خاکنند. - تهران: موسسه مطالعات و انتشارات تاریخ میراث ملل. ۱۳۷۱. ۲۲۸ ص.
127. شهرزوری شمس الدین محمد بن. نزہت الارواح. مترجم ضیالالدین دری. - تهران: دانش، ۱۳۱۶. ۴۰۶ ص.
128. شیرازی عبدی بیگ. آیین اسکندری. متن انتقادی. با تصحیح و مقدمه ابوالفضل هاشم اوغلی رحیموف. - مسکو: دانش، ۱۹۷۷. ۱۵۰ ص.
129. غزالی محمد. نصیحت الملوک. - تهران: مجلس، ۱۳۱۷. ۱۵۹ ص.

### III. Диний манбалар, адабиётлар

130. Ал-Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 1 китоб. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008. – 712 б.
131. Ал-Бухорий Имом Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 2-жилд. Арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўғли ва Хожа Баҳтиёр Набихон ўғли таржимаси. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 606 б.
132. Ал-Бухорий Имом Исмоил. Саҳиҳи Бухорий. 4-жилд. Арабчадан Абдулғани Абдуллоҳ таржимаси. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 527 б.
133. Arabi Muhyiddin İbn. Tefsir-i Kebir / Te'vilât. Cilt: 1. Tercüme: Vahdettin İnce. – İstanbul: Kitsan, 2008. – 780 s.
134. Ас-Самарқандий Ал-Фақиҳ Абу Лайс. Танбеҳ ул-ғофилийн. III китоб. Арабчадан Дилмурод Қўшоқов таржимаси. – Тошкент: Мутаржим, 2003. – 240 б.
135. Ат-Термизий Абу Ийсо Муҳаммад. Шамоили Муҳаммадийя. – Тошкент: Sharq, 2015. – 320 б.

136. Beydavi Kadi. Muhtasar Beydavi Tefsiri (Envaru't-Tenzil ve Esrarü't-Te'vil). I. Cilt. Tercüme ve Dipnotlar: Doç. Dr. Şadi Eren. – İstanbul: Selsebil, 2010. – 689 – 741 s.

137. Buitenwerf Rieuwerd. Book III of the Sibylline Oracles and Its Social Setting: With an Introduction, Translation, and Commentary. – Leiden – Boston: Brill, 2003. – 450 p.

138. Er-Râzî Fahreddin. Tefsir-i Kebir (Mefâtîhu'l-Gayb). 15. (Cilt). Tercüme: Prof. Dr. Suat YILDIRIM, Prof. Dr. Lütfullah CEBECİ, Doç. Dr. Sadik KILIÇ, Öğr. Gör. C. Sadik DOĞRU. – Ankara: HUZUR, 1993. – 576 s.

139. Josephus. The Jewish war. Books IV-VII. III. In nine volumes. With an english translation by H. St. J. Thackeray. – London: Harvard university press, 1968. – 710 p.

140. Zemahşerî Ebu'l-Kâsım Cârullah Mahmûd b. Ömer b. Muhammed el-Hârizmî. Keşşâf Tefsiri. Cilt: 4. Çeviren: Dr. Muhammed Coşkun. – İstanbul: Türkiye Yazma Eserler Kurumu Başkanlığı, 2018. – 1171 s.

141. İbn Kesir. El-Bidâye ve'n-Nihâye (Büyük İslâm Tarihi). 2. Cilt. Çeviren: Mehmet Keskin. – İstanbul: Çağrı, 2017. – 547 s.

142. İbn Kesir. Hadislerle Kuran-i Kerim Tefsiri (Tafsir ul-Qur'on ul-Azim). 10. Cilt. Çevirenler: prof. Dr. Bekir Karlığa, prof. Dr. Bedrettin Çetiner. – İstanbul: Çağrı, 2018. – 631 s.

143. Инжил. Тавротдан Ибтидо ва Забур. Таржимонлар: Валий Зуннун, Иброҳим Абаев, Юсуф Гулқаров. – Туркия: Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 1996. – 910 б.

144. Ishaq Muhammad ibn. The Life of Muhammad (Sirat Rasul Allah). Translator: A. Guillaume. – Karachi: Oxford University Press, 2001. – 860 p.

145. Книги Свилл. Перевод с древнегреческого Марии Витковской и Вадима Витковского. – Москва: Энигма, 1966. – 288 с.

146. Kurtubi İmam. el-Camiu li-Ahkami'l-Kur'an. 11. Cilt. Tercüme ve notlar: M. Beşr Eryarsoy. – İstanbul: Buruç, 2000. – 597 s.

147. Mâtürîdî Ebû Mansûr Muhammed bin. Te'vilatu'l-Kur'an Tercümesi. Cilt: 9. Çeviren: Doç. Dr. İbrahim TÜFEKÇİ. – İstanbul: Ensar, 2018. – 549 s.
148. Midrash Rabbah. Genesis (in two volumes) I. Translated into english with notes, glossary and indices under the editorship of rabbi dr. H. Freedman, B.A., Ph.D. – London: Soncino press, 1961. – 540 p.
149. Pirke de Rabbi Eliezer (Chapters of Rabbi Eliezer). Translated and annotated with introduction and indices by Gerald Friedlander. – New York: The bloch publishing company, 1916. – 555 p.
150. Рабғузий Н. Қисаси Рабғузий. К.2. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 404 б.
151. Cevzi Ebu'l-Ferec ibn Muhammed. Zadü'l-mesir fi ilmi't-tefsir. Cilt: 4. Çeviren: Doç. Dr. Abdülvehhab Öztürk. – İstanbul: Kahraman, 2009. – 592 s.
152. Siret-i ibn-i Hişam tercemesi. Birinci Cild. Terceme eden: Hasan Ege. – İstanbul: KAHRAMAN YAYINLARI, 2006. – 507 s.
153. Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 3: Tractate Shabbat 2. – Jerusalem: Koren, 2012. – 452.
154. Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 9: Tractate Yoma (69a). – Jerusalem: Koren, 2013. – 474 p.
155. Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 29: Tractate Sanhedrin, Part 2 (91a). – Jerusalem: Koren, 2017. – 367 p.
156. Steinsaltz Adin Even-Israel. Koren Talmud Bavli. The Noé Edition. Volume 41: Tractate Tamid (32a). – Jerusalem: Koren, 2019. – 532 p.
157. Süleyman Mukatil bin. Tefsir-i Kebir. Tercüme: M. Beşir Eryarsoy. – İstanbul: İşaret, 2015. – 1373 s.
158. Taberî Ebö Cafer Muhammed bin Cerir. Taberi Tefsiri. Cilt 5. Tercüme: Hasan Karakaya ve Kerim Aytekin. – İstanbul: Hisar, 1996. – 559 s.
159. The Book of Legends: Legends from the Talmud and Midrash. The first complete translation of Sefer ha-aggadah / [compiled by] Hayim Nahman Bialik and Yehoshua Hana Ravnitzky. Translated by William G. Braude. – New York: Schocken books, 1992. – 920 p.

160. The Jerusalem Talmud. Fourth order: Neziqin. Tractates Bava Qamma, Bava Mesi'a, and Bava Batra. Edition, translation, and commentary by Heinrich W. Guggenheimer. – Berlin · New York: Walter de Gruyter, 2008. – 780 p.

161. The Midrash on Psalms. Volume II. Translated from the hebrew and aramaic by William G. Braude. – New Haven: Yale university press, 1959. – 642 p.

162. The Holy Bible. New international version. – Lutterworth: Gideon, 2000. – 1303 p.

163. Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 672б.

164. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. III жуз. – Тошкент: Sharq, 2008. – 670 б.

165. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. VI жуз. – Тошкент: Sharq, 2008. – 639 б.

166. Шурунбиллолий Абул Ихлос Ҳасан ал-Вафоий, Шиблий Абу Зайд. Нур ул-изоҳ. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 132 б.

167. Қуръони карим (маъноларининг таржимаси). Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. – 617 б.

168. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. – Тошкент: Адолат, 2005. – 196 б.

169. Ғаззолий Абу Ҳомид. Мукошафат ул-қулуб. Миразиз Аъзам таржимаси. – Тошкент: Адолат, 2002. – 512 б.

#### **IV. Луғатлар**

170. Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони конкорданси / Тузувчилар: А.Қуронбеков ва бошқалар. – Тошкент: 2016. – 832 б.

171. Алишер Навоий: қомусий луғат. Икки жилдлик / Масъул муҳаррир: Ш.Сироҷиддинов. I ж. – Тошкент: Sharq, 2016. – 536 б.

172. Алишер Навоий: қомусий луғат. Икки жилдлик / Масъул муҳаррир: Ш.Сироҷиддинов. II ж. – Тошкент: Sharq, 2016. – 480 б.

173. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. III томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – 500 б.
174. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. III томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1961. – 428 б.
175. Краткий словарь мифологии и древностей. М.Крош. – Санкт-Петербург: издание А.С.Суворина, 1894. – 95 с.
176. Муҳаммад Гиёсуддин. Гиёс ул-луғот. Иборат аз 3 жилд. Ж.1. – Душанбе: Адиб, 1987. – 480 с.
177. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар Шамсиев П., Иброҳимов С. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
178. Sebescioğlu E. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sozluđu. – İstanbul: Ağac Kitabeyi Yayinlari, 2004. – 741 s.
179. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – 604 s.

#### **V. Бадиий адабиётлар**

180. Абай Қ. Ескендір. Поэмалар. – Алматы: Жазушы, 1986. – 134 б.
181. Attor Farididdin. Pоhiynoma. – Toshkent: Musiqa, 2007. – 400 b.
182. Аттор Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. – Тошкент: Ғафур Ғулом НМИУ, 2006.
183. Ганҷавӣ Н. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: Адиб, 2012. – 480 с. – 248 б.
184. Донишманд Искандар: эртақлар (Нашрга таёрловчи Б. Саримсоқов). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 176 б.
185. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 б.
186. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1987. – 620 б.
187. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
188. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.4. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.
189. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.5. – Тошкент: Фан, 1990. – 554 б.
190. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.6. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 б.
191. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.7. – Тошкент: Фан, 1991. – 392 б.

192. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.8. – Тошкент: Фан, 1991. – 544 б.
193. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.9. – Тошкент: Фан, 1992. – 356 б.
194. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.10. – Тошкент: Фан, 1992. – 448 б.
195. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.11. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.
196. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.12. – Тошкент: Фан, 1996. – 326 б.
197. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.13. – Тошкент: Фан, 1997. – 284 б.
198. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.14. – Тошкент: Фан, 1998. – 304 б.
199. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.15. – Тошкент: Фан, 1999. – 236 б.
200. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.16. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
201. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.17. – Тошкент: Фан, 2001. – 590 б.
202. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.18. – Тошкент: Фан, 2002. – 552 б.
203. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.19. – Тошкент: Фан, 2002. – 600 б.
204. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.20. – Тошкент: Фан, 2003. – 568 б.
205. Navoiy A. Saddi Iskandariy: nasriy bayoni bilan, nashrga tayyorlovchi M.Hamidova. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2006. – 672 b.
206. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. ТАТ. IX жилд. – Тошкент: Гафур Гулом НМИУ, 2011. – 768 б.
207. Навоий А. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент: Фан, 1958. – 1662.
208. Плутарх. Сайланма. Искандар Мақдунли. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 198 б.
209. Фирдавсий А. Шохнома: иборат аз 9 жилд. Жилд 6. – Душанбе: Адиб, 1989. – 552 с.
210. Фирдавсий А. Шохнома: иборат аз 9 жилд. Жилд 7. – Душанбе: Адиб, 1989. – 656 с.
211. Қомӣ Абдурахмон. Осор. Дар ҳафт жилд. Жилди 5. Лайлӣ ва Мачнун. Хирадномаи Искандарӣ. Ба чоп ҳозиркунанда А. Афсаҳзод. – Душанбе: Адиб, 1988. – 384 с.

## **VI. Диссертация ва авторефератлар**

212. Абдуллаев О. Амир Хусрав Дехлавӣ ва Амир Алишер Навоӣ (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари): Филол. фан. номз. ...дисс. – Хучанд, 2011. – 184 с.
213. Avcı İ. Türk Edebiyatında İskendernâmeler ve Ahmed-i Rıdvân'ın İskendernâme'si: Doktora tezi. – Balıkesir, 2013. – 1165 б.
214. Азимов Ю. Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандарий» достонининг қиёсий-типологик таҳлили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 1996. – 143 с.
215. Vittor Ch.F. The Herat schools persian poetry in the timurid period: A Diss. Ph.D. – Berkeley, 1978. – 989 p.
216. Walmsley Nicholas Gerard. O Navā'ī: imitation, innovation, and the invention of a Central asian literary icon, 1500–1900. Diss. Ph.D.. – Indiana: 2016. – 342 p.
217. Восиева Р.К. Роман об Александре и его рецепция в народных романах «Искандар-наме». Дисс. ... докт. филол. наук. – Душанбе: 2016. – 379 с.
218. Жўрақулов У. Алишер Навоӣ «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2017. – 264 б.
219. Исмоилов И. Алишер Навоӣ «Садди Искандарий» достонининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. бўйича PhD. ...дисс. – Тошкент, 2019. – 162 б.
220. Муллахўжаева К. Алишер Навоӣ ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги («Бадоеъ ул-бидоя» девони асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005. – 148 б.
221. Муртазоев Б. Алишер Навоӣ «Сабъаи сайёр» ва Хусрав Дехлавий «Ҳашт беҳишт» достонларининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1991. – 208 б.
222. Муҳиддинов М. Алишер Навоӣ ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1995. – 269 б.



223. Салимов И. Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати («Садди Искандарий» мисолида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 1994. – 137 б.

224. Tören H. Alî Şîr Nevâyî Sedd-i İskenderî (İnceleme-Metin-Dizin): Doktora Tezi. – İstanbul: 1990. – 1129 s.

225. The Book of the Gestes of Alexander of Macedon. Sefer Toledot Alexandros ha-Makdoni. A mediaeval hebrew version of the Alexander romance by Immanuel ben Jacob Bonfils. Edited and translated with introduction and notes by Israel J. Kazis, Diss. Ph.D. – Massachusetts: The mediaeval academy of America, 1962. – 340 p.

226. Ünver Ismail. Türk Edebiyatında Manzum İskendernameler. Doktora tezi. – Ankara: Ankara Üniversitesi, 1975.

227. Fearey Margaret Sharon. Nava'i's turkic and persian quatrains: discourse typology and the bilingual poet. Diss. Ph.D. – Michigan: 1977. – 188 p.

228. Халлиева Г. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи. Филол. фанлари д-ри.... дисс.... автореф. – Тошкент, 2016. – 73 б.

229. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV – XX аср манбалари: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2008. – 282 б.

230. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV – XV). Филол. фан. д-ри. дисс... . – Самарқанд: 2019. – 288 б.

231. Ҳайитов А. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 168 б.

232. Ҳамидова М. «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1994. – 173 б.

## **VII. Илмий тўплам, журнал ва газеталардаги мақолалар**

233. Абдуллаев И. Араб адабиёти ва Навоий // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 1. – Б. 12–18.

234. Абдуқодиров А. «Садди Искандарий»: анъана ва ўзига хослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. – № 1. – Б.10 – 14.
235. Avcı İ. Alexander the Great in Azerbaijani Turkish Literature // Remarks on Turkish Studies, – Warsaw: 2015. p. 329 – 340.
236. Avcı İ. Divan Şiirinde İskender-i Zülkarneyn // The Journal of International Social Research, 2014. Vol. 7, Issue: 29. – S. 47 – 69.
237. Avcı İ. Evliya Çelebi'nin Seyahatnâme'sinde İskender'i Zülkarneyn // Türok Dil, Edebiyat ve Halkbilimi Araştırmaları Dergisi, 2013. – № 2. – S. 409-431.
238. Avcı İ. İskendernamelerde ölümsüzlüğe yolculuk: İskender'i Zülkarneyn ve Hızır // Türkoloji sempozyumu bildirileri. – Adana, 2012. – S. 28–40.
239. Avcı İ. Tezahürü'l-Felasife: Anadolu Sahası İskendernamelerine göre Aristo, Eflatun, Sokrat, Bukrat // Uluslararası türk dili ve edebiyeti öğrenci kongresi. – Tudok: 2012. – S. 175 – 188.
240. Асадов М. «Садди Искандарий» достонида соқийнома характеридаги байтлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 1. – Б. 57 –64.
241. Boeschoten H. Alexander Stories in Ajam Turkic. Wiesbaden, 2009.
242. Bünyamin A. Ahmedî ile Behiştî'nin İskendernâme'lerinin Karşılaştırılması // Divan Edebiyatı Araştırmaları Dergisi, 2013. – № 10. – S.129–204.
243. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг «сайёр» шеърий миниатюраларни қайта ишлашдаги маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 1. – Б. 35–41.
244. Валихўжаев Б. «Хамса» ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – № 1. – Б. 16–21.
245. Валихўжаев Б. Алишер Навоий «Хамса»сининг шарқ хамсачилигида тутган ўрни // Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 7–9 б.

246. Dankoff R. The Alexander romance in the Diwan Lughat at-Turk. In: *Humaniora Islamica* 1 (1973), pp. 233 – 244.
247. Зоҳидов В. Навоий дунёқарашининг асосий манбалари // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 3–28.
248. Имомназаров М. Жомий «Хамса» ёзганми ? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005 йил, № 51.
249. Ismoilov I. Iskandar oynasi // *Oltin bitiglar*, 2019. – № 4. – В. 68 – 98.
250. Ismoilov I. “Saddi Iskandariy” dostonida fol motivi va badiiy tarnsformatsiyasi // *NamDU ilmiy axborotnomasi*. 2022, 3-son. – В. 796 – 800.
251. Исҳоқов Ё. Амир Хусрав ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976. – № 4. – Б. 49–53.
252. Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида сабабият // Навоийнинг бадий маҳорати масалалари. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 13–26.
253. Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. – №1. –Б. 33–39.
254. Исҳоқов Ё. «Хамса» поэтикасининг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. – №1. – Б. 10 – 15.
255. Комилов Н. Алишер Навоий ва Шарқ адабиёти // Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 25–26.
256. Комилов Н. Искандар пайғамбар бўлганми ? // Навоийга армуғон. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 3–9.
257. Маҳмудов Н. Сарлавҳалар лингвопоэтикаси (Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonидаги боблар мисолида) // Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди – намуна мактаби мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари. II китоб. – Тошкент: 2016. – Б. 137 – 140.
258. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Мақолалар тўплами. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, А.Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1968.
259. Pala I. Iskender mi Zulkarneyn mi? // *Journal of Turkish Studies*, 1990. – Vol.14. – P. 387 – 403.

260. Rubanovich Julia. The Alexander Romance. Romance and Reason: Islamic Transformations of the Classical Past. Ed. by R. Casagrande-Kim, S.Thrope, and R.Ukeles. – Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2018. – 26 – 47 p.

261. Ciancaglini Claudia A. The Syriac Version of the Alexander Romance / Le Muséon. 114 (1–2): 122. 2001.

262. Сулаймонова Ф. Искандар образининг эволюцияси // Адабий мерос, 1985. – № 1. – Б. 47–56.

263. Сулаймонова Ф. Искандар образининг эволюцияси // Адабий мерос, 1984. – № 3. – Б. 44–57.

264. Сулаймонова Ф. «Садди Искандарий»нинг юнон манбалари // Адабий мерос. – 1984. – № 2. – Б. 60–62.

265. Холбеков М. Матн, интерматн ва интерматнлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 6. – Б. 32–39.

266. Эргашев Қ. Навоий насрида матн композициясига доир // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 39–45.

267. Эшонбобоев А. «Садди Искандарий»нинг бадий хусусиятларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – №1. – Б. 67 – 70.

268. Қаюмов А. «Садди Искандарий» сарлавҳалари // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 84–103.

269. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижоди жаҳон адабиёти контекстида // Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 5–7.

270. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 1. – Б. 5–12.

271. Ҳаққулов И. Анъана ва маҳорат // Навоий ва ижод сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 90–102.

272. Ҳаққулов И. Навоий ва юнон фалсафаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. – №1. – Б. 3–8.

273. Ҳаққулов И. «Хамса» бадииятига доир // Алишер Навоий «Хамса»си (тадқиқотлар). – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 112–127.

### **VIII. Интернет сайтлари**

274. <http://www.iranicaonline.org>

275. <http://www.ettelaathekmatvamarefat.com>

276. <http://tefasir.blogspot.com>

277. <https://ganjoor.net>

278. <http://dergipark.gov.tr>

279. <https://dic.academic.ru>

280. <http://islamilimleri.com>

281. <http://www.attalus.org>

282. <http://bibliya-online.ru>

283. <http://ibtrussia.org>

284. <https://bible.by>

285. <https://ibt.org.ru>

286. <https://eleven.co.il>

287. <https://www.sefaria.org>

288. <https://www.encyclopedia.com>

## Псевдо-Каллисфен сурёний версиясининг тарихга муносабати

Сурёний версия	Юнон			Лот -ин	Тарих
	А	Б	С		
<b>1 китоб</b>					
1-б. Мисрнинг илохий донишмандлари наслидан бўлган Мисрнинг сўнгги ҳукмдори, сеҳргар Нектанеб ҳақида	+			+	-
2-б. Айғоқчиларнинг Нектанебни душманлар келаётганидан огоҳлантириши	+	+	+	+	-
3-б. Нектанебнинг Пеллага қочиши, Нектанебнинг бу иши у Мисрнинг душманларини таслим этадиган ёш ҳукмдорни мисрликлар учун олиб келади, деб изоҳланиши	+	+	+	+	-
4-б. Нектанебнинг Македонияда фолбин сифатида шуҳрат топиб, Филиппнинг маликаси Олимпияданинг назарига тушиши, маликани Аммон ҳақидаги чўпчаклар билан авраши	+	+	+	+	-
5-б. Нектанеб сабабли Олимпияда тушида Аммон келишини хоҳлаши	+	+	+	+	-
6-б. Олимпияда тушини таъбирлаш учун Нектанебни чақириши	+	+	+	+	-
7-б. Нектанеб Аммон, Геракл ва Дионис киёфасида Олимпияданинг ётоғига келиши; Нектанебнинг Олимпия Аммондан ҳомиладор эканини Филиппга туш орқали билдириши	+	+	+	+	-
8-б. Филиппга таъбирчиларнинг Олимпия Ливия худоси Аммондан ҳомиладор эканини айтиши	+	+	+	+	Плутарх, II-III, ўзгарган
9-б. Филипп сафардан қайтиб, барча бўлган воқеалардан хабардорлигини айтиши	+	+	+	+	-
10-б. Филиппнинг хотини садоқатидан шубҳаланиши, хонада илон киёфасидаги Нектанебни кўргач тинчланиши	+	+	+	+	-
11-б. Филиппнинг тиззасига товукнинг тухум қўйиши ва бу ишнинг таъбири	+	+	+	+	-
12-б. Нектанебнинг хайрли бурж ва соатни тайин қилиши ва Олимпияданинг Александрни дунёга келтириши; ер силкиниб, чақмоқ чақиши	+	+	+	+	Плутарх, III, ўзгарган
13-б. Филипп собиқ хотинидан туғилган ўғли шарафига чақалоққа Александр деб исм қўяди; Александрнинг киёфаси тавсифи ва тарбиячилари; Букефалнинг совға қилиниши	+	+	+	+	Плутарх, IV-VI, ўзгарган
14-б. Александрнинг ёшлиги; Нектанебнинг бор ҳақиқатни Александрга айтиб вафот этиши	+	+	+	+	-
15-б. Филиппнинг Делфидаги оракл билан вориси масаласида маслаҳатлашгани	+	+	+	+	-
16-б. Александрнинг Букефални Пелла орқали ҳайдаши	+	+	+	+	Плутарх, VI, ўзгарган
17-б. Аристотелнинг саволларига Александрнинг жавоблари; Аристотел ва Александрнинг ёзишмалари	+	+	+	+	Плутарх, VII-VIII, ўзгарган
18-б. Александрнинг Пизадаги арава пойгаларига бориши	+	+	+	+	-
19-б. Мусобақалар тавсифи; Николайнинг Александр томонидан мағлуб этилиши	+	+	+	+	-
20-б. Филипп Олимпияда билан ажрашиб, Клеопатрга уйланиш муносабати билан базм ташкил этиши	+	+	+	+	Плутарх, IX, ўзгарган
21-б. Александрнинг базмда Лисийни ўлдириши ва Филипп билан тортишуви	+	+	+	+	Плутарх, IX, ўзгарган
22-б. Александрнинг отаси Филипп билан ярашуви	+	+	+	+	Плутарх, IX, ўзгарган
23-б. Александрнинг Месондаги кўзғалонни бостириши; қайтиб келиб Доро элчиларини кўриши ва уларни қуруқ қайтариши; элчилар томонидан Александрнинг сурати чиздирилиши; Александрнинг Арманистон кўзғалонини бостириши	+	+	+	+	Плутарх, V; IX, ўзгарган

24-б. Теосиднинг Филиппни ўлдиришга уруниши; Теосиднинг тутилиши ва Филипп томонидан ўлдирилиши; Филиппнинг ўлими	+	+		+	Плутарх, X, ўзгарган
25-б. Александр кенгаш ўтказиб, форслар хукмронлигига чек қўйишга ундаши	+	+	+	+	Арриан, I.1; Плутарх, XIV, ўзгарган
26-б. Александрнинг армиясидаги аскарлар сони	+	+	+	+	Арриан, I.3; Плутарх, XV, ўзгарган
27-б. Александр қўшинларининг денгизга чиқиши	+				Плутарх, XV; Арриан, I.11-12; ўзгарган
28-б. Александрнинг Римга бориши; Римликларнинг совғалар ва тож юбориши	+				Плутарх, XIV; Арриан, I.12, ўзгарган
29-б. Александрнинг Африкадаги Карфагенга бориши	+	+	+	+	-
30-б. Аммонга қурбонлик қилиши, мис ҳайкалини ясатиши; Аммонинг шаҳар қуриш учун Александрга жой кўрсатиши	+	+	+	+	Плутарх, XXVI, XXVII, XXVIII; Арриан, III. 1,2,3,4,5, ўзгарган
31-б. Александр Тафосирисда макбара қурдириши	+	+	+	+	-
32-б. Александрнинг Зевс, Ҳера ва худо Сераписга атаб қурбонликлар қилиши; Александрияга асос солиши	+	+	+	+	-
33-б. Аристотелнинг қатта шаҳар қурилишига қарши чиқиши; Александрнинг қуришга қарор қилиши	+	+	+	+	-
34-б. Александрнинг Мемфисга бориши ва руҳонийларнинг унга тож кийдириши; Нектанеб ҳайкали пойидаги башоратни ўқиб, унда айтилган ёш ҳукмдор ўзи эканини эълон қилиши	+	+	+	+	Арриан, III. 5, ўзгарган
35-б. Александрнинг Сурияга бориши ва Тирни таслим этиши	+	+	+	+	Плутарх, XXIV, XXV; Арриан, II. 18 – 27, ўзгарган
36-б. Доронинг элчилари Александрнинг донолиги ҳақида айтиб, суратини кўрсатишгани, Доро уни менсимай, отиб юборгани, қизи Роксан суратни кўриб ёқтириб қолгани; Доронинг Александрни ҳақоратлаб мактуб, қамчи, тўп, бир сандиқ тилла юборгани	+				-
37-б. Александрнинг Доро сўзларидан руҳияти тушган аскарларини руҳлантириши	+	+	+	+	-
38-б. Дорога жавобан хат ва хантал уруғи юборилиши	+				-
39-б. Доронинг хантал уруғини чайнаб кўриши; Торусдаги сатрапларига Александрни қамчилаб, онасининг олдига олиб боришни буюриши	+	+	+	+	-
40-б. Доронинг яна хат ёзиб, юртига қайтса, гуноҳларидан ўтишини айтиши	+	+	+	+	-
41-б. Александрнинг онаси Олимпия касаллиги сабабли Македония қайтиши	+	+	+	+	-
42-б. Александрнинг Ахая, Перия ва Фригияга бориши; Ҳектор ва Ахиллесга қурбонликлар қилиши		+	+	+	Арриан, I.12, ўзгарган

43-б. Александрнинг Македонияга келиши, онасини кўргач, ўзи учун ёпиқ бўлган Абдера шахрига бориши		+	+	+	
44-б. Александрнинг Эуксин денгизига бориши, аскарларга овқат йўқлиги учун отларни сўйишни буюриши	+	+	+	+	-
45-б. Александрнинг Локрига келиши, Акратисда фол очириши	+			+	-
46-б. Фивага қарши юриш ва Фиванинг вайрон этилиши	+			+	Арриан, I.7-10, ўзгарган
47-б. Александрнинг Коринф ўйинларида иштирок этиши	+			+	-
<b>II китоб</b>					
1-б. Александр Платеяга бориб, руҳонийдан илтифот кўриши; афиналикларга ҳар йили 1000 талант олтин ўлпон тўлашни юклаши	+			+	-
2-б. Афинадаги ўн нотикнинг Александрга хат ёзиши;	+			+	Арриан, I.10, ўзгарган
3-б. Демосфеннинг нутки	+			+	Диодор, XVII. 3-5, ўзгарган
4-б. Демосфеннинг нутки	+			+	Диодор, XVII. 3-5, ўзгарган
5-б. Александрнинг мактуб ёзиб афиналикларни қойиши	+			+	Арриан, I.10; Диодор, XVII.15, ўзгарган
6-б. Александрнинг элчи қиёфасида Доронинг хузурига бориши	+	+	+	+	-
7-б. Александрнинг олтин қадаҳларни яширинча олиб қочиши	+	+	+	+	-
8-б. Александрнинг ўз қўшинини жангга руҳлантириши					Плутарх, XXXIII; Арриан, II.6, ўзгарган
9-б. Доро билан жанг; Доро оиласининг асирга тушиши; Ксеркс саройига ўт қўйиши	+	+	+	+	Плутарх, XXXVIII; Арриан, II.6-12; III.18, ўзгарган
10-б. Александрнинг олтин тобутдаги Кир жасадини кўриши	+	+	+	+	Арриан, III.18; VI.29, ўзгарган
11-б. Доронинг иккинчи жангга тайёргарлик кўра бошлаши; Александрнинг Парфияга юриши; Доронинг таъқиби	+	+	+	+	Арриан, III.16-21, ўзгарган
12-б. Багиз ва Анабденинг Дорога суиқасд қилиши; Александр уни чалажон топиб, унга тасалли бериши ва Доронинг оиласини унга топшириб жон бериши	+	+	+	+	Плутарх, XLIII; Арриан, III.20-21, ўзгарган
13-б. Александрнинг Дорони дафн этиши ва қотилларни жазолаши	+	+	+	+	Арриан, III.22, ўзгарган
14-б. Александрнинг Доронинг онаси ва хотинига хат ёзиши; Роксанани никоҳига олиши.	+	+	+	+	-
<b>III китоб</b>					
1-б. Александрнинг Порга қарши юриши; аскарларнинг жангларнинг	+	+	+	+	Арриан,



кўплигидан шикоят қилиши					IV. 22-23; Плутарх, XLVII; Руф, VI.2-3, ўзгарган
2-б. Александрнинг Пордан мазмунан қўпол хат олиши ва жавоб бериши	+	+	+	+	-
3-б. Форс ва македонларнинг жанг қилиш учун ҳиндлар устига юриши, Порнинг қаршилиги; Букефалнинг ўлими	+	+	+	+	Арриан, V. 8-15; Плутарх, LXI, ўзгарган
4-б. Александрнинг Пор билан яккама-якка жанги, Порнинг ўлдирилиши	+	+	+	+	Арриан, V. 15-19, ўзгарган
5-б. Браҳманларнинг мактуби ва уларнинг турмуш тарзи	+	+	+	+	Арриан, VI.7, ўзгарган
6-б. Александрнинг браҳманлар билан савол-жавоблари	+	+	+	+	Плутарх, LXIV, ўзгарган
7-б. Александрнинг Аристотелга мактуб ёзиб, Ҳиндистонда қўрган-кечирганлари ҳақида сўзлаб бериши	-	-	-	-	Арриан, VI.1, ўзгарган
8-б. Александрнинг Самраяга бориши, Кандакага мактуби	+	+	+	+	-
9-б. Кандаканинг яширинча Александр суратини чиздириши; Александрнинг элчи қиёфасида кўрсатиши	+	+	+	+	-
10-б. Антигон қиёфасидаги Александр Кандаканинг ўғли Кандакусга ёрдам бериши	+	+	+	+	-
11-б. Александрнинг Кандака ҳукмронлик қилувчи шаҳарга бориши	+	+	+	+	-
12-б. Кандаканинг саройи ва Кандаканинг элчи қиёфасида Александрнинг ўзи келганини билиб қолиши	+	+	+	+	-
13-б. Александрнинг яхшилик билан кузатилиши	+	+	+	+	-
14-б. Александрнинг Кандакус билан бир тепаликка бориши; Сесанчос ва Серапис худолари билан суҳбатлашиши	+	+		+	-
15-б. Александрнинг амазонлар юртига бориши, мактуб юбориши ва жавоб олиши	+	+	+	+	Арриан, IV.15; VII. 13; Диодор, XVII, 77, ўзгарган
16-б. Амазонларга яна мактуб юбориши	+	+	+	+	Арриан, IV.15; VII. 13; Диодор, XVII, 77, ўзгарган
17-б. Александрнинг амазонлар юртига бориши, беш юз амазонга дуч келиши ва уларнинг олтин совғалар бериши; Александрнинг Бобилга қайтиши				+	-
18-б. Александрнинг Осиё ажойиботлари ҳақида онасига ёзган мактуби	+	+	+	+	-
19-б. Александрга бир аёл томонидан тўрт бошли ҳайвоннинг кўрсатилиши; халдейларнинг бу воқеани Александрнинг ўлимига ишора деб айтиши	+	+	+	+	Арриан, VII.16-17; Диодор, XVII, 112, ўзгарган
20-б. Олимпиянинг Антипатер ҳақидаги айбловларни Александрга юбориши; Антипатернинг Александрга суиқасд уюштириши ва ўғли	+	+	+	+	Диодор, XVII, 118,

Кассандр орқали Александрни заҳарлаши					Ўзгарган
21-б. Александр ўлди, деб ўйлаган аскарларнинг ғала-ғовури, Александрнинг ҳаста ҳолда уларга кўриниш бериши	+	+	+		Плутарх, LXXIV, ўзгарган
22-б. Александрнинг васиятномаси	+	+	+	+	Руф, X.5, ўзгарган
23-б. Александрнинг вафоти; жасадининг аввал Мемфисга, кейин Александрияга олиб келиниши		+	+	+	Руф, X.10
24-б. Александр яшаган ва ҳукмдорлик қилган йиллар; Александр асос солган шаҳарлар рўйхати	+	+	+	+	-

2-илова

### «Ойнаи Искандарий» композицияси

Боблар	Шартли номлар	
I (1)	Аллоҳга ҳамд	
II (2)	Муножот	
III (3)	Расул наъти	
IV (4)	Меърож таърифида	
V (5)	Шайхи олам Низомулмулк мадҳи	
VI (6)	Шамс ул-салотин Алоуддин мадҳи	
VII (7)	Бу подшоҳга хизматкори (камина)нинг хитоби	
VIII (8)	Сўзнинг мартабаси ҳақида сўз; Низомий силкидан етим қолган дурларни жамлаш сабаби ва ўз сўзларига эътибор; аввалроқ тарихнинг сафсаталари билан тўлган бу қиссанинг қабул қилиб бўлмас жиҳатлари ҳақида;	
IX (9)	Дамашқ дарёсига шўнғиб аёлга айланган эркак ҳикояти	
X (10)	Ақлни ишлатиш, ҳалоллик ва умрни беҳуда ўтказмаслик бобидаги насихатлар	
<b>Асосий қисм</b>		
XI.1.	10	Давлатнинг сифатлари ҳақида сўз
	11	Хирқасини осмонга отган дарвеш ҳикояти
	12	Искандарнинг биринчи достони; Искандарнинг Чин хоқонига қарши қўшин тортгани
XII.2.	13	Фатҳ ҳақида сўз
	14	Санжарга қарши турган рум подшоҳи ҳикояти
	15	Искандар ва Хоқон жанги; Канифу қиссаси
XIII.3.	16	Ғазабни боса олиш фазилати ва хорлик (беномунишонлик) мақтови
	17	Икки вазир ҳикояти
	18	Искандар ва Хоқоннинг яккама-якка олишуви, Искандарнинг ғалаби қозониши
XIV.4.	19	Билагизўрлар насихатики, улар кўлостидагиларни бақувват панжаларининг қаттиқ тарсақиси билан назорат қиладилар ва мажруҳлар жароҳатига ўз лутфидан малҳам кўядилар
	20	Туя ва сичқон ҳикояти
	21	Искандарнинг оби ҳаёт қидиргани; Яъжуж-Маъжужларга қарши сад қургани
XV.5.	22	Дирам-у динор йиғувчиларга насихат, умрнинг ғанимат экани
	23	Бир ҳарис (очкўз) ҳикояти
	24	Искандарнинг Канифу висолига етгани
XVI.6.	25	Оламни ҳаракатга келтирувчи ақл эгалари, олимлар мадҳида
	26	Икки таррошловчи уста ҳикояти
	27	Турли восита-ю асбоблар ҳақидаги дoston; Искандарнинг табиий қувват, илоҳий илҳом ва риёзат ёрдамида ихтиро қилган маснуоти; румлик ва чинлик рассомлар мунозараси; Устурлоб, ойна ва Искандария минораси ҳақида
XVII.7.	28	Қиш таърифида
	29	Қўлга кирганини қўлга кирмагани умидида бой берган ит ҳикояси
	30	Искандарнинг зардуштийларга қарши курашгани
XVIII.8.	31	Асҳоби яқин насихати, фалсафа ва даҳрийлар ҳақида

	32	Моҳиятни англашга ундаган кампир ҳикояти
	33	Искандарнинг даҳрий юнон файласуфларига қарши қўшин торгани
XIX.9.	34	Мудакқиқлар васияти, илм ва тафаккур ҳақида
	35	Соқолидаги тукларини санолмай мот бўлган файласуф ҳикояти
	36	Искандар ва Афлотун саргузашти; Афлотуннинг Искандарга таълим бериши; икки ҳикоят; Искандар ва Афлотун суҳбатининг якуни
XX.10.	37	Олам ишларини ўрганиш ҳақида; дарё ва денгизларга ибрат кўзи билан боқиш
	38	Кўрлар ва фил ҳикояти
	39	Искандарнинг денгиз сафари; кўрган-кечирганларини хатларга ёзиб юртига юбориши
XXI.11.	40	Суҳбат сулукини билишнинг қиймати ҳақида
	41	Мажнун ҳикояти
	42	Искандарнинг Баҳри муҳит марказига етиб боргани ва сув остига тушгани; ҳикоят; Искандарнинг васиятлари, ўлими ҳақида фол кўриш
XXII.12	43	Ҳамманинг паймонасини тўлдирувчи сарнигун шиша (фалак)нинг мудом айланиши ҳақида
	44	Луқмон ҳикоят
	45	Искандар ҳаётининг охири; ўгли Искандарусни ворис қилгани, унинг бошини тождан олиб қочгани
XXIII.1.	46	<b>Ҳотима.</b> Достон ҳақида (ҳасби ҳол, фахрия)

3-илова

### «Хирадномаи Искандарий» композицияси

Боб	Номи
1	Оғоз. Ҳамд
2	Муножот
3	Наът
4	Меърож
5	Давлатхоҳ дуосида
6	Хусайн Байқаро мадҳи
7	Нега аксар мазлумлар дуосининг ижобати яширин деган саволнинг жавоби
8	Фарзандга насиҳат
9	Нафси муфлис насиҳатида
	Ҳожилар қарвонидан адашиб, бир кекса кампир билан қаноат бодиясида таваккул қадамини босган одам ҳикояти
10	Сўз, сўз айтиш ва бу манзума назмининг сабаби ҳақида
	Қурбаканинг афсонасига қулоқ тутиб, насия умидида нақдни қўлдан берган калхат ҳикояси
11.1.	«Хирадномаи Искандарий»ни ёзишга киришиш; Искандарнинг ёшлиги, таълим олиши
	Бир хунук ҳақим ва муфлис (пасткаш) ҳикояти
12.2.	Файлакус салтанатининг охири, тахт-у тожини Искандарга топшириб, Арастудан ўгли учун хираднома ёзиб беришни сўрагани
	Йиғлаётган болани кўриб йиғининг сабабини сўраган пир ҳикояти
13.3.	Искандар достонини ўзини тавозе тупроғига отди ва бошини тавозе хокдан ҳайратангез авжга юксалтирди; Искандарнинг донишмандларга ҳикмат китобларини ёзишни буюргани
	Қишлоқ раисининг ўгли ҳикоятини, отаси билан шаҳар ҳокимининг шавкат-у ҳашаматини мушоҳада қилди
14.4.	Аристотелис хирадномаси
	Тулқининг маслаҳати билан сувга ётиб, юқини янада оғир қилиб олган туя ҳикояти
15.5.	Афлотун хирадномаси
	Бир ростгўй ҳикояти
16.6.	Сукрот хирадномаси
	Содда балиқни ҳийла билан тузоққа туширган балиқчи қуш ҳикояти
17.7.	Букрот хирадномаси
	Лайим ўғил тарбиясидан ёзғирган ҳақим ота ҳикояти
18.8.	Файсоғурс хирадномаси
	Катта нонни еб туриб «нон кичик, иштаҳам катта» деб йиғлаган болақай ҳикояти
19.9.	Асқалийнус хирадномаси

	Либоси нағз-у гапи бемағз йигит ҳикояси
20.10.	Ҳирмис хирадномаси Уйини безатган бадбашара ҳикояттики, бир ҳаким уйида тўхтади ва тупигини унга тупиргани
21.11.	Искандарнинг жаҳонгирлиги достони ва шаҳарлар куриб, ихтирольар қилганининг қисқача баёни Бир ғариб қози ҳикояти
22.12.	Искандар хирадномаси Ёш канизакка халифанинг етишаолмагани ҳикояти
23.13.	Мужаррад (уйланмаган)лар насихати ва уйланганлар васияти Парвез билан балиқчи ҳикояти
24.14.	Чин хоқонининг Искандарга ҳақир туҳфа юборгани ва шариф ҳикматидан огоҳлик бергани достони Ер сотиб олиб, ундан ганж топган киши ҳикояти
25.15.	Искандарга онасининг мактуби Байрам либосини кийиб ўзига мафтун бўлган, лекин ажал ўқидан йиқилган йигит ҳикояти
26.16.	Искандарнинг Арастудан васият талаб қилгани ва унинг ёзгани достони Фарзона подшоҳ билан ақлсиз девона ҳикояти
27.17.	Арасту шоғирдларининг ҳикмат нуктасини айтгани ва Искандарнинг бундан хабар топиб, уларга гавҳар шодаларини нисор қилгани достони
28.18.	Искандарнинг Ҳинд заминига етгани ва у ерлик ҳакимлар билан мулоқоти достони Ҳикмат воситасида юксак даражага етишган ҳаким ҳикояти
29.19.	Искандарнинг покизалар шахрига боргани ва уларнинг савол-жавоблари достони Мардумдан ўзини йироқ тутувчи ҳаким ва унинг замон подшоҳи билан савол-жавоби ҳикояти
30.20.	Тахт-у тождан қочиб юрувчи шахзода билан Искандар мулоқоти достони
31.21.	Искандарнинг денгиз сафарида Қоф тоғидаги фариштани учратгани ва ундан насихат сўрагани достони Марв ҳокимининг хотини билан қули ўртасидаги хусумат ҳикояти
32.22.	Искандарга ўлими аломатларининг зоҳир бўлгани ва унинг онасига мактуб ёзгани
33.23.	Искандарнинг «вафотимдан сўнг тобутдан қўлимни чиқариб қўйинглар, токи бўш қўлим барчага зоҳир бўлсин» деб васият қилгани достони Хотинига «фойдаланганинг сеники, беркитганинг ўзганики» деган ҳаким ҳикояти
34.24.	Искандарнинг ўлими ва ҳакимларнинг унга мотам (йиғис)и достони Биринчи ҳаким мотами Иккинчи ҳаким мотами Учинчи ҳаким мотами Тўртинчи ҳаким мотами Бешинчи ҳаким мотами Олтинчи ҳаким мотами Еттинчи ҳаким мотами Саккизинчи ҳаким мотами Тўққизинчи ҳаким мотами Унинчи ҳаким мотами
35.25.	Искандар тобутининг Искандарияга олиб кетишгани ва онасига ҳакимларнинг таъзиялари Биринчи ҳакимнинг таъзия билдиргани Иккинчи ҳакимнинг таъзия билдиргани Учинчи ҳакимнинг таъзия билдиргани Тўртинчи ҳакимнинг таъзия билдиргани Бешинчи ҳакимнинг таъзия билдиргани
36.26.	Искандар онасининг ҳакимлардан узр сўрагани
37.27.	Арастунинг Искандар онасига таъзияномаси
38.28.	Искандар онасининг Арасту номасига жавоб ёзгани
39	Бу икки эшикли работнинг бевафолиги ҳақида Кўп йиғлаш туфайли умрини шўр-у талх қилиб ўтказувчи балхлик девона ҳикояти
40	Сўзнинг забардастлари панжасига тоб бера олувчи бу беш китоб панжасидан бешинчи бармоқ хатмига хотам билан хотима